

УМАРАЛИ
НОРМАТОВ

НАСРИМИЗ АНЪАНАЛАРИ

(Адабий-танқидий мақолалар)

Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
Тошкент—1978

Норматов Умарали.

Насримиз анъаналари. Адабий-танқидий мақолалар. У. Норматов.—Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978 ©.
216 б.

Адабиётшунос Умарали Норматов бу китобида жамоатчиликни қизиқтираётган, жиддий мунозараларга сабаб бўлаётган масалалар устида баҳс-критикади, социалистик реализм анъаналарини изчиқ-давом эттираётган, уларни дидил новаторлик изланишлари билан қўшиб олиб бораётган, сўз санъатини янгиликлар билан бойлатаётган турли авлодга мансуб адиблар ижодиини, характерли асарларини таҳлил этади.

Норматов Умарали. Традиции узбекской прозы. Сборник статей.
8Ўз2

Н 70202—31
352 (ОБ)—78 156—78

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978 й.

НАСРИМИЗ АНЪАНАЛАРИ

АДАБИЙ ЖАРАЁН ДИАЛЕКТИКАСИ

Ҳозирги пайтда традиция ва новаторлик муносабати адабий жараёндаги энг ўткир проблемалардан бири бўлиб турибди. Бу шунчаки назарий муаммо сифатида адабиётшунос олимларнигина қизиқтириб қолмасдан, биринчи галда ижодкорлар эътиборини ўзига жалб этмоқда.

Ижодкорлар орасида традиция ва новаторликнинг ўзаро муносабати, адабий жараёндаги ўрни хусусида икки хил қараш мавжуд: айрим адиблар традициянинг ролини ошириброқ кўрсатсалар, айримлари новаторликни биринчи ўринга қўядилар. Далилларга мурожаат этайлик. Шонр Илья Сельвинский ёзади:

«Мен қатъий аминманки, санъатни ҳар гал қайта янгидан қуриб бўлмайди. Бунинг учун жаҳон аҳамиятига молик тарихий туб ўзгаришлар юз бериши лозим. Инқилоб ана шундай туб ўзгариш бўлган эди. Совет поэзиясида экспериментлар ўтказиш даври аллақачон ўтиб кетган: ажойиб йигирманчи йиллар бу вазифани қойилмақом қилиб адо этган эди. Дарвоқе, экспериментнинг ўзи қандайдир эстетик қонуният билан алоқадор бўлиши керак... Бизнинг ёш экспериментчиларимизда мулоҳазакорлик етишмаяпти. Улар ҳозирги поэзиянинг вазифаси қўлга киритилган муваффақиятларни чуқурлаштиришдан иборат эканлигини тушуниб етмаяптилар» («Вопросы литературы», 1967, № 11, стр. 92).

Ёзувчи В. Катаев эса бошқача фикрни илгарн суради. У дейди: «Аслида ёзувчи ботинан ҳеч кимни так-

рорламаслиги шарт. Ҳатто Шекспирни ҳам. Ҳеч қанақа адабий концепцияларга, ҳеч қанақа адабий шартларга бўйсунмайдиган ҳаётнинг асл ифодаси керак. Энг юксак бадний маданият дурдоналари ҳам генийлардан механик равишда олинганда жонсиз бир нарса бўлиб қолаверади. Бизда эса баъзи ёзувчилар бошқалар томонидан қуйилган гиштдан тап-тайёр конструкциялар асосида уй қуришга ишқибоз болаларга ўхшайди. Гиштлар улардан олдин уларга деб тайёрланган, улар учун фақат шаклларни алмаштиришгина қолган. Осонгина машғулот... Бунақа — «конструкциялар» билан банд бўлишдан иборат ҳавойи кайфиятлардан қутулиш ва ҳақиқий янги проза яратиш учун ёзувчи энг аввал ижодда ўзига нисбатан ботинан шафқатсиз бўлиши лозим. Ёзувчи ўз қўли билан ўзи учун ортиқча ғовлар яратмаслиги лозим» («Вопросы литературы», 1971, № 2, стр. 128).

Адабиётдаги новаторлик аниқ тарихий шароит, халқ ҳаётидаги, маънавиятидаги ўзгаришлар билан чуқур боғлиқ эканлигини ҳеч ким инкор этолмайди. Ҳамза билан С. Айнийнинг ўзбек шеърляти учун тамомла янгилик бўлган инқилобий шеърляри, аввало, юртдаги инқилобий ўзгаришларнинг мевасидир; «Бой ила хизматчи», «Ўтган кунлар» типдаги ўзбек китобхони учун янгилик бўлган реалистик асарларнинг Ўзбекистон шароитида, айтайлик, ўн йил бурун яратилишини ҳеч ким тасаввур этолмаса керак. Ахир Ҳамза, С. Айний ва А. Қодирийлар революциядан анча олдин ёзувчи сифатида танилган, қатор шеърй, драматик ва насрий асарлар эълон этган эди. Бироқ улар ижодидаги туб бурилиш инқилобдан кейин юз берди, жумладан, С. Айний, ўзи эътироф этганидай, эътиборга сазовор барча асарларини қирқ ёшдан кейин яратди. С. Залигин «Ёзувчи ва традиция» сарлавҳали мақоласида рус реализми асосчилари адабиётга изма-из кириб келганлигини айтиб, уларни бир ота-она фарзандларига қиёс қилган эди. Орадан юз йил ўтгач, ўзбек адабиётида ҳам худди шун-

дай ҳолат юз берди; ўзбек адабиётида етук реализм, бинобарин, социалистик реализм асосчиларини ҳам бир ота-она фарзандларига ўхшатса бўлади. Ўтмишдошлари каби улар ҳам ифодалар бобида классик адабиётнинг бой анъаналари йўлидан бораверса, аниқроғи, фақат анъаналар билан чекланса бўлмасмиди? Асло! Оламни ларзага солган, халқни асрий зулматдан уйғотиб юборган инқилобий ўзгаришлар янги авлод олдиға тамомила янги вазифаларни қўйди, улар бу вазифаларни шараф билан адо этишди, давр, халқ, партия билан ҳамнафас бўлиб, ўтмиш адабиётининг илғор анъаналарини давом эттириб, рус ва қардош халқлар, энг муҳими, етук реалистлар тажрибаларини дадил ўзлаштириб, ўзбек адабиёти тарихида янги саҳифа очдилар.

Шуниси характерлики, Ҳамза, С. Айний ва А. Қодирийлар инқилобдан бурун ҳам баъзи ижодий изланишлар қилишган, янги бадий шаклларда асарлар яратилганга интилган, бироқ бу ижодий изланишлар жиддийроқ натижа бермаган, янги шаклларда воқеа бўларли ўлмас асарлар яратилган эмас; янги тарихий шароитдагина бундай изланишлар муваффақият билан якунланди.

Шу маънода И. Сельвинский гапида жон бор: бироқ шоирнинг ҳозирги кунда ижодий экспериментлар учун ҳаётий замин йўқ, эндиликда адабиётнинг вазифаси фақат 20-йилларда қўлга киритилган муваффақиятларни чуқурлаштиришдангина иборат, деган фикрига тўла қўшилиб бўлмайди. Дарҳақиқат, ҳозирги кунда адибларимиз совет адабиётининг йигирманчи йилларда асос солинган нодир анъаналарини изчил давом эттиряпти, шу билан баробар, ҳозирги тараққиёт сўз санъати олдиға янги вазифаларни кўндаланг қилиб қўймоқда, қатор ижодий муаммоларни янгича ҳал этишни тақозо этмоқда.

Ҳозир мамлакатимиз буюк тарихий ўзгаришлар — социализмдан коммунизмга ўтиш палласида турибди. 50-йилларнинг ўрталаридан бошлаб партия амалға

оширган жуда муҳим назарий ва амалий вазифалар мамлакатнинг иқтисодий-маънавий ҳаётида чуқур из қолдирди, жумладан, адабий тафаккурга кучли таъсир кўрсатди.

Шу даврга келиб социалистик миллатлар, маданиятлар орасидаги ҳамкорлик, уларни бир-биридан ўрганиш, бир-бирига таъсир кўрсатиш, бир-бири билан яқинлашиш жараёни ғоят кучайди, бунинг натижасида ўтмишда бадний тараққиётнинг қуйироқ босқичида турган миллий адабиётлар Иттифоқимиздаги илғор, етук адабиётларга тенглашиб олди. Худди шу даврга келиб, қозоқ М. Аvezов, қирғиз Ч. Айтматов, авар Р. Ҳамзатовларнинг номи М. Шолохов, К. Федин, А. Твардовский, Ойбек, Ғ. Ғулом, С. Вурғун, О. Гончарлар қаторида ифтихор билан тилга олинadиган бўлиб қолди. Худди шу даврга келиб СССР халқлари адабиётлари ривожига хос умумий тенденциялар мисли кўрилмаган даражада яққолроқ намоён бўла бошлади; метод ва эстетик принциплар яхлитлиги, кураш ва интилишлар бирлиги туфайли миллий адабиётларнинг ғоявий проблематикаси, образлар, ифодалар, услублар оламида муштараклик сезиларли даражада кучайди; эндиликда миллий адабиётдаги бирор ҳодисани қардош адабиётлардаги ҳодисалардан ажратиб олиб қараш, таҳлил этиш асло мумкин эмас.

Шу йиллар давомида кенг қулоч ёйган фан-техника революцияси, санъатнинг илмий прогресс билан боғлиқ кино, радио, телевидение каби турлари, бир томондан, адабиётдаги интернационаллашиш жараёнини яна ҳам кучайтирди; иккинчи томондан, сўз санъати ривожига қатор янги проблемаларни келтириб чиқарди; атом ва кибернетика замонига келиб сўз санъатининг «даври ўтгани», «эскириб қолгани» ҳақида гаплар чиқа бошлади. Мунозараларда драматургия, роман ва ҳикоя жанрларининг инқирози тўғрисида башоратлар ҳам эшитилди.

Қисқаси, социализмдан коммунизмга ўтиш, миллатлар ва миллий маданиятлар орасидаги яқинлашув, фан-техника тараққиётида, халқнинг моддий ва маънавий ҳаётидаги туб ўзгаришлар табиий равишда миллий адабиётларда традиция ва новаторлик проблемасини гоят кескин қилиб қўймоқда.

Биз янги тарихий шароит тақозоси билан сўз санъатида юз бераётган қонуний ўзгаришларни, ижодий изланишларни қўллаб-қувватлаймиз, аynи пайтда, бу ўзгариш ва изланишлар анъаналар билан мустаҳкам боғлиқ эканини асло унутолмаймиз; адабиётдаги анъанавийликни, барча адабий концепцияларни ёппасига инкор этолмаймиз. В. Белинскийнинг «Адабиётнинг ҳамма томонида жонли тарихий алоқа мавжуд. Унда ҳеч бир ҳодиса тасодифан юз бермайди, янгиси эскисидан ўсиб чиқади, кейингиси аввалгиси билан изоҳланади»,¹ деган машҳур сўзлари ҳозирги кунда ҳам ўз кучи, аҳамиятини йўқотган эмас.

Барча адабий концепцияларни, адабий шартларни, бинобарин, традицияни инкор этиш йўли билан ҳаётнинг «асл ифодаси»га эришиб бўлмайди. Ҳаётнинг «асл ифодаси» учун ҳам реализм тажрибаси керак.

Шу нарса диққатга сазоворки, кейинги йилларда новаторлик намунаси деб аталаётган В. Катаев ва А. Битов прозаси ҳам, Э. Межелайтис ва А. Вознесенский шеърлари ҳам, шунингдек, ҳозирги ўзбек адабиётида янгича услуб, янгича шакл деб аталаётган Ш. Холмирозев, У. Назаров, О. Мухтор, Рауф Парфи, М. Қўшмоқов каби ёшларнинг изланишлари ҳам осмондан тушган янгилик эмас, улар, аввало, совет адабиёти традициялари, қолаверса, жаҳон адабиёти тажрибалари билан қандайдир тарзда алоқадор. Аксинча, ташқи кўринишда традицион бўлиб туюлган А. Твардовский, Р. Ҳамзатов, Ч. Айтматов, шунингдек, Зулфия, Ш. Рашидов, Санд

¹ В. Г. Белинский. Изб. философские соч., т. 2, стр. 284.

Аҳмад, Ҳ. Ғулом, Шухрат, П. Қодиров, О. Ёқубов, У. Умарбеков, У. Ҳошимов асарлари ҳам янгиликларга бой.

Ҳозирги пайтда сўз санъати ғоят мураккаб жараёни бошдан кечиряпти, моҳир сўз усталари, бир томондан, қардош ва жаҳон адабиёти эришган бой эстетик тажрибаларни, энг сўнгги адабий усулларни ўзлаштиришга, замонага мос бўлишга, адабиётнинг интернационал пафосини кенгайтиришга тиришса, бошқа томондан, миллий заминга, миллий анъаналарга яқинроқ бориш, аллақачон эскига чиқариб қўйилган миллий классик адабиёт, фольклор анъаналарини бугунги кунга хизмат эттириш, миллий анъаналар заминиде умуминсоний ғояларни ифодалаш йўлини тутаётирлар. Ҳозир асарларда, бир жиҳатдан, техника асрининг сурони садо берса, иккинчи томондан, олис тарихдан ҳикоя этувчи эртакафсоналарнинг анъанавий нафаси гуркирайди. «Момо Ер», «Алвидо, Гулсари», «Оқ кема», «Менинг Доғистоним», «Чинор» каби асарларда бу тенденция очиқ-равшан кўринди.

Ҳозирги адабий жараён қанчалик мураккаб бўлмагани, сўз санъатининг туб моҳияти, табиати ўзгарган эмас; ҳозирги мураккаб шароитда ҳам совет ёзувчилари социалистик реализм принципларига содиқ қолаётирлар, бу мангу навқирон методни янги тажрибалар билан бойитаётирлар.

Аввал айтганимиздек, ҳозирги кунда адабий ҳамкорлик, ижодий таъсир доираси ғоят кенгайган, бироқ бу ҳол ҳар бир миллий адабиётнинг ўзига хос хусусиятларини, ички ривожланиш қонуниятларини, бой анъаналарини йўқотаётгани йўқ, балки миллий анъаналарнинг янада самаралироқ ривожланиши, янгиланиши учун йўл очиб бераётир. Ёзувчи Ч. Айтматов «Заминни қуршаган шабадалар» сарлавҳали мақоласида таъкидлаганидек, умуминсоний вазифалардан ташқари, ҳар бир адабиётнинг ўз миллий вазифалари ҳам бор, адабиётни

миллийликдан жудо этиш конкретлиликдан, бинобарин реализмдан жудо этиш демакдир. «Ҳар бир адабиёт,— дейди адиб,— миллийлик туфайли нимаси биландир чекланган, бироқ бу чекланганлик изоляцияга айланиб кетмаслиги лозим. Ҳозирги адабий жараён диалектикаси худди ана шунда: ҳар бир адабиёт миллий заминда туриб, умуминсоний мазмун сари интиломқда» («Литературная газета», 1973, № 34).

Бу жараёни, жумладан, ҳозирги ўзбек насрида ҳам кўриш мумкин.

МАВЗУЛАР, МУАММОЛАР СИЛСИЛАСИ

Ҳар бир давр адабиётининг етакчи мавзулари, бош муаммолари бўлади, мавзу ва муаммоларни эса аввало даврнинг ўзи тақозо этади. Конкрет бир тарихий шароитда адабиётнинг замон билан мустаҳкам алоқаси туфайли туғилган мавзулар, муаммолар кўпинча кейинги даврларда ҳам қайта-қайта эътиборни тортади, натижада мавзу ва муаммолар бобида ҳам маълум анъаналар вужудга келади.

Ўзбек совет адабиёти ўзининг илк қадамини инқилоб темасини, халқнинг революцияга келиш йўлини акс эттиришдан бошлаган эди; Ҳамзанинг инқилобий шеърлари, «Бой ила хизматчи» драмаси орқали таркиб топган бу анъана адабиётимиз ривожининг деярли ҳамма босқичларидан қизил ип бўлиб ўтади.

Ўзбек совет адабиётининг асосчилари «мозийга қайтиб иш кўриш» (А. Қодирий)ни хайрли деб билганлар халқнинг машаққатли ўтмишини, қаҳрамонона курашини ва шу ўтмиш зулмати ичида нурга талпинувчи кишиларни кўрсатишга интилганлар, ўтмишни тасвирлаш орқали совет замонасининг улуғворлигини таъкидлаганлар. Ҳамзанинг «Майсаранинг иши», «Паранжи сирлари», Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан

чаён», С. Айниёнинг «Дохунда», «Қуллар» асарлари шу тариқа майдонга келган. Мана, ярим асрдан зиёддирки, бу анъана ҳам адабиётимизда изчил давом этиб келади.

Ўзбек адабиётида янги жанрлар — реалистик проза ва драматургиянинг туғилиши кўпроқ маърифатпарварлик реализми шаклида рўй берди. Инқилобдан олдинги ilk реалистик проза ва драма асарларида таълим-тарбия, ахлоқ, маърифат масалаларини ёритишда катта эътибор берилар эди. Ўша кезлари қаламкашлар кўпроқ шахс ҳаётидаги фожий ҳодисаларни қаламга олар, ўша фожияларнинг илдизи жаҳолат ва ярамас урф-одатларда деб билар, бундай фожиялардан қутулиш йўли эса маърифатдир, деган ғояни илгари сураб эдилар. Инқилобдан кейин ҳам шу мавзу, шу муаммоларни ишлаш давом этди. Бироқ Асқад Мухтор сўзлари билан айтганда, «янги ҳаёт ғоялари билан, илғор рус адабиёти ғоялари билан, революция ва халқлар бирлиги ғоялари билан қуролланган» адибларимиз маънавий-ахлоқий муаммоларни энди бошқача тарзда талқин эта бошладилар: энг яхши асарларда, хоҳ улар инқилобдан бурунги ўтмиш ҳақида, хоҳ замонавий темада бўлсин, барибир, маиший-ахлоқий масалалар даврининг улкан ижтимоий муаммолари, халқ тарихи ва тақдири билан мустаҳкам боғлиқ ҳолда ҳал этиладиган бўлиб қолди. «Паранжи сирлари»да нурдек пок Тўлахоннинг бегубор орзуларини чилпарчин этган куч фақат ота-она орзуси, паст ахлоқ эгаларигина эмас, аввало давр, ярамас тузумдир. Худди шунингдек, «Ўтган кунлар»да икки ёшнинг севги фожияси тасвири феодал ахлоқининг, бутун бир тарихий давр—сўнгги хонлар замонасининг ўткир айбномаси даражасига кўтарилади. Хуллас, «Паранжи сирлари» билан «Ўтган кунлар»да ишқий-маиший можаролардан бошланган гап даврининг катта ижтимоий масалаларига уланиб кетади. Ҳар иккала асар қаҳрамонлари тақдири билан танишганда маърифат, таълим-тарбия, тадбиркорлик билангина саодатга эришиб бўл-

маслигини, барча фожиаларнинг асл илдизи замоннинг ўзида, тузумнинг нобоплигида эканлигини чуқур ҳис этиб турасиз. Ҳар иккала асарнинг бош қаҳрамонлари ҳам маърифатли, маданиятли, тадбиркор одамлар, ҳатто ўзига тўқ оилаининг, ҳукмдорларнинг фарзандлари. Улар маърифатли бўла туриб ҳам бахтли бўлолмайдилар, эркин фикрловчи, эркак интилувчи одамлар ҳаттоки юқори табақага мансуб бўлсалар ҳам замон уларни асло сийламайди.

Шундай талқин, шундай анъана адабиётимизнинг кейинги босқичларида майдонга келган «Алишер Навоий», «Навоий», «Мирзо Улуғбек», «Улуғбек хазинаси» каби асарларда конкрет тарихий шахслар образи орқали давом эттирилди, кўпгина янги хусусиятлар билан бойитилди; қаранг, Навоий катта лавозим эгаси — бош муҳрдор, вазир бўла туриб, ҳур фикрлари учун замоннинг қора кучлари томонидан сиқувга олинади, Улуғбек ҳукмдор — шоҳ бўла туриб маърифат йўлида кўпдан-кўп ғовларга дуч келади, ададсиз руҳий қийноқлар ичида қолади, охири жоҳил, қора кучлар қўлида ҳалок бўлади.

20-йиллар, айниқса 30-йиллар ўзбек прозасида маърифатдан йироқ, жаҳолатда қолган кишиларнинг аччиқ қисматида ҳикоя қилувчи қатор асарлар майдонга келди. Бироқ улар ҳам инқилобдан бурунги маърифатпарварлик реализми намуналаридан кескин фарқ қилади, «Ўғри», «Бемор», «Анор» сингари ҳикояларни эсланг: улардаги персонажлар қисмати ва табиати тасвиридан келиб чиқадиган маъно гарчи хилма-хил бўлса-да, уларнинг ҳаммасида оддий кишиларни ярамас замон жаҳолатга мубтало этгани, содда, гўл, тўпори, муте ҳолига келтириб қўйганлиги тасвирланади. Абдулла Қаҳҳор ижодида жуда ёрқин кўринган бу тенденция кейинги давр прозасида, хусусан, ёзувчининг «Ўтмишдан эртаклар» қиссасида ҳам давом эттирилди.

Замонавий мавзудаги асарларда бошқачароқ манзари кўрамиз. Маънавият, маданият, таълим-тарбия, ах-

лоқ бобида ёзувчиларимиз ўз замондошларига нисбатан ўта талабчан эдилар. Шунинг оқибати бўлса керак, анча вақт йирик эпик жанрларда янги давр ахлоқини ўзида мужассам этувчи ёрқин характерлар яратилмади; аксинча, улуғвор даврга номуносиб кимсаларни масхара-лаш, фош этиш устунлик қилди. Адабиётда дастлаб эски дунёнинг «туғма доғ»ларини ўзида ташувчи кишиларнинг сатирик типларини яратиш кенг тарқалди. Адибларимиз фақат бу билан чекланмай, янги замонга терс турган, худбинлик йўлига ўтиб, мешчанлик гирдобига ғарқ бўлган кимсаларнинг аянчли қисматини, ижтимоий-ахлоқий фожиясини, ҳалокатини ҳам зўр маҳорат билан ифода этдилар. Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб» романида ёрқин намоён бўлган бу анъана ҳам ҳозирга қадар давом этапти. С. Азимовнинг «Қонли сароб», У. Умарбековнинг «Чўли Ироқ», «Одам бўлиш қийин», Шухратнинг «Жаннат қидирганлар» асарлари шу анъананинг бугунги адабиётдаги кўринишидир.

Секин-аста адабиётда инқилобий ўзгаришлар туфайли қайта туғилаётган, ўзгариб, тобланиб бораётган янги инсон характерини яратиш ҳаракати бошланди.

Бу ҳодиса, хусусан, қишлоқларни коллективлаштириш мавзuidaги асарларда жуда ёрқин кўринди.

Улуғ Ватан уруши даврида адабиётимизга яна бир янги мавзу — уруш ва инсон тақдири масаласи кириб келди. Бу мавзу, бу муаммо ҳозирга қадар энг улкан, ҳаяжонли проблемалардан бири бўлиб турибди.

Қисқаси, меҳнат, майший-ахлоқий масалалар, тарих (Октябрь инқилоби, Ватан уруши, узоқ ўтмиш) ҳозирги ўзбек адабиётининг шаклланиган, маълум анъана тусига кирган етакчи мавзу ва муаммоларини ташкил этади.

Адабиётга янги мавзу, янги муаммоларни олиб кириш ижодий жасорат саналади. Айни пайтда анъанавий мавзуларга янги томондан ёндашиш, қаламга олинган масаланинг янги қирраларини кашф этиш ҳам жа-

сорат. Бу бадий ижод қонунияти; янги мавзуларни, янги масалаларни кўтариш адабиётда ҳар кимга ҳам насиб бўлавермайди, қолаверса, ёзувчининг хизмати, новаторлиги фақат янги мавзу, янги муаммони кўтариш билангина белгиланмайди, балки адабий жараёнда, оқибат-натижада, санъаткор талқини, позицияси, мавзу ва масалага ўзига хос тарзда ёндашуви ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шу тариқа анъаналарнинг, анъанавий мавзу ва муаммоларнинг бетўхтов янгиланиб туриши бадий ижод ривожининг асосий гаровидир. Буни ҳозирги ўзбек адабиёти намуналари мисолида яққол кўриш мумкин.

Инқилобий мавзудаги дастлабки асарларда кўпроқ оддий батрак — деҳқоннинг ўз-ўзини таниши, революцион онгининг уйғониши кенг тасвир этилар эди, сўнгги йиллар адабиётида эса бошқачароқ манзарага дуч келамиз: адибларимиз оддий меҳнат аҳли революцияда асосий таянч эканлигини таъкидлаганлари ҳолда, бошқа гуруҳларга мансуб илғор кучларнинг, хусусан, маҳаллий интеллигенциянинг революциядаги иштироки масаласига катта эътибор бераётирлар; Ойбекнинг «Улуғ йўл», М. Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча» (II китоб), Й. Шамшаровнинг «Чироқ» романларида шу хусусият сезилади. К. Яшиннинг «Инқилоб тонги» драмасидаги талқин адабиётимизда муҳим янгилик бўлди: устоз драматург юқори табақага мансуб зиёли Фозилхўжанинг муркаб шайтон, кескин зиддиятлар ичида революционер-коммунист даражасига кўтарилиши йўлини катта маҳорат билан бадий-ижтимоий планда таҳлил этади.

Ватан уруши давридаёқ ўзбек насрида совет кишининг жанг майдонидаги жасоратини, фронт орқасида меҳнатдаги жонбозлигини, маънавий бисотини ва матонатини мадҳ этиш бошланган эди. «Асрор бобо», «Хотинлар», «Олтин Юлдуз», «Қуёш қораймас» каби роман, қисса ва ҳикоялар шундан далолат беради. 60-йиллар давомида бизда худди ўша мотивларни давом эттирувчи

ўндан ортиқ роман пайдо бўлди. Бироқ бу асарларнинг бирортаси ҳам иккинчисини такрорламайди. «Шинелли йиллар», «Чин муҳаббат», «Қудратли тўлқин», «Уфқ», «Эр бошига иш тушса...», «Вафодор», «Тошкентликлар», «Ҳазрати инсон», «Фидойилар», «Лочин қанотлари» — буларнинг ҳар бири ўша оғир, жанговар йилларнинг қандайдир янги томонини бизга кашф этиб беради.

Сўз санъатида анъанавийлик, мавзу ва муаммоларнинг янгиланиб туриши учун муҳим бир ҳаётий асос бор — ҳақиқий санъаткор «ишланган мавзу»га қайта қўл урганда ҳамиша ўзи яшаётган давр талаблари эҳтиёжларидан келиб чиқиб, халқнинг маърифий, маънавий, сиёсий тажрибаларига таяниб иш кўради. Маълум тарихий шароитдагина эски мавзуга янги томондан ёндашиш, бинобарин, ҳақиқий новаторлик учун имконият очилади. Чунончи, ўтган асрнинг биринчи ярмида 1812 йилги Ватан уруши ҳақида рус адабиётида талай асарлар яратилган, бироқ фақат ўша асрнинг 60-йилларига келиб «Уруш ва тинчлик» типдаги эпоеяни яратиш мумкин бўлди. Ўтган асрда ҳам бизда хон замонларининг ярамаслигини фош этувчи асарлар битилган. Аммо фақат асрмизнинг 20-йилларидагина ўша давр ҳақида «Ўтган кунлар»дек кенг кўламли реалистик романинг яратилишига маънавий-ҳаётий замин ҳозирланди. Навоий, Улуғбек образлари неча йиллардан бери сўз санъати аҳли эътиборини ўзига тортган, бироқ ўзбек адабиёти бой реалистик тажриба тўплаган даврга келиб бу икки буюк шахснинг тўлақонли образлари яратилди. 50-йилларнинг ўрталарида пайдо бўлган «Инсон тақдири», «Тириклар ва ўликлар», «Олтин зангламас», «Давр менинг тақдиримда» сингари асарларда Улуғ Ватан уруши даврининг авваллари қаламга олинмаган кўпгина мураккаб ҳодисалари тасвир этилди. Худди шу даврдан бошлаб урушдан кейинги ҳаёт манзараларини бутун мураккаб-лиги билан талқин этувчи «Синчалак», «Бўрондан кучли», «Алвидо, Гулсари», «Уфқ» (иккинчи китоб) каби

асарлар пайдо бўлди. Бу асарларга хос янгича талқин партия XX съезидан кейин мамлакатимиз маънавий ҳаётида юз берган умумий жараёнлар билан узвий боғлиқ. Худди шунингдек, урушдан кейинги йилларда яратилган Ш. Рашидовнинг «Ғолиблар», Р. Файзийнинг «Чўлга баҳор келди» қиссалари сўнгги пайтларда тубдан қайта ишланган роман вариантлари билан ёки Саид Аҳмадининг «Қадрдон далалар» қиссаси худди шу мавзудаги «Уфқ» романи (иккинчи китоб) билан қиёс қилинганда янги давр тақозоси билан изоҳланадиган кўпгина янгиликларни кузатиш мумкин.

Мавзу ва муаммолардаги муштараклик, анъанавийлик ёзувчиларнинг шахсий-ҳаётий тажрибаларидаги умумийлик билан ҳам изоҳланади. Биздаги автобиографик жанр намуналарини эслайлик. С. Айнийнинг «Эсдаликлар», Ойбекнинг «Болалик», А. Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртақлар», Н. Сафаровнинг «Кўрган-кечирганларим», «Наврўз» асарларида жуда кўп ўхшаш ўринлар бор. Бу қандайдир бир-бирига тақлид ёки шунчаки анъанавийлик оқибати эмас. Деярли бир даврда яшаган, бир хил ижтимоий гуруҳга мансуб бўлган, ҳаётнинг мураккаб сўқмоқлари оша Октябрь инқилобига етиб келган бўлғувси ёзувчиларнинг болалик хотираларида муштарак томонларнинг бўлиши табиий. Совет даврида туғилиб вояга етган бошқа бир авлод вакиллари автобиографик жанрга қўл урса, тамомила бошқача асарлар майдонга келиши ўз-ўзидан аён.

Шуниси диққатга сазоворки, сўнгги йилларда пайдо бўлган Ватан уруши йиллари ҳақидаги ўндан ортиқ романининг авторлари бевосита жанг иштирокчилари ёки ўша йилларни яхши биладиган, давр машаққатларини татиб кўрган, бой ҳаётини тажрибага эга бўлган кишилардир. Уларнинг ҳар бири, аввало, ўз кузатишлари, шахсий-ҳаётини тажрибаларини қоғозга туширишга интиланлар.

Демак, бир мавзуда бир неча асарнинг пайдо бўли-

ши, мавзу, муаммолардаги анъанавийлик, бир чеккаси, маълум авлодга мансуб ёзувчиларнинг ҳаётий тажрибасига боғлиқ бўлган ҳодисадир.

Ҳозирги кун адабиётида меҳнат, маиший, маънавий-ахлоқий тематика салмоқли ўринни эгаллайди. Шуниси ҳам борки, бугунги кунда меҳнат ва маънавий муаммоларни четлаб ўтган бирорта ҳам асарни учратиш амри маҳол. Ёзувчиларимиз хоҳ узоқ ўтмишга, хоҳ инқилоб йилларига, хоҳ Ватан уруши даврига мурожаат этмасинлар, барибир, қандайдир шаклда бу масалаларни қаламга оладилар. Мирмуҳсин XV асрдан ҳикоя қилувчи «Меъмор» романида бунёдкорлар меҳнатини кенг тасвир этади, О. Ёқубов «Улуғбек хазинаси»да инсон даҳоси яратган маънавий хазиналарни асраш йўлидаги шиддатли курашларни қизғин эҳтирос билан қаламга олади; инқилоб арафасидаги ҳаёт лавҳаларини гавдалантирувчи «Фарғона тонг отгунча», ҳаётнинг хилма-хил томонларини ёритувчи «Олтин зангламас», «Жаннат қидирганлар», «Чинор», «Давр менинг тақдиримда», «Чироқ» каби асарларда ҳам меҳнат мадҳи кенг ўрин тутди, уруш даври ҳақидаги қатор асарларда — Ш. Рашидовнинг «Қудратли тўлқин», Саид Аҳмаднинг «Уфқ», О. Ёқубовнинг «Эр бошига иш тушса...» романларида меҳнат пафоси юксак даражага кўтарилган.

Октябрь инқилоби, коллективлаштириш, Ватан уруши каби анъанавий мавзулар ёнида кейинги пайтларда улкан қурилишларнинг бадий тарихи пайдо бўла бошлади. Мирмуҳсиннинг «Дегрез ўғли» романидаги талай воқеалар Каттақўрғон сув омбори иншоотида бўлиб ўтади, Ш. Рашидовнинг «Қудратли тўлқин» романидаги қурилиш тасвирига Фарҳод ГЭСи асос бўлган, И. Шамшаровнинг «Ворислар» номли воқеий қиссаси Катта Фарғона канали қурилишидан баҳс этади. Саид Аҳмаднинг «Қирқ беш кун» романида эса ўша буюк қурилишнинг кенг манзараси гавдалантирилади. Мазкур асарларда кўтарилган маънавий-ахлоқий проблемалар кў-

пинча меҳнат тасвири билан боғлиқ ҳолда берилади. Айни пайтда уларда маънавий проблемалар ғоят кескин қилиб қўйилади.

Ўтмиш ҳақидаги асарларда меҳнат тасвири ва маънавий муаммоларнинг кенг ўрин тутishi тасодифий эмас, бу ҳаёт тақозосидир.

Мана, ўттиз йилдирки, совет кишилари тинч ижодий меҳнат билан банд, шу йиллар давомида бутун бир авлод туғилиб вояга етди, ҳозир жамият аъзоларининг ярмидан кўпини ўттизга етмаган авлод вакиллари ташкил этади; уларнинг характери, онги тинч ижодий меҳнат, фан-техника революцияси шароитида шаклланмоқда. Коммунистик партия совет кишиларини буюк бунёдкорлик ишларига сафарбар этмоқда, ёш авлсдни меҳнатга муҳаббат руҳида, фан-техника равнақи даврига муносиб, юксак ахлоқий идеаллар эгаси қилиб тарбиялашга катта эътибор бермоқда. Шундай бир вазиятда яратилаётган, бинобарин, ҳозирги китобхонга мўлжалланган ўтмиш ҳақидаги асарларда ҳам меҳнат тасвирининг кенг ўрин олиши, ахлоқий-этик муносабатларнинг кескин қилиб қўйилиши табиийдир, маънавий эҳтиёж тақозоси туфайли юз бераётган ҳодисадир.

Ўз-ўзидан равшанки, меҳнат ва одоб-ахлоқ замонавий тематикада, хусусан, ҳозирги ёш авлод ҳақида яратилаётган асарларнинг бош мавзунни, етакчи проблематикасини ташкил этади.

Бугунги насримизда меҳнат тасвири билан боғлиқ бир қатор янги тенденциялар кўринмоқда.

Авалло, фан-техника революцияси нафаси асарларимизга дадил кириб келяпти. Шуниси диққатга сазоворки, кейинги ўн йил ичида пайдо бўлган, эл оғзига тушган аксари асарларимизнинг қаҳрамонлари энёлилар, талабалар ёки дипломли ишчилар, юксак маданиятли, маълумотли раҳбар ходимлар. Ҳозирги ишлаб чиқариш жамият аъзоларида катта билим, мадака ва ишбилмкорликни, қисқаси, ҳар тарафдама етук бўлишларини талаб

этмоқда. Ҳозирги ходим ҳам ғоявий-сиёсий ташкилотчи, ҳам кенг профессионал билим эгаси бўлгандагина ишлаб чиқаришни муваффақият билан бошқара олади. Ҳаётдаги шу жараён сўз санъатида ҳам қисман кўрина бошлади, «Чинор»даги Ориф, «Ичкүёв» қиссасидаги Уринбой, «Сотволдидан салом» достонидаги Сотволди шунчаки новатор, ташаббускор ёки юксак ғоялар курашчисигина эмас, улар ҳаммадан бурун ўз соҳасининг билимдон кишилари; Ориф чуқур илмий-иқтисодий асосларга таяниб, рақибни Мария устидан ғолиб чиқади. Уринбой қишлоқ экономикасини, хўжалик ҳисоб-китобларини иқир-чикирларигача пухта билиши билан ўзининг ҳақ эканлигини китобхон кўзи олдида намойиш эта боради, Сотволди пишиқлиги, ишбилармонлиги билан ўқувчи ҳурматини қозонади...

Ишбилармон кишилар образи адабиётимизда авваллари ҳам яратилган, «Обид кетмон», «Синчалак», «Ҳилола», «Ўрик домла», «Чўл бургути», «Тўйбоши» каби асарларнинг қаҳрамонлари аввало ўз ишини пухта билишлари билан ажралиб турар эдилар. Негадир мазкур асарларда қаҳрамонлардаги ишбилармонлик хусусияти бир оз кулгили тарзда ифода этилар, баъзан эса профессионал билим қаҳрамоннинг ғоявий-ахлоқий қиёфасига қарама-қарши қилиб қўйилар эди. Ҳозирги асарларда қисман юмористик талқин сақланса-да, масалан, «Сотволдидан салом»да ҳодисага жиддий ёндашмиш устун, Обид кетмон ёки Қаландаров образларидаги каби профессионал билим, тадбиркорликни ғоявий-сиёсий ожизликка зид қилиб қўймиш йўқ, балки ҳар икки хусусиятни бир бутун ҳолда кўрсатишга мойиллик кучли.

Фан-техника революцияси шароитида ишлаб чиқаришнинг ахлоқий-этик томони, ходимнинг меҳнатдаги масъулияти масаласи муҳим аҳамият касб этади. П. Қодировнинг «Эрк», О. Ёқубовнинг «Қанот жуфт бўлади», А. Мухторнинг «Чинор», «Самандар», «Тонг билан учрашув» асарларида ҳозирги тараққиёт, меҳнат, илмий

прогресс ва меҳнатга, табиатга муносабат билан боғлиқ жуда муҳим ахлоқий-этик муносабатларга эътибор жалб этилган, социалистик жамиятдаги меҳнат ва илмий прогресснинг гуманистик моҳияти очиб берилган.

Фақат инқилобний ҳаракатлар, Ватан озодлиги учун олиб борилган жангларгина эмас, тинч ижодий меҳнат ҳам катта фидойиликни талаб этади. «Ҳаммаси одамларга қолади», «Бир йилнинг тўққиз кунини», «Оловнинг бўйсундирилиши» каби кинофильмларда, «Йўлдаги курашлар», «Момақалди роқ сарин» романларда фан — ижодий меҳнат йўлидаги фидойилик катта эҳтирос билан ифода этилган. Эл-юрт манфаати, истиқболини деб, адолат ва ҳақиқатни деб жонини жабборга берган, жуда кўп меҳнат, ижод машаққатларини енгиб ўтган, бу йўлда ўзининг шахсий манфаатларидан, ҳузур-ҳаловатидан воз кечган фидокор қаҳрамонлар образи бизда ҳам бор. «Чинор»даги Ориф, «Самандар»даги Самандар, «Дегрез ўғли»даги Арслон, «Қанот жуфт бўлади» қиссасидаги Акрам, «Эрк»даги Саттор, «Ёз ёмғири»даги Раҳимжон, «Ичкунё»даги Ўринбой гарчи тақдир жиҳатидан бир-бирларига ўхшаб кетсалар-да, уларнинг ижтимоий ва шахсий манфаатлари талқинида бир оз бир хиллик мавжуд бўлса-да, кўп ўринларда ижодий меҳнат, ҳақиқат йўлидаги курашларнинг бутун кескинлиги, жиддийлиги, мураккаблиги билан ҳаққоний кўрсатилиши жиҳатидан ғоят ибратлидир.

Илгарин яратилган меҳнат темасидаги асарларда конфликт нуқул новатор билан консерватор ходимнинг олишувидан иборат бўлиб қолар эди. Бу анъана ҳозирги кунда ҳам қисман давом этяпти, бироқ эндиликда ишлаб чиқариш характеридаги конфликтларнинг тури, донраси кенгайиб, мураккаблашиб бораётир, адибларимиз фақат «қутб»лар орасидаги тўқнашувларинигина эмас, «новатор» билан «консерватор»нинг ўз ички зиддиятларини, улар илгари сурган ғояларнинг манфий ва мусбат томон-

ларини кўрсатишга кўпроқ аҳамият бераётирлар. «Чинор», «Самандар», «Қанот жуфт бўлади» каби асарларда шу хусусият сезилди.

Биз гоят тезкор замонда яшаймиз. Фан-техника инқилоби, коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичи кишиларнинг шахсий-онлавий, ахлоқий муносабатларига кучли таъсир кўрсатяпти. Аср мўъжизалари электр, газ, радио, телевидениеннг хонадонларга кириб келиши, кўплаб онлаларнинг кўп қаватли уйларга кўчиб ўтиши, посёлка, маҳалла ва квартал аҳолиси таркибининг тобора интернационал тус олиши, кишиларимизнинг аксарияти фан-техника равнақи тақозо этаётган янгича касб-ҳунарларга эга бўлиши, ақлий меҳнат доирасининг кенгайиб бориши — буларнинг барчаси ҳозирги ҳаёт тарзида чуқур из қолдирмоқда, миллий одат ва удумлардаги янгиланиш жараёнини тезлаштириб юбормоқда. Замоннинг тезкор суръати кўпинча киши ақлини шошириб қўймоқда: бугунги кунда одам боласи космос тезликда юраман деб баъзан оёқ остидаги заминни унутади, баъзан эса, аксинча, оёқ остига қараб юраман деб замон суръатидан ортда қолади; кишилар космосга штурм қилаётган, коммунистик келажакни яқинлаштириш йўлида фидокорлик кўрсатаётган бир даврда нуқул ўз ҳузур-ҳаловатини ўйлайдиган, шахсий манфаат йўлида ҳар қандай қабиҳликдан қайтмайдиган пасткашлар, ўқимишли, дипломли, аммо бетайин, бемаслак мешчанлар ҳам учрайди, мутелик психологиясига мубтало жоҳил кимсалар ҳали ҳам топилади.

Космик даврнинг ана шундай зиддиятли манзараси ёзувчилар эътиборини ўзига тортмоқда, жамият аъзоларининг маънавий қиёфаси, ахлоқий масъулияти, миллий одат ва удумлари муаммоси жуда кўп асарларнинг мавзу-мундарижасини белгиламоқда.

Ҳозирги асримизда ахлоқий-этик муаммолар доираси, кўлами ниҳоятда кенг, ғоявий-бадий талқинлар эса жуда хилма-хил, уларда кишилар орасидаги оддий муома-

ла, хулқ-атвордан тортиб, Ватан ва жаҳон тақдирига оид масалалар кўтариляпти. Кўпинча бир хил ҳодиса турли ёзувчилар томонидан турлича талқин этиляпти. Худди «новатор» ва «консерватор» тасвирида бўлгани каби ахлоқ-удумлар бобидаги эскича ва янгича кўринишларнинг ўз ички зиддиятларини очишга, янгича ва эскича удумларнинг манфий ва мусбат томонларни кўрсатишга интилиш кучайиб бормоқда. Қисқа қилиб айтганда, ахлоқий мавзудаги асарларимиз ўзига хос баҳс тусини олаётир, бундай баҳслар китобхонни ҳаётга фаол ва оқилона ёндашишга, ҳар бир ҳодисани бутун мураккаблиги, зиддиятлари билан идрок этишга даъват этади; бу хил асарларда ҳодисаларни жўнгина «яхши» ва «ёмон»га, «нижобий» ва «салбий»га ажратиш йўқ, ҳодисанинг туб моҳияти ҳақида ўйлаб кўриш, улар устидан узил-кесил ҳукм чиқариш китобхонга ҳавола этилади. Бунинг учун сўнгги йилларда жамоатчилик эътиборини қозонган «Чинор», «Муҳаббат», «Эрк», «Қанот жуфт бўлади», «Матлуба», «Ака», «Ёлғизлик», «Одам бўлиш қийин», «Номус», «Ёз ёмғири», «Баҳор қайтмайди», «Ов», «Қочоқ», «Баҳор ўтди» каби роман, қисса ва ҳикояларни эслаш kifоядир.

Ахлоқий муаммолар доираси ҳар қанча кенг, талқинлар нақадар турли-туман бўлмасин, ёзувчиларимиз социалистик реализм адабиётимизнинг бу борадаги барқарор анъаналарига содиқдирлар, зотан, коммунистик ахлоқни тасдиқлаш оқибат-натижада мазкур асарларнинг асосий пафосини, қалам аҳлининг эстетик идеалини белгилайди.

* * *

Илғор сўз санъати неча асрлар давомида инсонни, унинг юксак хислатларини улуғлаб, инсон шаънига доғ солувчи жамики иллатларни қоралаб келди. Инсоният бадний тафаккуридаги янги босқич саналмиш социалистик реализм адабиёти ҳам шу анъанага содиқ қолди;

айни пайтда бу адабиёт қаҳрамон проблемасини янгича тарзда ҳал эта бошлади — дунёни социалистик асосда ўзгартиришга киришган, шу курашда ўзи ҳам ўзгариб, тобланиб борган юксак маънодаги гражданин, сиёсий шахс, метин эътиқод эгаси унинг етакчи қаҳрамонига айланди. Илк бор М. Горькийнинг «Она» романи орқали ҳаётга йўлланма олган бу тур қаҳрамонларнинг турли миллат адабиётида юзлаб, ҳаттоки минглаб издошлари пайдо бўлди. Ҳар бир халқ ҳаёти ва адабиётидаги ўзига хос томонлар, миллий фазилатлар, ўзгача давр, янги тарихий шароит ижобий қаҳрамон образига жуда кўп бетакрор хусусиятлар бахш этди. Аммо мана, етмиш йилдирки, социалистик реализм адабиёти қаҳрамонига хос ўша етакчи маънавий хислат — коммунистик эътиқод, юксак гражданлик туйғуси ҳамон ўзгармай келяпти, шу туйғу шахс характери ва фаолиятини баҳолашда бош мезон бўлиб қоляпти.

Бизнинг чет элдаги ғоявий мухолифларимиз совет адабиётига ҳар гал ҳужум қилганларида, аввало, шу нуқтани — ижобий қаҳрамондаги метин эътиқод туйғусини нишонга оладилар, турли йўллар билан бу муқаддас фазилатни бадном қилмоқчи бўладилар. Айрим антисовет ёзувчиларнинг совет тузумига душманлик руҳи билан сўғорилган, Ватанимизнинг асл фарзандлари, давримиз, бинобарин адабиётимизнинг етакчи қаҳрамонлари шаънини таҳқирловчи тутуриқсиз, беҳаё сўзлар билан тўлиб-тошган «асарлари»дан ҳам шу мақсадда фойдаланмоқдалар.

Бу тасодифий эмас. Ғанимларимиз совет адабиётининг жозиба кучи қаерда эканлигини яхши биладилар, бу кучдан ўлгудек қўрқадилар.

Мақолда айтилганидек, ит ҳуради, карвон ўтади. Бўхтонлар билан адабиётимизнинг жозиба кучини сўндириш, адибларимизни эса ўзлари танлаб олган йўлдан қайтариш асло мумкин эмас.

Социалистик реализм, М. Шолохов айтмоқчи, ҳаёт

ҳақиқати ҳақидаги адабиёт. Юксак эътиқодли қаҳрамон образини тасвирлаш анъанаси бизда шунчаки бир «инерция оқибати», «метод талаби» бўлмай, аввало, ҳаёт ҳақиқати тақозосидир. Худди мана шундай юксак эътиқодли кишиларнинг иродаси, ақл-заковати, кураши, фидойилиги туфайли Октябрь инқилобинини амалга оширдик, граждандар урушида ғолиб чиқдик, очлик, вабо ва саводсизликни енгдик, қишлоқни социалистик асосда қайта қурдик, фашизм билан ҳаёт-мамонт урушида ғолиб чиқдик, вайрон бўлган хўжаликни тиклаб олдик, ўтмишда йўл қўйилган хатоларни дадил бартараф этдик, космосга биринчи бўлиб йўл очдик, коммунизм қурилишининг кенг авж олдирилган палласига қадам қўйдик... Ана шундай улкан тарихий вазифани адо этган кишилар эзгу идеаллар йўлида кўпинча ўз шахсий хуш-ҳаловатидан воз кечдилар, ҳаттоки шу эзгулик йўлига энг азиз бисоти — ширин жонини тикдилар. Шоир айтмоқчи, агар дунёда шундайлар бўлмаса, инсон деган ном шу қадар муҳтарам бўлмасди.

Социалистик реализм санъаткори учун асримизнинг ана шу олий ҳақиқатини — юксак эътиқодли граждандин образини ифода этишдек олижаноб бурч насиб этганки, соф, виждонли ҳар бир адиб бу билан ҳақли равишда фахрланади.

Сўнгги йилларда яратилган энг яхши асарларнинг қаҳрамонларини эсласак, уларда, аввало, шу ҳақиқат, шу эзгу х и с л а т и ф о д а с и н и кўрамиз.

Инқилобий ўзгаришлар шароитида янги типдаги инсон шахсининг шаклланиши масаласи ҳозирги кунда ҳам кўпгина адибларимизнинг диққат марказида турибди. «Бой ила хизматчи», «Қутлуғ қон» асарларида юксак бадиий ифодасини топган бу мавзу ўнлаб драма ва романлар, мемуар, қиссалар оша, Қ. Яшиннинг «Инқилоб тонги» пьесасигача етиб келди. «Инқилоб тонги» маданий ҳаётимизда жиддий воқеа бўлди. Драматург адабиётимизнинг бой тажрибасига, реал ҳаётний факт-

ларга таянган ҳолда инқилобий мавзунини янги босқичга олиб чиқди, маҳаллий етук революционерларнинг тўлақонли образини яратиб берди; драмадаги Фозилхўжа хилма-хил тўсиқларни, ғоят мураккаб, зиддиятли руҳий драмаларни қадам-бақадам енгиб, онгли инқилобчи, ленинчи раҳбар ходим даражасига кўтарилади. Адиб изчил партиявий позицияда турган ҳолда революция давридаги вазиятнинг мураккаблиги, кескинлиги билан ифода этади, хилма-хил социал гуруҳларнинг революцияга муносабатини, айрим гуруҳлар ичидаги синфий табақаланишни янгича бадий талқин этади.

Н. Сафаров «Наврўз» асари билан автобиографик жанрга янги материал олиб кирди. «Наврўз» «Кўрган-кечирганларим»нинг мантиқий давоми, иккинчи китобидир. «Кўрган-кечирганларим»да ёзувчи ўзининг инқилобдан бурунги саргузаштлари, ўзи гувоҳ бўлган машҳур Жиззах қўзғолони ҳақида ҳикоя қилиб берган эди. «Наврўз»да эса ёзувчининг инқилобдан кейинги саргузаштлари билан танишамиз.

Шу вақтга қадар бизда пайдо бўлган автобиографик асарларда — С. Айнийнинг «Эсдаликлар», Ойбекнинг «Болалик», А. Қаҳҳорнинг «Утмишдан эртақлар»ида асосан инқилобгача бўлган ҳодисалар тасвирланган эди. «Наврўз» авторининг инқилоб даври, граждандар урушининг йиллари ҳақидаги хотиралари аввало реал ҳаёт факти сифатида қадрлидир. Бепоевнинг юртимизнинг кичик бир топталган шаҳарчасига инқилоб нури қандай кириб келди, хонавайрон халқ қай тариқа қаддини ростлаб, социализм қуришга киришди, инқилоб туфайли оломон онгида, шу юртнинг кичик бир фарзанди Назирқул руҳиятида қандай ўзгаришлар содир бўлди — адиб ўз асарида шу саволларга жавоб ахтаради.

Ёзувчи «Наврўз»да биринчи китобдаги каби фақат Жиззахдаги воқеаларни тасвирлаш билан чекланмайди, энди ҳодисалар кўламини анча кенгайтиради — гоҳ Самарқанд, гоҳ Бухоро, гоҳ Қўқон, гоҳ Тошкент, ҳатто

Россиядаги, демак, бутун мамлакатдаги ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда берилади.

Кичик қаҳрамон Назирқул ҳамон йўлда — кузатади, изланади, қийналади, энг муҳими, тинмай олға интилади, илмга, маърифатга чанқоқ бу ёш қалб эгаси давр талабига лаббай, деб ўзини ўқишга уради, Назирқул саргузаштлари орқали биз ёш совет зиёлисининг шаклланиш жараёнидан, илк қадамларидан ҳам огоҳ бўламиз. Кичик қаҳрамонда синфий онг ўткирлаша боради, оқ ва қорани, дўст билан душманни кескинроқ ажратадиган бўлиб қолади, у яқин ўтмиш ҳодисаларини, хусусан, ўн олтинчи йилги қўзғолон хотираларини эслганда унинг туб синфий моҳиятини чуқурроқ ҳис эта бошлайди...

Ҳозирги кун воқеаларига бағишланган асарларимизда қаҳрамоннинг маънавий-руҳий бойлиги ўзига хос тарзда намоён бўлмоқда, адибларимиз, бир томондан, авлодлар орасидаги муштаракликни таъкидлашга интилсалар, иккинчи томондан, ҳозирги авлод маънавиятида давр тақозоси туфайли вужудга келаётган янги сифатларни ҳам ифода этаётирлар. Инқилоб йилларининг жонли гувоҳи кекса педагог В. Чечулинанинг «Чинор» романи автори А. Мухторга йўллаган мактубидаги самимий сўзлар шу жиҳатдан ғоят ибратли:

«Сизнинг китобингиздаги кўп қаҳрамонлар,— деб ёзади у,— менинг ўша қадрдонларимга ўхшайди: ўша одамийлик, ўша саховат, ўша ҳалоллик... Жуда яхшики, бу ажойиб фазилатларни ёш авлод ҳам қабул қилибди. Китобдаги ёшларни оналик меҳри билан севиб қолдим. Мен уларни кўрмаганман, аммо ота-буваларини яхши билардим. Бу ёшларнинг ўз халқидаги гўзал фазилатлар ёнига яна билимдонлик, фаровонлик, гражданилик, интернационаллик каби бебаҳо сифатларни ҳам қўшиб олганлиги мени айниқса ҳаяжонлантирди. Сиз уларнинг маънавий ҳаётини, юрак туйғуларини кўрсатиб тўғри

қилгансиз...» («Ўзбекистон маданияти», 1974 йил, 8 январь).

Бу илиқ сўзлар фақат «Чинор»га эмас, замондошларимиз ҳақида ёзилган жуда кўп асарларга ҳам бево-сита алоқадордир.

«Ғолиблар» романининг фазилатлари тўғрисида кўп илиқ сўзлар айтилди. Бу ўринда мен романдаги бир муҳим моментга эътиборни жалб этмоқчиман. Гап оталар ва болалар муносабати устида бораётир. Ш. Рашидов бу асарида авлодлар орасидаги маънавий пайвасталикни ғоят самимий, жозибадор ва таъсирчан ифода этади.

Умрзоқ ота билан муштипар она Холбибининг азиз фарзандлари Ойқиз, Алишер ва Темурларга меҳр-муҳаббатини эсланг. Ота билан онанинг ўғилдан қорахат келгандаги оғир руҳий ҳолатини, хусусан, Холбибининг эски кийимлар орасидан Темурнинг болаликда кийган бир пой этикчасини топиб олгандаги ўй-хаёлларини кўз олдингизга келтиринг! Улкан меҳр туфайли туғилган улкан руҳий драма сизни беихтиёр ларзага солади.

Шуниси муҳимки, ота-онанинг шахсий интим кечинмалари билан она юрт туйғуси, ижтимоий манфаатлари бир бутун ҳолда туташиб, уйғунлашиб кетган; уларнинг маънавий оламини иккига ажратиш сунъийлик бўлар эди; ўша аламли дақиқаларда Умрзоқ ота халқнинг совға-саломларини элтиш учун фронтга отланади. Холбиби эса ўғлидан қолган яна бир ёдгорлик—пилла донасини кўриб, қурт боқиш тараддудига тушади...

Ана шундай улкан меҳр руҳида тарбияланган фарзандлар ҳам ўз навбатида ота-оналарини бошга кўтаришга тайёр, уларнинг қалби ота-оналарига нисбатан фарзандлик эҳтиромни билан лиммо-лим; бу туйғу эса ўз навбатида одамларга, она юртга бўлган оташин меҳр билан туташиб кетади; Ойқиз ва Олимжонлар кўп жиҳатдан ота-оналарига ўхшайдилар, аини пайтда улар янги давр, ўзгача вазият фарзандлари, уларнинг билим,

манфаат доираси яна ҳам кенгроқ, улар зиммасидаги масъулият янада улканроқ. Улар оталар қўлидан табаррук эстафетани олиб, олис манзилларга етказишга қодир. Улар қалбидаги муқаддас маънавий бисот — юксак гражданлик туйғуси бунинг учун асос.

Коммунизм қурилишининг ҳозирги босқичида улкан ижодий ишларни адо этаётган замондошларимиз образини яратиш борасида ҳам уринишлар бўлди. «Чинор» романидаги Ориф, «Сотволдидан салом» достонидаги Сотволди, «Эрк» қиссасидаги Саттор ва Розиялар чиндан ҳам бугунги кишиларнинг адабиётдаги ёрқин тим-солидирлар. «Чинор» ва «Эрк» адабий танқидчиликда муносиб баҳосини олган бўлса-да, Ҳ. Шариповнинг «Сотволдидан салом»и ҳозирга қадар етарли таҳлил этилмай келинаётир.

Ҳ. Шарипов бу достонида Қўкан ва Обид кетмонларни эсга солувчи туғма меҳнаткаш, шу куннинг ҳақиқий ишбилармон деҳқони, билимдон раҳбар ходими образини яратди; бу одам дабдабаю тантанани, шуҳрату мақтанчоқликни асло ёқтирмайди, у донг қозониш, ўзини кўрсатиш учун эмас, ҳақиқий маънода эл-юрт манфаатини деб тинмай тер тўкади, у фан-техниканинг ҳамма сиру асроридан хабардор, унда янгиликни ҳис этиш туйғуси ўткир, шу билан баробар, бободехқонларнинг минг йиллик тажрибасини ҳам юксак қадрлайди. Таниқли танқидчи Лев Аннинский «Литературная газета»даги бир суҳбатиде шу типдаги ишбилармон одамлар образи адабиёт учун ниҳоятда зарурлигини, худди шундай ишбилармон кишилар амалда коммунизм биносини қураётганлигини уқтириб ўтган эди.

Адабий ҳаётдаги яна бир ибратли ҳодисани таъкидлашни истар эдим. Ҳамиша замонавий темада қалам тебратиб келган О. Ёқубов «Улуғбек хазинаси» романи билан, бир қарашда, ҳозирги кундан узоқлашгандай туюлади. Аслида ундай эмас, автор тарихийлик принципини бузмаган ҳолда ўтмиш воқеаларига замонамиз-

нинг юксак идеаллари нуқтаи назаридан ёндашади; қаҳрамонлар характери ва тақдирини, хоҳ улар тарихий шахс, хоҳ бадий тўқима маҳсули бўлсинлар, барибир, у меҳнаткаш халқ тарихида, ижтимоий тараққиётда тулган ўрнига, эътиқодига қараб баҳолайди. Ёзувчи ўзининг тор шахсий истагини деб эл-юрт манфаатини, маърифатни оёқ ости қилган маслакисиз оқпадар Абдуллатифни, оғир дамларда ўз эътиқодидан қайтган хиёнаткор Мавлоно Муҳиддинни аёвсиз фош этади, уларнинг мудҳиш қисматини маҳорат билан кўрсатади; ҳар қандай бало-офатларга, таъқибу таҳдидларга қарамай, ўша мудҳиш дамларда ҳам ўзларининг эзгу туйғуларига, юксак эътиқодига содиқ қолган, шу эзгу эътиқод йўлида курашлар сари кўксини очган Али Қушчилар жасоратини катта меҳр-муҳаббат билан қаламга олади.

Ижобий қаҳрамон, хусусан, замондошимиз образини яратишда, унинг маънавий бисотини бадий тадқиқ этишда юзакилик, бир ёқламалик, схематизм, китобийлик аломатлари ҳам содир бўляпти.

Айрим асарларда қаҳрамонлар ижобий, деб тақдим этилади, жуда кўп ибратли ишларни бажаради, маъқул гапларни айтади, аммо улар китобхон қалбига йўл тополмайди; бунинг сабаби аён, ўшандай асар автор ўз қаҳрамонларига самимият, бинобарин, табиийлик ва ҳаётийлик бахш этолмагани учун ҳам асл муддаога эришолмай қолади.

С. Кароматовнинг «Эътиқод» қиссаси қаҳрамони Самандар жангда бир оёғини ташлаб қайтган, аммо эътиқодга гард юқтирган эмас. У тинч меҳнат фронтда ҳам эл-юртга кўпроқ наф етказиш ниятида хилма-хил ғовларни енгиб, ўз севган касби — шофёрликни қайта эгаллайди. Агар урушдан кейинги вазият назарда тутилادиган бўлса, ўша кезлари мутахассисларга эҳтиёж ниҳоятда катта эканлиги ҳисобга олинса, бу хил ҳодисанинг ҳаётда бўлиши мумкинлигига шубҳа билдириш қийин. Афсуски, автор қаҳрамон интилишлари-

ни тасвирлаш пайтида баъзан сунъийликларга йўл қўяди.

«Фидойилар» романи орқали И. Раҳим жуда муҳим мавзуга қўл урган — ўзбек аёлининг Улуғ Батан урушидаги бевосита иштирокини, жасоратини кенг планда акс эттирмоқчи бўлган. Аёл қаҳрамонлар жанг майдонларида кўп саргузаштларни бошдан кечирадилар, катта матонат кўрсатадилар. Бироқ тажрибали адиб нима учундир ўша қаҳрамонлар руҳиятидаги жараёнлар ифодасига, мислсиз жасоратнинг маънавий илдизларини очишга етарли эътибор бермайди.

Шу куннинг қаҳрамонлари образини талқин этишда даврдан орқада қолиш, замондошимизнинг маънавий бисотини бор бўйича гавдалантира олмаслик ҳоллари юз беряпти. Мирмуҳсиннинг «Дегрез ўғли» романида оддий, беқарор йигит Арслоннинг онгли ишчи сифатида шаклланиши батафсил, анча ишонарли тасвир этилган. Ёзувчи романнинг охирида қаҳрамонни етук раҳбар, давлат арбоби сифатида таништиради, Арслон ҳаётидаги энг драматик ҳолатни унинг раҳбарлик фаолияти билан боғлиқ ҳолда изоҳлайди, аммо Арслонни раҳбар ходим тарзида етарли тасаввур этолмаймиз, унда биз ҳозирги етук раҳбарга хос ақл-заковатни, тadbиркорликни, бой интеллектуал бисотни, гражданлик туйғусини кўрмаймиз; унинг кўп болалик ён қўшнисига ўз квартирасини ҳадя этиши, эски мухолифига олижаноблик юзасидан пул қарз бериши каби ҳоллар қаҳрамоннинг раҳбар ходим сифатидаги фазилатларини очиб беролмайди; бу одам йўлидаги ғовлар, бошга тушган «ададсиз қийноқ»лар сабаби ҳам анчайин арзимас важлар бўлиб чиқади, қисқаси, қаҳрамон ҳаётнинг бош йўналишидан четда, майда-чуйда воқеалар ичида ўралашиб қолади.

Айрим адибларимизда ўз-ўзини такрорлаш ҳоллари ҳам учраб қоляпти. Чунончи, А. Мухторнинг «Самандар», «Тонг билан учрашув» драмаларида «Чинор» ро-

манидаги маънавий муаммолар билан боғлиқ айрим ситуациялар, образлар, мотивлар бошқачароқ йўсинда қайтарилди.

Баъзан ёшлар ижодида қаҳрамонни оилавий-ишқий можаролар гирдобига ғарқ қилиб, гражданлик туйғусидан маҳрум этиб қўйиш, айрим ҳолларда эса бетаъин, миждов, ўзининг оддий инсоний бурчини, вазифасини адо этишдан бўйин товлайдиган «қаҳрамон»нинг кичкина «мен»ини коллективга қарама-қарши қилиб қўйиш, ўша миждовларни асоссиз равишда ҳимоя остига олишдан иборат бир ёқламаликларга ҳам дуч келдик. Қ. Убайдуллаеванинг «Муҳаббатнинг қадри», М. Бобоевнинг «Раъно» қиссаларидаги шу хил камчиликлар ҳақли равишда танқид қилинди.

Қурбоной Убайдуллаева ўз қиссасида севги, бу — юксак масъулият, уни асрай билиш, унинг учун курашиш керак, деган гапни айтмоқчи бўлади. Автор фикр айтишга маҳлиё бўлиб қолиб, кўп ўринда насихатгўйликка ўтиб кетади. Асарнинг номидек насихатгўйликдан дарак бериб турибди. Гап шундаки, дидактика табиий равишда сентиментал талқинга йўл очади, ёзувчи қадрланмаган севги изтиробларини таъкидлайман деб асарни оҳ-воҳлар, йиғи-сиғилар билан тўлдириб юборади; дидактика, сентиментал талқин эса кўп ўринда ҳаёт ҳақиқатини, персонажлар табиийлигини бузишга олиб келади. Лоақал қиссадаги марказий фигура Заҳрони эслайлик. Заҳро—рус қизи. Кўзи кўк эканини мустасно қилганда, унда рус аёлларига хос бирорта белгини тополмайсиз. Унинг ҳаёт тарзи, фикрлаш йўсини чеккада ўсган оддий, тўпори, итоаткор бугунги ўзбек аёлларини эслатади.

«Раъно» автори эса севгини улуғламоқчи, унинг кучқудратини таъкидламоқчи.

Асар насрий дoston деб аталган, дарвоқе, у талай лирик шеърлар муаллифи Машраб Бобоев қаламига мансуб. Қиссада шонрона битилган сатрлар, саҳифалар

бор. Аммо проза, бу — ўз номи билан проза. Назмга хос ҳиссиётни наср ҳамиша ҳам кўтаравермайди. Автор ҳиссиётга берилиб кетиб, кўп ўринда соф севгини чуч-маллаштириб юборади, асар қаҳрамони — ошиқ йигитнинг юриш-туриши, фикр-мушоҳадалари телба, маст одамнинг ҳолатини эсга солади. Бу ошиқ йигит ишқ ўтида маст бўлиб кўчаларда довдирайди, телбалардек кулади, йиғлайди, ишдан, ўқишдан юз ўгиради, уни тартибга чақирмоқчи бўлган дўстлари, курсдошлари устидан масхаралаб кулади. Қаҳрамон дейди: «Менинг бу хулқим тезда ҳаммани ўзига жалб этди: стипендиядан олиб ташлашди, деворий газетада нўноқ расм томонидан чизилган суратим, нўноқ шоир томонидан менга атаб ёзилган тўрт қатор ҳажвий шеър пайдо бўлди. Бу ҳам етмагандай, факультетимиз комсомоллари мажлисига тушиб қолсам бўладими?»

...Баъзилар тўйиб-тўйиб гапириб олди, баъзилар эса гапирилмай армонда қолди... Ахир, мени муҳокама қилишга сарф этилган икки соатдан ошиқроқ вақтни, бақиравериб тирналиб кетган томоқларни ҳисобга олмасдан бўлармиди! Мен тавба қилишим керак эди, тавба қилдим ва «бундан кейин ўқишга жиддий муносабатда бўлишга» ваъда бердим. Ниҳоят, менга битта ҳайфсан эълон қилиш билан мажлис тугади...

... Тавба... Битта ҳайфсан бериш учун шунча одамни йиғиш шартмиди?»

Шуниси қизиқки, автор бутун асар давомида «ошиқ» йигитнинг шунақа телбанамо хатти-ҳаракатларини, гап-сўзларини хайрихоҳлик билан қаламга олади.

Камчиликлар хилма-хил кўринишда содир бўлмасин, асоси бир ерда — ҳаёт билан алоқанинг заифлиги ва маҳоратнинг етишмаслигида.

Замондошимизнинг тўлақонли образини яратиш, қаҳрамоннинг юксак маънавий оламини намоён этиш учун ёзувчидан халқ ва партия даъватига изчил амал қилиш, яъни ҳаёт ичига чуқурроқ кириш, маҳоратни

тинмай ошириш, бу борада совет адабиётининг бой анъаналаридан ибрат олиш талаб этилади.

ҚАҲРАМОН КОНЦЕПЦИЯСИ

Традиция ва новаторлик ҳаммадан аввал қаҳрамон характерида, қаҳрамон танлашда, унинг ғоявий-бадний талқини, хусусан, ижобий қаҳрамон концепциясида намоён бўлади.

Реализмнинг энг муҳим белгиси шуки, у адабиётга конкрет муҳит, конкрет тарихий шароитда ҳаракат қилувчи, даврнинг муҳим томонларини, социал гуруҳларнинг характерли хусусиятларини ўзида бетакрор тарзда жам этувчи реал одамларни олиб кирди; бунинг устига у оддий, камсуқум одамларни қаҳрамон қилиб танлаш, уларнинг турмуш тарзини, кайфиятларини, изтироб ва аламларини, орзу ва интилишларини ифода этиш, уларга нисбатан ўқувчида чуқур хайрихоҳлик ҳиссини уйғотиш билан адабиёт тарихида ғоят ибратли иш қилди. Социалистик реализм танқидий реализмнинг шу анъанасини қабул қилиб олди, айни пайтда у шахснинг тарихдаги роли, унинг халқ, коллектив билан муносабати масаласини жуда кескин қилиб қўйди. Алоҳида шахс меҳнаткаш халқ билан бирга бўлганда, унга таянганда нималарга қодиру халқдан ажралганда нималарга дучор бўлишини таҳлил этиш, менимча, социалистик реализм адабиётидаги жамият ва инсон концепциясининг асосини ташкил этади.

Бу анъана ўзбек прозасида «Ўтган кунлар»дан бошланган. Насримизда оддий меҳнат-аҳлининг реалистик образи илк бор шу романда кўринди, косиб Уста Олим, камбағал Парфи, хизматкор Ҳасанали ўз даврига нисбатан прозамизда катта янгилик эди. Шуниси диққатга сазоворки, асар бош қаҳрамони Отабек, гарчи ўзига тўқ

ила фарзанди бўлса ҳам унда оддий меҳнат аҳлига
ос хислатлар-устун. Унинг ҳам ижтимоий, ҳам оилавий
масалалар хусусидаги қарашлари меҳнаткаш халқ қай-
сиятларига хийла яқин. Бунинг устига Отабекнинг
қори табақа вакиллари орасида бирорта ҳам маслак-
оши, яқин кишиси йўқ; у ўзининг интилишлари, эъти-
оди билан ўз муҳитига тўқнаш келиб қолади, бойвачча
омид унинг ашаддий рақибига айланади, бойзучча
наси уни мутлақо тушунмайди, тушунган ота ҳам бо-
а-бора наси томонига ўтади, қайнатаси Қутидор сў-
аб-суриштирмай юзига эшик ёпади... Отабекни тушу-
адиган, дардига малҳам бўладиган чинакам мададкор-
ар меҳнаткашлар орасида — қул Ҳасанали отасидан ор-
қ меҳрибонлик кўрсатади, косиб Уста Олим, камба-
л Парфи энг оғир дақиқаларда унга далда беради,
янчига айланади, жафокаш Али унга улфат тутина-

....
Ёзувчи талқинидан шу нарса аёнки, Отабекнинг
накам таянчи, дарҳақиқат, меҳнаткаш халқ, бироқ
ҳрамон онгли равишда буни тушуниб етган, улар би-
н фаол алоқага киришган эмас; Отабек ўзи етишган,
и мансуб бўлган муҳитнинг ярамасликларини била-
, ундан жирканади, бир оз узоқлашади ҳам, бироқ ўз
н-фи доирасидан мутлақо чиқиб кетолмайди, меҳнат
ли билан қўшилиб, чатишиб улгурмайди, ўз идеалига
лоф равишда ўз муҳити билан муросага боради. Ота-
кдаги оддий одамларга хос хислатлар ҳаққоний таянч-
н — меҳнат аҳлидан етарли баҳра олмагани учун
дратли ижтимоий куч даражасига бориб етмайди.
абек, умуман, Отабеклар фожиясининг илдизи, ме-
мча, ана шу ерда.

Асардаги бошқа бир етакчи қаҳрамон Юсуфбек ҳо-
и тақдири талқинидан ҳам табиий равишда шундай
лоса келиб чиқади. Юсуфбек ҳожи ҳам эл-юрт ғамини
б кўп заҳмат чекади, аммо у лоақал Отабек даражаси-
ҳам меҳнат аҳлига яқин боролгани йўқ; унинг эзгу

ниятлари чинакам таянчга эга бўлмагани учун ҳам ҳеч наф келтирмайди. Шу тариқа «Ўтган кунлар» автори ўзбек прозасида биринчи бўлиб шахс ва меҳнаткаш халқ муаммосини кўтарди, шахс фожиасининг илдизини халқ билан муносабатга қараб очинишга интилдди.

Тўғри, қаҳрамон ва меҳнаткаш оломон муносабати «Ўтган кунлар»да бир оз хирароқ чиққан, пафос даражасига бориб етмаган, аммо романда шундай талқиннинг мавжудлиги принципиал аҳамиятга эга, бу ҳол ўзбек насрининг илк йирик асарларидаёқ социалистик реализмнинг муҳим хусусиятлари куртак ёза бошлаганидан далолат беради. Бу хусусият ёзувчининг ўша йиллари яратган ҳажвияларида, галдаги романи «Меҳробдан чаён»да ва ниҳоят, «Обид кетмон»да чуқурлашиб, такомиллашиб, пафосга айланади.

(«Меҳробдан чаён»даги Анвар гўё Отабек муяссар бўлмаган бахтга эришади, у бутунаси меҳнаткаш халқ вакиллари томонида туради, шу буюк таянчдан кучқудрат олиб хонлик зулматини ёриб чиқади, Худоёрдек даҳшатли шохни саросимага солади, Султонали, Сафар бўзчи ва мардикор тожик дўстлар мададида севгилиси Раъно васлига етишади.)

Анвар ижтимоий келиб чиқиши жиҳатидан ҳам, маслак ва интилиши жиҳатидан ҳам чинакамига оддий меҳнаткаш халқ фарзанди: фақир оилада дунёга келган, «чилласи чироқ кўрмай», вақтида исм ҳам олмай, етимликдан ночор ўсган. Ёзувчи қайта-қайта Анварнинг синфий маслагини таъкидлайди, бойваччалар билан гадойвачча Анвар орасидаги «синфий айирмалари ер билан кўкча» эканлигини уқтиради. Маълум тасодифлар тақозоси билан қаҳрамон хон саройи муҳитига тушиб қолган, юксак лавозимга кўтарилган, бироқ Анвар бундай бўғиқ, ифлос муҳит билан асло сиғишолмайди, бу ерда ҳам меҳнаткаш халққа хос гўзал фазилатларини тўла сақлаб қолади. У Раъно билан суҳбатда саройдаги касби корини «ифлос иш» деб атайди, ўзининг са-

рой учун яратилмаганлигини, сарой муҳити билан мослашиш асло қўлидан келмаслигини, бошқа касб топса ўрдани бутунлай ташлаб кетишга тайёр эканлигини айтиди.

Шу тариқа Анвар билан сарой муҳити орасидаги зиддиятнинг заминин синфий-мафкуравий айирмада; бу икки мафкураини ҳеч қачон келиштириш мумкин эмас, салгина бўлсин, синфий рақибга ён бериш қаҳрамонни ҳалокатга маҳкум этиши мумкин. Анвар ўз мафкураси йўлида сабот билан курашиб меҳнат аҳли кўмагида бахтга эришади. Меҳнат аҳли орасида фақирона бўлса-да, севгилиси билан осойишта, бахтиёр кун кечиради. Аммо пировардида синфий рақиб «ҳиммати»га учиб, ҳалокатга учрайди. Роман хотимасидаги маълумотдан шу нарса аён бўлади. Мана шу қисқа маълумот ҳам қаҳрамон тақдири талқини жиҳатидан жуда қадрли — мазкур факт ҳам ёзувчининг «Меҳробдан чаён»да шахс ва меҳнаткаш халқ муносабати хусусида изчил синфий позицияда турганлигини тасдиқлайди.

Шуниси ҳам борки, Анварнинг эрк йўлидаги кураши халқ озодлик ҳаракати даражасига бориб етган эмас. Анвар меҳнат аҳли ҳақида қайғуради-ю, халққа бирор конкрет наф етказишга улгурмайди. Аммо ўша тарихий шароитда шундай фазилат ва ҳаракатнинг ўзи ҳам катта гап, ўша давр прозасида муҳим ҳодиса эди. Қисман фольклор қаҳрамонларини эслатувчи, романтик бўёқлар билан жинлоланган, айти пайтда реалистик заминда турувчи бу образ, шунингдек, жасур қиз Раъно орқали ўзбек прозасида яна бир янги анъана бошланди, Анвар ва Раъноларга хос фаоллик кейинги давр прозаси ижобий қаҳрамонларининг етакчи хислатларидан бирига айланиб қолди.

Абдулла Қодирийнинг совет даври воқеаларига бағишланган асарларида шахс ва халқ муносабати бошқача кўриниш касб этади. Энди шароитнинг ўзи ўзгача — ҳокимият меҳнаткаш халқ қўлида, халқ билан бирга бў-

лиш эндиликда шахс учун ҳаёт-мамот масаласи, халқ оқимидан четга чиқиш, унга терс ҳаракат қилиш шахсни шунчаки фожиага мубтало этиб қўя қолмай, балки уни аянчли ҳолга солиб қўйиши, аксинча, меҳнаткаш омма билан ҳамкорлик уни улуглаши, юртнинг чинакам хўжайини даражасига кўтариши мумкин. Чунончи, «Қалвак маҳзумнинг хотира дафтарида» қаҳрамони меҳнаткаш халқ ҳаракатига зид йўлдан юриб, кулгили ва аянчли ҳолга тушади, «Обид кетмон» қаҳрамони эса халқ изидан бориб, коллектив ҳаёт кучоғида қайта туғилади, ундаги пинҳоний имкониятлар очилади, оддий кетмончи моҳир ташкилотчига, раҳбар ходимга айланади, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлади.

Абдулла Қодирий асарларида туғилиб, таркиб топа бошлаган бундай муҳим принциплар ўзбек прозасининг кейинги намуналарида янада такомиллашиб, барқарор анъана тусини олди. С. Айнийнинг «Қуллар», А. Қаҳҳорнинг «Сароб», Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романлари шахс ва коллектив талқини бобида насримизда янги босқич бўлди. Улар бевосита кескин синфий кураш ва инқилобий ўзгаришлар тасвирига бағишлангани учун шахс ва халқнинг синфий талқини аниқ ва кескин тус олди. «Қуллар»да халқ биринчи планга чиқарилди, ёзувчи халқнинг ўз озодлиги йўлида олиб борган узоқ машаққатли кураш йўлини кенг эпик планда кўрсатишга интилди; «Сароб» автори социализм шароитида ўз тўпидан ажралиб, тескаричи гуруҳлар қуршовида қолган оддий зиёли, йигитнинг фожиасини, аянчли қисматини зўр маҳорат билан акс эттиради, романда гарчи коллектив ҳаёт бир фон тарзида берилса ҳам, унинг таъсир доираси кенг, худди шу фон қаҳрамон қисматини ҳал этади. «Қутлуғ қон»да эса оддий деҳқон йигитининг ўз-ўзини таниши, синфий онгининг шаклланиши, ўз эрки йўлида курашга кириши ва бу курашнинг конкрет тарихий шароит тақозоси билан халқ озодлик ҳаракатига, инқилобий воқеаларга улашиб кетиши санъаткорона кўрсатил-

ган, «Қутлуғ қон»да шахс омма билан туташиб, қудратли ижтимоий кучга айланади, гўё Йўлчи «Меҳробдан чаён» қаҳрамони қўлидаги эстафета байроғини янги манзилга етказди.

Яна бир характерли тенденция — ўзбек реалистик насрининг илк асарларидаёқ интеллектуал қаҳрамон яратишга мойиллик кучли бўлган. А. Қодирий иккала романида ҳам ўқимишли, заковатли зиёли кишиларни қаҳрамон қилиб танлаган. Билимдонлик, зиёлилик қаҳрамонларнинг муҳим фазилатлари, аммо инқилобдан бурун яратилган айрим «маърифатпарварлик реализми»га мансуб асарларидан фарқли ўлароқ, бу ерда билим, ақл-заковат кучига ортиқча баҳо бериш, уни идеаллаштириш йўқ. Ақл-заковат ҳам коллектив манфаати билан узвий туташганда, маълум тарихий шароитдагина муҳим қудратли кучга айланиши мумкин. Юсуфбек, Отабек, Анвар образларидаги тарихий шароит билан изоҳланадиган чекланганлик улардаги ақл-заковатни ҳам чеклаб қўяди. Обид, Йўлчи каби асар бошида оддий, маърифатдан бир оз йироқ шахслар эса аксинча, коллектив, халқ манфаати йўлидаги дадил ҳаракатлари туфайли, вазият тақозоси билан етук интеллектуал кишиларга айланади (Йўлчининг асар охиридаги инқилобий нутқини, Обиднинг колхоз экономикаси ҳақидаги ўй-фикрларини эсланг). Яна бир қиёс: «Сароб» қаҳрамони Саидий бошда билимдон, истеъдодли йигит тарзида кўринади, бироқ индивидуализм касалига мубтало бўлгани учун бора-бора ақлий-маънавий жиҳатдан қашшоқлашиб, калтабин кимса ҳолига тушади...



Гапни узоқдан бошлашимизнинг сабаби ҳам аён бўлди шекилли. Ҳозирги ўзбек прозаси ривожига хос қатор тенденцияларнинг илдизи узоқларга — биз боя тилга

олган асарларга бориб тақалади. Орадан анча вақт ўтди. Замон ҳам, одамлар ҳам ўзгариб кетди, адибларимизнинг шахс ва халқ ҳақидаги билими, тасаввури кенгайди, чуқурлашди, бадиний тафаккур кўп янгиликлар билан бойинди, аммо адабиётдаги, қаҳрамонлардаги жонли, тарихий алоқадорлик сақланиб қолаверди. Баъзи қиёслар келтирай: «Синчалак»даги Санда, «Ғолиблар», «Бўрондан кучли» романларидаги Ойқиз, «Чинор»даги Комила ва Умидалар ўзларининг фаоллиги, жасурлиги, севгисадоқати билан қисман «Меҳробдан чаён» қаҳрамонига ўхшаб кетмайдими? «Эрк»даги Сатторнинг икки ўт орасида қовурилишлари «Ўтган кунлар»даги Отабекнинг Кумуш ва Зайнаб доғида чеккан руҳий изтиробларини эсга солмайдими? Яна шу қиссадаги она баъзи жиҳатлари билан романдаги Ўзбек ойимга ўхшамайдими? «Чинор»даги Ориф, «Эрк»даги Саттор, «Қанот жуфт бўлади» қиссасидаги Акрам, «Ёз ёмғири»даги Раҳимжон мулоҳазакорликда Отабекни ёдга солмайдими? «Чинор»даги донишманд чол, озгина бўлса-да, ақл-заковатда Юсуфбек ҳожини хотирга туширмайдими?! Еки «Улуғбек хазинаси» муаллифи бош қаҳрамон образини яратишда «Ўтган кунлар»даги мансабдор, маърифатли, илғор шахс Юсуфбек, «Навоий» романидаги бош қаҳрамон образи талқинидаги тажрибалардан баҳраманд бўлмаганмикан? «Уфқ»даги Иноят оқсоқол, «Чиниқиш»даги Бўрихўжа амаки хасисликни, бир чеккаси, ўзларининг ўтмишдоши «Меҳробдан чаён»даги Солиҳ маҳдумдан, «Судхўрнинг ўлими»даги Қори Ишкамбадан мерос қилиб олмаганмикан? Адашганлар қисматидан ҳикоя қилувчи «Умид», «Жаннат қидирганлар», «Одам бўлиш қийин», «Қотил», «Баҳор қайтмайди», «Ёз ёмғири» асарларини ўқиганда беихтиёр «Сароб»ни эсга оласан, бу асарларнинг қаҳрамонлари билан «Сароб» қаҳрамони орасида қандайдир умумийликлар топасан киши.

Бундай қиёсларни яна кўплаб келтириш мумкин. Эҳтимол буларнинг ҳаммасини ижодий таъсир сама-

раси деб бўлмас, аммо келтирилган қиёслар «Адабиётнинг ҳамма томониди жонли тарихий алоқадорлик мавжуд. Унда ҳеч бир ҳодиса тасодифан юз бермайди, янгиси эскисидан ўсиб чиқади, кейингиси аввалгиси билан изоҳланади», деган доно фикрни яна бир бор тасдиқлайди.

Тажриба шуни кўрсатаётирки, ҳар қандай анъана ҳаётний замин билан мустаҳкам боғлангандагина ёзувчининг шахсий тажрибаси, истеъдоди билан йўғрилганда, ҳаёт ва инсон характерини янги томондан кашф этишга, аниқроғи, новаторликка хизмат этгандагина ўзини оқлай олади.

Ижодда асосий фактор — ҳаёт, чинакам ёзувчи ҳаётний тажрибаларини, ҳаётдан олган билим ва таассуротларини, дард ва ҳаяжонларини қоғозга туширишга интилади; шу билан бирга, у ҳамиша адабий анъаналар қуршовида яшаб, ижод этади; ёзувчи ижод пайтида ўзгалар таъсирини сезиши ҳам, сезмаслиги ҳам мумкин. Масалан, А. Қаҳҳор А. Чехов асарлари унинг ўтмиш ҳақидаги ҳикояларини яратишга туртки бўлганини, устоз асарларини ўқигач, қалби тубида тошдек ётган хотиралар уйғониб кетганлигини дангал айтади. Ойбекдан А. Қодирий таъсирини сўрашганда: «Бунини аниқлаш бошқаларнинг иши бўлса керак. Чунки доимо ўз йўлинг-да кетаётгандек бўласан», «бевосита ижодий таъсирни сезмаганман», деб жавоб қайтарган. Бошқа бир адиб — Асқад Мухтор ижод жараёни ҳақида ёзади. «Ёзувчилик менинг назаримда энг қизиқ, энг эҳтиросли ҳаёт. Бунда фаолият натижаси — асарнинг ўзигина эмас, процесс, изланиш процесси, излаб топиш, излаб яшашнинг ўзи қизиқ. Ҳар сафар ўзингга ҳам, китобхонга ҳам янги бир олам очишинг керак. Адабиёт процесси узлуксиз; қанча ёзувчи бўлса шунча усул, ҳаёт мураккаблиklarининг мағзини ҳамма ўзича излайди, ҳамма ўз юрагида қайнатади, ўз илҳомини, ўз эҳтиросини тақдим этади».

Биз юқорида қиёсан тилга олган асарларнинг авторлари ҳам ижод пайтида шундай ҳолатларни бошдан кечиргани шубҳасиз, улар орасида ўзгалар таъсирини онгли равишда билиб, ҳис этиб ижодга қўл урганлар ҳам ёки, аксинча, «ўз йўлидан» боришни, ҳар сафар «янги бир олам очиш», «ҳаёт мураккабликларини ўзича излаш», ўқувчига ўз юрагини, ўз илҳомини тақдим этишни шир қилиб олса-да, беихтиёр, ўзлари сезмаган ҳолда, устозларнинг илгор анъаналарини давом эттирганлари ҳам кўп.

Қаҳрамонлар талқинидаги умумийлик тўғрисида гап кетганда, фақат адабий традицияларни эмас, одамлар табиатидаги анъанавий хислатларни, халққа, миллатга хос боқий фазилатларни ҳам ёддан чиқармаслик керак. Абдулла Ориповнинг «Генетика» шеърисидаги лирик қаҳрамон — замондошимизнинг мана бу сўзларига қулоқ тутинг-а:

Мен ҳам яшайпман ўз замонимда,
Давримдан қайга ҳам тушардим йироқ.
Ва лекин билмадим, менинг қонимда
Қайси бир бобомнинг хислати кўпроқ,
Барчага баробар мерос бу башар,
Отадан қош-кўзни олган ўғилдек.
Билмадим, қонимда қай аجدод яшар,
Балки Бобо Қайфий, балки Улуғбек.
Тунлар қулоғимга чалинар элас
Тулпорлар кишнаши, отлар гурроси.
Балки Муқанна бу — тиниб-тинчимас,
Балки Панипатда Бобир урҳоси.
Балки танглайимни кўтариб кетган
Дарбадар бир ошиқ ва ё сарбадор.
Балки бирор бобом шаҳаншоҳ ўтган,
Балки вужудимда дарвиш қони бор.
Мен яхши англайман, мозий не демак,
Тарихда ҳар кимнинг бор ўз замони.

Лекин танимизда кезар-ку, бешак
Олис боболарнинг минг йиллик қони.
Нечогли сабот бор ёвқур Широқда.
Эрйингитов тўпга кўксин босар жим,
Раҳимов ғанимга ташланган чоқда
Алпомниш шиддатин пайқаманган ким?!
Оҳу боласи бу — оҳудай боққан,
Шерваччада эса шернинг шиддати,
Авлодлар қонида минг йиллаб оққан
Буюк боболарнинг турфа хислати.

Бу гапларга изоҳ ортиқчалик қилар дейман. Фақат уларга қўшимча қилиб шуни айтиш мумкин: халққа хос боқий хислатлар ҳар бир даврда, ҳар бир шахсда ўзгача, бетакрор тарзда зуҳур этилади. Маълумки, тарихийликка изчил риоя этиш ва характерни индивидуаллаштириб бериш реалистик ижоднинг энг муҳим принципларидан. Мазкур принципларга амал қилувчи реалист санъаткор олдида чексиз имкониятлар очилади. Агар у қаҳрамонни конкрет тарихий шароит ичида кўрсатиш, умумийликни аниқ шахс орқали гавдалантириш, аниқроғи, конкрет шахсда давр типларига хос хусусиятларни мужассам этиш йўлидан борадиган бўлса, такрорийликка, тақлидчиликка, схематизмга ва китобийликка асло ўрин қолмайди. Бундай кезларда қаҳрамон характеридаги боқий хислатлар авторнинг камчилиги эмас, балки ютуғи сифатида намоён бўлади.

Гап яна маҳорат ва ҳаётий тажриба масаласига келиб тақалляпти. Агар ёзувчи бой ҳаётий тажрибага эга бўлса, ҳаётдан олган билим, таассурот ва ҳаяжонларини, бутун куч ва маҳоратини ишга солиб, илҳом билан қоғозга туширолса, у яратган асар, қаҳрамон ўз-ўзидан ҳаётий бўлиб чиқаверади, уни биз аввало ҳаёт қаҳрамони, фақат шу давр, шу муҳит одами деб қабул қиламиз, гарчи унинг ҳаётида, табиатида аввал яратилган асар-

ларга, қаҳрамонларга ўхшаб кетадиган айрим томонлар бўлса-да, ҳатто услуб ва шаклда анъанавийлик устун турса-да, буни ҳаёлга ҳам келтирмаймиз. Аксинча, авторнинг ҳаётини тажрибалари камбағал, маҳорати заиф бўлса ёки ёзувчи ўз куч ва маҳоратини тўла ишга сола билмаса, гарчи у ўзинча «оригинал йўлдан» борса ҳам тақлидчилик, штамплар изи дарҳол кўрина қолади.

Далилларга — юқорида қиёс қилинган асарларга қайтайлик. «Улуғбек хазинаси»ни мустасно қилганда, қолган барча роман ва қиссаларнинг қаҳрамонлари — бизнинг замондошларимиз, 50—60-йиллар кишилари. Улардаги ижобий шахслар боқий миллий хислатларни ташиш билан баробар, социалистик жамиятда вужудга келган янги типдаги кишилар уюшмаси — совет халқига хос жуда кўп фазилатларни ўзида сингдирган. Шoir айтмоқчи:

Неки эзгулик бор жаҳонда пойдор,
Жойлаб ола билдик барчасин қонга.
Асрлар сўнгида толе келиб ёр
Фарзанд бўла билдик буюк замонга.
Сингди руҳимизга мангу барҳаёт
Алишер шеър-ю, Пушкин баёти.
Сингди руҳимизга ғолиб ҳиссиёт —
Жасур Матросовнинг тенгсиз саботи.
Сингди қонимизга шу оташ дунё,
Сингди қонимизга муҳаббат, ғазаб.

Санда, Ойқиз, Комила ва Умидалар ўтмишдоши Раънога қараганда дадил, фаол, фикр, манфаат доираси кенг, катта ижтимоий ишлар билан банд... Бунда ҳеч қанақа атайинлик йўқ, совет тузуми, хусусан, урушдан кейинги йиллар шароити худди шу типдаги ўзбек аёлларини вояга етказди, аёл зоти халққа, партияга, социалистик тузумга таяниб, ўтмишда тасаввур этиш мумкин

бўлмаган улкан жасоратлар кўрсатади: Саида билан Ойқиз катта ижтимоий ғов — маълум шароит маҳсули саналмиш консерватизм касални йўлдан олиб ташлайди, Қомила нобоп қурилган оила тўрини парчалаб, орзу-идеали йўлида кураш ва жанглар сари кўкрак очади, олима Умида эса, мантиқ кучи ва оташин сўзи билан буржуа оламини ларзага солади...

«Чинор»даги оддийгина Очил қария ақл-заковатда, интеллектуал етукликда ўз ўтмишдошлари — мансабдор, маърифатпарвар, таниқли зотлардан устун туради. Бироқ бу одамга тўла ишонамиз, чунки у, Миртемир айтмоқчи, «ҳаётнинг ўзидан, қайноғидан, гирдобидан» олинган; салкам юз йил умр кўрган, умр бўйи меҳнаткаш халқ билан асрнинг бош йўлида юрган, юртга ажойиб фарзандлар берган, бутун қалб саховатини, билими, тажрибасини халқига, она-Ватанига, фарзандларига бахшида этган тиним билмас бу отахоннинг ана шундай етукликка кўтарилиши табиий ва қонуний. !

Қалби изтироб ва зиддиятли ўйлар билан тўлиб-тошган серандиша, мулоҳазакор қаҳрамонлар — Ориф, Акрам, Саттор ва Раҳимжонлар нимаси биландир илк реалистик асарларнинг ижобий қаҳрамонларини эслатсалар-да, уларни биз ҳақиқий маънодаги замондошларимиз тарзида қабул қиламиз, чунки улар шу куннинг нафаси билан яшайдилар, сиз билан бизни қийнаётган жумбоқларга ўзича жавоб излайдилар, фан-техника асрининг зиддиятлари, коммунизмга ўтиш даври қийинчиликлари, ҳозирги сиёсат, иқтисод, оила, ахлоқ, тарбия масаллари — барчаси уларни қизиқтиради, ўй-хаёлга толдиради; улар баъзан адашади, иккиланади, турмуш мураккабликларидан толиқади, олишув ва тўқнашувларда чекинади, бироқ ҳеч қачон ўзлигини йўқотмайди, изланишдан, олға интилишдан, ҳақиқат учун курашдан қолмайди, ҳеч қачон эзгу идеалидан, пок эътиқодидан қайтмайди; энг оғир, мураккаб дақиқаларда ҳам уларнинг энгиб чиқишига ишониб турасан, чунки ҳақиқат, адолат улар

томонда, замон уларники, улар кетаётган йўл энг тўғри йўл — асримизнинг, коммунистик истиқболнинг бош йўли! Бу образларнинг, бу одамларнинг толеи, куч-қудрати ана шунда, бу образлардаги новаторлик ҳам шунда.

Етук реализм анъаналари, қолаверса, замон тақозоси туфайли бўлса керак, яқин ва узоқ ўтмиш ҳақидаги асарларда ҳам мураккаб характерларга мурожаат этиш, қаҳрамон ҳаётини бутун зиддиятлари билан кўрсатиш тенденцияси кучайиб борапти. Ш. Рашидовнинг «Қудратли тўлқин» романидаги Пўлат ёзувчининг аввалги асарлари қаҳрамонларидан ўзининг серқирралиги билан ажралиб туради. «Ғолиблар»нинг роман вариантыдаги ижобий шахслар повестдагига қараганда хийла мураккаб бўлиб қолган. Саид Аҳмаднинг «Уфқ» романидаги жангдан қайтган қаҳрамонлар образини ижодкорнинг аввал ёзган «Қадрдон далалар» повестидаги шу тур қаҳрамонлар билан қиёс қилганда, бутунлай бошқа манзарага дуч келамиз, кейинги асарда характерлар бутун драматизми билан кўз олдимизда намоён бўлади. «Улуғбек хазинаси»ни узоқ ўтмиш ҳақидаги илгари ёзилган драма ва романларга солиштирганда ҳам шундай ҳолни кўриш мумкин, чунончи, Улуғбек, Абдуллатиф, менинг назаримда, «Мирзо Улуғбек» трагедиясидагига қараганда зиддиятлироқ чиққан, аросатда, ададсиз руҳий қийноқлар гирдобиди қолган Мавлоно Муҳиддин эса тарихий романчиликда янгилик бўлди. О. Ёқубов ҳам қаҳрамонлар фожиасини очишда, аввало, А. Қодирий анъаналари изидан боради, шу билан баробар Ойбек, Уйғун, И. Султон, М. Шайхозодалар тажрибасига ҳам таянади, қаҳрамонларнинг халқ билан муносабати масаласини ғоят ўткир қилиб қўяди: Улуғбек фожиасининг илдизини ҳаммадан бурун оломон билан алоқанинг заифлигидан қидиради; шунингдек, романда халқдан, улус ғамидан йироқ Абдуллатиф жирканч қиёфада кўринади, буюк эътиқоддан қайтган хиёнаткор Мавлоно

Муҳиддин тобора тубанлашади; аксинча, эл-юрт билан ҳамнафас Али Қушчи, меҳнаткаш халқнинг асл фарзанди Қарноқийлар эса ўқувчи кўзи олдида ажойиб жозоба касб этадилар...

Қаҳрамон талқини билан боғлиқ камчиликларга келганда, умумий тарзда бўлса-да, қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

Насримизнинг фаол, курашчан, бунёдкор, кенг кўламли реалистик образлар яратишдан иборат анъанаси сўнгги йилларда бир оз заифлашиб қолди, хусусан, ёш носирлар ижодида шундай қаҳрамонлар деярли кўринмаяпти, тажрибали адибларимиз ҳам бундай қаҳрамонларни шу кунлардан, замондошларимиз орасидан эмас, кўпроқ яқин ва узоқ ўтмишдан қидираётирлар.

«Обид кетмон», «Қўтлуғ қон» асарларидаги характерлар яратиш принципига юзаки тақлид қилиш ҳоллари ҳам юз беряпти; бу асарлардаги характерларнинг соддалиги ҳам, эволюцияси ҳам муҳим идеяни ташийди, катта ҳаёт ҳақиқатини ифода этади, характерлар онгидаги ўзгариш, бурилиш халқ тарихидаги улкан ўзгариш ва бурилишлар билан боғланиб кетади. Бугунги кунда яратилаётган қатор роман ва қиссаларда шу фазилат етишмаётир, хусусийликдан катта умумлашмалар сари бориш кўринмаётир.

Қаҳрамоннинг оддий инсоний фазилатларини бўрттириб кўрсатиш яхши анъана. Оддийлик, камтаринлик, камсуқумлик, самимият—меҳнат аҳлининг энг яхши фазилати; бизнинг идеалимиз; мана шундай фазилатларга молик қаҳрамонлар китобхонга ёқимтой бўлиб кўринадди. Қ. Маркс «Сиз кўпроқ кишидаги қандай камчиликни кечирар эдингиз?» деган сўроққа, «гўлликни», деб жавоб қайтарган экан. Ҳозирги насримиз қаҳрамонларида ҳам реализмнинг шу мўътабар анъанаси давом этапти. Бироқ қисман меъёридан четга чиқиш фактлари ҳам рўй беряпти. Масалан, «Дегрез ўғли» қаҳрамони Арслонни эслайлик. У турмушнинг кўп сўқмоқларидан

Ўтган, бой ҳаётини тажриба тўплаган йирик раҳбар ходим. Ёзувчи қаҳрамоннинг катта лавозимга кўтарилганда ҳам оддий, инсоний фазилатларига содиқ қолганини таъкидлайман деб, баъзан уни ўта гўл одам ҳолига солиб қўяди, шундай кезларда унда давримизнинг илғор кишиларига, раҳбар ходимларига хос интеллектуаллик, заковат етишмай қолади.

Ўзбек реалистик прозасининг илк асарларидаёқ қаҳрамоннинг ҳам шахсий-интим, ҳам ижтимоий манфаатларини бир бутун ҳолда бериш тенденцияси бошланган эди. Кейинроқ, маълум сабабларга кўра, шахсни ижтимоий томондан очишга зўр берилиб, унинг интим олами бир оз эътибордан четда қола бошлади. 50—60-йиллар прозасида аввалги анъана тикланди, ҳозир шахснинг ҳар икки жиҳатини бир бутун ҳолда талқин этиш етакчи тенденция бўлиб турибди. Шунга қарамай қатор асарларда бир ёқламалик, схематизм аломатлари кўринаётир. Айрим роман ва қиссаларда шахсни бир бутун ҳолда кўрсатиш сунъий чиқаётир, авторлар асарнинг ғоявий-бадний мантиқидан келиб чиқмаган ҳолда, ё оилавий-интим можароларни, ёки аксинча, ишлаб чиқариш характеридаги ижтимоий муаммоларни асарга сунъий равишда ёпиштирадilar. Баъзи ёш авторлар интим томонга зўр бераман деб қаҳрамонни, умуман, бадний асарни ижтимоий қимматдан маҳрум этиб қўяётирлар, аниқроқ айтганда, оилавий-шахсий ҳаётнинг катта ижтимоий маъносини очиб беролмаётирлар. Улкан ижтимоий вазифалар билан банд бўлган бир талай қаҳрамонларнинг интим оламини очишда бир хилликларга ҳам дуч келаётирмиз, «Фарғона тонг отгунча» романидаги маърифатпарвар, курашчи-революционер йигит Ғуломжон, «Севгим, севгилим» қиссасидаги раис Усмон ака, «Чироқ»даги чароғбон Шароф домла, «Чинор»даги райком секретари Ориф — барчаси илк муҳаббати, ҳалок бўлган севиклиси ҳурмати ҳаётдан танҳо ўтадилар. Қаҳрамонларнинг бундай хатти-ҳаракатлари эса бе-

нихтиёр «Ўтган кунлар»даги Уста Олим қисматини эсга туширади...

Адашганлар қисматидан баҳс этувчи асарларда қаҳрамонларни адашишга олиб келган объектив ҳаётий факторлар етарли бадий таҳлил этилмаётгани кўп марта айтилди. Бу борада ҳам устозлар тажрибаси ибрат бўла олди. «Ўтган кунлар»да ниҳоятда беозор, бўш-баёв Зайнабнинг ёвузлик қилиш даражасига бориб етиши қадам-бақадам, нақадар ҳаётий, табиий факторлар орқали далиллаб берилган! Зайнаб қисмати билан танишганда биз фақат Зайнабнинг шахсини эмас, уни шу кўйларга солган муҳитни—ярамас урф-одатларни қоралаймиз. Қаранг, ярамас муҳит, кундошлик турмуши ҳатто Кумушдай беғубор, мулойим аёл қалбида ҳам баъзи бадбин кайфиятларни туғдиради. Ҳаётий замин асосли, пухта бўлгани учун Кумушдек «фаришта» аёлнинг баъзан ёмон хаёлларга боришига, жанжалкаш, ўжар одам бўлиб қолишига асло шубҳа қилмаймиз.

«Сароб»даги туппа-тузук йигит Саидийнинг, жозибador аёл Мунисхоннинг тубанлашув тарихида шубҳа туғдирадиган ёки китобхонни қаноатлантирмайдиган бирор ҳолат борми? Йўқ, ҳаммаси жойида; бунинг устига қаҳрамонлар фожиясига асос бўлган факторлар тасвири ва таҳлили орқали даврнинг улкан ҳақиқатидан, социализмнинг 20-йиллардаги зафарли юришларидан огоҳ бўламиз. Қани энди ҳозир яратилаётган асарларда ҳам устозлар қаламига хос ана шундай фазилатлар ёрқинроқ кўринса!

ҚАҲРАМОНЛАР ТАҚДИРИ ВА ДАВР ҲАҚИҚАТИ

Қаҳрамонлар талқинидан бошланган гапимиз ўз-ўзидан характерлар тақдири ва давр муаммосига келиб уланаётир. Таниқли адабиётшунос Л. Якименко «Совет адабиётининг қаҳрамони ва новаторлиги» китобида

«Алоҳида шахс тақдирини бевосита ёки билвосита халқнинг тарихий тақдири билан қўшилиб кетиши социалистик реализмдаги шаклланган ва мустаҳкамланган баъдий принциплардан биридир»,— дейди.

Мазкур принцип ҳам насримизда Октябрдан кейин шакллана бошлаган. Инқилобдан бурун яратилган эпик—асарлардаги қаҳрамонлар тақдири тасвирини эслайлик. Биз уларда кўпинча шахснинг туғилишидан тортиб то ўлимга қадар бошдан кечирганлари билан танишамиз; саргузаштлар ўзича қизиқ, ранг-баранг, мароқли; бироқ уларнинг халқ тарихи, тақдири билан алоқадор жиҳатлари айтарли йўқ. Инқилоб арафасида яратилган қатор драмаларда, шунингдек, «Янги саодат», «Бефарзанд Очилдибой», «Доктор Муҳаммадёр» сингари прозаик асарларда қаҳрамонларнинг узоқ даврлик ҳаёти ҳикоя қилинади, улар ўз замонасининг одамлари деб тақдим этилади, аммо айти қаҳрамонлар тақдирида ўша—асримиз бошида юз бераётган улкан тарихий ҳодисалар билан бевосита ёки билвосита туташиб кетадиган онларни айтарли кўрмаймиз. Ҳамзанинг инқилобдан кейин яратган «Бой ила хизматчи», «Истибдод қурбонлари» асарларида ярқ этиб янги бир фазилат намоён бўлди, қаҳрамонлар қисмати даврнинг улкан воқеалари—миллий озодлик ҳаракати, Октябрь инқилоби воқеалари билан улаб юборилди. Бирин-кетин прозага ҳам шў хусусият кириб кела бошлади, С. Айнийнинг «Бухоро жаллодлари», «Одина» қиссаларида, ниҳоят, А. Қодирий романларида бу хусусият маълум принцип тусини олди. «Ўтган кунлар»ни шу жиҳатдан эслайлик. Романдаги Отабекнинг ишқий саргузаштлари ўтган аср ўрталаридаги аниқ тарихий ҳодисалар—Қўқон билан Тошкент орасидаги ўзаро урушлар, Тошкентдаги қиргин ва исёнлар чоризм қўшинларининг Туркистонга келиши каби бўлган воқеалар фониде ҳикоя қилинади, қатор тарихий шахслар айнан ёки қисман ўзгартиришлар билан романга киритилади...

Кейинроқ яратилган «Меҳробдан чаён», «Дохунда», «Қуллар», «Сароб», «Обид кетмон», «Душман», «Қутлуғ қон» каби романларда шахс тақдирида давр ҳақиқатини бериш, шахс қисматини улкан тарихий ўзгаришлар билан қўшиб юбориш шу даражада кенг томир ёйдики, тарихий роман билан оддий роман орасидаги чегара—тафовут сезилмас даражага бориб етди, қатор романлар, чунончи, «Қутлуғ қон» тарихийми ёки тарихий эмасми, деган баҳсларнинг келиб чиқишига, бир чеккаси, шу ҳол сабаб бўлди.

Урушдан кейинги романлардан «Ўқитувчи»даги Холмурод, «Қўшчинор чироқлари»даги Сиддиқжонни, «Олтин водийдан шабадалар»даги Ўктамни, «Опа-сингиллар»даги Онахонни — барча-барчасини хотирга олсангиз, аввало, халқимиз ҳаётидаги улкан тарихий воқеалар кўз олдингизга келади.

Ўзбек реалистик насрининг шаклланиш чоғидаёқ қаҳрамон тақдири тасвирида икки йўл пайдо бўлди. Бу икки йўл икки йирик санъаткор номи билан боғлиқ: Садриддин Айний ўз қисса ва романларида классик адабиёт анъаналари изидан бориб, қаҳрамоннинг бутун ҳаёт йўлини ёки узоқ даврлик саргузаштларини ҳикоя қилиб беришга интилди, ҳатто «Қуллар»да бир авлод умри билан чекланмай, бир неча авлод биографиясини ифода этади. Абдулла Қодирий шу анъанавийликка зид ўлароқ, қаҳрамон ҳаётидаги энг муҳим, характерли, Ч. Айтматов айтмоқчи, ҳар бир шахс умрида бир бор бўладиган асар учун арзигулик онларини топиб оладида, уни кенг таҳлил этади. Қаранг, «Ўтган кунлар»да тасвир бош қаҳрамон Отабек умридаги энг ҳаяжонли палла — унинг ишқий кечинмалар оламига киришидан бошланиб, чекланган бир муддат — уч-тўрт йил давомида бу ишқ савдосининг барбод бўлиши билан тугайди. Ёзувчи қаҳрамоннинг бу можароларга қадар кечган саргузаштлари ҳақида айтарли ҳеч нарса демайди, маълум баҳс тақозоси билан Россияга қилган сафари таассурот-

ларини эслатиб ўтади, холос. Шунингдек, қаҳрамоннинг кейинги кечмиши тўғрисида асар хотима ва иловасида қисқача хабар бериш билан чекланади. Адибнинг кейинги йирик асари «Меҳробдан чаён» ва «Обид кетмон»да қаҳрамонларнинг ўтмиши билан таништириш бор, бироқ бу шунчаки ўтмишга экскурсия қилиш тарзида амалга оширилади, мазкур экскурсиялар адибнинг қаҳрамон ҳаётидаги чегараланган бир паллани кенг кўрсатишдан иборат тасвир усулига асло монелик қилмайди.

Кейинчалик «Қутлуғ қон», «Сароб» каби романларда А. Қодирий анъанаси давом эттирилди. 50—60- йилларда пайдо бўлган «Уч илдиз», «Шинелли йиллар», «Туғилиш», «Қора кўзлар», «Эр бошига иш тушса», «Умид», «Одам бўлиш қийин», «Ҳазрати инсон», «Улуғбек хазинаси» ва бошқа бир талай романлар бу анъана ҳозирга қадар давом этаётганлигидан далолат беради. Айни пайтда ҳозир С. Айний тажрибасига қизқиш ва эҳтиёж ҳам катта. А. Мухторнинг «Давр менинг тақдиримда», «Чинор», Шухратнинг «Олтин зангламас», «Жаннат қидирганлар», Мирмуҳсиннинг «Дегрез ўғли» романлари худди «Қуллар»даги каби узоқ даврлик воқеаларни ўз ичига олади, авторлар С. Айнийга ўхшаб қаҳрамонлар қисмати орқали халқнинг тарихий тажрибасини умумлаштириб бермоқчи, даврнинг бадий биографиясини ифода этмоқчи бўладилар. Ҳатто ҳужжатли асар «Ота», шеърӣ роман «Бир савол»да ҳам шундай хусусият мавжуд.

Халқ ҳаётини кенг қамраб олишга, тарихий тараққиётни босқичма-босқич таҳлил этишга эҳтиёжнинг ошганлиги оқибати бўлса керак, кейинги йилларда бир неча китобдан иборат романлар ёзиш кенг расм бўлиб борапти. Узоқ даврлик воқеаларни ўз ичига олувчи бир ёки кўп китобдан иборат романларда асарни қисмларга, китобларга ажратиш кўпинча халқ тарихидаги босқичлар асосида амалга ошириляпти. Шуниси қизиқки, ёзувчи даставвал халқ ҳаётининг маълум давридан бир ёки

икки китобдан иборат роман ёзишга ўтиради, роман биттади, аммо ёзувчининг кўнгли тўлмайди, роман воқеаларини давом эттиришга ўзида ички эҳтиёж сезади. «Менинг «Машъал» романим,— дейди Ҳ. Фулом,— икки китобдан иборат бўлса ҳам воқеа ҳали тугалланмагани, кўпгина қаҳрамонлар тақдири узил-кесил ҳал бўлмагани сезилиб турибдики, бу нарса мени романининг учинчи китобини ёзишга ундаяпти, буни мен, ёзувчига ҳаёт даъвати, деб биламан. Шу сабабдан асарнинг давоми, янги воқеалар, қаҳрамонлар тақдири ҳақида ўйлайман. Еки «Тошкентликлар» романим... Бу асарда ҳам воқеа қиёмига етгани йўқ. Қаҳрамонлар кўзлаган мақсадлари йўлида кетмоқдалар — бу йўл ҳали олис. Асардаги кўпгина одамлар ҳали бир-бирлари билан учрашишлари, баҳслашишлари керак. Асар қаҳрамонлари қиладиган анча ишлар, кўрсатадиган қаҳрамонликлар олдинда...

Хуллас, объектив воқеликнинг ўзи ҳам тарих, ҳам ҳозирги давр ҳақидаги эпик нақлиётни ривожлантиришнинг тақозо этади» («Шарқ юлдузи», 1971, № 5, 26-бет).

Шундай руҳий ижодий ҳолатни бошқа адибларда ҳам кузатаётимиз. Саид Аҳмад «Уфқ»ни дастлаб бир китоблик қилиб мўлжаллаган, унда уруш даври ҳодисаларини акс эттирмоқчи бўлган эди, кейинроқ қаҳрамонларнинг урушдан кейинги тақдирини кўрсатишга эҳтиёж сизди ва иккинчи китобни ёзди, сўнгра қаҳрамонларнинг урушдан аввалги қисмати билан қизиқиб, романининг учинчи китоби — «Қирқ беш кун»ни ёзди. Ш. Рашидов китобхонлар билан учрашувлардан бирида «Қудратли тўлқин»нинг иккинчи китоби устида ишлаётганлигини айтган эди. Ойбек орадан анча йиллар ўтиб «Қутлуғ қон»нинг мантиқий давоми — «Улуғ йўл»га қўл урди. «Фарғона тонг отгунча» автори ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Бундай ижодий ҳодисанинг ўзига хос қийинчиликлари, мураккабликлари ҳам бор. А. Мухтор «Китобларимиз элчилари» сарлавҳали мақоласида шу

ҳақда сўз очган эди; айрим танқидчилар бунини ижобий ҳол сифатида баҳолашга иккиланмоқдалар. Чунончи, М. Қўшжонов бу ҳодисани яқин ўтмишдан қолган «монументализм» касали деб атайди. «Бироқ,— деб ёзади у,— эски «монументализм» касали ҳали ҳам тугаганича йўқ. Замонамиз — тезкор замон. Тезкор замон тезкор жанрларнинг тараққиётини талаб қилаётир. Кино, телевизор кўпгина воқеаларни зудлик билан халққа етказиб турибди. Шундай бир пайтда уч-тўрт томлик, вазмин тасвирли асарларни планлаштириб, улар устида беш йиллаб, ўн йиллаб ўтиришнинг ҳожати қанчалик экан? Китобхонларни йиллаб куттирмасдан айтиладиган гапларни ҳам, ҳажмни ҳам ихчамлаштириб, Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор романлари типигаги асарлар устида кўпроқ ишлаган тузук бўлмасмикан?» («Шарқ юлдузи», 1970, № 9, 7-бет.) Аввало, бундай хавотир учун ўрин йўқ, ҳозирги кунда «тезкор жанрлар» тез тараққий этапти, ихчам романлар кўплаб яратилляпти. Шундай пайтда барча адибларни тезкор жанрда ижод этишга, нуқул ихчам романлар ёзишга даъват этиш қандай бўларкан? Бунинг устига бадий ижод жуда мураккаб, нозик жараён, олдиндан ҳамма нарсани аниқ чамалаб, режалаб қўйиш ниҳоятда мушкул, иш давомида режалар бутунлай ўзгариши, ҳодисалар мантиқи, ҳаёт тақозосига кўра, кутилмаган янгиликлар келиб чиқавериши, боя эслатганимиздек, олдин режаланган бир китоб баъзан бир неча китобга айланиб кетавериши мумкин. Бадий ижоднинг бу нозик хусусиятини, ички қонуниятларини унутмаслик керак. Бироқ бу билан мен юқорида саналган китобларнинг ҳаммасини ҳам муваффақиятли яратилган, демоқчи ёки кўп китобдан иборат роман ёзишнинг, қолаверса, узоқ даврлик воқеаларни ўз ичига олган асарлар яратишнинг қийинчилиги ва кам-кўстларидан кўз юмиб ўтишга даъват этмоқчи эмасман, аксинча, улар ҳақида жиддийроқ гаплашиш, баҳслашиш лозим.

Қўп жилдли асарларимизда, аввало, барча китобларни туташтириб турадиган ягона поэтик ғоя ярқ этиб турмайди. Совет адабиёти классикасидан «Тинч Дон» тажрибасини эслайлик; унда воқеалар тармоғи ва кўлами нақадар кенг, персонажлар эса сон-саноқсиз бўлишига қарамай, ҳар тўрт китобдан қизил ип бўлиб ўтадиган бош поэтик ғоя бор, революция ва Дон казаклари тақдири, инқилобий ўзгаришлар шароитида шахс ва халқ онгидаги жараёнлар масаласи барча сюжет тармоқларининг, персонажларни ягона бир фокусга йиғиб, асарнинг поэтик яхлитлигини таъмин этади; асарни ўқиб чиққач, энди унинг бошига ҳам, охирига ҳам ҳеч нарса қўшиш мумкин эмаслигини барала ҳис этасан, чунки асарда қўйилган поэтик ғоя ечилган, эстетик ибтидо интиҳосига етган... Бизда яратилаётган кўп жилдли романлар шу жиҳатдан оқсайди.

Қаҳрамонлар биографияси орқали узоқ даврни бериш масаласида ҳам поэтик ғоя яхлитлигига алоқадор камчиликларга дуч келяпмиз. Бу ерда ҳам, аввало, классиклар тажрибасини эслайлик: «Клим Самгин ҳаёти», «Рус ўрмони», «Абай» каби асарларда қаҳрамонлар даврлардан даврларга ўтиб борар экан, ҳаётнинг барча босқичларини туташтирадиган ягона барқарор поэтик ғоя мавжуд; чунончи, Л. Леонов романида инсоннинг табиатга муносабати, М. Аvezов романида эса ўтган асрнинг иккинчи ярмидаги қозоқ шароитида прогрессив рус маданияти таъсирида янги типдаги шоир шахсининг шаклланиши масаласи ягона поэтик ғоя ролини ўтайди, бутун асар давомида авторлар қаҳрамонлар ҳаёти ва руҳиятини шу бош поэтик ғоя асосида таҳлил этадилар. Бу ҳол шахс тақдири орқали даврни беришга, аynи пайтда, шахс концепцияни чуқур ва бетакрор очишга имкон беради; натижада асарда биз ҳам халқ ҳаётининг кенг манзарасини, ҳам тўлақонли, мукаммал инсоний характерларни кўрамыз.

Хўш, ҳозирги ўзбек прозасида нима бўляпти?

Баъзи асарларда қаҳрамон шахсиятини бутун асар давомида ягона поэтик гоя асосида таҳлил этиш маҳорати етишмайди. Масалан, «Дегрез ўғли»да бош қаҳрамон дастлаб беқарор шахс тарзида кўринади, у гоҳ чапани, гоҳ ақлли, мулойим йигит, гоҳ садоқатли ошиқ, гоҳ «бевафо», гоҳ даврнинг илғор одамлари орасида, гоҳ қолоқ, диндор, тескаричи кимсалар даврасида кўринади; ёзувчи ана шундай беқарор шахснинг замон таъсирида, дўстлар кўмагида онгли ишчи синфи вакилига айланиши жараёнини яхши тасвир этади; худди ўша ўринларда қаҳрамон шахс сифатида мана мен, деб туради, ишчи йигитнинг психологияси дуруст очилади; биз шахс эволюцияси орқали даврни ҳам тасаввур этамиз. 30- йиллар пойтахт ҳаётининг ҳали адабиётдан бизга нотаниш хилма-хил томонлари билан танишамиз... Бироқ нарироқ бориб аҳвол ўзгаради, Арслон касбини алмаштиради, аввал ички ишлар органида талай вазифаларни адо этади, сўнг катта раҳбарлик лавозимида кўтарилади. Шу тариқа қаҳрамон тамомила бошқа бир руҳий оламга кириб келади; энди автор олдида бутунлай янги бир бадий муаммо кўндаланг бўлиб қолади, ўз-ўзидан қаҳрамоннинг раҳбар сифатида шаклланиши масаласи келиб чиқади. Ёзувчи бутун куч-қувватини, қалб кўрини аввалги бош муддаога — қаҳрамоннинг ишчи сифатида шаклланиши тасвирига сарф қилиб қўйган, янги муаммони ҳал этишга келганда, бир китоб торлик қилиб қолади, автор муддаога шошилади; тасвири тезлатишга мажбур бўлади, баёнчилик учун йўл очилади; натижада қаҳрамон раҳбар сифатида мукамал чиқмай қолган, шахснинг раҳбар сифатида шаклланиши, фаолияти, руҳияти тасвири нисбатан заиф; бу ҳол ўз навбатида давр ифодасига ҳам салбий таъсир кўрсатган, биз қаҳрамоннинг, хусусан, урушдан кейинги ҳаёти фонида аввалгидек ҳаётнинг кенг манзарасини кўрмаймиз.

Бошқа асарларда, жумладан, «Давр менинг тақдиримда» романида гарчи асар бўйлаб ўтувчи ягона поэтик ғоя мавжуддек туюлса-да, у мавҳумроқ. Ёзувчи бош қаҳрамон Аҳмаджон тақдирни орқали асрнинг бош йўлидан ўтган умр — бахтли умр, деган ғояни ифода этмоқчи бўлади. Асарни қайта ўқиганда менга бу поэтик ғоя етарли даражада индивидуаллаштирилмагандек туюлди; ёзувчи қаҳрамон умри баҳонасида даврнинг бош йўлини бераман, қаҳрамонни катта ижтимоий ҳодисалар ичида кўрсатаман, гражданлик туйғусини бўрттираман, деб уни ўта «ижтимоий инсон»га айлантириб юборади, шахсий-инсоний жозибасини заифлаштириб, бетакрор инсоний қиёфасини хиралаштириб қўяди. Аксинча, «Дегрез ўғли»нинг айрим бобларида адиб қаҳрамонни индивидуал шахс сифатида кўрсатишга берилиб кетиб, индивидуаллик замирида ётган ижтимоий маънони очишга етарли эътибор бермайди.

«Давр менинг тақдиримда» асаридаги поэтик ғояни мавҳум дейишимизга яна бир асос бор. Роман қаҳрамонни асар хотимасида дейди:

«Аммо бутун ҳаётимнинг бахти ҳақида оғиз тўлатиб гапиришга ҳали ҳам журъат қилолмайман. Наҳотки фақат шу ишлар учунгина туғилган бўлсам?!

Шунда менга ҳаётимнинг тўртинчи фасли тасалли беради; у фасл ҳали ёзилмаган...»

Бу фаслни ёзиш, яъни қаҳрамоннинг умр дафтарини яна бемалол давом эттиравериш мумкин, шу кунларда асарга тўртинчи фасл қўшилса ҳеч нарса ютқазмайди... Ҳолбуки, чинакам санъат асарида, боя айтганимиздек, гарчи воқеалар, муаммолар очиқ қолдирилгандек туюлса-да, узил-кесил поэтик ечимни, мантиқий интиҳоси борки, уларни давом эттириш асло мумкин эмас...

Ўзбек насрида бошқа бир тажриба ҳам мавжуд; масалан, А. Қаҳҳор «Ўтмишдан эртаклар»да узоқ даврлик воқеаларни бир асарга жо этишда ўзгача йўлдан боради; саргузашт жанр анъаналарига зид равишда бу қис-

сада бола образи бош қаҳрамон «лавозими»дан воз кечади, у шунчаки «композицион марказ», гувоҳ ролини ўтовчи персонажга айланади, ҳаётнинг хилма-хил манзараларини ўзида намоён этувчи ҳодисалар, персонажлар биринчи планга чиқади; бир-бирлари билан туташ ва айни пайтда ўзича мустақил воқеалардан ташкил топган ҳикоялар тизмаси бирин-кетин кўз олдингиздан ўтади; гарчи ёзувчи алоҳида персонажларнинг саргузаштларини батафсил ҳикоя қилиб бермаса-да, улар ҳаётидаги шундай дақиқаларни топиб тасвирлайдики, ўша дақиқаларда уларнинг бутун ҳаёти, характери бамисоли кўзгуга тушган қуёш нуриддек ярқ этиб кўрилади...

Асқад Мухтор «Чинор»да шу тажрибани бошқачароқ тарзда давом эттирган. Асар марказида салкам юз йил умр кўрган Очил қария образи туради, бироқ у бош қаҳрамон эмас, ёзувчи марказий образнинг умр дафтари ни «Давр менинг тақдиримда» романидаги каби, бирма-бир варақлаш йўлидан бормайди, «Ўтмишдан эртаклар»дагига ўхшаб марказий персонажнинг гувоҳлигида ёки бевосита иштирокида ўзга қаҳрамонларнинг ҳаёти, руҳияти билан китобхонни таништира боради. Бу усул адибга, биринчидан, монотонликдан қочиншга, инсон умрида сийрак учрайдиган бадий таҳлил учун арзийдиган характерли онларнигина танлаб тасвирлашга, бинобарин, эпик яхлитликни таъминлашга имкон берса, иккинчи томондан, турли даврларга мансуб воқеалар тасвири, ғоят хилма-хил персонажлар тақдири орқали ҳаётнинг кенг эпик манзарасини, халқ тақдирини гавдалантириш учун қулайлик туғдиради. Тўғри, асардаги барча мустақил ҳикоя ва қиссалар тасвир маҳорати жиҳатидан бирдай эмас, заиф, юзаки ўринлари ҳам кўп. Булардан қатъий назар, «Чинор»да қўлланилган усул ҳаётнинг эпик манзарасини чизинишда катта имкониятларга эга эканлигини кўрсатади.

УСЛУБДАГИ АНЪАНАЛАР

«Ҳаётни ўз шаклида гавдалантириш», ҳаётийлик, табиийлик реализмнинг энг муҳим принципларидан биридир. Бу принцип, ҳаммадан бурун, тил ва услубда намоён бўлади. Реалистик проза асосчилари тасвирда ҳаётийликка, табиийликка интилар эканлар, аввало, жонли халқ тили бойликларига таянадилар. Ўзбек адабиётидаги бу жараён П. Қодиоровнинг «Халқ тили ва реалистик проза» китобида анча батафсил тадқиқ этилган.

Айни пайтда реалистик прозанинг шаклланишида «китобий тил», аниқроғи, Октябрь инқилобигача бўлган адабиётда, жумладан, прозада таркиб топган услубий тенденциялар ҳам маълум роль ўйнади. Буни, аввало, ўзбек реалистик прозаси асосчиларининг ўзлари — Ҳамза билан А. Қодирий эътироф этишган.

Октябргача бўлган проза тили, услубини нуқул «мураккаб», «муболағадор», «жимжимадор» деб аташ одат тусига кириб қолган. Тўғри, ўтмишда яратилган жуда кўп тарихий ёки мемуар характердаги асарларда шундай усул етакчилик қилади. Бироқ классик прозамизда иккинчи бир йўналиш — соддаликка, табиийликка интилиш тенденцияси ҳам мавжуд эди. «Маҳбул-қулуб», «Бобирнома», «Гулзор», «Мифтоҳул-адл», «Зарбулмасал» каби асарларнинг, «Қобуснома», «Гулистон», «Калила ва Димна» сингари таржималарнинг, «Девонаи Машраб» типига халқ китобларининг талай саҳифалари шундан далолат беради. Чунинчи, «Бобирнома»ни тадқиқ этган барча адабиётшунослар унинг тилидаги, услубидаги соддалик ва самимийликни алоҳида таъкидлайдилар, жумладан, Ҳ. Ёқубов «Бобирнома» муаллифи «Ўзбек адабий тилини халқ тили қолипига солишга астойдил уринган»лигини, «ҳукмрон адабий тил» услубининг характерли хусусияти бўлган «такаллуфдан» воз кечиб, «равшанлик, аниқлик, тозалик, сиқиклик, содда-

лик ва ҳоказоларни ўз асаринда тўла амалга оширган»-лигини айтади.

Ўзбек реалистик насри асосчилари бу тур асарлардан, уларнинг «сирлари»дан чуқур хабардор эканлиги аён. Носирларимиз реалистик ифодалар сари интилиб, рус ва жаҳон реалистлари каби, биринчи галда, ҳаётнинг ўзинга асосланган, халқ тили сарчашмаларидан баҳра олган эканлар, бу интилиш табиий равишда миллий анъаналар, классик прозадаги маълум тенденциялар билан боғлиқ ҳолда борди.

Реализм, хусусан, социалистик реализмнинг бағри ниҳоятда кенг. У хилма-хил услублар, услубий тенденциялар ривожига кенг йўл очиб беради. Қизиқ, носирларимиз классик прозамиздаги ўша содда, ҳаётини давом эттириш, мукаммаллаштириш билан чекланмай, кези келганда «мураккаб», «муболағадор», жимжимадор» услубдан ҳам баҳраманд бўлдилар. Хусусан, сатирада, сатирик характер яратишда, ўтмишга бағишланган асарларда хилма-хил социал гуруҳларнинг нутқий характеристикаси ва ниҳоят, романтик услубга мансуб асарларда лиро-романтик кайфият ҳамда ҳолатлар ифодасида қадимий «китобий тил» маълум даражада қўл келди.

П. Қодировнинг «Халқ тили ва реалистик проза» китобида нозик бир кузатиш бор. «Реалистик адабиётнинг ажойиб бир фазилати шунда кўринадики,— деб ёзади у,— йигирманчи йилларда адабий тилимиз тез суръатлар билан янгиланаётган бир пайтда кўп вақтлар ҳукмронлик қилиб келган жимжимадор китобий тил «Қалвак маҳзумнинг хотира дафтарида»да ўзининг бутун «сепи»ни ишлатиб қолди. Фақат энди бу «сеплар» ҳажвий характерга қурилиш матернали бўлиб хизмат қиладди. Чироқ ўчишдан олдин бир лопиллайди. Шунга ўхшаб, дабдабали китобий тил янги адабий тилга ўрнини бўшатиб бераётди, Қалвак маҳзум каби «пилик» ёрдамида яна бир лопиллаб кўринади. Бироқ энди бу лопил-

лашдан ёзувчи ҳажвий кулги чиқаради. Биз адабий тилнинг эски шакллари билан кулиб хайрлашаётгандай бўламиз» (105- бет).

Мана шу нозик кузатишлардан чиқарилган хулосаларда, менимча, бир оз бир ёқламалик бор. «Қалвак маҳзумнинг хотира дафтаридан» адабий тилнинг эски шакллари билан бутунлай хайрлашиш, охирги лопиллаш бўлмади. А. Қодирийнинг кейин яратган бир қанча ҳажвияларида, шунингдек, 20- йилларда ёзилган кўплаб насрий асарларда бундай усул маълум анъана тусига кирди. Бу анъана бошқа жанрларда ҳам кўринди, Ҳамза ўз драматургиясида, хусусан, «Мухторият ёки автономия» асарида «китобий тил»ни реалистик ҳажвий характер яратишга хизмат эттиришнинг ажойиб намунасини кўрсатди. Бу тажриба ҳозирга қадар давом этиб келяпти. Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Собир Абдулла, Асқад Мухтор, Санд Аҳмад, Мирмуҳсин, Ҳамид Фулом каби сатирикларимизнинг ҳаётдан ажралиб қолган руҳонийларни фош этувчи талай асарларида «жимжимадор» «китобий тил» «сепи» кўп марта иш берди, бу «сеп»дан Х. Тўхтабоев, Н. Аминов, С. Сиёев сингари ёш ҳажвчилар ҳам ҳамон баҳраманд бўлаётирлар.

Шуниси ҳам борки, ҳозирги ҳажвияларда қўлланилаётган «китобий тил» «Қалвак маҳзумнинг хотира дафтаридан» типдаги 20- йилларда яратилган асарларга нисбатан анча сайқал топган, соддалаштирилган, бир оз замонавийлаштирилган. Мана, Абдулла Қаҳҳорнинг «Мактуб» ҳажвиясидаги Мулла Қутбиддин маҳдумнинг Ёзувчилар союзига йўллаган «арзи ихлоси»дан бир парча:

«Фақир жами ёзғувчиларимизнинг осор ва ашъоридан баҳраманд бўлиб, ҳар дастурхон устида дуои жонларини қилурман. Бу мутолеалар хосиятидан ўзимда ҳам андек таъби назм пайдо бўлиб, бир қанча байт-ғазаллар ёздим, чунончи, ҳукуматимиз тарбиясида бўлган интернат талабаларининг азиз бошларига соя солиб

турган бир туп янгоқ дарахтидан таъсир олиб айтуб-
дурман:

Ажаб бир дарахтеки номидир янгоқ,
Сояси салқину меваси юмалоқ...

Мазкур байт-ғазаллардин етти донасини Союз дарго-
ҳига йўлладим, азбарон хатосини ислоҳ қилиниб, «За-
моний» тахаллуси бирлан махфий сувратда чопга бе-
рилмоғи учун. Дигар илтимосим шулдурки, каминани
бир юз саксон кишилиқ Ёзғувчилар союзи аъзолигига
муносиб кўриб, бир миқдор маош тайин қилинса, фа-
қир ўдабо ва шуаронинг қўлларига сув қўйиб, умримни
Союз хизматида ўткарур эрдим».

Келтирилган парчада «китобий тил»нинг бутун «се-
пи» кўриниб турибди, аини пайтда бу сўзлар 50- йилларда
нафас олаётган одамнинг тилидан айтилаётганлигини, за-
мондан ажралиб қолган бир кимсанинг нафси йўлида за-
монага мослашишга интилаётганлигини барала сезиб
олиш мумкин. Қисқаси, характер мантиқининг ўзи «ки-
тобий тил»ни «замонавийлаштириш»ни тақозо этган.
Натижада бир оз замонавийлаштирилган «китобий тил»
«Мактуб»да ниҳоятда табиий, ҳаётий чиққан.

Асқад Мухторнинг «Қиссасул-анбиё»сидан олинган
мана бу парчани ўқиб кўринг:

«У маҳаллар ҳали колхоз-совхоз деган гап йўқ, шу-
нинг учун Одам Ато ҳам раис ё директор эмас, просто
Алайҳиссалом деб аталар эдилар. Нима деб аталсалар
ҳам, ишқилиб, бошлиқ бўлганларидан кейин ишни би-
лишлари керак, шунинг учун Алайҳиссалом иқтисодий
қонунларни ўргана бошладилар. Ерда шундай қонун-
лар бор эканки, агар бир қоп буғдойни ёки бир қўйни
ўғирласанг, судга тушар экансан, аммо гектар-гектар
экинни ёки пода-пода қўйни нобуд қилсанг акт қили-
нар экан, холос. Бундай олижаноб қонунларни ўрганиб
олгандан кейин ҳазрат қавмларининг хирмонларини,

омборларини ташидилар-да, «об-ҳавоси ёмон келди, каламуш еди», деб акт туздилар. Уйга келганларида:

— Ғирт аҳмоқ бўлган эканман ёшлигимда!— дедилар хотинларига,— бир дона бугдойни деб жаннатдан ҳайдалиб ўтирибман-а! Бутун хирмони билан ташиб кетиб, боплаб акт тузмайманми, «объектив сабаблар билан... ундоқ-мундоқ», деб! Нима ҳам қила оларди мени худо?! Зўр бўлса бошқа бирон жаннати ишга кўчирарди-да.

— Хафа бўлманг, дадаси, майли, жаннати гўрга,— дедилар Момо Ҳаво,— ҳалиги қонунлари омон бўлса, бизга Ер ҳам бўлаверади...

Б а й т:

Қонунга сиғмагай, маълум, селу дўл,
Ки одам эрсанг аввал сен одам бўл».

Парчадаги ҳикоя тарзи, қиссадан ҳисса чиқариш, ҳиссани байт билан якунлаш усули «Қиссасул-анбиё»-ни, қолаверса, жуда кўп қадимги ҳикояларни эслатади: бунинг устига парчада келтирилган Одам Ато билан Момо Ҳавони жаннатдан қувилиши ҳақидаги афсона «китобий тил» колоритини бирмунча қуюқлаштиради. Шунга қарамай, парчада шу куннинг нафаси уфуриб турибди; ёзувчи ҳаётда учраб турадиган айрим камчиликларни қаттиқ ҳажв остига олган, тасвирга ҳозирги замон насрининг тасвир услубини сингдириб юборган. Ҳозирги кунда учрайдиган баъзи камчиликларни қадимий афсона билан қиёс қилиниши, «китобий тил» билан «замонавий тил»нинг қўшилиши, тилда архаик ифода-лар билан замонавий терминларнинг, ҳатто русча ибораларнинг ёндош ҳолда келиши тасвирдаги ҳажвий-киноявий оҳангни кучайтиради, унга ўзига хос миллий колорит бахш этади.

Энди кейинги авлодга мансуб прозаиклардан Н. Аминовнинг «Арзи ҳол» деб аталган ҳикоясидаң бир парча келтирамиз:

«Иним ўртоқ Ҳаллоқув! Сиз олмақом ва ота қадрдонларингиздан юз таважжу ила сўрайманки, агар иложи бўлса, шул бизнинг тумандаги жаменки нафақа-хўр, яъни пенсно олувчи тул хотун ва кампирларнинг пенсиосини қирқсангиз, яъни тўлатмасангиз. Сабаб: ушбунинг бонси — салоҳиятини Сиз идроки бокамолға англатишга рухсат этгайсиз. Бурноғи йили камина мулло бобонгизнинг сангги кўдан ҳам қаттиғ, ғариб бошимга тушгон кулфатдин Сиз ҳам воқифсиз-ку! Ушанда мулло бибингиз, яъне жаннатмакон завжу муҳтарамамизнинг таъзияларида ўзингиз ҳам иштирок этиб кулфатларимға шериклик қилиб, кўнглимга таскин берганингиз ҳамон ёдимда. Бандалик тилаб билдирган сўзларингизни ҳали-ҳали эслаб, ҳар жойнамоз устига чўк тушгонимда ҳаққингизга, боболарингиз ҳақларига дуо қиламан. Намоздигар ва намозшом намозларида бўлса падару модарларингизнинг муборак руҳи покларига каломи раббонийнинг савобини бахшида этиб келадирман».

Ҳаётдан орқада қолган тақводор бу одамнинг қиё-фасини ўзгача бир тил билан очиб бериш қийин бўлса керак: бу хил тасвир усули, характер моҳиятини очиш билан баробар, асардаги ҳажвий оҳангни ҳам янада кучайтиради.

«Китобий тил»нинг функцияси фақат «ҳажвий характерга материал бўлиб хизмат этиш»дангина иборат эмас. «Ўтган кунлар»нинг муаллифи тарихийлик принциpidан келиб чиқиб бир қатор персонажларнинг нутқий характеристикасида, хусусан, персонажлар орасидаги ёзишмаларда «китобий тил» «сеп»ларидан кенг фойдаланди. Кейинчалик тарихий мавзуда қалам тебратган барча адиблар, чунончи, Ойбек ўзининг «Навой» романида, М. Шайхзода «Мирзо Улуғбек» трагедиясида, ниҳоят, О. Ёқубов «Улуғбек хазинаси» асарида бу анъанани изчил давом эттирдилар. Адибларимиз «тил колорити»ни таъминлаш учун интилар эканлар, бунда «китобий тил» улар учун муҳим манба бўлиб хизмат этди,

Ойбек «Навоий» романининг тил ва услубий хусусияти устида тўхталиб, шундай ёзди:

«Мен Навоий тилининг қудратини, гўзаллиги ва ҳуснини тўла кўрсатишга тиришдим. Унинг тилидаги айрим ўткир, моҳир, салмоқли ифодаларни, Навоийга хос терминлар ва шаклларни ишлатдим. Навоийнинг ёрқин шеърларидан, социал мотивларидан жиндай киритдим. Хонлар, подшолар, вазирлар, бекларнинг дабдабали ифодаларини, руҳонийларнинг форсий ва араб сўзларига фарқ бўлган, безалган усулларини кўрсатдим. Халқнинг маъноли, бой, оригинал, жонли, ўзига хос равшан тилини кўрсатдим. Бунинг учун, албатта, у давр адабиётини, ҳаётини, халқ тилини чуқур, муфассал ўрганишга тиришдим».

«Ўтган кунлар»дан бошланиб, «Навоий» романида сайқал топиб, янги кўриниш касб этган бу тажриба 70-йиллар ўзбек насри маҳсули саналмиш «Улуғбек хазинаси»да ёзувчига ниҳоятда қўл келди. О. Ёқубов Ойбек тажрибаси нзидан бориб, XV аср биринчи ярмидаги ўзбек тилининг ўзига хос жилоларини беришга, ҳукмдор, мансабдорларнинг дабдабали ифодаларини, руҳонийларнинг, айниқса Шайх Низомиддиннинг форсий ва араб сўзларига фарқ бўлган, безалган усулларини, халқ вакиллари Қарноқий, Уста Темир Самарқандийнинг эса жонли, раво тилини кўрсатишга интилади.

Тарихий роман жанрида персонажлар тили билан автор тили орасидаги муносибликни таъминлашдан иборат мураккаб бир муаммо бор: автор тили персонажларнинг сўзлаш тарзига айнан ўхшаб қолса ҳам чатоқ, тарихий персонажлар нутқидан кескин фарқ қилиб, замонавийлашиб, бугунги сўзлашув тарзига айланиб кетса ҳам чатоқ.

«Улуғбек хазинаси»да бу муаммо асосан муваффақиятли ҳал этилган бўлса-да, баъзан шу муносиблик бузилади, айрим ўринларда автор гапи билан персонаж нутқи айнан келади, уларни бир-биридан фарқ этиш

қийин бўлиб қолади, айрим ҳолларда эса улар бир-бир-
ровидан кескин фарқ этади...

* * *

Ўзбек реалистик насрининг шаклланиши пайтидаги—
20-йиллардаги асарларга эътибор берсангиз, ўша давр-
даёқ прозада изчил реалистик услуб билан ёндош
ҳолда шартли романтик услуб ҳам мавжуд бўлганли-
гини кўриш мумкин. У қадим шеърятимиз ҳамда фольк-
лор аъёналари билан чуқур боғлиқ ҳолда, қолаверса,
классик шеърят ва дostonлар руҳида тарбияланган ки-
тобхон диди, завқи, эҳтиёжи орқасида вужудга келган
эди. Бироқ бу услуб қадимий шеърятнинг традицион
романтизмидан, фольклорнинг тасвир принципларидан
фарқли ўлароқ, реалистик метод заминидан таркиб топа
бошлади. Моҳир адибларимиз, жумладан, А. Қодирий
асар руҳидан, мавзу, материал тақозосидан, характер
мантиқидан келиб чиқиб романтик тасвир имкониятла-
ридан кенг фойдаланди, қисман «Ўтган кунлар»да, асо-
сан, «Меҳробдан чаён» романида, хусусан, Анвар билан
Раънонинг севгиси саргузаштлари, зулмга, адолатсизлик-
ка қарши кураши ифодасида реализмга асосланган ро-
мантик услубнинг имкониятларини зўр куч билан намо-
йиш этди.

20-йиллар ўзбек прозасида таркиб топган бу услубий
тенденция ҳозирга қадар давом этиб келяпти. Маълум-
ки, бу фақат ўзбек адабиёти учун эмас, реализм, бино-
барин социалистик реализм йўлига кирган, шу йўлда го-
либона бораётган барча қардош халқлар адабиёти учун
хос хусусиятдир. Баъзан совет адабиёти ривожига хос
шу жараёни, ундаги услубий ранг-барангликни етарли
ҳисобга олмаслик, фақат изчил реалистик услубнигина
тан олиб, бошқа ижод типларини инкор этиш ёки камси-
тиш, чунончи, романтик услубда талқин этилган ҳолат,
кайфият ва хатти-ҳаракатларни, романтик персонажлар-

ни «ясама»ликка, «сунъий»ликка, «китобий»ликка йўйиш ҳолларига дуч келаётирмиз. Бу ҳол адабиётшунослар орасида ҳам, ёзувчилар орасида ҳам учраб туради.

О. Ёқубовнинг «Излайман» китобида (1972) «Абдулла Қодирийни ўқиганда» сарлавҳали мақола бор. Унда А. Қодирий романларига доир қатор нозик кузатишлар, мақбул мулоҳазалар учрайди. Аммо ёзувчи А. Қодирийнинг ютуқ ва камчиликларини белгилашда боя айтилган принципдан келиб чиқиб иш тутади, яъни А. Қодирий романларидаги изчил реализмга, автор ибораси билан айтганда, «шафқатсиз реализм услубига» асосланган тасвирларни қувониб қайд этади-ю, романтик услуб билан жишло берилган ўринларни хушламайроқ тилга олади.

Мақола авторни ёзади: «Романда чуқур маънодаги реалистик адабиёт талабларига жавоб беролмайдиган, романтик услуб таъсирида ёзилган, шунинг учун ҳам бугун «ясамалиги», сунъийлиги сезилиб қоладиган айрим саҳифалар бор».

Муаллиф ўз фикрини далиллаш ниятида «Ўтган кунлар» романидан қуйидаги ўринларни эслатади:

«Масалан, ҳаётда кўп нарсани кўриб чиниққан, тажриба орттирган Отабекдай йигитнинг худди ёш бир ўспириндай Кумушга ошиқ бўлганини ҳаммадан яшириб, кечалари тўлганиб чиқишлари, айниқса оддий хизматкор Ҳасанали ундан яшириқча совчиликка боришлари, ниҳоят, бу сирлардан беҳабар Кумушнинг никоҳ кечаси: «Сиз ўшамиз?» деб — «кутилмаган бахт»га муяссар бўлиши... бунинг ҳаммаси китобхонга асарнинг таъсир кучини ошириш учун, «эффект» учун қилинган, яъни, бошқача қилиб айтганда — «ясалган». Назаримда, романининг «Ҳукмнома» боби, Кумуш жаллод қўлига топширилган Отабек билан Қутидорни хат воситаси билан дор тагидан қайтариб, қутқариб қолиши ҳам эртақлардаги воқеаларга ўхшаб кетади».

Дарҳақиқат, О. Ёқубов қайд этган ўринларда тасвир

бир оз шартли, шоирона, кўтаринки руҳ касб этган, би-
роқ, менимча, унда ортиқча ғайритабиийлик йўқ; тасо-
дифларга тўла ўтган аср ҳаёти, Отабек билан Кумуш-
нинг ғаройиб танишуви, севги, висол ва ҳижронлари кон-
крет шароит, муҳит билан боғлиқ ҳолда олиб қаралса,
ҳаётнинг ўзида сентиментал-романтик севги мавжуд
эканли назарда тутилса, ёзувчининг ифода усули реализм-
га асло хилоф эмас. О. Ёқубов бу хил ўринларни «яса-
ма» дейди-ю, барибир ёзувчи тасвирининг таъсир кучи-
га тан беради. У дейди: «Лекин қизиқ: романни дастлаб
ўқиган ўн олти-ўн етти ёшимда-ку, бу нарсаларни
билмас эдим, бироқ нега ҳозир, ёзувчилик «сирлари»ни
оз-моз билганим ҳолда, сунъийликни сезганим ҳолда
«Ўтган кунлар» ҳануз мени ҳаяжонга солади, чексиз
завқ беради, титратади?..»

«Ўтган кунлар»нинг таъсир кучини оширишда, ҳаё-
тийлигини таъмин этишда изчил реалистик тасвир билан
ёндшо ҳолда ўша романтик жилоларнинг ҳам роли, ҳис-
саси катта!

Романтик услубни хушламаслик О. Ёқубовнинг «Меҳ-
робдан чаён» ҳақидаги мулоҳазаларида айниқса очиқ
кўринади. Мақола автори романдаги «шафқатсиз реа-
листик услуб»да берилган саҳифаларни айтиб келиб:
«Анвар-Раъно достонига ўтиши билан ёзувчи... ҳикояси
хиёл чучмаллашади, овозида сентиментал оҳанглар
пайдо бўлади»,— деб ёзади.

Автор романда шамол юрган ғаройиб бир куз оқ-
шомида Анвар билан Раънонинг учрашуви тасвирлан-
ган бобдаги қаҳрамонларнинг ғоят дилрабо, латиф, ли-
ро-романтик кайфиятларини, болаларча ҳазил-мутойиба
билан айтган гапларини келтиради-да, дабдурустдан:
«...бундай саҳна ва бундай тасвирлар улкан реалистик
прозага ёт бир нарсадир»,— деб юборади.

Сўнгра мақола автори Анварнинг Раънодан тўйга
розилик олиш лавҳаси тасвирини келтириб, уни шундай
изоҳлайди:

«Албатта мен, оддий китобхон, ўша оқшом Раънодан илк бўса олган Анварнинг ҳолатига тушуниб турибман. Бу масъуд дамларда унинг кўнглидан худди шу гаплар ўтганига, дилида эса худди шу туйғулар жўшурганига ишонаман, лекин буни Раънога айтиши, айниқса шундай ширин-шакар сўзлар, чиройли иборалар билан ифода қилиши... Бунга сира ишонмайман!..»

Муаллиф ўз сўзини давом эттириб дейди: «Лекин қизиқ: бу саҳналарда сентименталликка йўл қўйган ёзувчи Анвар-Раъно фожиаси тасвирланган саҳифаларда, сарой ҳаётига бағишланган бобларда шафқатсиз реалистик услуби билан ҳайратга солади кишини!»

Ҳеч қанақа ажабланидиган «қизиқ» ери йўқ. Ёзувчи ўрнини топиб бир ерда «шафқатсиз реалистик услуб», иккинчи ўринда эса лиро-романтик услубни қўллайди. Ҳар иккаласи ҳам ўз ўрнида ҳаётий, табиий чиққан: фожиалар тасвирланган саҳифаларда, сарой ҳаётига бағишланган бобларда эҳтимол бояги лиро-романтик услуб ўзини оқламаган ёки, аксинча, ўша оқшомги учрашув, суҳбатлашув картинаси учун «шафқатсиз реалистик услуб» мос тушмаган бўларди...

Анвар билан Раънонинг суҳбатидаги ширин-шакар сўзларга келсак, Шарқ поэзияси руҳида тарбия кўрган, шоиртабиат, қисман шеър ёзиб юрадиган ёшларнинг ўша романтик дақиқаларда дилидаги ҳаяжонларини «чиройли иборалар билан ифода қилиши» табиийдир.

Романтик тасвири хушламаслик майли О. Ёқубовнинг бошқа бир мақоласи — Т. Пўлатнинг «Ичкуёв» қиссасига ёзган «Ютуқ омиллари» сарлавҳали тақризида ҳам сезилади. Муаллиф «Ичкуёв» қиссасини таҳлил этар экан, асардаги «шафқатсиз реалистик услуб»да ёзилган ўринларни — бош қаҳрамон Уринбойнинг қишлоқдаги саргузаштларини, ҳатто бир оз натуралистик тус олган, бадий таҳлилдан ўтмаган, фактларнинг шунчаки баёнидан иборат саҳифаларни ҳам юқори баҳолайверади, аксинча, асарда анча жозибадор, жонли чиққан, қисман

пластик персонажлар даражасига кўтарилган Матлуба билан боғлиқ саҳифаларни, сирли, лиро-романтик услуб билан жнло берилган курортдаги саргузаштлар тасви-рини «китобийлик»да айблайди.

Шуниси қизиқки, нуқул «шафқатсиз реалистик ус-луб» тарафдори бўлган ёзувчимиз ўз асарларида роман-тик услуб тажрибаларидан баракали баҳраманд бўл-ган. Бунинг учун лоақал «Улуғбек хазинаси» романини, ундаги Қаландар Қарпоқий билан Хуршидабону ораси-даги севги мулоқотлари тасвирини эслаш кифоя.

РЕАЛИСТИК ТАСВИР ВА ОҒЗАКИ ИЖОД АНЪАНАЛАРИ

Ёзма адабиётнинг туғилиши ва шаклланишида халқ оғзаки ижоди дурдоналари энг асосий факторлардан би-ри бўлгани ҳаммага аён. Деярли барча адабий оқимлар, ижодий методлар фольклор традицияларидан озми-кўп-ми баҳра олган; хусусан, романтик ижод типи ўз мо-ҳияти эътибори билан эртак, афсона ва ривоятлар руҳи-га яқин бўлганлиги учун оғзаки ижоднинг тасвир воси-таларидан баракали баҳраманд бўлган.

Маълумки, халқ оғзаки ижодида миф, хаёл, ҳаёт-нинг шартли, муболағадор тасвири устун туради. Шу жиҳатдан у, бир қарашда, ҳаётни ўз кўринишида гав-далантиришга асосланган реализмга зид бўлиб туюла-ди. Дарҳақиқат, реализм кўпчилик халқлар адабиётида шартли, муболағадор, романтик тасвир усулларини ин-кор этиш орқали ўзига йўл очган; бироқ реализм ҳеч қачон оғзаки ижод аънааларини ёппасига рад этган эмас, балки ундаги барча мақбул жиҳатларни ўз тас-вир усулига мослаштирган ҳолда ўзлаштирган, сингди-риб олган. Бунда реалистлар ўзи мансуб бўлган халқ-нинг савияси, диди, завқини ҳам назарда тутган.

Ўзбек реалистик прозасининг туғилиши ва шаклла-ниши пайтидаги бир ҳолатни эслайлик. Кўпчилик халқ-лар адабиётида бўлган мураккаб диалектик жараён

бу ерда ҳам юз берди. Носирларимиз реалистик тафаккур ва талқин сари интилар эканлар, бир томондан, классик адабиёт ва халқ оғзаки ижодининг шартли тасвир усулини гоҳ ошқоға, гоҳ пинҳона инкор этдилар, улар билан ижодий мунозараларга киришдилар, иккинчи томондан, узоқ йиллар давомида халқ худди шу тур асарлар руҳида тарбияланганлигини ҳисобга олиб, иш кўрдилар. Чунончи, Ҳамза «Янги саодат»га ёзган сўз бошида мазкур асарни ўша кезлари эру хотинлар орасида ўқилиб турган китоблардан шаклан кескин фарқ этишини уқтиради, айти пайтда ўша даврдаги китобхон савиясини назарда тутиб, «эски услуб»да тартиб берганлигини айтади. Кейинроқ А. Қодирий «Ўтган кунлар»га изоҳ бериб, роман тасвир услуби жиҳатидан янгича эканлигини, бу билан «халқимиз рағбатини бир оз бўлса ҳам янгилликка тортмоқчи» бўлганлигини таъкидлайди; шу билан баробар, «бизнинг омма то шу кунгача ҳам ўрта аср дoston ва ҳикоялари билан озиқланиб» келаётганлигини ҳисобга олиб, «эски приём»ларга ҳам мурожаат этганлигини эътироф этади. «Эски приём,— дейди у,— жўрттага, халқимизнинг савиясини эътиборга олиб қилингандир».

Фақат «Ўтган кунлар»да эмас, улкан санъаткор бошқа етук асарларида ҳам шу принципга амал қилади, ўзбек китобхони учун ўша кезлари янгилик саналган бadiий жанрларни, реалистик ифодаларни «эски услуб», «эски приём» тажрибалари билан дадил қўшиб олиб борди.

Орадан йиллар ўтди, замон ва адабиёт билан бирга китобхон ҳам ўзгарди, улғайди, реализм фақат адабиёт, санъатдагина эмас, китобхон руҳиятида ҳам тантана қилди. «Мен аминманки,— дейди атоқли адиб Чингиз Айтматов,— юксак санъатдаги энг асосий нарсa реализмдир. Агар биз фақат шаклан эмас, минглаб нозик торлар орқали реализмга боғланадиган бўлсак, ўз-ўзидан миллий заминга туташган бўламиз. Ҳаётнинг ўзи ҳозирги

санъаткордан реал тасвирни талаб этмоқда. Замонамизнинг эришган ютуқларидан бири шуки, реализмга бўлган маънавий эҳтиёж барча халқлар ва ҳар бир халқнинг маънавий ҳаёти ва санъати қонуниятига айланиб қолди. Фақат шу метод ҳақиқий маънодаги ўзига хосликни таъмин этади, чунки у ҳаётний материалнинг аслини, яъни кишилар, уларнинг ҳаёти, маишати ва муносабатларига мос тушади. Фақат унинг ичига чуқурроқ кира билиш лозим» («Литературное обозрение», 1973, стр. 8—9).

Шу ўринда характерли бир қиёс келтирмоқчиман. Реалистик асарлар, жумладан, «Ўтган кунлар» эндигина ҳаётга йўлланма олаётган кезларда, асосан романтик асарлар, ўрта аср достонлари руҳида тарбияланган айрим китобхонларга «Ўтган кунлар»даги реалистик тасвир — айни ҳаётдагидек гавдалантирилган лавҳалар, тирик одамлар ифодаси ғайритабиий бўлиб туюлган. Абдулла Қодирий: «Ҳаттоки мен «сўнгги приём»лардан баъзиларини «Ўтган кунлар»га эртароқ киргизган бўлсам керакки, чойхонада ўтирган таниш бир деҳқондан «Мулла ака, шу Кумушбинининг китобини ҳўб ёзгансиз-ку, бироқ бу баъзи ерида гапини худди чови аралаш ушлайсиз-да, тушуниб олгунча энка-тенкамиз чиқди-ку!» деб «сўнгги приём»дан шикоят эшитган эдим», — деб ёзган эди.

Ҳозирги кунда эса акс ҳолга дуч келамиз, реалистик асарлар руҳида тарбияланган айрим китобхонлар, ҳатто танқидчиларга шартли романтик тасвир ғайритабиий бўлиб туюлади...

Реализм халқимизнинг маънавий эҳтиёжига, адабиёт ва санъатнинг қонуниятига айланиб қолган, сўз санъати ҳаётни реалистик акс эттириш йўлида ғоят бой тажрибалар тўплаган ҳозирги кунда ҳам қалам аҳли оғзаки ижод чашмаларидан озиқланиб турибди, хусусан, кейинги йилларда фольклор анъаналарига қизиқиш хийла жонланди.

Адабиётшуносликда реалист ёзувчи — санъаткорнинг фольклорга муносабати хусусида жуда кўп илмий ишлар қилинган; уларда ёзувчи ёки шоир қайси эртақ, қайси афсоналарни «қайта ишлагани», латифа, мақол ва маталлардан қанчалик фойдалангани ва ҳоказолар ҳақида кўп гапирилади-ю, менинг назаримда, энг асосий нарсаси — оғзаки ижод анъаналарининг реалистик тасвир билан диалектик муносабати, реализмни, бинобарин социалистик реализмни бойитишдаги роли масаласига кам эътибор берилади: мабодо бу борада сўз очилгудек бўлса, айрим тадқиқотчилар фольклорнинг ифода воситалари реализмни эгаллашга монелик қилганини айтиш билан чекланилар. Тўғри, адабиётда шундай фактлар мавжуд, аммо бунинг учун фольклор эмас, балки аввало ўша қаламкашнинг ўзи айбдор. Бунда бутун гап анъаналардан ижодий фойдаланишга, ёзувчи таланти, билим, тасаввур ва маданий даражасига боғлиқ. Агар санъаткор даврнинг илғор позициясида туриб, бадий тафаккурнинг энг юксак босқичи — реализм ва социалистик реализм принципларидан келиб чиқиб иш тутадиган бўлса, унинг қўлида энг қадимий анъаналар ҳам янгилашиб кетавериши мумкин. Реализм тарихи, социалистик реализмнинг ярим асрдан мўлроқ тараққиёт тажрибаси буни тўла тасдиқлайди. Узоққа бормайлигу — ўзбек адабиётининг яқин ўтмишига назар ташлайлик — бошдан-оёқ фольклор руҳи билан суғорилган Ҳамзанинг машҳур «Майсаранинг иши», Ғ. Ғуломнинг «Шум бола» асарларини эслайлик. Иккала асар авторлари оғзаки ижод манбаларидан мўл-кўл озиқланган бўлсалар-да, ҳеч қачон, ҳеч қаерда фольклорнинг «тафаккур даражасига» тушиб қолган эмаслар, балки иккала асарнинг ҳар бир сатри, ҳар бир лавҳасида етук санъаткорларнинг ўткир реалистик нигоҳи сезилиб турибди. «Майсаранинг иши»да оғзаки ижод руҳи билан баробар рус ва Ғарб реалистик комедиянавислик мактаби тажрибаларининг изи кўзга яққол ташланади, «Шум бола»да

халқ эртақ, латифаларидан ташқари жаҳон реалистик адабиёти, жумладан, «Том Сойер»даги тасвир принципларининг муҳри барала сезилади; энг муҳими, иккала асарда ҳам социализм қураётган янги дунё ёзувчисининг ўтмишга партиявий, синфий муносабатин ўзига хос тарзда ёрқин намоён бўлган. Иккала асардаги ҳодисалар, персонажлар эртақ, латифалар либосида талқин этилган бўлса-да, уларни биз реал ҳаёт лавҳалари, конкрет шароит маҳсули саналмиш реал индивидуал типлар сифатида қабул қиламиз; чунончи, «Майсаранинг иши»даги Майсара, Мулладўст, Чўпон, Ҳидоятхон, Ойхон каби персонажлар реалистик кучи жиҳатидан моҳир драматургнинг изчил реалистик услубда ёзган «Бой ила хизматчи», «Паранжи сирлари» асарларидаги персонажлардан асло қолишмайди.

Халқчиллик миллий заминга, оддий меҳнат аҳли ҳаётига яқинлик, улар билан ҳамдардлик реалистик ижоднинг энг муҳим фазилатларидан, худди шу ҳодиса ҳам реализмда фольклор анъаналари учун йўл очади. Пушкин, Гоголь, Толстойларнинг энг халқчил қаҳрамонлари худди ўша оғзаки ижод руҳи билан йўғрилганлиги; машҳур «Тинч Дон»нинг оддий меҳнат аҳли ҳаёти акс этган саҳифаларида, «Чапаев», «Очилган қўриқ» каби асарлардаги халқ орасидан чиққан қаҳрамонлар тасвирида оғзаки ижод бўёқлари хийла қуюқ экани тасодифий эмас. «Ўтган кунлар»даги қул, садоқатли ҳамроҳ Ҳасаналининг, ғариб, омадсиз косиб Уста Олимнинг, «Меҳробдан чаён»даги камбағал Анварнинг аччиқ қисмати ҳикоясида, Анвар билан Раънонинг севги саргузаштларида, «Обид кетмон» қаҳрамони оддий меҳнаткаш Обиднинг таъриф ва тавсифида, «Навой» романидаги оддий халқ намояндаси Арслонқулнинг, «Улуғбек хазинаси»даги худди шу образни эслатувчи Қарноқийнинг, шунингдек, Уста Темур Самарқандийнинг табиати ва кечмиши ифодасида, А. Қаҳҳор яратган талай ҳикоя персонажларининг зеб ва бўёқларида ва ниҳоят,

«Чинор» романининг бутун борлиги ва айниқса марказий қаҳрамони Очил бува талқинида оғзаки ижод бисотининг жилолари, нафаси шундоққина уфуриб турибди.

Бу хусусият Шароф Рашидовнинг «Кашмир қўшиғи» қиссасига ҳам хосдир. Ёзувчи қадимги Шарқ севги афсоналари сюжети орқали асримизнинг улкан тарихий ҳодисаларини — Шарқ халқларининг чет эл босқинчиларига қарши олиб борган ғолибона миллий озодлик курашини ифода этади. Қиссада оғзаки ижоднинг анъанавий ифода воситалари, усуллари билан бугунги ёзма адабиётнинг бой тажрибалари туташиб кетган.

Маълум бўляптики, фольклор тажрибаларидан ўрганиш реалистик адабиётда бир анъана тарзида авлодлардан авлодларга, асарлардан асарларга ўтиб, ҳозирги пайтларда ҳам кун тартибда турибди.

Ўтмиш адабиётида мифларнинг кенг ўрин олиши ўша давр одамларининг руҳияти, атроф муҳит, ҳаёт ҳақидаги тасаввур тарзи билан ҳам боғлиқ. И. Султонов «Фарҳод ва Ширин» достонидаги афсонавий ҳодисалар тасвирига изоҳ бериб: «Бизнинг кунларимизда ҳаётни бузиб кўрсатиш, яъни ёлғонга ўхшаб кетадиган бундай ҳодиса ўз замони учун ҳаётини эди, чунки Навоий замонининг кишилари шундай мўъжизалар бўлишига ишонар эдилар», деб ёзади («Шарқ юлдузи», 1973, № 10, 208-бет).

Биз реалистлармиз, боя айтилганидек, реализм эндиликда фақат адабиёт ва санъатнинг бош принципи бўлмай, ҳозирги китобхоннинг ҳам тафаккур тарзига айланиб қолган. Бугунги кунда афсона ва ривоятларга ишонадиган, нореал мўъжизаларга умид боғлайдиган кишилар кам топилади. Бироқ шунга қарамай, ҳозир ҳам афсона, эртақ руҳи билан суғорилган асарлар яратилляпти; фантастик саргузаштларга эҳтиёж тобора ортиб борапти, бутунаси шартли тасвирлар асосига қурилган мультфильмлар фақат кичкинтойлар эмас, катталар орасида ҳам ниҳоятда машҳур; изчил реалист ёзувчилар

ҳам миф воситаларига тез-тез мурожаат этадиган бўлиб бормоқда...

Шуниси қизиқки, бизга замондош «реалист китобхон» Ғ. Ғуломнинг халқ ижодий бойлигидан олиб яратган «Афанди ўлмайдиган бўлди», «Мулла Насриддин Афанди ва Шайтон Алайхуллага», «Ҳасан Қайфий» каби ҳикояларидаги воқеаларга асло ишонмайди, бироқ уларни жон қулоғи билан тинглайди, тинглаб катта завқ олади; Х. Тўхтабоевнинг «Сариқ девни миниб» ва «Сариқ девнинг ўлими» қиссаларини мутолаа қилганда Сариқ дев ҳам, сеҳрли қалпоқча ҳам ҳаётда асло бўлмаслигини билади, лекин асар қаҳрамони Ҳошимжоннинг сеҳрли қалпоқча панасида ўша Сариқ дев билан олишувлари, ғаройиб саргузаштлари билан танишиб ҳузур қилади; А. Мухторнинг «Чинор», шунингдек, қирғиз ёзувчиси Ч. Айтматовнинг «Оқ кема» асарларидаги миф, ривоятлар билан алоқадор моментлар ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин.

Мана шу мураккаб ҳодиса адабиёт назарияси олди-га жиддий саволларни кўндаланг қилиб қўйди. Уларга жавоб топиш йўлида олимларимиз талай ишлар қилдилар. Авваллари реализм ва социалистик реализм ҳаётни фақат «ўз кўринишида тасвирлаш»дан иборат деб тушунилар эди, кейинги пайтларда бу тасаввурлар хийла кенгайди; «ҳаётни ўз кўринишида гавдалантириш» ва шу принципга амал қилувчи изчил реалистик услубий оқим социалистик реализм асосини ташкил этган ҳолда, унда бошқа услубий оқимлар, жумладан, шартли романтик ижод типи ҳам яшашга ҳақли экани назарий жиҳатдан асослаб берилди.

Шартли романтик ижод типининг мавжудлиги адабий жараёнда салмоқли ўрин тутаётганлиги ва ҳозирги китобхоннинг эътиборини қозонаётганлиги бадий тафаккур ривожининг маълум қонуниятлари билан изоҳланади. Биринчидан, адабиёт ва санъатнинг шаклий аъёналари ғоят яшовчан бўлади, кўпинча янги маз-

мун узоқ вақт эски традицион шаклларда ҳам ўз ифодасини топаверади. Иккинчи томондан, инсон табиа­ти ва руҳиятида шундай боқий хислатлар борки, бу ҳол ҳам ўз навбатида санъат ва адабиётдаги баъзи традицион шаклларга мангулик бахш этади. Хаёл — инсоннинг ана шундай доимий руҳий хислатларидан. Буюк материалист В. И. Ленин хаёлни­нг аҳамиятига нақадар катта баҳо берганлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Ҳозир яратилаётган қатор асарлардаги шартли, хаёлий усуллар, ифода­лар киши табиа­ти ва руҳиятидаги ана шу азалий хислатларга мос тушгани учун ҳам яшашга яроқли бўлиб чиқяпти.

Шу ўринда бир хотирани эслатиб ўтмоқчиман. «Мир­зо Улуғбек» трагедияси автор иштирокида университет коллективи томонидан муҳокама қилинаётганида «изчил реализм принци­пи билан қуролланган» бир нотик асар бош қаҳрамони Улуғбекнинг Темур билан учрашув кар­тинасига эътироз билдирди, Улуғбек фожиасининг ил­дизларини очиб берувчи бу ёрқин картинани нотик но­реал, ҳаётда бўлмайдиган ҳодиса деб атади. Трагедия ав­тори М. Шайхзода охи­рги сўзида ўша нотик эъти­ро­зи­га изоҳ бериб, бундай талқин жаҳон реалистик адабиёти­да, жумладан, «Гамлет»да мавжуд эканлигини эслатиб, сўнгра мана бундай деган эди: «Мен реалистман, мате­реалистман, мен реалистик тасвир тарафдориман, бироқ реалист учун хаёл, романтизм бегона эмас; шундай хаё­лий ҳолатлар борки, уларнинг заминида реаллик мав­жуд. Ўлган одамнинг тириклар билан учрашиши, худди тириклардай гаплашиши ҳаётда ҳеч қачон бўлган эмас, аммо хаёлда бўлиши мумкин. Шахсан мен хаёлан алла­қачон оламдан ўтиб кетган одамлар билан кўп марта уч­рашганман, суҳбат, баҳс қурганман. Эҳтимол, Сиз ҳам бундай ҳолатни бошдан кечиргандирсиз. Шундай экан, Улуғбек ўша мураккаб дамда хаёлан соҳибқирон бобоси билан учрашса нима қилибди? Бу хаёлда юз бериши мум­кин бўлган реал ҳодиса-ку! Мен ўша хаёлдаги реал ҳо­

дисани санъат воситасида реалликка кўчирганман, холос».

Фақат «Мирзо Улуғбек» автори эмас, фольклор анъаналарига таянаётган бошқа адибларимиз ҳам худди шу йўлдан — ҳаёлда юз бериши мумкин бўлган ҳодисаларни санъат тили билан реалликка айлантириш йўлидан бораётирлар.

Ҳозир яратилаётган асарларимизда оғзаки ижод анъаналари даражаси турлича; айрим асарларда фольклорнинг ифода воситалари шунчаки қўшимча, ёрдамчи детал сифатида қўлланилади, яна бир тур ҳикоя ва қиссаларда афсона билан реаллик ёндош ҳолда келади. Шундай асарлар ҳам борки, улар бутунлай фольклор сюжети асосига қўрилган; шуниси характерлики, оғзаки ижод анъаналарининг даражасидан қатъий назар, энг яхши асарларда ҳамма ҳолларда реалистик тасвир принциплари устунлик қилади.

Ғ. Ғулом тажрибаларини эслайлик. «Шум бола»да-ку, эртақ ва латифалар реал ҳаёт манзараларини кўрсатишда бир либос ролини ўтаган эди. «Гилос данагидан тасбеҳ» тўпламига кирган қатор асарларда эса адиб халқ эртаги, латифа, лофларини маълум мақсаддан келиб чиқиб, айнан қайта ҳикоя қилади; аммо улар бир қарашда халқ бисотидан шундоқ олингандай туюлса-да, ифода тарзи, услуби жиҳатидан фольклор намуналаридан кескин фарқ қилади; улар реалист Ғ. Ғулом қаламига мансуб эканлигини, фақат Ғ. Ғуломгина худди шундай тарзда, шу оҳангда гапириши мумкинлигини очиқ-ойдин сезиб турасиз; халқ бисотидан олинган асарлар билан худди ўша тўпламдан жой олган «Менинг ўғригина болам», «Энг расво намози аср» деган реалистик воқеа-ҳикояларнинг ифода тарзи, ритмикаси орасида кескин тафовут йўқ.

Яна бир характерли факт. Ғ. Ғулом ўн томлигининг бешинчи жилди орқали китобхонларга илк бор тақдим этилаётган «Фарҳод ва Ширин» достонининг насрий ифо-

даси ҳам мана шу жиҳатдан характерли. Адиб бу ерда, бир жиҳатдан, Навоий достони услубини — романтик руҳини сақлаб қолнишга тиришади, бошқа томондан эса тасвирга ўзининг реалистик ифода тарзини сингдиришга, асарни реализм руҳида тарбияланган ҳозирги ёш китобхон кайфияти ва дидига яқинлаштиришга интилади.

Ч. Айтматовнинг «Оқ кема», А. Мухторнинг «Чинор» каби асарларида фольклор анъаналарининг ўрни, роли ва уларнинг реалистик тасвир билан муносабати ўзига хос кўринишга эга. Айни бир вақтда яратилган икки қардош халқ адабиётига мансуб бу икки асарлардаги қатор муштарак моментлар миллий адабиётлар ривожига умумий тенденцияларни, жумладан, анъаналарга муносабатдаги яхлитликни тасдиқловчи факт сифатида ҳам қадрли.

«Чинор» ва «Оқ кема», аввало, замондошларимиз, уларнинг маънавий бисоти, эътиқоди ҳақидаги асарлардир; бизнинг замондошларимиз бугунги кунда тасодифан осмондан тушган кимсалар эмас, уларнинг танида, шоир айтмоқчи, неча минг йиллик аجدодларнинг қони бор, эътиқод устидаги гап авлодлар пайвасталиги ҳақидаги фалсафий ўйларга, бундай ўйлар эса табиий равишда киши ҳаёлини узоқ ўтмишларга олиб кетади; бугунги кишилар маънавий ҳаётдан баҳс этувчи асарлардан биридаги ҳодисалар илдизи минг йил, балки ундан ҳам узоқроқ умр кўрган мангу дарахт — чинор, иккинчиси эса қирғиз уруғининг Момо Ҳавоси шохдор Она Буғу ҳақидаги афсоналарга бориб тақалади.

Демак, ҳар иккала автор ҳам шунчаки шаклий тажриба, эксперимент истаги билан эмас, аввало, асарларнинг ғоявий проблематикаси талаби билан афсоналарга мурожаат этганлар; Буғу ёки Чинор ҳақидаги афсонасиз иккала асарни ҳам мутлақо тасаввур этиш мумкин эмас. «Чинор» автори тўғридан-тўғри ёзади: «Мен гапни тўғри шу кишидан (яъни, асар марказий қаҳрамони Очил бувадан — У. Н.) бошламоқчи эдим, лекин бу жойларда чинорсиз ҳеч нарсани тушунтириб бўлмайди».

Чинор ва Она Буғу, бир томондан, авлодлар пайвасталиги ҳақидаги фалсафий ўйларни бадний гавдалантирувчи рамзий образ, иккинчи томондан, асар воқеаларини уюштирувчи, бошқарувчи бадний восита даражасига кўтарилади. Шуниси муҳимки, ҳар иккала асарда ҳам афсона қанчалик муҳим ўрин тутмасин, асосий диққат-эътибор ўтмишга эмас, ҳозирги воқеликка йўналтирилган, келтирилган ривоятлар оқибат-натижада бугунги ҳаёт моҳиятини очишга хизмат этади, замондошларимиз маънавий ҳаётидаги жараёнларни чуқурроқ англаб олишга ёрдам беради.

Бу ҳол ўз навбатида афсоналарни реалистик тасвир принциплари асосида ўзлаштириш ва талқин этишни тақозо этади. Иккала автор ҳам афсоналарни ҳикоя қилишда, афсона иplarини бугунги кун билан боғлашда реалистик далиллаш усулларига таянади. Чунончи, «Оқ кема»даги афсона гавжум ҳаётдан йироқда, хилма-хил ривоятлар маскани бўлган табиат қучоғида яшовчи етти ёшли бола нигоҳи орқали берилади. Таниқли болалар ёзувчиси Ю. Яковлев айтмоқчи, болаларни ҳодисаларнинг ҳаётда бўлиш ёки бўлмаслиги масаласи қизиқтирмайди, болалар тўқимага, фантазияга ҳаётнинг энг олий ҳақиқати сифатида ишонадилар, ҳодиса қанчалик фантастик бўлса, улар учун шунчалик гўзал ва тушунарли туюлади («Лит. обозрение», 1973, № 10, стр. 86). Болаларнинг шу хусусияти, хусусан, «Оқ кема»да тасвир этилган маконда яшаган боланинг тасаввур тарзи назарда тутилдиган бўлса, қиссадаги тасвирнинг ҳаётийлигига ўқувчида заррача шубҳа қолмайди. «Чинор» автори эса афсонани далиллашда оломон психологиясининг характерли бир жиҳатига асосланади. Чинор қиссасини халқ орасида юрадиган «ярми ёлғон, ярми чин» гаплардан деб талқин этади: «Бунинг ривоятлигини ҳам ҳамма билади, ҳақиқатлигини ҳам ҳеч ким шак келтирмайди». Бу ҳолат китобхон руҳиятига ҳам кўчади.

А. Мухтор романида Чинор ҳақидаги афсонадан ташқари ҳар бир қисса ва ҳикоятлар олдидан бериладиган ривоятлар ҳам бор. Улар ҳам маълум ғоявий-бадий мақсадга йўналтирилган: гўзалликнинг сеҳрли кучи ҳақидаги ривоят бугунги кун қаҳрамони Орифни ташвишга солган масалалар, севги мулки ҳақидаги муболағадор ривоят Комила ва Матниёз орасидаги севги можаролари, тавқи лаънат тоши остида қолган тошбақа ҳақидаги ривоят Акбаралининг фожий қисмати моҳиятини очишга, тушуниш ва тушунтиришга ёрдам беради. Ёзувчи фақат Шарқ афсоналарини келтириш билан чекланмай, ғарблик буржуа олим қиёфасини фош этишда ҳиссизлик ва юзсизлик рамзи саналган Ғарб афсонасидан ҳам фойдаланади. Афсуски, бу ривоятлар чинор афсонаси каби галдаги ҳикоя ва қиссалар руҳига сингиб, улар билан тутшиб, чатишиб кетмаган; чинорсиз асардаги бошқа гап-сўзларни тушуниш, тушунтириш мумкин эмаслигини айтиб ўтдик, кейинги ривоятларга келсак, мабодо улар тушириб қолдирилса ҳам галдаги қисса ва ҳикоялар ҳеч нарса йўқотмайди...

«Чинор» ва «Оқ кема» авторлари фольклор анъаналаридан фақат афсоналар бобида эмас, шу кунги кишилар образи талқинида ҳам маълум даражада фойдаланганлар. Адабий танқидчиликда «Оқ кема»даги бола, Мўмин ва Урозқулларнинг фольклор қаҳрамонларига ўхшаб кетадиган томонлари ҳақида кўп гапирилди; «Чинор»даги Очил бува образини айрим ўртоқлар халқ достонлари қаҳрамонлари билан қиёс қилишди; жумладан, адабиётшунос Л. Якименко Очил бобо характери «афсона билан ҳақиқат оралиғида» ифода этилганлигини айтиди. Бу гапларда жон бор. Бироқ улар нимаси биландир фольклор қаҳрамонларини эслатсалар-да, табиати — индивидуал ва социал хислатлари, миллий хусусиятлари билан конкрет заминда турадилар. Улар катта рамзий маъно ташувчи символлик образлар даражасига кўтарилган бўлсалар-да, китобхон назарида аввало аниқ шахс,

таниш кимса сифатида гавдаланади. Масалан, шоир Миртемир Очил бувани «таниш сиймо» деб атаган, китобни ўқигиб уни жуда кўп таниш одамларга ўхшатганлигини айтган эди. Бир вақтлар республикамизда яшаган, ҳозирги кунда эса Ленинградда истиқомат қилувчи китобхон В. Чечулиннинг «Чинор» муаллифига йўллаган мактубидаги бир ҳолат диққатга сазовор. Очил бобо образи ўша китобхонга улуғворлиги билан аввал ёзувчи Тагорни эслатади, сўнгра ўзига қадрдон бўлган билимдон ва камсуқум таниш одами Файзи отага ўхшаб кетади... Бу факт ҳам образда ҳаётийлик, конкрет миллий заминга яқинлик устивор эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Реалистик тасвирни, социалистик реализмни бойиштишга хизмат этадиган бу хил изланишларнинг истиқболи порлоқдир.

НОВАТОРЛИК ТАЛҚИНИ ХУСУСИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Сўнгги йиллар ўзбек прозаси ривожига кўпгина янги тенденциялар, новаторлик кўринишлари содир бўлаётир. Бундай янгиликларни ўз вақтида илғаб олиш, уларнинг моҳиятини аниқлаш, таҳлил этиш ва шу йўл билан янгиликлар камолотига кўмаклашиш адабий танқидчиликнинг бурчи, вазифаси саналади. Бу борада танқидчиларимиз анча иш қилдилар. Бироқ бу йўлда баъзи бир ёқламаликлар ҳам кўзга ташланаётир. Айрим ҳамкасаларимиз адабий жараёндаги у ёки бу ҳодисага, конкрет асарга баҳо бераётганда, улардан янгилик топишга маҳлиё бўлиб кетиб, аллақачон адабиётда кашф этилган, анъана тусига кирган хусусиятларни ҳам «кашфиёт», «янгилик», «янги тенденция» деб атайверадилар.

«Ўзбек совет адабиёти тарихи»нинг (III том, 2-китоб) «XX съезддан кейинги ўзбек адабиёти» бобида У. Умарбековнинг «Одам бўлиш қийин» романи юксак

баҳоланган, романининг энг муҳим фазилати сифатида автор адабиётга «янги материал, янги қаҳрамон олиб киргани» айтилган. «Ўзбек романчилигида,— деб ёзишади ўша боб авторлари,— Абдуллага ўхшаган ҳам ижобий (олимлик таланти), ҳам салбий (одамийлик етишмаслиги) характерда мураккаб образ ҳали яратилмаган эди» (49-бет).

Даставвал шуни айтиш керакки, Абдулла типидagi «мураккаб образ» таланти, аммо одамийлик етишмайдиган шахслар образини «Одам бўлиш қийин» романи билан деярли бир пайтда майдонга келган «Умид», «Баҳор қайтмайди» асарларидан бир оз олдинроқ ёзилган У. Назаровнинг «Қотил» қиссасида ҳам кўрган эдик. Бошқа жанрларни ҳисобга олмаганда ҳам прозамизда, романчиликда бу тажриба илдизлари узоққа — А. Қаҳҳорнинг «Сароб» романига бориб тақалади. «Сароб» қаҳрамони Раҳимжон Саидий истеъдодли йигит, бироқ у худбин, шу худбинлиги туфайли катта фожиага мубтало бўлади.

«Тарих»да «Қора марварид» романининг камчиликлари гапирилади-да, сўнгра «шу билан бирга мазкур романининг ижобий хусусияти ҳам йўқ эмас»лиги айтилади. «Бунинг устига у ўзбек романчилигида янги мавзу, янги материал олиб кирганлиги билан аҳамиятлидир»,— дейилади. (50-бет). Аммо «Қора марварид» авторини ўзбек романчилигига олиб кирган «янги мавзу, янги материал» нимадан иборат эканлиги айтилмайди. Эҳтимол «янги материал» деган гап ҳақиқатга яқин келар, бироқ «янги мавзу» деган гап асло ёпишмайди. Мабодо роман мавзуини деганда ёшларнинг ахлоқи, севгиси тасвири назарда тутилаётган бўлса, бунинг нимаси янги ёки ёш ишчилар меҳнати, меҳнат билан боғлиқ можаролар ифодаси кўзда тутилаётган бўлса, бундай ифодаларни ўзбек романчилигида кўплаб ўқиганмиз. Ҳатто танқидчиликда романдаги ишлаб чиқаришга алоқадор можаролар бир оз архаикроқ чиққани айтилган эди. Менимча, «Қора марварид» романининг ютуғини «янги мавзу, янги

материалдан эмас, балки мавзу ва материалнинг талқинидан қидирган маъқул. Шунда романнинг ўзига хос хусусиятини аниқлаш осонроқ бўлур эди.

«Тарих»даги конфликтнинг «эски» ва «янги» турлари билан боғлиқ бўлган қаҳрамоннинг «янги типи» ҳақидаги мулоҳазалар ҳам кишида эътироз туғдиради. Авторлар характерлар аро кураш асосига қурилган конфликт «эски», ички коллизия тарзида юз берадиган конфликтни «янги» деб атайдилар. «Роман қаҳрамонларининг характерларида содир бўлаётган ўзгаришлар, психологизмнинг чуқурлашаётганлиги, ҳаётни тадқиқ этиш иштиёқининг ортаётганлиги ҳам кўп жиҳатдан конфликтнинг ана шу турининг туғилиш ва шаклланаётганлиги билан боғлиқдир. Яна бу ҳол романлардаги қаҳрамонларнинг янги типини — фикрловчи типини олға сурмоқда» (54-бет).

Бундан чиқди, ўша фикр тарафдорлари тақдим этган рўйхат асосида иш кўрадиган бўлсак, конфликтнинг «эски» тури — характерлар аро кураш асосига қурилган «Ўтган кунлар», «Сароб», «Қутлуг қон», «Навойи» каби романларнинг қаҳрамонлари фикрламайдиган қаҳрамонлар экан-да! Инсоф билан айтганда, «қаҳрамонларнинг янги типини — фикрловчи типини»га мансуб этилган «Одам бўлиш қийин», «Ўмид», «Ҳазрати инсон» каби асарларни психологик таҳлил маҳорати жиҳатидан «биринчи гуруҳ» романлардан қандай қилиб устун қўйиш мумкин?!

С. Мирвалиев «Жанр, услуб ва конфликт ранг-баранглиги» мақоласида: «Ҳозирги ўзбек ҳикоячилиги тараққиётидаги муҳим хусусиятлардан яна бири уларда ҳужжатли — мемуар ҳикоячилигининг ривожланаётганлигидир. С. Аҳмаднинг Ғ. Ғулом ҳақидаги, О. Ёқубовнинг А. Ҳидоят, Б. Раҳмон, М. Светлов ҳақидаги ҳикоялари ана шу типдаги асарлар жумласига киради. Яна бир хил ҳикоялар ҳам борки, уларни ўз характерига кўра ҳикоя — очерк деб юритса бўлади. Жумладан, С. Абдулланнинг Ғ. Ғулом ҳақидаги, Ҳ. Ғуломнинг «Андижонлик Жован»

ни», Ш. Холмирзаевнинг «Шукур Бурҳон», Т. Иўлатнинг «Ҳожи ҳисобчининг ҳикояларидан» туркумлари ҳикоя жанрининг ана шундай янги турига мансуб, деб айтишни истардим», дейди («Шарқ юлдузи», 1973, № 10, 185-бет).

Ҳикоянинг очеркка яқин тури бизда кўпдан бери маъжуд. А. Қаҳҳорнинг «Олтин юлдуз», «Кампирлар сиз қоқди» сингари шу тур асарлари илмий адабиётда кенг таҳлил этилган. Ҳужжатли — мемуар ҳикоячилик ҳатто Навоийдан, унинг машҳур «Хамсатул-мутаҳаййирин»идан бошланганлиги кўпчиликка аён. Ҳикоя у ёқда турсин, 20-йиллардаёқ бизда ҳужжатли, мемуар қиссалар ҳам майдонга кела бошлаган эди. Бунинг учун С. Айний изланишларини, «Дукчи эшон воқеаси» типигаги асарларни эслаш kifоя.

С. Мирвалиев яна шуларни ёзади: «Ҳеч бўлмаганда, мазкур ўринда ҳозирги давр ўзбек қиссачилигининг жанр жиҳатидан бойиб бораётганлигини кўрсатувчи уч муҳим хусусиятни таъкидлаб ўтиш фойдалидир. Бу аввало, ўзбек мемуар ва автобиографик қиссачилигининг туғилиб шаклланганлиги, қолаверса, наср тараққиётида тамоман янги пайдо бўлаётган саргузашт ва илмий-фантастик қиссачилик масаласидир... Шу жиҳатдан қараганда, эавтобиографик повесть жанрининг туғилиб бир йўла шаклланганлиги прозамизнинг ҳам гоаявий, ҳам бадний юксалаётганлигидан далолат бериб туради. Ёки саргузашт ва илмий-фантастик қиссачиликнинг пайдо бўлишини олаб кўрайлик. Тўғри, халқ озаки ижоди намуналарида, ёзма ёдгорликларда саргузашт ва фантастик характер кучли бўлган. Шундай бўлса ҳам 70-йилларгача бу соҳада кўзга кўринарли асар яратилмади ёки интилишининг ўза бўлмади» («Шарқ юлдузи», 1973, № 10, 185—186-бетлар).

Ўзбек мемуар ва автобиографик қиссачилигининг туғилиб бир йўла шаклланишини сўнгги йилларга — Ойбек, А. Қаҳҳор, Н. Сафаров ижодигагина боғлаб қўйиш тўғри бўлмас, деб ўйлайман, ўзбек совет адабиётида аз-

тобиографик қиссачилик М. Муҳаммаджоновнинг «Турмуш уринишлари»дан бошланган, С. Айнийнинг «Эсдаликлар»и орқали маълум анъана тусини олган эди; Ойбек, А. Қаҳҳор ва Н. Сафаровлар ўша тажрибаларга таяндилар ва бу анъанани кўп янги хусусиятлар билан бойитдилар. Сургузашт ва илмий фантастика масаласига келсак, тўғри, бундай жанрлар бизда суи тараққий этган, бироқ танқидчининг 70-йилларга қадар саргузашт ва фантастик асар яратишга интилишининг ўзи бўлмади, деган фикри ҳақиқатга тўғри келмайди. Фактлар шуни кўрсатадики, бундай жанрлар яратиш учун интилишлар адабиётимизнинг аввалги этапларида ҳам бўлган. Абдулла Қодирийнинг 1921 йили босилиб чиққан «Жинлар базми» асаринёқ шундай интилишлардан бири эди.

С. Мирвалиев И. Содиқовнинг «Фарғона зулмат қўйнида» романига бағишланган «Зулмат ичра нур» мақоласида («Ўзбекистон маданияти», 1973 йил, 12 январь) ҳозирги давр ўзбек тарихий-инқилобий романларида ёзувчилар асосан тўрт йўлдан кетаётганлигини айтади: «Яъни, инқилобий ҳаракатлардаги деҳқон образини яратиш, инқилобий кураш йўлида ўзбек аёлларининг ўрни ва роли, рус коммунистлари билан елкама-елка кураш олиб борган маҳаллий коммунистлар фаолияти ва ниҳоят, инқилобгача бўлган илғор фикрли ўзбек интеллигенциясининг ана шу адолатли кураш ҳаракатларига қўшган ҳиссасини бадий гавдалантиришдан иборат эди. И. Содиқовнинг «Фарғона зулмат қўйнида» асари мазкур турдаги ўзбек романлари тараққиётига ана шу тўрт муҳим тенденцияни янги — бешинчи ва энг муҳим тенденция билан тўлдирди. Бу эса, маҳаллий ишчилар синфининг туғилиши ва уларнинг инқилобий ҳаракатлардаги авангардлик родини кўрсатишдан иборат эди».

Танқидчи айтган «Фарғона зулмат қўйнида» романи билан «туғилган янги — бешинчи ва энг муҳим тенденция» аслида романчилигимизда асло янгилик эмас, инқилобдан бурун маҳаллий ишчилар синфи авлодининг

туғилиши ва революцион ҳаракатдаги иштироки масаласини ёритишга 30-йиллардаёқ Ҳ. Шамс «Ҳуқуқ», «Мармар лавҳа» асарлари орқали интиланган, бу йўлда маълум муваффақиятларга эришган эди, аслида бу мавзуга илк бор Ҳамза қўл урган, унинг «Истибод қурбонлари» драмасида шу масала кўтарилган эди. Кейинчалик баъзи асарларда, жумладан, «Фарғона тонг отгунча» романида маҳаллий ишчилар синфининг туғилиши ва революцион ҳаракатга тортилиши ҳодисалари анча кенг тасвир этилди.

Ачинарли ери шундаки, танқидчи «янги», «энг муҳим» тенденциянинг туғилишига мансуб этган бу роман аслида бадий жиҳатдан ночор, танқиддан тубан турувчи асардир. Танқидчининг ўзи ҳам бу романда «бадийлик етишмайди» деб, ўзининг барча ҳамду саноларини чип-пакка чиқаради.

Хулоса шуки, адабий жараёнга, алоҳида асарга баҳо бераётганда адабиётдаги жонли алоқадорликни, анъанавийликни ҳеч қачон назардан соқит қилмаслик лозим. Адабиёт ривождаги, ёзувчи ижодидаги ҳар бир ҳодисани шошмашошарлик билан «янгилик»ка йўявериш, мавжуд анъаналардан ажратиб олган ҳолда «янги тенденция» деб атайвериш, энг ёмони, бадий ночор, ожиз-нотавон асарлардан «янгилик»лар қидириш адабий танқидчиликнинг бурдини кетказиб қўяди.

Бадий ижодда кашфиёт яратиш осон гап эмас, тажриба шуни кўрсатаётирки, адабиёт ривождаги чинакам кашфиётларни илғаб олиш, очиш ҳам осон эмас.

Сўнгги ўн беш-йигирма йил давомида ўзбек насри қатор янги хусусиятлар билан бойинди, айни пайтда мавзу ва муаммолар, бадий услуб, шакл ва ифодалар борасида реалистик прозанинг бой тажрибаларига қайта мурожаат этиш, мақбул ҳаётбахш анъаналарни қайта синаяб кўриш, амалда татбиқ этиш эдат тусини олди. Танқидчи адабиётшунос А. Метченко 1973 йили СССР Давлат мукофотида сазовор бўлган «Қон ва кураш эвазига» ки-

тобида совет адабиётининг партия XX съезидан кейинги тараққиётига характеристика бериб, бу даврни «изланиш ва тажриба ўтказиш йиллари», деб атайди. «Мамлакат юксак довонга кўтарилди,— деб ёзди олим,— бу довондан янги уфқлар — коммунизм уфқлари кўрина бошлади. Адабиёт олдида эса олдин қўлга киритилган жамики бой тажрибаларни ўргана бориб, улардан санъатни бойитишга ярайдиган нарсаларни ажратиб олиш ва синаб кўриш, шу йўл билан социалистик реализм традицияларини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришдан иборат вазифа турарди. Дарҳақиқат, амалда шундай характерли жараён юз берди, у ҳозир ҳам давом этмоқда, бундай заррама-зарра бойиш жараёни бугунги кунда эса янги кўриниш касб этаётир».

Бу хил жараёнларни кенгроқ ўрганиш, эришилган тажрибаларни батафсил таҳлил этиш, умумлаштириш адабий танқидчилик олдида турган энг зарур вазифалардан биридир.

1974

КОНФЛИКТ ХУСУСИДАГИ БАҲСЛАРГА ДОИР

Кейинги ўн-ўн беш йил давомида бадийлик компонентлари — сюжет, композиция, конфликт масалалари бўйича талай ишлар қилинди, бу тушунчаларнинг ўзбек адабиётидаги конкрет кўринишларини аниқлашга, характерли тенденцияларни очишга интилишлар бўлди. Хусусан, Ҳ. Ёқубов, М. Қўшжонов, С. Мамажонов, Б. Имомов каби адабиётшунос олимларнинг тадқиқотлари туфайли бу тушунчалар ҳақидаги тасаввуримиз анча бойиди. Бироқ шунга қарамай, бу борада аниқлик киритилиши, чуқурроқ ўрганилиши, ҳал этилиши лозим бўлган талай муаммолар бор. Чунончи, бадий конфликт ва унинг кўринишлари масаласи ҳозирги кунда ана шундай муаммолардан бири бўлиб турибди.

Сўнгги пайтларда бир гуруҳ адабиётшунослар конфликтнинг «икки хил тури» ҳақида кўпроқ гапирадиган бўлиб қолдилар. Дастлаб «Ўзбекистон маданияти» газетаси 1970 йили уюштирган «Роман ва замон» мавзуидаги мунозарада шу тўғрида гап очилган эди, тез орада бу баҳс Б. Ғуломовнинг «Ўзбекистон маданияти»да, сўнг «Шарқ юлдузи»да (1973, № 4) босилган ҳозирги драматургия ҳақидаги, С. Мирвалиевнинг «Роман ва ҳаёт» («Ўзбекистон маданияти», 1973 йил, 1 июнь), «Жанр, услуб ва конфликт ранг-баранглиги» («Шарқ юлдузи», 1973 йил, № 10), Б. Имомовнинг «Танқид ва адабиётшунослик масалалари» тўпламидан (1973) жой олган «Адабий танқид мезони» сингари мақолаларига кўчиб

ўтди; ниҳоят, «Ўзбек совет адабиёти тарихи»нинг Б. Имомов билан С. Мирвалневлар қаламига мансуб бўлган ҳозирги адабий жараён ҳақидаги саҳифаларида (III том, 2-китоб, 14—54, 106—123-бетлар) ҳам ўз ифодасини топди.

Б. Имомов ўз ишларида «ҳаётдаги қарама-қаршилик, яъни социал конфликт билан унинг асардаги ифодаси бўлган бадиний драматик конфликт ўртасидаги тафовутни эътиборга олмаслик» ҳолларини, конфликтни «жўнгина социологик нуқтаи назардан ҳал этишга уринишлар»ни тўғри танқид қилади, «ҳаётини қарама-қаршиликлар ҳар бир жанр спецификаси ва конкрет асарга хос стил хусусиятига мувофиқ, ички кечинмалар орқали конкрет ва антитеза (тазод) усуллари ёрдамида ифодаланиши» мумкинлигини айтади, А. Толстой фикрига таяниб, конфликтнинг икки хил кўринишда намоён бўлишини қайд этади.

Эзувчи Толстой конфликт хусусида тўхталиб. «Санъат ҳамма вақт қарама-қаршиликлар мавжуд бўлгандагина юзага чиқади — бу ё курашнинг ўзгинаси тарзида, ёки курашнинг инъикоси тарзида бўлади», деб ёзган эди. Кўриниб турибдики, атоқли адиб асарларни конфликт жиҳатдан икки гуруҳга ажратаётгани йўқ, балки бир конфликтнинг икки хил кўриниши, ифодаси хусусида гапираётир. Б. Имомов эса конфликт кўринишларига қараб жамики асарларни сунъий равишда икки гуруҳга бўлиб юборади.

Адабиётшунос С. Мирвалиев конфликт кўринишлари ҳақидаги фикрни жуда кескинлаштириб, уни қонун тусига айлантириб қўяди, конфликт турларининг бирини «қадимий», «традицион», иккинчисини эса «янгилик», «ижобий тенденция», «новаторлик», деб атайдди. «Адабиётда,— деб ёзади олим,— конфликтнинг икки тури мавжуд бўлиб, буларнинг биринчиси ва қадимий кўриниши (таъкид бизники — У. Н.) характерлар аро кураш формасидир».¹

¹ «Ўзбек совет адабиёти тарихи», III том, 2- китоб, 50- бет.

«Лекин,— дея давом этади у,— турмушда адабиётда шундай зиддиятли, конфликтли ҳодиса ва ҳолатлар ҳам борки... бундай ҳолларда характерлар ўзаро юзма-юз, рўбарў тўқнашмайди, балки ўзи билан ўзи курашга, драмага, ички коллизияга тушади... Эътибор берилса, конфликтнинг ана шу иккинчи бир формаси фақат поэзия ва драматургия соҳасидагина эмас, прозада, қолаверса, ҳозирги ўзбек романларида ҳам кўзга яққол ташланмоқдаки, бунга алоҳида эътибор бермасдан бўлмайди».¹

С. Мирвалиев конфликтдаги шу «янгилик»ни, «ижобий тенденция»ни Ойбекнинг «Қуёш қораймас» романидан бошланган деб ҳисоблайди. У ёзади: «Ойбек мазкур романида Л. Толстой, А. Чехов, М. Горький йўлидан бориб конфликтнинг шу иккинчи тури — «курашнинг инъикоси» формасини ишга солди, бу билан ўзбек романчилигида биринчилардан бўлиб бу соҳада кашфиётга йўл очди».²

С. Мирвалиев «Жанр, услуб ва конфликт ранг-баранглиги» мақоласида яна ҳам аниқроқ қилиб: «Лекин ўзбек романларида бу ҳол (конфликтнинг янги тури — У. Н.) фақат 50-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб кўринган бўлса ҳам у 60-йилларнинг охирига келиб шаклланган даражага етди»,³ дейди.

Адабиётшунос олим келтирган рўйхатга кўра А. Мухторнинг «Давр менинг тақдиримда», С. Аҳмаднинг «Уфқ», Р. Файзийнинг «Ҳазрати инсон», Ҳ. Ғуломнинг «Тошкентликлар», Ҳ. Умарбековнинг «Одам бўлиш қийин» романларида конфликтнинг шу янги тури мавжудмиш, 50-йилларга қадар яратилган жамики йирик проза асарлари эса конфликтнинг биринчи гуруҳига мансуб этилади.

С. Мирвалиев конфликт соҳасидаги янгиликни, янги

¹ Ўша китоб, 51-бет.

² Ўша китоб, 52-бет.

³ «Шарқ юлдузи», 1973, № 10, 189-бет.

тенденцияни бир қатор таниқли адабиётшунослар, жумладан, М. Қўшжонов «тан олиб уни эътироф этганликлари»ни айтиб ўтади.

Яхшиси, М. Қўшжоновнинг «Қуёш қораймас» романи конфликтни хусусидаги мулоҳазаларини эслаб ўтайлик.

Унингча, «Қуёш қораймас» романидаги асосий конфликт фашист босқинчилари билан совет ватанпарварлари орасидаги зиддиятларга асосланган... Лекин бу ерда ҳар икки томон вакиллари бир-бирларига зид қилиб қўйилган бўлса-да, улар одатдаги характерлар аро бўладиган тўқнашувлар планида берилган эмас... Роман қаҳрамонлари кўпроқ душман яратган вазият билан тўқнашади. Демак, асарнинг асосий конфликтни Ойбекнинг аввалги романларидаги асосий конфликтдан бу жиҳатдан анча фарқ қилади. Масалан, «Қутлуғ қон»да Йўлчи ўз душманлари билан юзма-юз тўқнашиб, уларга қарши курашда ўсиб, улғайган бўлса, «Қуёш қораймас»да қаҳрамонлар конкрет характерлар билан тўқнашмайди, балки вазият, шароит билан тўқнашувларда очилади».¹

Маълум бўляптики, М. Қўшжонов «Қуёш қораймас» конфликтининг ўзига хос томонларини жуда назик ҳис этади, тўғри таъкидлайди, бироқ бу ўзига хосликни тамомила янгилик, ўзбек романчилигида кашфиёт деб атамайди, «Қуёш қораймас» конфликт жиҳатидан Ойбекнинг аввалги романларига нисбатан анча фарқ қилишини уқтиради, холос; яна шуниси ҳам борки, М. Қўшжонов «Қуёш қораймас»даги конфликт нуқул соф ички коллизиядан иборат деб талқин этмайди, балки бу ерда ҳам тўқнашувлар мавжуд эканлигини айтади, фақат бу тўқнашув ўзига хос тарзда юз беришини, роман қаҳрамонлари характери душман яратган вазият, шароит билан тўқнашувларда очилишини уқтиради.

Бу хусусиятни фақат «Қуёш қораймас» романида

¹ М. Қўшжонов. Ойбек маҳорати, Т., 1965 й., 287-бет.

эмас, Ватан уруши ҳақида ёзилган биздаги деярли барча асарларда кўриш мумкин. А. Қаҳҳорнинг уруш йиллари ёзилган «Олтин Юлдуз», «Асрор бобо» асарларидаги конфликт ҳам қаҳрамонларнинг вазият, шароит билан тўқнашувлари ҳамда шу тўқнашувлардан келиб чиқадиган драматик руҳий кечинмалар асосига қурилган.

Бу тур конфликтнинг ўзбек прозасида чуқур тарихий илдишлари мавжуд. Ғ. Ғуломнинг 30-йиллари яратган «Тирилган мурда», «Ёдгор» қиссалари, таъбир жоиз бўлса, шу тур конфликтли асарларнинг нодир намуналари бўла олади.

Аслини олганда, А. Қодирийнинг «Ўтган кунлар», А. Қаҳҳорнинг «Сароб» романларида ҳам характерлар аро тўқнашувларга кўра, бош қаҳрамонларнинг вазият, шароит билан тўқнашувлари тасвири устун туради.

Айрим адабиётшунослар «Ўтган кунлар»даги конфликтни Отабек — Ҳомид орасидаги курашдан иборат деб ўйлайдилар. Бу фикрга қўшилиш қийин. Менимча, роман конфликтининг доираси жуда кенг. Отабек йўлидаги ғов шунчаки Ҳомид каби қора кучлардангина иборат бўлганда, улардан қутулиш осон кўчган бўларди, зотан Отабек Ҳомид устидан таптана ҳам қилади, лекин барибир муддаога эришолмайди, аслида Отабек вазият, муҳит, ҳаётга сингиб кетган ярамас урф-одатлар, қолаверса, бутун бошли тузум билан тўқнашади, бу кучни бартараф этиш эса унинг қўлидан келмайди...

«Сароб» романида ҳам шундай, лекин бу ерда қаҳрамон бошқача, у тўқнаш келган вазият, шароит ўзгача: «Ўтган кунлар»да олижаноб йигитнинг олижаноб интилишлари «қора кучлар» билан тўқнашса, бу ерда худбин йигитнинг қора ниятлари олижаноб тузум оқими қарши-лигига дуч келади. «Ўтган кунлар»да-ку, эпизодик бўлса-да, характерлар аро тўқнашувлар мавжуд, «Сароб»да эса деярли ошкора кураш ва олишувларни кўрмаймиз, баъзи баҳсларни мустасно қилганда Саидий ижобий кучлар билан кескин, ошкора тўқнашувларга киришмайди,

у катта ҳаёт оқими вужудга келтирган вазият қаршиликлари зарбаси туфайли маънавий-руҳий ҳамда жисман инқирозга дучор бўлади.

Шуни ҳам айтиш керакки, асар конфликтини салбий кучларнинг янги тузум, вазият, шаронт билан тўқнашуви асосига қуриш тажрибаси Абдулла Қодирийнинг «Қалвак маҳзумнинг хотира дафтаридан», «Тошпўлат тажанг нима дейди» асарларидаёқ кўринган эди.

С. Мирвалнев «Роман ва ҳаёт» мақоласида характерлар аро кураш асосига қурилган конфликтнинг «ички коллизияли» конфликтдан фарқи устида тўхталиб дейди:

«Агар конфликт характерлар аро кураш тарзида бўлганида ҳар икки қутбдаги характерлар ўзаро тенг ва очиқ кураш майдонида тўқнашиши лозим бўлади».

Отабек — Ҳомид муносабатларини мустасно қилганда «Ўтган кунлар»да ҳам, «Сароб»да ҳам «ҳар икки қутбдаги характерлар тенг ва очиқ кураш майдонида» тўқнашмайдилар, «Сароб»да Саидийга тенг келадиган ва у билан «очиқ кураш майдонида» олишадиган ижобий қаҳрамон йўқ ҳисоб, худди шунингдек, А. Қодирийнинг икки машҳур сатирасида ҳам сатирик типлар қаршисида улар билан, «ният ва мақсадларига етиш йўлида планли, изчил, гоҳ пинҳона, гоҳ ошкора қарши кураш олиб борадиган», асарнинг бошдан-охиригача ўтадиган яхлит ижобий шахслар йўқ, мазкур асарлардан бунини талаб этиш ҳам ўринсиз, ҳар икки асарнинг марказий қаҳрамонлари янги тузумнинг зафарли оқими туғдирган ғоят хилма-хил вазиятлар билан тўқнашадилар...

Маълум бўляптики, «Қуёш қораймас» романидаги конфликт кўриниши ўзбек прозасида барқарор анъанага эга, адабиётимизнинг турли босқичларида яратилган прозанинг турли жанрларига мансуб бўлган асарларда мавзу, материал, жанр табиати, авторлар нияти, ўзига хос ижодий манерасига кўра хилма-хил тарзда намоён бўлган.

Конфликт характерлар аро кураш асосига қурилган

асарларда айрим адабиётшунослар таъбирича, «характерлар кураш майдонида бир-бирини йиқитиш, енгиш йўлидан» борар эмиш, «конфликт бир-бирини уриб йиқитиш мақсадларини амалга оширувчи қарши қутблар кураши»дан иборат бўлар эмиш; «курашнинг инъикоси» шаклида эса қаҳрамоннинг «ўзи билан ўзи тўқнашуви» тарзидагина давом этар эмиш. Бундан чиқдики, характерлар аро кураш асосига қурилган конфликт антагонистик моҳиятга молик, ички коллизияли конфликт эса нуқул ўз ёғига ўзи қовурилишидан иборат бўлар экан!

Хўш, ундай бўлса, биринчи тур конфликтли асарларга мансуб этилган «Қуёш қораймас» ҳақида нима дейиш мумкин? Ундаги кураш наҳотки қаҳрамонларнинг ўзи билан ўзи олишувидангина иборат бўлса?! Бу романдаги кураш бошдан-оёқ бир-бирини уриб йиқитиш, енгиш руҳи билан суғорилган-ку! Гарчи душман томон ошкор кўринмаса-да, бутун асар «қарши қутблар» курашидан иборат-ку! Характерлар аро тўқнашув нуқул бир-бирини енгиш, уриб йиқитишдан иборат деб аталадиган бўлса, «Синчалак», «Чинор», «Эрк» типидagi асарлар конфликтни моҳиятини тушуниш, тушунтириш ниҳоятда мушкул бўлиб қолади. Маълумки, «Синчалак»даги Саида билан Қаландаров, «Чинор»даги Ориф билан Мария, «Эрк»даги Саттор билан Ойша ораларида ғоят кескин, драматик тўқнашувлар юз беради. Бироқ танқидчиликда таъкидланганидек, улар орасидаги олишув антагонистик хусусиятдан холи, аксинча, чуқур гуманистик руҳ билан йўғрилган; Саида Қаландаровни енгиш, йиқитиш, яксон қилиш учун эмас, уни яхши одам қилиш учун кураш олиб боради, Ориф Мария билан кескин олишса-да, унга бўлган улкан меҳрини сақлаб қолади, Ойшахон қийин вазиятга тушиб қолганда Саттор унга мадад қўлини чўзади... Аксинча, «иккинчи тур» конфликтга мансуб этилган «Уфқ», «Одам бўлиш қийин» каби асарларда «қутблар» орасидаги зиддиятлар антагонистик моҳиятга эга,

«Уфқ»да ота-болалар (Икром — Турсунбой, Иноят оқсоқол — Низом), ака-укалар (Низом — Аъзам) ашадий рақибга айланадилар. «Одам бўлиш қийин»да ошиқ йигит Абдулла, маъшуқа Гулчеҳранинг ўлимига сабабчи бўлади...

С. Мирвалиев конфликтнинг «янги тури»ни ҳимоя этишга маҳлиё бўлиб кетиб, айрим асарлардаги бош конфликтнинг бир тармоғини бутун асарнинг бош конфликтни даражасига олиб чиқиб қўяди, чунончи, «Роман ва ҳаёт» мақоласида: «Икромжон билан у тушиб қолган вазият ўртасидаги ўзаро тўқнашув роман конфликтини ташкил этади»,— деб ёзади. Ҳолбуки, «Уфқ» романи сюжет жиҳатдан кўп тармоқли бўлиб, унда бир неча конфликт йўналишлари бор. Икромжон билан у Турсунбой туфайли тушиб қолган вазият ўртасидаги зиддият фақат шулардан бирини ташкил этади.

С. Мирвалиевнинг «Роман ва ҳаёт» мақоласида мақбул бир фикр мавжуд: «Бунинг устига конфликтнинг ана шу ҳар икки турининг ўзаро қоришиқ ҳолда, омехта тарзда пайдо бўлаётганлиги ҳам эътиборни тортади». Танқидчи бу ҳодисани ҳам янгилик, янги тенденция, деб атайди ва унинг конкрет ифодасини Э. Ражабовнинг «Аму тўлғанади» қиссаси ва Мирмуҳсиннинг «Дегрез ўғли» романидагина кўради. Менимча, «Ўтган кунлар»дан тортиб «Улуғбек хазинаси»га қадар айтарли барча романларда шу хусусият мавжуд; асарлар орасидаги фарқ шундан иборатки, уларнинг бирида конфликтнинг бу кўриниши кенгроқ ўрин олган бўлса, иккинчисида у кўриниш кенгроқ намоён бўлган. Шунга асосланиб асарларни конфликт жиҳатидан сунъий равишда икки гуруҳга бўлиб юбориш тўғри бўлмас, деб ўйлайман.

Барча асарлардаги конфликт характерлар аро тўқнашув ёки характер билан вазият орасидаги тўқнашувлардан иборат бўлгани сингари конфликтнинг «иккинчи тури» деб саналган «ички коллизия» ҳам деярли ҳамма асарларга хос хусусият бўлиб чиқади. Характернинг

бевосита тўқнашувидан туғиладиган конфликтлар тасвирда ҳам характерлар билан улар тушиб қолган шаронит, вазият орасида вужудга келадиган зиддиятлар ифодасида ҳам ички коллизия муҳим роль ўйнайди. М. Қўшжонов «Конфликт ва маҳорат» мақоласида характерлар тўқнашуви кўпинча «ички зиддиятлар билан бирга олиб борилиши»ни, бунда «қаҳрамон характерида ҳар хил иккиланишлар пайдо бўлиши»ни, бу Л. Толстой, А. Фадеев ижодида жуда кўп ишлатиладиган «приёмлардан» эканлигини, «Ҳар бир ёзувчи бу приёмдан ўзига хос йўллар билан фойдаланишини» айтади.¹

Характерларнинг шаронит, вазият билан тўқнашувлари ифодаси устун турган асарларда-ку, «ички коллизия»нинг намоён бўлиши учун катта имкониятлар бор, «Ёдгор», «Асрор бобо», «Қуёш қораймас», «Уруш фарзанди», «Матлуба», «Одам бўлиш қийин» каби асарларда, «Чинор», «Уфқ», «Қора кўзлар», «Дегрез ўғли» сингари асарларнинг айрим сюжет йўналишларида руҳий коллизия ифодаси жозибадор, таъсирчан чиққан. Шунингдек, бевосита характерларнинг ошкора тўқнашуви устун турган «Қутлуғ қон», «Навой», «Синчалак», «Қудратли тўлқин», «Умид», «Эрк», «Улуғбек хазинаси» типдаги асарларда, «Чинор», «Уфқ», «Қора кўзлар»нинг қатор сюжет тармоқларида ошкора олишувлар туфайли қаҳрамонлар қалбида юз берадиган драматик коллизияларнинг ифода миқёси, таъсир кучи юқоридаги асарлардиган асло кам эмас... «Синчалак»даги Саиданинг, «Қудратли тўлқин»даги Пўлатнинг рақиблар билан олишуви тасвири китобхонни қанчалик ҳаяжонга солса, улар кўнглидаги иккиланишлар, драматик кечинмалар ҳам шунчалик тўлқинлантиради. «Уфқ»даги Икромжоннинг қочоқ ўғли туфайли орқаворатдан чеккан аламлари ўзи бутун бир олам; бу одам қалбида ўғли билан юзма-юз тўқнашувда кечган кескин руҳий жараёнлар яна бир

¹ «Ўзбек адабиёти масалалари» тўплами, Т., 1962 й., 128-бет.

олам, ҳатто бу ердаги тасвир ўткирлиги, нафис ва таъсирчанлиги жиҳатидан аввалги драматик ҳолатлардан устун туради. «Эрк» қаҳрамони Сатторнинг қишлоқда Ойшахон билан яккама-якка тўқнашуви асарнинг энг ёрқин, ҳаяжонли саҳифаларини ташкил этади. Худди шу тўқнашувлардан келиб чиқадиган ҳар иккала характердаги руҳий драмалар — ички коллизиялар ҳам қиссанинг ютуғи саналади...

Конфликт устида баҳслашганда нуқул унинг «икки тури» ҳақидаги мулоҳазалар билан чекланиб қолмай, конфликт борасидаги янгиликларни фақат «курашнинг инъикоси» шаклидангина қидирмай, бошқа томонлардан, асарларнинг туб моҳиятидан, ҳаёт ва адабиётдаги чуқур ички жараёнлардан излаган маъқул.

Ёзувчи Асқад Мухтор С. Мирвалиев билан суҳбатда муҳим бир мулоҳазани ўртага ташлайди:

«Одамлар жуда ўзгариб қолди. Бу фақат ижобий қаҳрамон ҳақидаги гап эмас. Салбий қаҳрамон ҳам ҳозир ҳаётда жуда нозиклашди. Сиз илгариги қўпол, подон мешчанни, дағал бюрократни, ўта консерваторни энди кам учратасиз. Ҳозир уларнинг ниқоби «маданийлик», ҳатто «эрудиция!» Ҳозирги мешчан фандан ҳам, сиёсатдан ҳам ўзича хабардор, олий маълумотли, унга қарши курашнинг ўзи мураккаблашиб қолди».¹

Бу гап бевосита конфликт масаласига ҳам дахлдор. Модомики, ёзувчи нигоҳида ҳам ижобий, ҳам салбий қаҳрамонлар ўзгариб, нозиклашиб, салбий қаҳрамонларга қарши курашнинг ўзи мураккаблашиб қолган экан, демак, ҳаётий конфликтлар ҳам мураккаблашиб бормоқда. Бу ҳол ҳозирги ўзбек насри намуналари конфликтини фодасида ҳам намоён бўлмоқда. Аввало, асарлардаги бир-бирига қарама-қарши қўйилган қаҳрамонлар характерини бутун мураккаблиги билан талқин этишга интилиш, «қутблар» орасидаги зиддиятларнинггина эмас, балки ҳар икки «қутб» намояндаларининг ўз ички зид-

¹ «Ўзбекистон маданияти», 1973 йил, 23 октябрь.

днятлари, уларнинг ўзига хос мусбат ва манфий томонлари, кучли ва ожиз жиҳатлари билан кўрсатишга қизиқиш ортиб бормоқда.

Аввал яратилган, хусусан, романтик тенденцияга мансуб бўлган асарларда ижобий ва салбий қаҳрамонларни бир-бирига кескин қарама-қарши (контраст) қўйиш, ижобий қаҳрамонлардаги фазилатларни имкон борида бўрттириб кўрсатиш, салбий қаҳрамонларни эса сатира, ҳатто карикатура даражасига кўтариб тасвирлаш устунлик қилар эди. Бу ҳодисани ҳозирги кунда ҳам қисман кузатиш мумкин. Таниқли адабиётшунос олима З. Кедрина бу ҳодиса моҳиятини шундай изоҳлайди:

«... Бизнинг Шарқ адабиётларимизда эскиликни янгилик билан қиёслашдаги контраст тасвир совет ёзувчиларининг, халқ бахшиларининг янги, адолатли ижтимоий тартибларни улуғлашга бағишланган илк тажрибаларидаёқ традиция тусини олган эди. Бундай контрастлик, масалан, ўзбек адабиётининг дадил новатори, унинг классиги — шоир ва драматург Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ижодининг характерли томонини ташкил этади. Эскилик билан курашда туғилган бу янги совет традицияси барқарор ҳолда чуқур миллий заминга эга, чунки унинг илдизлари аслида халқ ҳаёти сарчашмаларига бориб тақалади, бир томондан, қадимги классик адабиётнинг фош этишдан иборат анъаналари, иккинчи томондан, қаҳрамонлик эпослари, халқ бахшиларида учрайдиган традициялар билан боғланади».¹

Шуниси ҳам борки, 20-йиллардаёқ рус ва жаҳон реалистик адабиёти тажрибаларидан баҳраманд бўлган ўзбек адибларининг драматик ва насрий асарларида иккинчи бир тенденция — бир-бирига қарама-қарши қўйилган қаҳрамонлар характерини мураккаблиги билан кўрсатишга интилиш кўзга ташланди. Ҳамзанинг

¹ З. Кедрина. Главное — человек. Изд-во «Советский писатель», М., 1972, стр. 334.

«Паранжи сирлари» асаридаги Тўлахон, Мастура, Мамат образлари бу жиҳатдан ибратли, Тўлахон Ҳамзанинг бошқа ижобий қаҳрамонларидан ўзининг мураккаблиги билан ажралиб туради. Мастура, Мамат одатдаги салбий қаҳрамонлардан бирмунча фарқ қилади, шунингдек, Ҳамзанинг бошқа асарларида ҳам Холмат, Мулладўст, Қосимжон сингари мураккаб персонажлар учрайди.

Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романида ижобий қаҳрамонлар қаршисида турган Ҳомид, Мусулмонқул, Азизбек, Содиқ сингари персонажлар ҳақиқатан ҳам кескин фош этилган, сатирик тус олган: бироқ Отабек билан Кумуш фожиасига йўл очган яна бир гуруҳ персонажлар борки, уларни биз одатдаги салбий қаҳрамонлар тоифасига мансуб этолмаймиз, булар — аввало Ўзбек оғим, қисман Юсуфбек ҳожи, Зайнаб, Хушрўйбиби ва бошқалар. Мундоқ қараганда, Кумушнинг қотили — Зайнаб, уни бу ишга ундаган воситачи — Хушрўй; бироқ биз бу ишда Зайнабни ҳам, Хушрўйни ҳам асосий айбдор деб атай олмаймиз, ёзувчи уларни тасвир этганда одатдаги салбий қаҳрамон таърифига ҳос қора чиқиқларнинггина ишга солмайди, аксинча, уларни ранг-баранг бўёқларда гавдалантиради.

Ёзувчининг лиро-романтик услубга мансуб бўлган, бир-бирига қарама-қарши қўйилган қаҳрамонлар характеридаги хусусиятлар хийла бўрттириб ифода этилган «Меҳробдан чаён» асарида ҳам айрим персонажлардаги мураккаблик қайд этиб ўтилган. Масалан, адиб романда Солиҳ махдумнинг салбий хусусиятларини кенг таърифлайди, авторнинг ўзи лутф қилиб айтганидай, эҳтимолки, домланинг ғийбатини ҳам қилади. Шу билан баробар муаллиф «махдумнинг ҳамма нуқсонини ювиб кетарлик» бир фазилати ҳам борлигини айтиб ўтади, «нима бўлганда ҳам махдум ўз замонасининг энг олдинги домлаларидан, Қўқон аксариятининг саводхон бўлишига сабабчи устозлардан, ҳатто улуф

хизматларга киши етиштириб берувчи нодир муаллимлардан эди»,— дейди.¹

Бу хусусият 30-йиллар ўзбек прозасида яна ҳам чуқурлашди. А. Қаҳҳорнинг «Сароб» романидаги янги ҳаёт оқимиға терс турган Саидий билан Мунисхон мутлоқ «салбий хислатлар қурамаси»дан иборат эмас, улар бир қатор ижобий фазилатларға ҳам эга. Ёки «Ёдгор»даги бош қаҳрамон Жўрани ноқулай аҳволға солиб, жигарбанди—гўдагини унга ташлаб кетган нотаниш аёл қилмиши қораланмайди, балки бу аёл қисматини ёзувчи ачиниш билан ҳикоя қилади. «Обид кетмон» повести бош қаҳрамони бутун зиддиятлари билан намоён бўлади. «Қутлуғ қон», «Навойй» сингари романлар эса хилма-хил характерларни мураккаблиги билан ифода этиш жиҳатидан жаҳон реалистик адабиётининг энг яхши намуналари қаторида туради.

Сўнгги йиллар прозасида бир-бирига қарама-қарши қўйилган қаҳрамонлар характерини бутун зиддиятлари билан кўрсатишға интилиш ортиб бораётган экан, бу ҳол, аввало, А. Мухтор айтмоқчи, ҳаётнинг ўзидаги, одамлар онги ва табиатидаги ўзгаришлар билан изоҳланса, бошқа томондан, у насримиздаги мавжуд традицияларнинг давоми, янги бир кўринишидир, реализмнинг чуқурлашиб бораётганлигидан далолатдир. Баъзи қиёслар келтирайлик.

Ш. Рашидовнинг «Қудратли тўлқин» романи қаҳрамонлари Пўлат ва Баҳор «Ғолиблар» билан «Бўрондан кучли»нинг бош қаҳрамонлари Олимжон ва Ойқизларға нисбатан бошқачароқ; Пўлат билан Баҳорда ҳам романтик шижоат, эл-юрт ишиға фидойилик бор; бироқ бу образлар тасвиридаги бўёқлар ранг-барангроқ. Ёзувчи Ойқиз билан Олимжондаги баъзи камчиликларни ҳам эслатиб ўтади, Пўлат ва Баҳордаги ожиз, зиддиятли томонларни эса хийла бўрттириб кўрсатади.

¹ Абдулла Қодирий. Меҳробдан чаён. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Т., 1974 й., 15-бет.

О. Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романидаги Улуғбек, Абдуллатиф образлари характерлари «Мирзо Улуғбек» трагедиясидагига нисбатан анча зиддиятли чиққан. Танқидчилик мазкур романдаги Қарноқий образининг «Меҳробдан чаён»даги Анвар, «Навоий»даги Арслонқуллар билан муштарак томонлари борлигини қайд этди. Диққат қилинса, Қарноқий ҳам Анвар ва Арслонқулларга нисбатан хийла мураккаб: у ғоят чигал тақдирга эга, кўп иккиланишлар, руҳий қийноқлар тўзони ичра ўтиб, даврнинг илғор кишилари сафига қўшилади. Устозига хиёнат қилиб икки ўт орасига тушиб, ададсиз қийноқлар ичида қолган Мавлоно Муҳиддин тарихий романчилигимизда том маънодаги янгилик бўлди. Саид Аҳмаднинг «Қирқ беш кун» романи бош қаҳрамони Азизхон ўзининг ҳам кучли, ҳам ожиз томонлари билан гавдаланади, бу икки томон асар давомида кескин тўқнашиб, характердаги гўзал фазилатларнинг тантанаси билан яқунланади. Шу асардаги «иккинчи қутб»нинг бир вакили хунхўр, қотил Акбарали кўп жиҳатдан «Нурхон»даги Маматни эслатади. Бироқ Акбарали Маматга қараганда мураккаброқ. Унда қабиҳлик билан баробар қандайдир орият, шижоат, тантилик ҳам бор. Бу айниқса Акбаралининг ўз-ўзини чавақлаб ташлаш картинасида яққол кўринади. О. Ёқубовнинг «Қанот жуфт бўлади» қиссасидаги Акрам, Сайёра, П. Қодировнинг «Эрк» асаридаги Саттор, Ойшахон, «Қора кўзлар» романидаги Аваз, Холбек, Ҳ. Умарбековнинг «Уруш фарзанди» повестидаги Анна-Мария, муштипар она, «Ёз ёмғири»даги Раҳимжон Саидов, Мунисхон, Ҳ. Ҳошимовнинг «Баҳор қайтмайди» қиссасидаги Алимардон ва Муқаддам образлари характерида ҳам шу хусусиятни кузатиш мумкин. Бу асарлардаги бир-бирига зид қўйилган мазкур персонажлар «одатдаги» ижобий ва салбий қаҳрамонларга ўхшамайди. Улар, аввало, бир-бирлари билан кескин тўқнашадилар, айни пайтда, улар-

панг руҳиятида характериға хос кучли ва ожиз томонлар, хилма-хил ғоялар мурасасиз олишади...

Ҳозирги ўзбек прозасидаги бу тенденциянинг маълум ожиз томонлари, кам-кўслари ҳам кўриниб қолди. Бу приём бир қатор асарлар ҳаддан ташқари содда-лаштириб юборилаётганлиги адабий жамоатчиликни ташвишга солмоқда. «Бу ижобий қаҳрамон масаласига ҳам таъсир қилди,— деб ёзади М. Қўшжонов.— Ўзини ўзи қийнайдиган, бўлар-бўлмасга психологик тушкунликларга берилаверадиған, ўз тутган йўлиға шубҳаланаверадиған иккиланувчи ижобий қаҳрамонлар пайдо бўлди».¹

У. Ҳошимовнинг «Одамлар нима деркин», М. Бобоевнинг «Раъно», Қ. Убайдуллаеванинг «Муҳаббатнинг қадри» сингари асарларида, ҳатто умуман муваффақиятли чиққан Мирмуҳсиннинг «Умид» романидаги Умид, «Дегрез ўғли»даги Арслон, О. Ёқубовнинг «Қанот жуфт бўлади» қиссасидаги Акрам образларида шу нуқсон яққол кўринди.

Баъзи асарларда қаҳрамоннинг руҳий драмаси маҳорат билан батафсил ифода этилади, аммо шу руҳий драманинг асоси қалбаки, омонат бўлиб чиқади. «Чинор»даги Акбарали қиссаси худди шу жиҳатдан танқидчиларда эътироз туғдирди. «Дегрез ўғли», «Одам бўлиш қийин», «Ёз ёмғири», «Баҳор қайтмайди» каби асарларда қаҳрамонлар руҳий драмаси асосининг ҳаётий эканлиги ўқувчида шубҳа туғдирмаса ҳам мана шу ҳаётий замин чуқурроқ очилмай, атрофлича бадий таҳлил этилмай қолган. Агар шундай қилинганда, асар конфликтининг ижтимоий-эстетик қиммати янада ошган бўларди.

Реалистик ижодда бадий конфликт турлари, ифода воситалари беҳисоб. М. Қўшжонов Ойбекнинг «Болалик» қиссаси конфликтни хусусида нозик бир кузатишни

¹ М. Қўшжонов. Ижод сабоқлари. «Ёш гвардия» нашриёти, Т., 1973 й. 185-бет.

ўртага ташлайди. У ёзди: «Биз китобни ўқиганда асарнинг асосий конфликтини шундай тасаввур қилдик: катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган Ойбек ўзи бир томонда туриб, ўша болалиги давридаги ҳаётнинг бутун қарама-қаршиликларини очиб ташлаган. Демак, «Болалик»даги асосий конфликт ёш Муса билан ўша давр ҳаёти орасидаги қарама-қаршилик эмас, балки ҳаёт фалсафасини чуқур эгаллаган ҳозирги Муса — Ойбек орасидаги зиддиятдир».¹

Шу усул ҳозирги прозада бошқачароқ кўринишда кенг тарқалиб, янги фазилятлар билан бойиб борапти. С. Зуннуновнинг «Ака», С. Анорбоевнинг «Умр», «Олтин қозиқ», С. Нуровнинг «Беда ҳиди» типидagi асарларини эслайлик. «Ака»даги ҳалол, камсуқум, жафокаш ака билан маданиятли, фаровон турмуш кечираётган укалар, «Умр»даги меҳнаткаш ота Тўлаган чол билан эркатой, тантиқ қиз — Чўлпоной, «Олтин қозиқ»даги ҳалол одам — ўқитувчи Зуннун билан шогирд, мешчан Таваккал, «Беда ҳиди»даги шоиртабиат йигит Нусрат билан ичиқора бошлиқ — буларнинг барчаси бир-бирига қарама-қарши қўйилган, улар қисман тўқнашади, қаҳрамонлар руҳиятида маълум зиддиятлар юз беради, бироқ асардаги асосий конфликтни булар ташкил этмайди, энг кескин зиддият ҳушёр китобхон қалбида рўй беради, асарда қўйилган, кўтарилган можаролар билан ёзувчи ҳамда китобхон шиддатли тўқнашувга киришади; биз бу асарларни ўқиб, уларда акс этган ҳаётий зиддиятлар билан танишиб, ҳаётнинг жуда кўп жумбоқлари устида ўй сурамиз, баҳсга киришамиз, бу жумбоқларга ўзимизча жавоб ахтарамиз...

Ўзбек адабиётида, юқорида айтилганидек, узоқ вақт конфликт янгилик билан эскилик орасидаги зиддият асосига қурилиб келди. Бу традиция ҳозир ҳам давом этаётир. Айни пайтда сўнгги йиллар прозасида янгиликнинг ўз ички зиддиятларини, янгилик либосидаги қолоқ,

¹ М. Қўшжонов. Ойбек маҳорати. Т., 1965 й., 287—288-бетлар.

ярамас тушунчаларни фoш этишга интилиш ортиб бор-
япти. Тўғри, бу хусусият илк бор Ҳамза ижодида, сати-
расида кўринган эди. Ҳамза тажрибаси сўнгги йилларга
келиб маълум анъана тусини ола бошлади. Чунончи,
Абдулла Қаҳҳор «Нурли чўққилар» ҳикоясида мадани-
ят, эркин севги тушунчасини бир ёқлама тушунган қиз-
нинг аянчли қисматини, кулгили қиёфасини маҳорат
билан акс эттиради. С. Зуннунова «Ёлғизлик» ҳикоя-
сида ижтимоий манфаатни деб сунъий равишда шахсий
ҳаётини барбод этган, ижтимоий ҳаётни атайин шахсий
манфаатга қарама-қарши қўйган аёлнинг фожиасини
очиқ беради. О. Ёқубов «Қанот жуфт бўлади» қисса-
сида ҳам оилада, ҳам ижтимоий ҳаётда ўз эркини қўлга
олган ва ўша эркини сунистеъмол қила бошлаган аёл
ҳаётидаги кўнгилсизликларни таъсирчан тасвир этади;
Ш. Холмирзаевнинг «Еввойи гул», «Баҳор ўтди», «Қо-
чоқ», «Ой ёруғида», «Аҳад мирзо йиғлади» каби ҳикоя-
ларида ҳам янгиликнинг ички зиддиятлари нозик ифода
этилган.

Шуниси қизиқки, юқорида тилга олинган асарларда-
гига ўхшаш хатти-ҳаракатлар авваллари яратилган қа-
тор асарларда кўпинча ижобий ҳодиса гарзиде талқин
этилар эди. Эндиликда эса ёзувчиларимиз кўпроқ ўша
«ижобий ҳодиса»нинг зиддиятли томонларига эътиборни
жалб этаётирлар. Адабиётимиздаги бу янги жараён ҳа-
ётдаги ўсиш, улғайишнинг бир ифодасидир; бу ҳол ҳо-
зирги кунда инсоннинг эл-юрт олдидаги бурчи, масъу-
лияти ошганлигини, шахсга нисбатан талаб ҳар қачон-
гидан кучайганлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Қисқаси, ҳозирги ўзбек прозасида ҳаётний конфликт-
ларни акс эттириш, ҳаётний конфликтнинг хилма-хил
ифода воситаларини қидириб топиш, бу борадаги мав-
жуд тажрибаларни қайта синовдан ўтказиш, уларни
янги-янги хусусиятлар билан бойитиб боришдан иборат
чуқур ички жараёнлар юз бермоқда. Уларни чуқурроқ
тадқиқ ва таҳлил этиш адабий танқидчиликнинг вази-
фаларидандир.

1974
103

КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР

Ҳозирги ўзбек прозаси жиддий баҳслар учун бой материал беради. Прозанинг ҳамма жанрларида жонланиш бор. Айрим ўртоқлар кейинги пайтларда ҳикоя кам чиқаётганлигидан ташвишланиб, турғунлик аломатини эмасмикан, демоқдалар, гарчи оз бўлса ҳам шундай ҳикоялар яратилдики, улар умумсовет ҳикоячилигининг энг яхши намуналари билан бемалол беллаша олади. Ҳ. Фуломнинг «Қўшиқ», П. Қодировнинг «Жон ширин», О. Ёқубовнинг «Бахт қуши», О. Мухторнинг «Қаҳратон», Ш. Холмирзаевнинг «Кечаги кун — кеча», «Баҳор ўтди» ҳикоялари бу жанр истиқболига умид уйғотади. Романларимиз ранг-баранг ва мароқли бўлиб борапти. «Жаннат қидирганлар», «Чинор», «Ҳазрати инсон» — буларнинг ҳар бири ўзича бир олам деса бўлади. Хусусан, қиссачиликнинг омади келди, фақат кейинги бир ярим йил ичида йигирмадан ортиқ қисса эълон қилинди, прозамиз манзараси шу жанрда яққолроқ кўриняпти.

Шуниси диққатга сазоворки, уч-тўрт асарни мустасно қилганда қолганлари ҳаммаси замонавий темада, замондошимиз—60-йиллар кишиси, унинг ўйлари, ташвиш ва қувончлари ҳақида; асарларнинг «географик уфқи» ҳам кенг, «Кўктерак шабадаси»да қишлоқ ҳаёти, қишлоқдаги жараёнлар таҳлил этилади, «Тўфон» билан «Тоғғўзали»да қурувчи — бунёдкорлар жасорати тасвирланади, «Қунлар», «Ғубор», «Баҳор қайтмайди» каби қиссаларда эса зиёлилар турмуши қаламга олинади.

«Чинор» билан «Қанот жуфт бўлади» замондошларимиз ҳаётининг хилма-хил томонларини қамраб олади, уларда зиёлини ҳам, колхозчи-деҳқонни ҳам, ишчини ҳам, раҳбар ходимни ҳам — барчасини учратиш мумкин. Қисқаси, ҳозир прозада ҳаётнинг бу томони кам ёритил-япти, мана бу томони қолиб кетяпти, дейиш учун асос йўқ.

Асарнинг замонавий материал асосида ёзилгани масаланинг бир томони холос, масаланинг бошқа муҳим томони ҳам бор. Добролюбов Тургенев ижодини характерлаб ёзган эди: «Биз дадил айта оламизки, агар Тургенев бирор-масалани ўртага ташладими, агар у ижтимоий муносабатларнинг қандайдир томонини тасвирладими—демак, чиндан ҳам онгли ҳаётнинг ўзида шу масала кўтариляпти ёки кўп ўтмай кўтарилади, ҳаётнинг шу янги томони кўрина бошляпти, кўп ўтмай у ҳамманинг кўз олдида ярқ этиб кўринади».

Менимча, замонавийликнинг асл маъноси ана шундан иборат; жамият маънавий ҳаётининг муҳим томонларини кўра билиш, ўқувчи эътиборини турмушда туғилган ёки туғилаётган масалаларга жалб этиш, кишилар кўнглида етилган ёки етилаётган гапларни топиб айтиш, ижтимоий заруриятни ҳис этиш замонавийликнинг асосини ташкил этади.

Бу жиҳатдан Асқад Мухторнинг «Чинор» романи характерли. «Чинор» кўп қиррали, мураккаб асар. Бу — ўзига хос оилавий роман. Автор асар қаҳрамони Очил бува опласи тинсотида ўзбекнинг чинордек қадди-қоматини, шонли ўтмишини-ю, бугунги камолини, умуман, ҳаётимиз жамолини намойиш этмоқчи бўлади. Халққа ўз фазилатини, бўй-бастини, улуғворлигини кўрсатиш, халқ кўнглига шодлик олиб кириш, унда гурур, миллий ифтихор туйғусини ёлқинлантириш — ёзувчи учун катта шараф. Бу одамларнинг шу кунги кайфиятига ниҳоятда мос тушади. «Чинор»нинг замонавийлиги аввало шунда.

«Чинор» деярли бир асрлик даврни қамраб олади. Асарни ўқиганда шундай таассурот қолади: давр масофаси узоқлашган сари тасвир хиралашади, ёзувчи ўзи кўрмаган, тўғрироғи, тасаввур этмаган ҳодисаларни қаламга олганда мавҳумийлик, тахминийлик кучаяди, ҳозирги кун воқеаларига келганда аҳвол ўзгаради, тасвир бирмунча конкретлашади, ёзувчи замонавий материалнинг моҳиятини нисбатан чуқурроқ таҳлил этади, кўнглидаги гапни куйиб-ёчиб, зўр эҳтирос билан самимий айтади.

«Чинор»нинг улкан шохларидан бири — Ориф қиссасини олиб кўрайлик. Ориф қисматида, табнатида сиз билан бизни қизиқтирадиган кўп ибратли жиҳатлар бор. Бу йигит том маънода янги типдаги раҳбар ходим, ниҳоятда принципат, шу билан баробар ғоят пок, олижаноб инсон. У расмийчиликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши мардона кураш олиб боради, самимийлик, ростгўйлик, одмиллик унинг шиори; қаллоблик, совуққонликка берилса, ҳатто энг яқин одамими ҳам аямайди. Ориф билан Мария Ивановна орасидаги тўқнашув ғоят жиддий, аслида Ориф билан Мария бир-бировинга рақиб эмас, қондош-дўст, бу дўстликнинг замири узоқларга бориб тақалади, уларнинг кураши ҳар қанақа тамагирликдан, худбинликдан тамоман холи, иккаловни ҳам совет кишиси, иккаловни ҳам партия, эл-юрт манфаати деб жон койнтади. Аммо масалага иккиси икки хил ёндашади. Мария Ивановна консервативлик касалига мубтало, у нуқул ақл билан иш кўраман, деб инсоний жозибасини йўқотиб қўйган, беҳис, «қуруқ одам»га айланиб қолган, Орифда янгиликни ҳис этиш туйғуси кучли, Мария ўзи истамаган ҳолда расмийчиликка мойиллик кўрсатади, ниҳоятда совуққон бир кимса қиёфасида кўринади; Ориф эса бунга асло тоқат қилолмайди, дўсти билан дадил жангга киради, бу жангда дўстни сийлаш, унга ён бериш йўқ, у ҳеч қачон принципдан қайтмайди. Аммо у энг қизғин олишув пайтида ҳам

қалбидаги эзгу ҳисни — дўстига нисбатан самимиятни, инсоний меҳрни сақлаб қолади, Орифнинг Марияга муносабатида давримизнинг жуда муҳим хислати — социалистик жамиятда томир ёйиб бораётган принципиаллик, талабчанлик ва айни вақтда меҳрибонликдан иборат ленинча ҳаёт нормаси ўз ифодасини топган.

Яна бир мисол. Ёзувчи Саид ҳақидаги қиссада ҳам шу куннинг зарур гапини айтган. Ҳаётда, коллективда ҳар бир шахснинг ўз ўрни, роли бор. Инсон боласи ҳаммиша ширин сўзга, меҳрга муҳтож, у хайрли ишга қўл урар экан, кўзининг тиригида ўз меҳнатининг самарасини кўргиси келади. Ҳаётда яхши из қолдиришга интилиш унинг қониди бор. Шахсга сиғинишни қоралаш шиори остида кейинги йилларда инсон табиатидаги шу туйғуни менсимаслик ҳоллари рўй бера бошлади. Саид худди шу хил қарашнинг қурбони. У ҳалокатга учраган газ қувурини тартибга солишда мислсиз мардлик кўрсатади. Саид табиатида ҳам ўзгаларга хос ширин сўзга муҳтожлик бор. «Мен одамман, менинг ўз номим, ўзимга яраша дунёқарашим. ишм, туйғуларим бор, мойдай эриб, ён-атрофга сингиб кетишни истамайман... Қудратим, меҳнатим, идрокимнинг натижасини кўрсам, дейман»,— дейди у. Аммо унинг бу табиий майли фармоновларни «коллективчилик» фалсафасига тўқнаш келади. «Бошқалардан ҳеч фарқ қилма, ҳамма юрган издан юр, чапга қарама, ўнгга қайрилма, олдинга ўтма, орқада қолма, ерга кирма, осмонга чиқма, тўдадан ажралма»,— фармоновлар фалсафаси шундай. Фармонов ҳақиқий маънодаги «ижтимоий одам», ашаддий «демократ», одамларнинг шахсияти уни қизиқтирмайди, ҳар бир одамнинг ўз гами, ўз қувончи, олам-олам ташвиши, манфаати борлигини, ҳар бир шахс ўзича бир олам эканини ҳисобга олмайди. Ана шундай «темир одам»нинг «коллективчилик» фалсафаси туфайли бинойидек йигит бузилиб, ҳалок бўлади. Саид образини яратиш билан ёзувчи бу хил тўдачиликка, қиёфасизликка қарши курашмоқчи бўлади.

«Чинор»да Асқад Мухтор қаламига хос бир хусусият яна ҳам ёрқин намоён бўлади, адиб ўзи қўйган масалалар моҳияти китобхонга аниқроқ етиб борсин учун кўпинча ҳодисаларга фавқулодда тус беради, қаҳрамонлар қисматидаги кескин, ҳаяжонли нуқталарни қаламга олади: тасвирдаги бу усул умуман мақбул; аммо унинг маълум хатарли жиҳатлари ҳам бор; асарда ўта шартли ўринлар кўпайиб кетган, қаҳрамонлар ҳаёти ва онгидаги кескин бурилишлар баъзан етарли далилланмай қолган. Автор аксари шартли, тезкор романтик талқин йўлидан боргани учун воқеалар, характерлар ўз мантиқий йўналиши билан эмас, баъзан автор хоҳиши билан ҳаракат қилаётгандай туюлади.

«Қанот жуфт бўлади» қиссаси шу куннинг зарурий гапларини адабиётга олиб киришнинг дуруст намунаси. Бу ердаги тасвир усули «Чинор»дагидан бошқача. Асарда акс этган ҳодисалар шундоққина ҳаётнинг ўзидан «кўчириб» олингандек. Унда ҳеч қанақа атайинлик, китобийлик йўқ; автор ҳар қанақа шартли приёмлардан воз кечиб, бевосита ҳаётнинг ўзига мурожаат этади, ҳаётнинг ўзидаги зиддиятларни бўрттирмай, ошириб-тоширмай, ўз ҳолича беришга, уларни атрофлича таҳлил этишга интилади, бунда изчил реалистик услуб имкониятларидан кенг фойдаланади. Маиший, маънавий ҳаёт, оила, севги муносабатлари, бу борадаги янгича ва эскича қарашлар, хилма-хил қарашлар орасидаги курашлар қиссанинг асосий мундарижасини ташкил этади; автор китобхон билан шу куннинг энг жиддий муаммоси — турмуш маданияти ҳақида баҳс юртади, жамият ахлоқини таҳлилдан ўтказди, шу кунларда кишиларимизнинг маънавий ҳаётида нималар содир бўляпти, қайси одатлар мақбулу қайсилари номақбул, халқнинг маънавий юксалишига нималар тўсқинлик қиляпти — ёзувчи шу саволларга жавоб ахтаради.

Қисса автори масаланинг бадий таҳлили вақтида илғор позицияда туради, эскиликни, маънавий биқик-

ликни, турмушга обивателларча қарашни кескин танқид остига олади, янгиликни дадил ҳимоя қилади. Аммо у ҳар қанақа янгилик олдида таъзим этувчи модернаст ҳам эмас, жамики миллий анъаналарни инкор этувчи, анъанавий таомилларнинг барчасидан ғубор қидирувчи нигилист ҳам эмас, инсон шахсини камситадиган, ғурурини, номусини ерга урадиган жамики нарсаларни — у янгилик тарзида кўринадими, эскича қиёфада намоён бўладими — барибир, китобхон нафратига рўпара қилади; инсон шаънини улуғлайдиган, камолига йўл очадиган анъанавий ва янги таомилларни қўллаб-қувватлайди. Қисқаси, автор ҳаёт ҳодисаларини бутун мураккаблиги, мусбат ва манфий томонлари билан кўрсатади.

Асардаги биргина йўналиш — эркин севги талқинини кўздан кечирайлик. Асар қаҳрамони Сайёра табиатида бугунги ўзбек ёш зиёлисининг кўпгина хислатлари мужассам. У ижтимоий ҳаётда ҳам, оилада ҳам ўзлигини топа олган аёл, унинг кийинишидан тортиб, фикр-ўй, юриш-туришигача — ҳаммаси янгича.

Биз бу аёл билан ҳаётининг энг қувончли онларида учрашамиз; профессор ота, меҳрибон она ҳаёт, унча-мунча турмуш қийинчиликлари ортда қолиб кетган, рўзгор бут, қизчаси қаддини тутиб олган, севикли эр унинг қошида. У ҳар жиҳатдан эркин, кўнгли тусаган ишни қилавериши мумкин...

Маънавий, моддий эркинлик ҳеч қачон масъулиятсизлик билан келиша олмайди. Инсон боласи қийин дақиқалардагина эмас, қувончли кунларда ҳам оила, севги, умуман, ҳаёт олдида жавобгар. Бир озгина бўлсин, масъулиятни унутдими, кўнгилсизликлар учун йўл очилади; Сайёра қисматида ҳам шундай ҳол рўй беради; у маълум муддат ҳаётда адашади, қулай имкониятдан талтайиб кетади, масъулиятни унутади, ўзидаги эркин суинистёмол қила бошлайди, ёшига ярашмаган қилиқлар чиқаради, ўз тенги бўлмаган ёшлар даврасига қўшила-

ди, хаёлий орзулар қанотида романтик чўққилар томон талпинади, ўз касби кори бу ёқда қолиб, киноактриса бўлиш пайига тушади. У тушиб қолган вазият — бир гуруҳ енгилтабиат, тантиқ ёшлар давраси уни гангитиб қўяди; бу давра Сайёрани ҳам ўзига шерик қилиб олмақчи, ўз кўйига солмоқчи бўлади; Сайёранинг қисмати, номуси, шаъни хавф остида қолади.

Сайёранинг бахти шундаки, у шу қалтис вазиятда ўзлигини сақлаб қолади. Сайёра аслида самимий, беғубор қалб эгаси, сунъийлик, қаллоблик унинг учун беғона, у самимий дўст деб билган одам «қаллоб» бўлиб чиққандан кейин, «таланти»ни намойиш этмоқчи бўлган картина (у актриса сифатида ўйнайдиган роль) бошдан-оёқ қалбаки, ҳаётдан йироқ бир нарса экани маълум бўлгандан кейин, қишлоқдаги одамлар орасидаги муносабатлар у тасаввур этгандан кўра хийла мураккаб эканига амин бўлгандан кейин Сайёранинг кўзи ярқ этиб очилади, ҳавойи орзулар қанотидан тушиб, ер фарзандига айланади.

Сайёрадаги имкониятлар Нилуфарда ҳам муҳайё. Унинг ҳам эрки қўлида. Сайёра-ку, эрkdан фойдаланишда охири ўзини жиловлаб олади. Нилуфар эса бутунлай жиловдан чиқиб кетади, шу тариқа етилиб турган улкан бахтини, аломат йигит Зафар севгисини барбод этади, беқарор йигит Шавкатжон қўлида қўғирчоққа айланади, ўз қўли билан қизлик номусини, нафосатини оёғости қилади.

Ҳамида ҳам ҳаётда адашган аёл. Аслида у ҳам маъсулиятни унутади, шу туфайли кўп жафо чекади. Аммо Ҳамиданинг қисмати тамоман ўзгача. Автор унинг қисмати орқали оилавий муносабатларнинг бошқа бир томонини кўрсатади. Агар Сайёра билан Нилуфарни эркинлик, янгилик ниқоби остидаги бетайин тушунчалар гангитган бўлса, Ҳамидани оилавий бурч, номус, ҳаё ҳақидаги қолоқ қарашлар эади. Бу аёл одамларнинг гап-сўзидан қўрқиб, андиша қилиб, ўзи севмаган одам-

га турмушга чиқади, яна ўша гап-сўздан қўрқиб жоҳил эрнинг ўринсиз дағдағаларига дош беради, болаларнинг тинчи бузилмасин, оилага дарз кетмасин, деб узоқ вақт дардини ичига ютади. Жоҳил эр рашк қилиб танига тиг ургандан кейингина ўзига келади, у тушунган ҳаё, орият, оилавий бурч беҳуда нарсалар экани маълум бўлади. Шундан кейин унда масъулият ҳисси уйғонади, эрки, номуси, шаъни учун курашмоқ кераклигини англаб етади, қолоқ тушунчалар тўригина тутиб турган омонат оилани ўз қўли билан парчалаб ташлайди...

Қиссани зўр қизиқиш билан ўқиймиз, ундаги ҳодисаларнинг ҳаётийлигига тан берамиз, қаҳрамонлар гурунгида ўртага ташланган баҳслар, мулоҳазалар шу кунги давраларда айтиладиган гапларнинг, одамлар кўнглидаги дардларнинг ўзгинаси экани учун қувонамиз. Ниҳоят асар тугайди, сўнгги варақни ёпамиз, шунда негадир асарни ўқиш давомида туғилган ҳаяжон сусаяди, деярли ҳеч нарса рўй бермагандек туюлади.

Бунинг сабабини кўп ўйладим. Қаҳрамонларнинг мураккаб вазиятдан чиқиб олиши етарли далилланмай қолдимикан; барча можароларнинг охиригача бир ёқли бўлиши асосий қаҳрамонларнинг мурод-мақсадига эришуви, айрим бахтсиз хотималарнинг ҳам жўнгина ҳикоя қилиниши, энг азиз нарсаси — севгисидан ажралган севиқли йигит Зафарнинг ниҳоятда бепарво, беҳис қолиши кўнглимизда осойишталик туғдириб қўймадимикан, дея ўйга толасан киши. «Чинор»да ҳаётдан бир оз юқорилашиб кетишни қўсур деб атаган эдик, ҳаётда «ўта яқинлик» ҳам баъзан қўсурса айланиб қолар экан, «Қанот жуфт бўлади» автори, шартлиликдан қочаман, «ҳаётнинг ўзини» бераман, деб баъзан ҳодисаларни жуда оддийлаштириб юборади, уларни лоақал имконият доирасида ҳам кескинлаштирмайди, асар сюжети ниҳоятда осойишта боради, бош қаҳрамон Акрам қисматида айрим оилавий можароларни мустасно қилганда айтарли ҳеч қанақа жиддий ҳодиса рўй бермай-

ди, унинг руҳий кечинмалари тасвирида ҳам ўта чўзиқлик, такрорий ўринлар бор, улар китобхон қалбида чуқур из қолдирадиган пафос даражасига бориб етмайди. Эҳтимол, қиссадан кўнглимиз тўлмаётганига шу нарса сабаб бўлаётгандир.

Ҳаётга яқинлик, ҳаётний проблемаларни кўтариш миллийлик масаласи билан бевосита алоқадор. «Қанот жуфт бўлади» қиссасида илгари сурилган қатор муаммолар ўзбек ҳаётининг ўзига хос томонларидан келиб чиққан. Бу хусусият «Кунлар», «Баҳор қайтмайди» қиссаларида яна равшанроқ кўринади.

«Кунлар»да кўтарилган масала теварагида хилма-хил гаплар айтиляпти. Айрим ўртоқлар муаллим билан студентнинг бир-бирини севиб қолиши ўзбекчиликка тўғри келмайди, яхшиси, бунақа ҳодисани адабиётга олиб кирмаган маъқул, деб чиқдилар. Бошқа бир гуруҳ ўртоқлар эса бу масала рус ва қардош халқлар адабиётида аллақачон ҳал этилган. Учқун Назаров бу масалани жуда кечикиб кўтарган, деган фикрни айтдилар.

Менимча, ҳар иккала даъво ҳам ўринсиз. Биринчиси адабиётни тор биқиқча ўраб қўяди, иккинчиси эса миллий ўзига хосликни менсимасликка, миллатлар ва адабиётлар орасига сунъий равишда тенглик аломати қўйишга олиб келади.

Совет адабиёти — ягона улкан адабий жараён. Шу билан баробар ҳар бир миллий адабиётнинг ўзига хос муаммолари бор, бирор миллат, бирор адабиётда «ҳал этилган» масала бошқа миллат ёки адабиётда ҳали ҳал этилмаган бўлиши мумкин. Бир вақтлар Э. Межелайтис яхши гап айтган эди: агар 50-йилларда рус адабиётида руслар ҳаётидан «Жамил» типидagi асар яратилганда, эҳтимол, ҳеч ким эътибор бермаган бўлар эди; қирғизлар ҳаёти, қирғиз адабиёти учун бу чинакам янгилик бўлганидан катта шов-шувларга сабаб бўлди.

Яқин-яқинларда умуминсоний темалар, умуминсоний проблемалар ҳақида гапириш мода бўлиб қолган

эди. Бу ҳам фойдадан кўра кўпроқ зарар келтирди, конкрет миллий заминдан, макон ва замондан жудо, предметсиз асарларнинг майдонга келиши шу хил қарашнинг оқибати эмасмикан?

Ҳозирги кунларда алиблар бу ҳақда жиддийроқ бош қотираётирлар, миллий заминга яқинроқ келаётирлар. Бу нарса бир жиҳатдан асарларнинг миллий ўзига хослигини таъмин этса, иккинчидан, уларнинг ғоявий ўткирлигини, замонaviйлигини ошираётир. Ўткир Ҳошимовнинг «Баҳор қайтмайди» қиссаси типигаги асар, эҳтимол, латин ёки эстон адабиётида яратилмас; ўзбеклар ёки тожиклар ҳаётдагина шу хил асарга материал топилиши мумкин.

Нима кўп, ўзбекларнинг тўйи кўп. Ўзбек тўйи эса базмсиз, санъаткор — ашулачисиз ўтмайди. Ҳар ким иложи борича донгдор ашулачини ўз тўйининг тўрида кўргиси келади, бор-будини сарф этиб бўлса ҳам уни тўйга олиб келади. Қисқаси, донгдор ашулачининг бизда бозори чаққон, у тўй эгалари орасида қўлма-қўл. Донгдор ашулачи инсофли, маданиятли бўлса бошқа гап, мабодо унда шу хислатлар етишмаса, бояги муҳит уни бузиб қўйиши мумкин. Дарвоқе, бу хил фактлар бизда тез-тез бўлиб туради, «бузилган санъаткор»ни фаш этадиган фелъетонлар тез-тез чиқиб туради; ҳатто ташиқли композитор Юнус Ражабий, СССР халқ артисти Ҳалима Носирова ашулачиларнинг тўйлардаги хизматини тартибга солиш масаласини ўз вақтида матбуотда кўтарган эдилар.

«Баҳор қайтмайди» қиссаси автори республика жамоатчилигини ҳаяжонга солаётган шу масалага муносабат билдирган.

Йўқ, йўқ, ёш автор «кўтарилган масала»ни иллюстрация қилган эмас, уни юракдан ҳис этиб, бош қаҳрамон Алимардон қисмати ва характерига сингдириб юборган.

Алимардон — мураккаб характер. Унинг табиатида

келасида уни хатарли хавфга олиб бориши мумкин бўлган хислатлар бор, у — худбин шахс. Айни пайтда унинг табиатида яхши фазилатлар ҳам йўқ эмас, у — нозик истеъдод эгаси, қўшиқ куйлаганда ҳаммани ўзига мафтун этади, у шу фазилати билан тез орада эл оғзига тушади. Энди Алимардон учун қалтис синов даври бошланади; эскича таомиллар муҳити уни ўз қаърига тортади, табиатидаги салбий сифатлар ҳаракатга келади, уни чалғитади, ундаги ноёб истеъдод худбинлик манфаатига хизмат эта бошлайди; у санъат орқали шуҳрат, мол-дунё орттириш йўлига ўтиб олади. Бу йўл уни ниҳоятда аянчли оқибатга олиб боради, у одамгарчиликдан маҳрум, тантиқ, ахлоқсиз бир кимсага айланади, яқин дўстига, севган хотинига, қолаверса, ўз касби корига, истеъдодига хиёнат қилади.

Бизнинг жамият ярамас таомилларни, ахлоқсизликни, шуҳратпарастликни кўтармайдиган, худбинларни сиғдирмайдиган жамият; шароит шу кўйга тушган одамларни чиқитга чиқариб ташлайди. Алимардон қисматида давримизнинг шу ҳақиқати ўз ифодасини топган. Кўр-япсизми, ёш автор «миллий материал» орқали фақат ўзбеклар ҳаётига эмас, умуман, социалистик жамият ҳаётига оид муҳим ҳақиқатни ифода этади, фақат ўзбек китобхони эмас, кўпчиликни ҳаяжонга соладиган — санъаткорларнинг халқ олдидаги бурчи, масъулияти масаласини илгари суради. Шу тариқа «миллий материал»дан туғилган гап умумсовет адабиётининг катта оқимига келиб туташади, зотан кишининг жамият олдидаги бурчи масаласи ҳозирги вақтда умумсовет адабиётида жуда кескин қилиб қўйилаётир.

«Баҳор қайтмайди» қиссаси хусусида ҳам кўпгина баҳсли мулоҳазалар айтилди. Танқидчи П. Шермухамедов ёзади: «Қиссанинг битта нуқсони бор. Алимардон асарнинг бошларидаёқ худбин қилиб берилади. Кейин ҳам мана шу хислатлар ҳақида гап кетади. Талантли йигитнинг фожиасига сабаб бўлган асосий сабаблардан

бири мана шу худбинликнинг пайдо бўлиши, илдиэлари етарли асосланмайди».

Менимча, асарда худбинликнинг пайдо бўлиши етарли даражада асосланган, қаҳрамон табнатидаги бу сифатлар илдиэини очишда ёш ёзувчи худди «Сароб»даги йўлни тутати, ўтмишга экскурсия қилиш, қаҳрамон болалигини, қаллоб амаки билан алоқасини эслатиш орқали бунга эришади. Ёзувчининг асардан кузатган асосий муддаоси худбинликнинг пайдо бўлишини кўрсатиш эмас, балки характердаги ана шу тайёр, маълум сифатларнинг маълум шароитдаги ҳаракатини таҳлил этишдан иборат.

Алимардондаги бу салбий хусусият қулай шароит бўлганда йўқолиб кетиши ҳам мумкин эди. Аммо у мураккаб вазиятга тушиб қолади, кўпгина ноёб истеъдод эгаларини бебурд қилаётган ярамас таомиллар Алимардонни чалғитади, ундаги салбий сифатларни ҳаракатга солади, асарда шу муҳит яна ҳам кенгроқ кўрсатилганда, унинг моҳияти яна ҳам чуқурроқ таҳлил этиб берилганида қиссанинг ғоявий-бадий таъсир кучи яна ҳам ошган бўлар эди.

Адабиётшунос Б. Сайимов қиссада бошқа бир камчилик кўради: «Қиссада Алимардоннинг ноёб талант эгаси эканлигига ҳам, унинг фожиасига ҳам китобхон ишонади,— деб ёзади у.— Лекин ҳар қандай талант халқ мулки-ку. Халқ, жамоатчилик ўз талант эгаларини ҳеч қачон ўз ҳолига ташлаб қўймайди. Бунга кўз-қулоқ бўлади. Унинг нотўғри йўлдан бориши ёки тубанлашишини кўрган заҳотиёқ уни бу йўлдан қайтаришга интилади. Қиссада худди мана шу шароит йўқ».

Аксинча, қиссада ана шундай шароит бор. Алимардоннинг устози Зуфар Ҳодиевич ҳамкасби Мутал, дўсти Анвар, хотини Муқаддам — буларнинг ҳар бири Алимардондаги тубанлашишни кўрган заҳотиёқ ташвишга тушадилар, уни бу йўлдан қайтаришга ҳаракат қилдилар. Алимардонни асраш учун курашадилар. Демак, ав-

тор Алимардонни икки хил муҳит орасида кўрсатади, автор талқинича, салбий муҳит Алимардонга кучлироқ таъсир этади, афсуски, ижобий шароитдан устун келган ана шу салбий шароит, аввал айтганимиздек, китобхонни тўла ишонтирадиган даражада аниқ-равшан ифода этилмай қолган.

Ҳар ҳолда бадний асарда шароит ва характер масаласини жиддийроқ қўяверган маъқул. Характердаги у ёки бу ўзгаришларнинг ҳаётдаги манбалари қанчалик чуқур таҳлил этилса, асарнинг ижтимоий-замонавий қиммати шунчалик ошади. Ижобий далиллар келтирайлик. «Чинор»да Саидни ҳалокатга олиб келган муҳит яхши кўрсатилган, шунинг учун ҳам Саид қисмати билан боғлиқ проблема пафос даражасига бориб етган, Саид фожиаси билан танишганда уни шу кўйга солган фармоновлар муҳитига бизда кучли нафрат уйғонади.

«Кўктерак шабадаси»да ҳикоя қилинган кўнгилсиз ҳодисанинг — Камол билан Шакар оиласининг бузилишига бир чеккаси қаҳрамонларнинг ўзлари айбдор. Камол ўзининг бир оз лапашанглиги, Шакар эса енгилтабиатлиги билан гуноҳга йўл очадилар, ўз бахтларини бой берадилар, қолаверса, бу ҳодисанинг рўй беришида атрофдаги одамларнинг ҳам маълум даражада айби бор. Қаҳрамонлар тушиб қолган мураккаб вазият аҳволни мушкуллаштиради. Ёзувчи қаҳрамонлар қисматидаги ўзгаришларнинг туб илдизини яқин ўтмишда ҳужаликни бошқаришда йўл қўйилган баъзи хатолардан ахтаради. Шу тариқа автор даврнинг муҳим масалаларига муносабат билдиради.

* * *

Кейинги пайтларда «меҳнат темаси», «меҳнат кишиси образи», «меҳнат романтикаси», «касб-кор психологияси» иборалари тез-тез тилга олинадиган, адабиётчилар

шу масалалар устида кўпроқ баҳслашадиган бўлиб қолди; шу масалага бағишланган йирик анжуманлар бўлиб ўтапти.

Бунинг маълум сабаблари бор. Ҳар бир адабиётнинг бош мавзуси, етакчи қаҳрамони бўлади. Бугунги адабиётнинг бош мавзуси — меҳнат, етакчи қаҳрамони — меҳнат кишиси.

Ҳозирги вақтда кишини меҳнатсиз тасаввур этиш асло мумкин эмас; ясли-боғча боласидан тортиб пенсиянергача — барчанинг ўз юмуши, юмуш билан боғлиқ ташвиши бор. Ҳозирча фан, статистика киши маънавий, жисмоний фаолиятининг қанча қисми онлавий-шахсий соҳага, қанча қисми ижтимоий меҳнат ва ишлаб чиқаришга сарф этилишини аниқ ҳисоблаб чиқолгани йўқ. Агар бунинг иложи топилса, ҳозирги замон кишисининг жуда кўп вақти, маънавий-жисмоний қуввати, заковати, ташвиш ва қувончлари онладан ташқаридаги юмушлар — меҳнат, ўқиш, ижод, фан, сиёсат, санъат, спорт билан банд экани равшан бўлар эди. Мақсуд Шайхзода бир суҳбатда, ижодкорнинг меҳнатсиз вақти бўлмайди, у дам олиш кунда ҳам, отпусқада ҳам, томоша пайтида ҳам, касал ётганида ҳам, борингки, тушида ҳам асарини ўйлайди, ижод этади, деган эди. Бунинг ёзувчи — санъаткорларгагина эмас, бошқа кўпгина касб эгаларига ҳам татбиқ этиш мумкин. Умуман, ҳозирги вақтда меҳнат, касб-кор психологияси инсон руҳий оламининг асосий сферасини ташкил этади.

Замондошимиз ҳақида қалам тебратаётган ёзувчи — санъаткорлар бунинг ҳисобга олмай иложи йўқ. Таниқли адиб Леонид Леонов яхши бир гап айтган эди: «Бизнинг қаҳрамонларимиз ҳамиша бирор касб эгаси, шу касб-кори орқали у жамият ҳаёти билан ижтимоий алоқада бўлади». Ҳозирги замон ёзувчиси қаҳрамоннинг касб-корини билмай туриб ҳеч қаерга боролмайди. Чунки касб инсонни замон билан боғлайдиган ижтимоий востаси. Автор касб психологиясини чуқур билиши, билган-

да ҳам буларни қаҳрамоннинг ўзидан кўра яхшироқ билиш лозим.

Сўнгги пайтларда яратилган қатор асарларда шундай камчилик кўзга ташланыпти: ёзувчи меҳнат аҳли ҳаётини кўрсатмоқчи бўлади, меҳнат кишисини бош қаҳрамон қилиб танлайди, унинг касби корини ҳам айтиб ўтади, касб-кори билан боғлиқ можароларни келтиради; айни пайтда, булар билан ёндош ҳолда ишқий-оилавий саргузаштларни ҳикоя қилади; афсуски, бу икки йўналиш асарда бир-бири билан узвий-мантиқий бирлашиб, чатишиб кетмайди, бора-бора биринчи йўналиш хира тортиб, ишқий-оилавий можаролар олдинга ўтиб кетади, қаҳрамоннинг меҳнат билан боғлиқ ўй ва кечинмалари, ташвиш ва қувончлари жонли, ҳаётий лавҳаларда таъсирчан ифода этилмайди, автор бу ҳақда шунчаки ахборотлар бериш билан чекланади. Бу асарнинг ғоявий-бадний хусусиятидан келиб чиқиб қилинса майлику-я, кўпинча ёзувчининг уқувсизлиги, эринчоқлиги, асосан меҳнат, хўжалик характеридаги масалаларни чуқур ўрганмаганлиги, қаҳрамоннинг касбини, касб психологиясини яхши билмагани туфайли шундай бўлади. «Қора марварид», «Умид», «Тоғ гўзали», «Жийда гуллаганда» асарларида шу камчилик яққол кўринади.

Қаҳрамон ишчи-нефтчи, бунёдкор-қурувчи, олим-селекционер, раис, агроном ёки механизатор деб тақдим этилса-ю, унинг касби билан боғлиқ хусусиятлари яхши очилмаса, касб психологияси юзаки тасвир этилса, уни биз тўлақонли характер деб айтолмаймиз. Модомики, меҳнат мавзuidaги асарда меҳнат тасвири, касб психологияси қаҳрамоннинг жамият билан, замон билан алоқасини белгиловчи асосий восита экан, уни қиёмига етказмай туриб, замон руҳини бериш мумкин эмас.

Кейинги йилларда яратилган меҳнат мавзuidaги энг яхши асарларга, давр руҳини ўзида ифода этадиган жонли, ҳаётий характерларга диққат билан разм солинса, улар ҳаммадан бурун шу меҳнатга оид кечинмаларининг,

касб психологиясининг нисбатан дуруст ифода этилиши билан ажралиб туради. «Қора кўзлар»даги Аваз, Замонили, «Чинор»даги Ориф, «Қанот жуфт бўлади» қиссасидаги Акрам, Шавкатжон, Амаки, «Сотволдидан салом» даги Сотволди, «Узун кечалар»даги Марат, «Баҳор қайтмайди» повестидаги Алимардон, «Эрк»даги Саттор билан танишганда ҳеч иккиланмай, ҳа, бу — колхозчи, чўпон, бу — қишлоқ зиёлиси, бу — раҳбар ходим, бу — архитектор, буниси — кинорежиссёр, мана буниси — олий деҳқон, бу — колхозчи раҳбар, бу — ёш қаламкаш, манавиниси — артист, бу — қурувчи инженер, уларнинг барчаси эса 60-йиллар одами, деб бемалол айта оласан киши.

Шуниси характерлики, санаб ўтилган асарлар қисқа муддатли ижодий командировкалар ёки ҳаёт қаҳрамонлари — бирор касб эгалари билан бир-икки бор учрашувда туғилган юзакли таассуротлар самараси эмас. Бу асарларнинг қаҳрамонлари авторлар учун яқиндан таниш бўлган кишилар, улар гўё адиблар ҳаётининг бир бўлаги, ўз шахсий-ҳаётий тажрибаларининг ифодаси. «Қора кўзлар»да тасвирланган тоғ қишлоғи, қишлоқ кишилари ҳаёти миридан-сиригача ёзувчига аён. Ёзувчининг ўзи шу хил қишлоқда туғилган, болалиги шу хил кишилар орасида кечган, автор ҳамон улар билан мулоқотда. «Сотволдидан салом» авторининг асл касби агрономлик, у қишлоқдаги жараёнларни яқиндан кузатиб боради, колхоз раҳбарлари руҳиятини яхши билади; «Қанот жуфт бўлади», «Эрк» авторлари аслида қишлоқдан бўлганликлари учун Акрам, Саттор типидagi қишлоқдан чиққан зиёлилар кайфиятини ниҳоятда нозик ҳис этадилар; кино соҳасидаги бир неча йиллик меҳнат туфайли О. Ёқубов янги қиссасида кино ходимлари ҳаётини мукамал тасаввур этиш имконига эга бўлди. Анча вақт раҳбарлик лавозимидаги меҳнат, шахсий тажриба бўлмаганда, эҳтимол, А. Мухтор «Чинор»даги раҳбар ходим Ориф образини бу қадар жонли, ҳаётий яратолмаган бўлармиди. У. Ҳошимов аввал яратган айрим асарларида ўзи

яхши билмайдиган касб эгалари ҳаёти билан боғлиқ проблемаларни кўтаришга уриниб, муваффақиятсизликка учраган эди, чунончи, «Шамол эсаверади» қиссасидаги кўзбўямачи декан, «Тераклар япроқ ёзди» ҳикоясидаги консерватив раис образлари юзаки, схематик чиққан эди; «Баҳор қайтмайди» билан «Узун кечалар»да манзара бутунлай бошқача; автор қаҳрамонлари — артист Алимардон, ёш қаламкаш Маратни ўз ўрнига қўйиб қалам тебратгани шундоқ сезилиб турибди.

Қаҳрамонлар авторларга яқин бўлганидан уларнинг кўпчилигига ҳатто ёзувчиларнинг ўз шахсий хислатлари ҳам маълум даражада кўчиб ўтган. «Сотволдидан салом» достони муҳокамаси пайтида таниқли болалар шоири Қуддус Муҳаммадий: «Сотволди сиймосида мен аввало Хусниддиннинг ўзини кўрдим», деган эди. Акрам, Сатор, Марат образлари муносабати билан ҳам шу гапни айтиш мумкин.

Хуллас, автор билан қаҳрамон ўртасидаги яқинлик асарларнинг ҳаётийлигини, ҳаққонийлигини оширмоқда, қаҳрамоннинг меҳнати билан боғлиқ кечинмаларини табиий тасвир этиш имконини бермоқда.

Биз назарда тутган асарлар яна бир жиҳатдан характерли. Уларда меҳнат, касб-кор билан боғлиқ гап-сўзлар асарда шунчаки бир фон эмас; ишлаб чиқариш характеридаги йўналиш билан «шахсий-интим» йўналиш шу қадар чатишиб-туташиб кетганки, уларни бир-биридан ажратиш, қаҳрамонни касб-кордан холи ҳолда тасаввур этиш асло мумкин эмас; асарда илгари сурилган ғоя, ёзувчи кўтарган проблема, характерларнинг туб моҳияти ҳаммадан бурун худди шу меҳнатга муносабат, касб-кор психологияси орқали очилади; демак, уларда меҳнат ҳақиқий маънода бадийлаштирилган.

«Баҳор қайтмайди» қиссасидаги Алимардоннинг фожиаси аслида касб-корига, истеъдодига хиёнат қилишдан бошланади; меҳнатда худбин бўлиб танилган одам шахсий-оилавий ҳаётда пок, олижаноб бўлиб қолиши

қийин. У яқин дўстига, хотинига хиёнат қилган экан, бу табиий. Характер мантиқи шунн тақозо этади.

«Қанот жуфт бўлади» қиссасидаги Акрам ҳозирги замон архитектураси ҳақидаги зиддиятли ўйлари, ўз иншларига танқидий муносабати, ўз қарашларидаги ожизликларини мардона енгиб ўтиши туфайли бизга қадрли бўлиб қолади. Акрам етти ўлчаб бир кесадиған ўйчан, мулоҳазали йигит. Бу унинг ҳам кучли, ҳам заиф томони. Мулоҳазакорлик ундаги танқид ҳиссини ўтқирлаштирадиган, уни ҳақиқатни аниқлашга, ҳақиқат учун курашга ундайди; шу билан бирга ўта мулоҳазакорлик бу одамни бир оз ланж қилиб қўяди. Ишдаги, шунингдек, оилавий-шахсий ҳаётидаги чигалликлар унинг табиатидаги худди шу хусусиятидан келиб чиқади. Ёки шу қиссадаги режиссёр йигит Шавкатжонни эсланг. У янги фильмни суратга олиш учун жон қийнаткан экан, бир илож қилиб «ишни битказиб қолиш»ни ўйлайди; унда улкан мақсад, эзгу ният, қатъий эътиқод йўқ, ижод орқали бирор нарсага интилиш йўқ: у шахсий ҳаётда ҳам шунақа бемаслақ, беқарор; ўзининг бетайин тушунчалари билан Сайёрани йўлдан оздиради, Нилуфарни фожиага мубтало этади...

Кўпинча биз адабиётнинг фан эмас, санъат эканлини пеш қилиб, унинг ишлаб чиқариш характеридаги масалаларни кўтаришдаги ролини назар-писанд қилмаймиз. Тўғри, адабиётнинг асосий объекти — маънавий масалалар, лекин шуниси ҳам борки, ҳозирги замонда маънавий масалаларни ишлаб чиқаришдан сира ажратиш мумкин эмас. Бир вақтлар бадиий асарни икки турга ажратиб таҳлил этиш, «меҳнат темаси»даги асарларни ортиқроқ баҳолаш, «маиший тема»даги асарларга эса бундоқроқ қараш ҳоллари расм бўлиб қолган эди. Кейинроқ бориб аҳвол бир оз ўзгарди, бу икки жиҳатни «бирлаштириш» учун кураш бошланди, «қаҳрамонни меҳнат жараёнида кўрмаймиз» ёки, аксинча, «қаҳрамонни оилада кам кўрмаймиз», деган таъналар айтиладиган бўлди; ўша кезлари

танқидчи ёзувчидан қаҳрамонни ҳам меҳнатда, ҳам он-лада кўрсатишни талаб этар, ёзувчи ўз навбатида қаҳрамонни сира ўз ҳолига қўймас, нуқул ўтдан олиб сувга солар эди. Талай асарларда бир-бири билан сира қовушмайдиган икки сюжет чизилган, қаҳрамоннинг икки хил қиёфаси шу тариқа пайдо бўлган эди.

У даврлар орқада қолиб кетди. Аммо ўша эски схема, эскича ёндашишнинг излари мутлақо йўқолиб кетган эмас, инсон маънавий ҳаётини иккига бўлиб кўрсатиш, ишлаб чиқариш масалаларини шунчаки иллюстрация учунгина асарга киритиш ҳоллари ҳали-ҳали учраб туради. Шу билан баробар, адабиётда бошқа бир тенденция тобора чуқурлашиб борапти, энг яхши асарларда инсон маънавий ҳаёти бир бутун ҳолда олиб таҳлил этилмоқда; уларда қаҳрамонларни бир ўринда коллектив, бир ўринда оила аъзоси сифатида талқин этиш йўқ, ҳамма ерда у ҳам коллектив, ҳам оила фарзанди, унинг ўй ва туйғулари қаерда шахсий, қаерда ижтимоий тус олади — улар орасидаги чегарани аниқлаш иложсиз. Қаҳрамон билан ишлаб чиқариш шу қадар уйғунлашиб кетганки, уларнинг бирисиз иккинчисини тасаввур этиш мумкин эмас.

Яна бир яхши фазилат кўриняпти. Асарларда ҳар қанақа ишлаб чиқариш можаролари эмас, жиддий, ҳаётий масалалар қўйиляпти. Бу ҳам асарларнинг ғоявий-бадий қимматига ижобий таъсир кўрсатаётир. Шу туйғайли асарлардаги замонавий руҳ чуқурлашяпти, қаҳрамонлар фаолияти яна ҳам табиий, маънодор бўлиб борапти.

«Чинор»даги Ориф олиб борган кураш — тоғ қишлоғининг тақдири масаласи — бу бутун жамоатчиликни ҳаяжонга соладиган масала. Масала жиддий, ҳаётий бўлганидан қаҳрамон ташвишлари дарҳол китобхонга ҳам юқади, унинг фаолиятини зўр қизиқиш билан кузатиб боради. Қаҳрамон характери, характеридаги кўп янги хислатлар шу кураш жараёнида очилади. Ишлаб

чиқариш характеридаги шу жиддий масала бўлмаганда, эҳтимол, Мария билан Ориф орасидаги конфликт бу қадар кескинлашмаган, Орифдаги кўп янги сифатлар кўринмаган, бинобарин, Ориф характери яратилмаган бўлар эди!

Ёки «Қанот жуфт бўлади» қиссасидаги қишлоқ қурилишига оид масалани олайлик. Маълумки, бир вақтлар О. Ёқубов «Олма гуллаганда» асарида қаҳрамонлар характери ни арзимас бир можаро агрофида очишга уриниб, муваффақиятсизликка учраган эди. Янги асарда аҳвол бошқача; бу ердаги можаро шунчаки конфликт учун бир баҳона, қаҳрамонни ҳаракатга солишда бир восита эмас, бу ердаги гап замирида ҳозирги архитектуранинг тақдири, қишлоқларимизнинг истиқболи, қолаверса, одамларнинг диди, фаросати, маънавий-маданий камолоти масалалари ётибди. Акрам худди ўша қишлоқ, қурилиш ҳақидаги дадил ўйлари билан бизга қадрдон бўлиб қолади, унинг қиёфаси, характери ҳам шу жиддий масала теварагида ёрқинроқ кўринади.

Биз ибрат қилиб кўрсатаётган асарларда яна бир муҳим фазилат бор. Авторлар ўз қаҳрамонлари ёнида туриб, улар билан бирга меҳнат кишининг ҳаёти, касби кори, тақдири, маънавий-маданий эҳтиёжлари устида жиддий ўй сурадилар, улар ҳақидаги дадил мулоҳазаларини ўртага ташлайдилар.

«Ўзун кечалар» автори ҳикоя қаҳрамони Марат кечинмалари баҳонасида ижодкор меҳнатининг машаққатларини таъкидлайди, айни пайтда, ўзининг, шунингдек, тенгдошларининг ижод ва ижодкор ҳақидаги ўйларини, эстетик принципларини изҳор этади; ҳаётга ва ижодкор фаолиятига муносабат, ўзгалар дардига ҳамдардлик, халққа, халқ тарихига муҳаббат, ҳаётни ранг-баранг бўёқлар билан кўрсатишга мойиллик, ҳалоллик, ижодий меҳнатга ҳурмат, ҳатто бу йўлда фидойилик — ёш ёзувчи асарда куйиб-пишиб айтган гаплар ана шулар.

«Эрк»даги заҳматкаш аёл Ойшахон қисмати ёзувчини зўр туғёнга солади. Бу аёл ота-она раъйи, эскича таомиллар, қишлоқдаги баъзи чигал муносабатлар таъсирида турмушдан орқада қолиб кетган, меҳнат — дала, оила ишлари билан бўлиб ўзига қарамай қўйган; шаҳар тарбиясини кўрган ўқимшли, маданиятли эри Саттор билан рўпара келганда, замонавий қиз Розия билан қиёс қилганда бу тафовут айниқса яққол кўринади. Худди шу тафовут уни оғир фожиага солиб қўяди. Ёзувчи, бир томондан, қаҳрамон ҳолига ачинади, уни шу кўйларга солган омилларни атрофлича таҳлил этади, шу йўл билан ўқувчини баҳсга тортади; иккинчи томондан, қаҳрамоннинг ўзидан ҳам койинади, бу аёл онгига сингиб қолган, совет кишисига ёт бўлган қолоқ тушунчаларга — қуллик, итоаткорлик психологиясига қарши кескин норозилик билдиради.

«Қанот жуфт бўлади» қиссасидаги кекса деҳқон Амаки образи орқали ёзувчи ўртага ташлаган фалсафа ҳам диққатни ўзига тортади. Бу образ баҳонасида ёзувчи, аввало, оддий деҳқон ҳаётининг завқ-шавқини, жисмоний меҳнат романтикасини кўрсатади. Бироқ баъзи авторларда бўлгани каби бу одам ҳаёти ва меҳнاتини идеаллаштириб юбормайди: қаҳрамон ҳаётидаги унинг ўзи сезмаган кемтикларини автор рўй-рост кўради: ақлий меҳнат кишиси Акрам Амаки билан учрашганда фан ва техника, цивилизация жумбоқларидан, олам ташвишларидан халос бўлган бу одамнинг эркин, осуда турмушига ҳаваси келади, аynи вақтда Амаки ҳолига тушиш ҳаётда бир қадам орқага қайтиш эканини чуқур ҳис этади. Авторнинг Акрам ва Амаки муносабатларидан келиб чиқиб айтган ақлий ва жисмоний меҳнат, шаҳар ва қишлоқ, юксак маданият ва патриархал ҳаёт ҳақидаги мулоҳазалари бизни ўйлашга, фикрлашга ундайди.

Ишлаб чиқариш характеридаги масалалар тасвири танқидчиликда ҳам тилга олинган, бироқ айрим ўртоқлар уни жудаям жўнлаштириб талқин этишган. Чу-

нончи, М. Зиёвиддинов «Қишлоқ ва қишлоқдаги замондошларимиз» мақоласида («Шарқ юлдузи», 1969 йил, № 9) масалага эскича ёндашади, қишлоқ ҳаётини акс эттирган асарлардаги муаммоларни икки гуруҳга — маънавий ва ишлаб чиқариш масалаларига ажратиб таҳлил этади, ишлаб чиқаришнинг асарнинг ғоявий-бадний томонидан, қаҳрамон қисмати ва характеридан айри ҳолда қарайди; натижада бадний асар ишлаб чиқариш масалалари мажмуасига айланади. Автор талқинича, «Қишлоқ тараққиёти билан боғлиқ умумий масалаларни ёритиш ёзувчига истаганча бой ва сермазмун материал беради, уни ёритилиши лозим бўлган жуда кўп ҳаётий масалаларни қамраб олади», мақола муаллифи «моддий бойликлар яратиш учун кураш», «инсон ва техника», «машинада пахта териш», «қишлоқни қайта барпо этиш», «колхозчиларга янги уй-жойлар қуриб бериш» ва ҳоказоларни жиддий масалалар деб атайди; далилларга мурожаат этганда, «Жаннат қидирганлар»нинг энг катта ютуғи сифатида унда тилга олинган «йўқолиб бораётган мева навларини асраб қолиш ва кўпайтириш, узум навларини яхшилаш, қовунни худди аввалгидек ширадор, лаззатли қилиш, кўпроқ ёнғоқ етиштириш каби масалалар»ни қайд этади.

Алоҳида олиб қаралса, бу масалаларнинг барчаси муҳим. Хўш, шу масалалар асарда қандай акс этган, асарнинг умумий ғоявий-бадний йўналиши билан қанчалик боғланган? Агар ёш танқидчи уларни асарнинг умумий руҳи, қаҳрамон қисмати ва характер билан боғлиқ ҳолда олиб қараганда эди, ҳақиқатга йўл топган, бу масалаларнинг асардаги ролини тўғри белгиланган, чунончи, «Жаннат қидирганлар»нинг худди ўша нисбатан бўш жойи ҳақида бу хил илиқ гапларни айтмаган бўлар эди. «Жаннат қидирганлар»нинг ижобий фазилатлари кўп; аммо у худди ўша Зиёвиддинов ижобий деб билган — ишлаб чиқариш масалалари тасвири жиҳатдан оқсайди. Ёзувчининг меҳнат тасвири борасида

тажрибаси кам экани романда маълум даражада сезилган. Ишлаб чиқариш характеридаги можаролар кўп ўринда мавҳумроқ чиққан иллюстратив кўриниш касб этган, конфликтлар чалароқ, охирига етмай, пафос даражасига кўтарилмай қолган.

М. Зиёвиддинов тутган йўлнинг яна бир ноқулай жиҳати бор — қишлоқдаги боягидек «муҳим муаммолар»ни санайверадиган бўлсак, мақтов сўзлар билан баробар ёзувчилар шаънига адабиётда «чорвачилик масаласи кам ёритиляпти», «маккажўхорининг янги нави учун кураш экс этмаяпти», «алмашлаб экишнинг афзаллиги пропаганда қилинмаяпти» қабилидаги таъналар ёғдиравериш мумкин бўлиб қолади.

* * *

Меҳнат билан боғлиқ яна бир гап бор. Университетдаги имтиҳон пайти бир талабадан «Эр бошига иш тушса» романини ўқиган ёки ўқимаганлигини синаш учун қозоқ овулидан дон келтириш воқеасини сўраганимда, умуман, романни ўқиганман, лекин ўша ерини ташлаб кетганман, шунақа жойлари мени қизиқтирмайди, деб жавоб берди. Мен унга романнинг худди ўша «ноқизиқ» жойини албатта ўқиб чиқишни маслаҳат қилган эдим, эртаси куни олдимга ҳовлиқиб келди, китобнинг қаймоғи ўша ерда экан, мен бўлсам шунчаки йўл юриш, деб ўйлабман, деди.

Дарвоқе, баъзи китобхонлар кўпинча шу хил эпизодларни ўқимай кетадилар. Аммо бу ўринда айб фақат ўша китобхонлардагина эмас, айрим адибларда ҳамдир.

Баъзан асарларимиз натуралистик тафсилотлар билан тўлиб-тошган, уларда асарнинг ғоявий-бадний йўналиши билан боғланмайдиган, меҳнат жараёни ҳақида шунчаки ахборот, репортаждан иборат зерикарли саҳифалар кўп. Биргина мисол, С. Кароматовнинг «Тор

гўзали» қиссасидан олинган мана бу парчани ўқиб кўринг:

«Туннелларни бирлаштириш учун портлатиш вақти соати саккизга белгиланди. Аммо ишчилар анча вақтли тўпланишиб, чала қолган ишларни битказишди...

Чиндан ҳам қийинчиликлар кўп бўлди. Бош туннелни тезроқ қуриб битказиш учун бир неча юз метрли ёрдамчи туйнуклар ковланди. Бу эса асосий туннелни бир вақтнинг ўзида бир неча участкаларга бўлиб, турли йўналишларда ковлаб бориш имконини берди.

Йигитлар папиросни наридан-бери чекиб тугатишди, ҳар лаҳза ғанимат. Проходкачилар ҳали туннелнинг иккинчи, қуйи қисмини ҳамда туннелнинг сув чиқадиган жойидаги юқори қисмидан қолган сўнгги бир неча ўн метрни ковлашлари керак. Ўшанда тоғ орасидан очилган мана шу туннелга тўрт қаватли бинони сиғдириш мумкин бўлади. Ҳозир туннелсоз тоштешарлар ўзан деворларига бир ярим метрли ихота бетон «кўйлак» кийдиришмоқда. Улар катта ғалаба билан бир-бирларини қутламоқдалар, келажак режалари ҳақида қизгин баҳслашмоқдалар...»

Бу «тасвир»да биз ўша ҳаяжонли меҳнат жараёнини кўрмаймиз, бу ишнинг қийинчиликларини ҳис этмаймиз, ҳар лаҳзанинг ғанимат эканини сезмаймиз, бу хил ахборотлар китобхонга ҳеч қанақа янгилик, завқ бермайди, асарнинг бунақа жойларини ташлаб кетсанг ҳам ютқазмайсан киши. Худди шу хил саҳифалар меҳнат жараёни тасвирини ёмонотлиқ қилиб қўйган.

Аслида меҳнат жараёни қаҳрамон маънавий оламининг намоишгоҳи, матонат, жасорат майдони, китобхон учун зўр ҳаяжон, қувонч ва ташвишлар манбаи бўлиши лозим. Гарчи оз бўлса-да, асарларимизда шу хил саҳифалар бор. «Тўфон»даги бўрон билан олишув картинаси, баъзи ғализликларни мустасно қилганда, чиройли чизилган. «Чинор»да Саиднинг ҳалокатга учраган газ қувурини тартибга солиш учун кураши, етти бор олов

ичига кириб чиқиш тасвири анча маҳорат билан берилган...

Шу хил саҳифалар кўпроқ битилса деймиз.

* * *

Замонавийлик учун жиддий масалани кўтариш билан бирга, уни қандай позицияда туриб талқин этиш ҳам муҳим. Ёзувчи позициясидаги салгина «чатоқлик» туфайли яхшигина, актуал проблема ҳам жўнлашиб, замондан узоқлашиб кетиши, асарни бачкана, примитив ҳолга тушириб қўйиши мумкин.

У. Умарбековнинг «Қиёмат қарз» ҳикоясидаги масала жиддий, замонавий, ёзувчи унда ўтган урушнинг шу кунги кишилар қисматида қолдирган изини кўрсатмоқчи, зотан, ҳаётда уруш жафосини ҳамон чекаётган кишилар кўп. Бир қарашда асар қаҳрамони Сарсонбой ота миллий характер, шу куннинг одами, ижобий қаҳрамон — қалби кенг, олиҳиммат чол. Шунга қарамай бу одамнинг хатти-ҳаракати — урушда бедарак кетган жангчидан қолган қиёмат қарзни эгасига топширолмай сарсонсаргардон юриши бизга негадир ғайритабиий кўринади. Материал — ҳодиса ва характер миллий, замонавий, аммо талқин эскича, примитив, унда замон руҳи сезилмайди, ҳикоя қаҳрамони бугунги кун кишисига ўхшамайди, унинг олижаноблиги чекланган, қандайдир илоҳий пардага ўралган, у кўпроқ бурунги китобхонлардаги художўй, олиҳиммат дарвишларни эслатади.

Шу ёзувчининг «Кўприк» ҳикоясида ҳам гап уруш фожиаси устида боради, уруш давридаги бир кўнгилсиз воқеа — совет жангчисининг музда қолган жасади ҳикоя қаҳрамони Самад акани изтиробга солади; яхшигина давом этаётган ҳикоя охирига бориб бирдан ўзгаради, автор даҳшатли ҳодисадан «фойдали нарс» қидиради, жасадни қаҳрамон қилиб кўрсатмоқчи бўлади. «У фақат тириклигида эмас, ўлгандан кейин ҳам хизмат қил-

ди, бизга кўприк бўлди», дейди Самад ака тилидан. Бу хил вульгар утилитаризм касали — ҳар қанақа ҳодисадан фойда ахтариш, фойда келтирадиган жамики ҳодисалардан гўзаллик, қаҳрамонлик қидириш ҳоллари тез-тез учраб қоляпти.

Проблема қўйиш яхши, лекин уни сунъий равишда ўткирлаштириш, кескинлаштириш ҳам бир ёқламаликка, ҳаётдан йироқлашувга олиб бориши мумкин. Омон Мухтор «Мансур ва Мастур» ҳикоясида «теша тегмаган» жиддий бир масалага қўл уради, асар қаҳрамони Мансур оиланинг эркатойи эди, укаси Мастур туғилади-ю, аҳвол ўзгаради, ота-она кичкинтой билан бўлиб кетиб, Мансурни унутиб қўйишади, билиб-билмай Мансур кўнглига совуқлик, ёлғизлик туйғусини солиб қўйишади. Яхши, ҳаётинг гап. Лекин ёш автор масалани жуда кескинлаштириб юборади; асар қаҳрамони жамиятдан безган, коллективдан, ҳаётдан ўзини олиб қочади, одамларни, ҳатто ўз укасини кўролмайди, дардини ичига ютиб пана-пастқам жойларда биқиниб юради...

Ёш ёзувчи У. Шамсимуҳамедов «Кўнгил нозик» ҳикоясида дағалликни қораламоқчи, унинг кўнгилсиз оқибатини кўрсатмоқчи. Ҳикоя қаҳрамони, яъни ижобий қаҳрамон шу қадар сиркаси сув кўтармайдиган, тегма-нозикки, бошлиқ кабинетда нохуш кутиб олгани учун оғир руҳий азобда қолади, хасталаниб касалхонага тушади, меҳрибон шифокорларнинг мадади билан икки ойдан сўнг базўр ўзига келади.

Адабиётда тақиқланган мавзулар йўқ. «Оддий умрининг бир куни» ҳикоясидаги ҳодисадан ҳам чиройли асар чиқариш мумкин эди. Дарвоқе, Ф. Мусажонов ҳикоя персонажларидан бири Қарим ака хатти-ҳаракатларида давримиз кишиларига хос фазилатларни кўра олган; Қарим ака ниҳоятда пок, софдил одам, бировлар кучидан фойдаланиш унинг учун ғайритабиий туюлади, уйига «мардикор»га келган йигитчалар олдида ўзини ғоят ноқулай ҳис этади. Аммо автор ёш йигитчалар фаолияти

талқинида худди ўша ўзининг ёш қаҳрамонлари каби довдираб қолади, уларнинг довдирашларини ижобий ҳодиса тарзида беради.

* * *

Бадний адабиётнинг марказий муаммоси — характер яратиш, адабиётга янги одам образини олиб кириш. Езувчи кўтарган масаланинг жиддийлиги, позициясининг аниқлиги, асарнинг замонавийлиги оқибат-натигада авторнинг характер яратишдаги санъаткорлигига боғлиқ. Асарда тўлақонли шахс, ҳаяжонли хатти-ҳаракат, қизиқарли инсоний тақдир бор экан, демак, унда жиддий гап бор.

Реалистик характер ўзининг табиийлиги, ишонтириш кучи билангина тирик. Характерга улкан маъно сингдириш билан баробар унга жон ато этиш ҳам ниҳоятда муҳим. Шу хусусда рўй бераётган айрим нуқсонларга эътиборни жалб этмоқчиман.

Мана бу парчани ўқиб кўринг. Воқеа асар қаҳрамони тилидан бериляпти. «Дарё бўйлаб кечанинг гўзаллигига мафтун бўлиб борардим. Шу вақт қулоғимга қаердан-дир ёқимли куй эштилгандек бўлди...

Аста-секин дарё бўйидаги ёлғизоёқ йўлдан юриб қўшиқ келган томонга боравердим. Дарё ёқасида ўтириб, бутун борлиқни эркалаётган, аллалаётган «қўшиқчи қиз»га кўзим тушди. Яқин бордим. Манзара гўё эртақлардагидек, ҳаммаси ғоят дилрабо, бутун мавжудот мастдек...

— Нега йиғлаяпсиз, ойдин қиз?— Қўққисдан берилган савол қизни чўчитиб юборди, ўрнидан туриб кетди.

— Йиғлаётганим йўқ, қўшиқ айтяпман.

Қиз эгнига гулличитдан хипча кўйлак кийибди, елкасига оқ шоҳи рўмол ташлаб олибди. Бош яланг. Сочлари силлиқ қилиб таралган. Икки зар кокилини олдига ташлаган. Афтидан, дарёда ювиниб олиб, энди ширин туйғулар оғушига чўмган эди.

Унинг гул чехраси, тим қора сочлари, лола гул ёноқлари, сарвдек «қадди-қомати» ўзи айтаётган қўшиқдан ҳам гўзал эди. Ажабо, инсон ҳам шу қадар мукамал бўладими, деб ўз-ўзимга савол бераман...»

Авалло, М. Қориевнинг «Ойдин кечалар» қиссасидан олинган бу парчадаги ҳолат ўқувчида шубҳа уйғотади, ҳашарга келган шаҳарлик студент қизнинг тунда яккаёлғиз дарё бўйида ўтириши, дарёда ювиниб олиб, кимнидир қўмсаб, тун қўйинини янграшиб қўшиқ айтиши кишини ишонтирмайди, қолаверса, воқеа гувоҳи бўлмиш йигит қиз билан биринчи бор учрашяпти, бунинг устига учрашув ойдин кечада содир бўляпти. Равшанки, кеча ҳар қанча ойдин бўлса ҳам қиз эғнидаги қўйлакнинг гуллини читдан, елкасидаги рўмоннинг оқ шоҳидан эканини, сочларининг тим қора, ёноқларининг лола гул эканини фарқлаш мумкин эмас. Бунинг устига воқеа ноябрь ойининг бошларида, очик тунда ўтяпти. Маълумки, бундай пайтларда саҳрода аёз кезиб юради, ҳатто ернинг устки қатлами музлайди, шундай пайтда қизнинг боягидек кийимда ўтириши ғалати туюлади.

Бошқа бир мисол. С. Кароматовнинг «Тоғ гўзали» қиссасида жуда кўп персонаж бор. Автор гапни ҳамиша персонажлар таърифидан бошлайди, қаҳрамон портретини чизишга интилади. Лекин автор бунда осон йўлдан боради, ҳар бир шахснинг ўзигагина хос бетакрор, нозик белгиларини кўрсатиш ўрнига тайёр таърифларни келтириб қўя қолади. Чунончи, қисса қаҳрамони Йигиталиннинг ҳам, Дилнавознинг ҳам қошу кўзи қора, Сарви хола олтимиш икки-олтимиш уч ёшларда, қизиникига ўхшаш нақш олмадек юзидан нур ёғилади, Олим бобо оппоқ соқолли, нуроний чол, Шергани тўладан келган, елкадор, 34—35 ёшлардаги бақувватгина киши, Вали ўрта бўй, кўринишда жуссаси кичик кўринса-да, оқ сариқдан келган чайир йигит, Раҳим Намов қирқ беш ёшлар чамасидаги жуссадоргина киши,

Иброҳимовнинг ёши Йигиталидан каттароқ, вазмин, мулоҳазали йигит ва ҳоказо.

Бу хил мавҳум, сийқа таърифлар на характер жамолини очишга ярайди, на китобхон кўнглида кайфият уйғотади.

Яна бир асардан олинган бир парчага эътиборни тортмоқчиман: «Бир кун менинг олдимга шу эшон ҳазратлари келиб қолсалар бўладими? Одоб сақлаб истиқболларига чиқдим. Отларининг жиловидан олдим... Меҳмонни уйга таклиф қилдим. Аччиқ чой дамлаб келиб, узоқ гаплашиб ўтирдик. Бу қари тулки менинг олдимга нима учун келиб қолганини билолмай ҳайронман денг. Ўзимча, ёлғондан ўзимни кароматбахш қилиб кўрсатиб, дин обрўсини тўкаётганим учун қасос олгани келган бўлса керак, деб ҳам ўйлаб қўяман. Йўқ, гап бошқа ёқда экан. Эшон ўзининг нимага келганини анча вақтгача айтолмай ўтирди. Узоқ вақт қариндош-уруғдан, узоқ-яқиндан сўрашдан бўшамди. Мен эса ичимда: «Қасални яширсанг, иситмаси ошкор қилади», деб ўйлаб ўтирибман. Чиндан ҳам шундай бўлиб чиқди. Ниҳоят, у асл мақсадга кўчди:

— Биласанми,— гап бошлади у,— сен билан биз бир тонфадаги одамлармиз. Имонлик банданинг иши имонлик бандани дарду фалокатдан омон сақлаб қолишдир. Мен... мени, биласанми, илон чақиб олди. Шунинг учун нажот истаб ёнингга келдим. Сени яхши табиб дейишадил...»

Бу Ҳ. Тожибоевнинг «Абдулла қизиқ» ҳикоясидан. Маълум бўлаптики, қишлоқда қанчадан-қанча соддадил кишиларни лақиллатиб юрган эшон бошига катта кулфат тушган, уни заҳарли илон чақиб олган, энди унинг сири фош бўлади, ҳатто ўз дардига ҳам чора тополмайди, нажот қидириб қув йигит Абдулла қизиқ ҳузурига келади. Ёзувчи қаҳрамонни фош этишни ўйлайди-ю, қаҳрамон хатти-ҳаракатларининг табиийлиги ҳақида бош қотирмайди. Илон чаққан одамнинг ўша топдаги ҳола-

тига, хатти-ҳаракатига қаранг, бурга чаққан одамчалик ҳам безовта эмас, у бемалол отда Абдулла олдига келади, отдан тушади, узоқ вақт кўк чой ичиб, ҳамсуҳбати билан у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиради, нақ бўлмаса илон чаққанни унутиб юбораёзди! Автор илон чаққан одамнинг ҳолатини кўрганмикан, ўтаётган ҳар бир даққа унинг тақдирини ҳал этиб қўйишини билармикан?!

Бу ва бунга ўхшаш фактлар бизда реалистик характер яратиш маҳоратини эгаллаш катта қийинчиликлар билан бораётганлигидан далолат беради.

Ҳозирги ўзбек прозаси услуб жиҳатдан ранг-баранг. Аёнки, ҳар бир ёзувчининг ўз услуби, қолаверса, ҳар бир асарнинг ўз услубий хусусияти мавжуд. Шу билан баробар ёзувчилар, асарлар опасида маълум услубий яқинликлар ҳам бўлади. Ҳозирги кунда шундай услубий йўналишларни кузатиш мумкин. Ўлмас Умарбеков билан Ўткир Ҳошимов кўпроқ рус классикларига, биринчи галда, Тургенев ва унинг ҳозирги издоши Ч. Айтматов изидан боришга интиляпти. «Дилпора», «Турналар учади» авторларида шартли романтик, бир оз сентиментал услубга, қадимги Шарқ, ҳозирги араб, ҳинд классиклари манерасига мойиллик сезиляпти. У. Назаров билан Ш. Холмирзаев Фарба, рус ва қардош халқлар адабиётида кўринаётган кино, рассомлик санъати анъаналарини эслатадиган янгича ифода воситалари йўлидан боряптилар. Ўзбек совет прозасининг ҳам ярим асрлик бой тажрибаси бор. Ҳ. Фулом, Шухрат, П. Қодиров, О. Ёқубов асарларида шу тажриба ривожлантириляпти, баъзи авторлар, чунончи, А. Мухтор бир асарнинг ўзида («Чинор»да) хилма-хил услубдан фойдаланяпти ва ҳоказо.

Қайси услуб мақбул, қайсиси номақбул, буни айтиш қийин, услубий йўналишларнинг бирини кўтар-кўтар қилиб, иккинчисини ерга уриш ҳеч қачон яхшиликка олиб борган эмас. Қайси услубни танлаш ёзувчининг ихтиёрида. Лекин бир шарт бор — ёзувчи қўллаган услублар асар табиатига мос келсин, давр руҳини, замон рангини

хира пашша бўлиб юрган йигитнинг кимлиги, касби қорин айтилмаган бўлса ҳам қанақа одамлиги — нўноқ, дағал, аёл зотига ишонмайдиган бир кимса экани унинг хатти-ҳаракатларидан, авторнинг имо-ишораларидан барала билиниб турибди. Шуниси ҳам равшанки, Муаттар билан йигит орасидаги муносабат жуда омонат, Муаттар унга ҳеч қанақа сўз берган эмас, қолаверса, йигит Муаттардан осонгина воз кечмайди. Муаттарнинг ундан кескин юз ўгиришига қарамай, узоқ вақт уни орқаворатдан таъқиб этиб юради, кўп хиралик қилади, қиздан ҳечам иш чиқмаслигига иқрор бўлгандан кейингина кўринмай қолади.

Танқидчи П. Шермухамедовнинг фикрича, «қиссанинг жиддий нуқсонларидан бири шундаки, уни тутиб турадиган масала — Фозилжон билан Муаттарнинг севги учун кураши эндигина бошланганда тамом бўлиб қолган»¹. Н. Худойбергановга эса «Қунлар»даги ечим ёқмайди, қаҳрамонлар ҳаётидаги чигалликлар, тўсиқлар осонгина ечилгандай бўлиб туюлади². Танқидчи «Яшашнинг маъноси» мақоласида бу фикрни давом эттириб, «институт ўқитувчиси Муаттар билан унинг студенти Фозил ўртасидаги муҳаббатни ахлоқсизлик, маънавий қабиллик, бу ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатади, деб жар солганларнинг асарда номлари ҳам, аниқ образи ҳам кўрсатилмаган. Бинобарин, салбий кучлар, салбий шахслар аниқ эмас. Шундай бўлгач, уларнинг Фозил билан Муаттарга қарши курашини, олишувини бутун қийинчиликлари, мураккабликлари билан тасаввур қилиб бўлмайди».³

Маълум бўляптики, ҳар иккала танқидчини ҳам асар конфликти қаноатлантирмайпти, Пирмат Шермухамедов асарда конфликт, кураш йўқ, деса, Норбой Худойберга-

¹ «Ўзбекистон маданияти», 1969 йил, 21 март.

² Ўша ерда.

³ «Шарқ юлдузи», 1969, № 5, 221-бет.

нов бор, лекин мукаммал эмас, дейди. Кейинги танқидчининг фикри ҳақиқатга яқинроқ. Аммо ҳар иккала танқидчи ҳам қиссани баҳолашда шошилади, асардаги кураш ва конфликтнинг характери, ўзига хос томонларини ҳисобга олмайди. Синчиклаб қаралса, асарда бир-бири билан боғлиқ икки тур конфликт бор; бири қаҳрамонлар руҳиятида рўй берган зиддият, иккинчи қаҳрамонлар билан ташқи муҳит, салбий кучлар орасида бўлиб ўтган тўқнашув. Конфликтнинг биринчи тури қиссада анча мукаммал ифода этилган. Йигит билан қиз орасида айирма маълум бўлиши биланоқ, қаҳрамонлар ноқулай аҳволда қоладилар, асардаги кураш, конфликт худди ўша нуқтадан бошланади; қаҳрамонлар кўп иккиланидилар; руҳий изтироблардан кейин, эскича таомиллар билан боғлиқ тушунчаларни, андишаларни қадам-бақадам дадил фош этиб, соф севгига йўл очадилар. Бу кураш ҳар иккала танқидчининг ҳам эътиборидан четда қолган. Энди конфликтнинг иккинчи турига, ижобий қаҳрамонларнинг салбий кучлар билан тўқнашуви, кураши масаласига келсак, бу ерда тасвирнинг у қадар мукаммал эмаслиги тўғри. Бунинг боисини ёзувчи услубидан қидирмоқ керак. Аввал айтилганидек, Учқун Назаровнинг услубида «кинематография тили»нинг таъсири бор, у ҳамиша кўрсатиш, жараёни деталларда гавдалантириш йўлидан боради. Автор баъзан ўз услубига маҳлиё бўлиб кетиб, зарурий тафсилотлардан қочади, ўта камсуханлик қилади, «наср тили»дан чекинади, унинг айрим саҳифалари беллетристикадан кўра киносценарийга яқинлашиб қолади. Мабодо «Қунлар»даги қаҳрамонлар аро тўқнашув киносценарийга кўчирилса, ҳамма нарса кўнгилдагидек, мукаммал чиқавериши мумкин, аммо у проза учун етарли эмас, бу ерда «беллетристик тил» ҳам зарур. Автор кўп ўринда «кинематография тили»ни «наср тили» билан яхши боғлай билади, чунончи, қиссадаги биринчи тур зиддият, Муаттар билан хира йигит ўртасидаги муносабат анча мукаммал чиққан, асар охирига бо-

риб худди ўша боғланиш заифлашади, тасвир темпи тезлашади, автор нуқул «кино тили» билан гапиришга ўтади, натижада иккинчи тур конфликт моҳияти етарли очилмай қолади.

«Губор» қиссаси ҳақида кескинроқ танқидий гаплар айтилди, асар олдига жиддий талаблар қўйилди. Қўпчилик ўртоқлар, жумладан, ёзувчи У. Ҳошимов «Ҳаёт нафаси» мақоласида («Гулистон», 1968, № 10) асар қаҳрамони Моҳиранинг пассивлиги, теварағидаги ҳодисаларга лоқайд қарашини, улар ҳақида ўйлаб кўрмаганини қоралайди. Бу фикрга қўшилиш қийин. Моҳирадан фаоллик, дадиллик талаб этиш асар илдизига болта уриш бўлади-ку! Агар Моҳира асар бошидаёқ ҳамма нарсага ақли етадиган, ўйчан, курашчан характер қилиб берилганда, воқеа бошқача давом этган, бинобарин, тамоман янги бир асар яратилган бўлар эди-ку! Ёзувчининг мақсади лоқайдлик оқибатини, даҳшатини кўрсатишдан иборат-ку! Моҳира теварағида юз бераётган худди ўша кўнгилсиз ҳодисалар ҳақида жиддийроқ ўйлаб кўрмагани, уларга қарши дадил курашмагани учун ҳам хатарга йўлиқади, бахти, севгиси, номуси хавф остида қолади.

Автор Моҳирани салбий муҳит — театрнинг қаллоб кишилари орасида кўрсатади. «Жанжал»нинг энг каттаси шу муҳит устида кетяпти. «Бутун театр коллективи фарқ бўлаётган кемага ўхшайди. Бироқ ҳалокатдан қутулиш чорасини изловчи биронта соғлом одам топилмайди», — Э. Усмонов боя тилга олган мақоласида шундай дейди. Адабиётшунос С. Мамажонов эса талабни бундан ҳам кучайтиради, асарда акс этган муҳитнинг ижобий томони тилга олинмаганидан койиб, «наҳотки бутун бир бошли театрда бирорта ҳалол, тўғрисиўз, халқнинг маънавий дунёсини бойитишни ўйлайдиган раҳбар, ҳақиқий коммунист ёки артист йўқ!» — дея хитоб қилади ва фикрини хулосалаб: «Қисқаси, автор ўша театрда нурли бирор нарсани ёки бирор кимсани кўрсатмайди. Чамамда,

автор ҳаёт ҳақиқатини бузиб кўрсатаётганга ўхшайди»,¹— деб ёзади.

Кўриниб турибдики, бу жиддий айб, катта талаб. Аммо уни ўринли дейиш қийин. Биринчидан, бирор коллектив ҳаётидан олиб ёзилган асарни ўша коллектив ҳаётига тенг қилиб қўйиш нотўғри. Эҳтимол, коллективда ижобий кучлар бордир, автор ўзининг ғоявий-бадий ниятидан келиб чиқиб, атайлаб ўша кучларни четлаб ўтган, салбийларинингига таълаган бўлиши мумкин. Бу адабий тажрибада тез-тез учраб турадиган табиий ҳол. Иккинчидан, ҳар қандай асарда ижобий қаҳрамон бўлишини шарт қилиб қўйиш, ижобий қаҳрамон бўлмаган асарни эса «ҳаётни бузиб кўрсатиш»га йўйиш тўғри бўлмас. Учинчидан, бевосита асарнинг ўзига келсак, гарчи у асосан ҳаётдаги кўнгилсиз ҳодисаларни акс эттиришга қаратилган, асарнинг ўзи ҳам «Ғубор» деб аталган бўлишига қарамай, у нуқул ғуборлар тасвиридан иборат эмас; қисса қаҳрамони Моҳира шундоғича қолиб кетмайди, асар охирига бориб унда кескин ўзгариш юз беради, қаллобликка қарши дадил исён кўтаради, мунофиқ Бердиевни шармандаю шармисор этади: энди унинг коллективдаги носоғлом муҳит билан муроса қила олмаслигига ишончимиз комил. Демак, автор ғуборни кўтаришга қодир кучни, нурни ҳам кўрган, фақат шу куч, шу нур энди ҳаракатга келаётганда, ғуборни ёритаётганда асарни тўхтатиб қўйган. Бу ҳам адабий тажрибада кўп учрайдиган ҳодиса.

Мен бу билан «Ғубор»ни камчиликлардан тамоман холи асар, демоқчи эмасман, юқоридаги ўртоқлар ташвишида маълум асос бор, асарда нимадир етишмайди, қиссани ўқиб негадир китобхоннинг кўнгли тўлмайди. Бунинг сабаби, менимча, унда ижобий қаҳрамоннинг бор-йўқлигида эмас, камчиликнинг илдизи ёзувчи позициясининг ифодаси, яна ўша

¹ «Ўзбекистон маданияти», 1969 йил, 21 март.

услуб масаласига бориб тақалади. Қисса материал салбий, унда ғуборлар қуюқ, ҳатто у сатирабоп. Авторнинг «тасвир усули» эса ўта объектив, осойишта. Марказий қаҳрамон Моҳирадаги қусур — лоқайдлик асарнинг қусури эмас, балки асарнинг асосий қусури ўша ҳодисаларга авторнинг ўзи лоқайд қараётгандек, уларни пассив кузатувчи сифатида акс эттираётгандек бўлиб туюлаётганида. Хуллас, ҳаётний материал билан услуб орасида номуносиблик юз берган, бу ерда ҳам автор «кино тили»да гапираман деб кўнглидаги гапларни китобхонга тўла еткази олмай қолган, Салоҳиддин Мамажонов айтмоқчи, «танқид найзасини мўлжалга қараб ота олмаслиги тўғрисидаги ўзининг яхшигина нияти»га тўла эриша олмаган.

1969

ОЧИЛГАН ВА ОЧИЛМАГАН ҚҶРИҚЛАР

(Адабий ғйлар)

Социалистик қишлоқ ҳақидаги илк етук реалистик асарлардан бири «Очилган қўриқ» деб аталган эди. Бу ном, бу иборанинг чуқур рамзий маъноси бор.

Аввало, қишлоқдаги социалистик ўзгаришлар меҳнаткаш, бунёдкор деҳқон танидаги битмас-туганмас имкониятларни очиб юборди, яъни асарлардан бери қўриқ ҳолида ётган улкан бойлик ишга тушди.

Тараққийпарвар сўз усталари ҳар доим деҳқон меҳнатини улуғлаб келган бўлсалар-да, лекин бу улуғ зот ҳаёти адабиётда яхлит ҳолда очилмаган қўриқ бўлиб ётар эди. Илк бор совет адабиётида, жумладан, М. Шолохов ижодида оддий деҳқоннинг мукамал, бетакрор образи яратилди, кашф этилди, уни фақат моддий бойликлар бунёдкори тарзида эмас, айти пайтда тарихни яратувчи, ўзгартирувчи ва шу жараёнда ўзи ҳам ўзгариб боровчи буюк куч сифатида кўрсатилди.

Ниҳоят, худди ўша социалистик ўзгаришлар, коллективга уюшган янги типдаги одам меҳнати туфайли табиатнинг бебаҳо бойлиги — она-ер жамоли яшнаб кетди, қўшиқда айтилганидай, «олтин сандиқ» жавоҳирлари очилди.

Қисқаси, «Очилган қўриқ» бу табиат қўриқларининг, деҳқон имкониятларининг очилиши демакдир, сўз санъатида янги мавзулар, муаммолар, янги одамлар образини кашф этиш демакдир.

Ўзбек совет адабиётида ҳам худди ўша «Очилган қў-

риқ» билан ёнма-ён деҳқон ҳаёти қўриқларини очинишга интилиш бошланган эди, Ғ. Ғуломнинг «Қўкан», А. Қодирийнинг «Обид кетмон», А. Қаҳҳорнинг «Ўтбосар», Ҳ. Шамснинг «Душман» асарлари, «Қуллар» романининг сўнгги боблари бу йўлдаги дастлабки қадамлар эди, улар орасида, хусусан, «Қўкан» билан «Обид кетмон» алоҳида ажралиб турарди. Бу икки асар қаҳрамонлари ниҳоятда халқчил, миллийлиги, ўзбек деҳқонининг ўша даврдаги психологиясини, кучли ва заиф жиҳатларини ўзида ёрқин, бетакрор мужассам эттириши билан адабиётимизда чинакам қўриқ очиниш бўлди.

«Обид кетмон» деган номнинг ўзиниқ муҳим маъно ташийди. Асар қаҳрамони Обиднинг кўпгина лақаблари бор, баъзи бировлар уни «Мулла Обид», «Гаранг», бошқалар эса «Обид кетмон», дейишади, ёзувчи асарнинг номига худди шу «Обид кетмон»ни чиқаради. Маълумки, кетмон ўзбек деҳқонининг асосий иш қуроли, бинобарин кетмон унинг рамзий эмблемаси бўла олади. Асарнинг номидаёқ ёзувчи қаҳрамонининг бош хусусиятини — меҳнаткашлигини таъкидлайди. Дадил айтиш мумкинки, ўзбек насрида биринчи бор «Обид кетмон»да меҳнат кишини, унинг меҳнат машғулотлари, меҳнат билан боғлиқ ўй-кечинмалари, касб психологияси, меҳнат жараёни бош тасвир объектига айланди, ёзувчи қишлоқдаги, қишлоқ кишилари онгидаги буюк социалистик ўзгаришларни бевосита меҳнат процесси тасвири орқали кўрсатди.

«Обид кетмон»дан фарқли ўлароқ ўша кезлари яратилган «Ўтбосар», «Душман», «Шубҳа» каби асарларда меҳнат жараёни, хўжалик муносабатлари эмас, синфий кураш, илғор кучлар билан ёт унсурлар, синфий рақиблар орасидаги тўқнашув, олишув тасвири биринчи планга олиб чиқилди. «Обид кетмон»да ҳам синфий кураш ифодаси бор, бироқ ёзувчи бу ҳодисани меҳнат жараёни замирига сингдириб юборади.

Социалистик қишлоқ ҳақидаги ўша илк асарларда ҳар икки соҳа—коллектив меҳнат, синфий кураш кенг

тасвир этилгани ҳолда оилавий-ишқий муносабатлар, ахлоқий масалалар бир оз эътибордан четда қола бошляди ёки улар йўл-йўлакай шунчаки тилга олинди. Коллективлаштириш жараёнида оилавий-ахлоқий соҳада ҳам жиддий ўзгаришлар, ҳаттоки кескин драмалар юз беришми шонр Ҳ. Олимжон 1933 йили ёзган «Қундалик дафтар»идаёқ қайд этган эди; «Обид кетмон»нинг сўнгги саҳифаларида ҳам шунга ишора бор, чунончи, Обид меҳнатда илғор, ажойиб меҳнаткаш, машҳур раҳбар ҳодим бўлса-да, оилада қолоқроқ, комсомолка қизининг янгича хатти-ҳаракатларини ҳазм қила олмайди. Ёзувчи севимли қаҳрамонини бу қилмишлари учун енгилгина чимдиб ўтади. Худди ўша оилавий, маънавий-ахлоқий проблемалар қишлоқ ҳақидаги галдаги асарларнинг асосий пафосига айлана бошляди. «Зайнаб ва Омон», «Офтобхон», «Номус ва муҳаббат», «Асрор бобо», «Хотинлар» қишлоқ ва қишлоқ кишилари ҳаётининг янги қўриқлари сари юриш бўлди, эскилик билан янгича ахлоқий тушунчалар орасидаги кескин кураш, янгиликнинг тантанаси, меҳнат кишининг юксак маънавий-маданий қиёфаси, камолоти зўр маҳорат билан ифода этилди.

Урушдан кейинги давр адабиётида қишлоқ ҳаётини кенг кўламда кўрсатиш — ҳам оилавий-ахлоқий, ҳам ижтимоий ишлаб чиқариш характеридаги конфликтларни биргаликда акс эттиришга интилиш сезилди. А. Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана», Ойбекнинг «Олтин водийдан шабадалар», Ш. Рашидовнинг «Ғолиблар», Р. Файзийнинг «Чўлга баҳор келди» асарларида бу фазилат анча ёрқин кўринди. Бу асарларга хос яна бир хислат шуки, уларнинг қаҳрамонлари кечаги кунги жангчи, бугун эса меҳнат фронтининг баҳодирларидир. Улар сиймосида биз Ватан урушида ғолиб чиққан халқнинг ифтихор туйғусини, шинелли жомакор билан алмаштираётган одамнинг кечинмаларини, тинч ижодий меҳнат жабҳасидаги улкан шижоатларини кўрамин; улар урушдан

кейин республикамизда кенг авж олган чўлларга ҳужум ҳаракатининг баҳодирлари — чўлқуварлар тарзида талқин этилади.

Узоқ йиллик машаққатли меҳнат самараси бўлган ва 50-йилларнинг бошларида китобхон қўлига етиб борган А. Қаҳҳорнинг «Қўшчинор чироқлари» романи ҳақли равишда коллективлаштириш ҳақида ёзилган бадний асарларнинг маълум синтези, деган ном олди.

Бироқ ўша йиллари кенг тарқалган «конфликтсизлик назарияси», «ҳаётни пардозлаб кўрсатиш» тенденцияси мазкур асарларда ҳам ўз соясини қолдирди, қишлоқ ҳаётини бутун мураккаблиги, зиддиятлари билан ифода этишга маълум даражада монелик қилди.

50-йилларнинг ўрталаридан бошлаб адабий ҳаётда рўй берган бурилиш «қишлоқ прозаси» ривожига ҳам янги тўлқин берди, қишлоқ ҳаётининг туб социал проблемалари бутун кескинлиги билан ифода этиладиган бўлиб қолди. А. Қаҳҳорнинг «Синчалак», Ш. Рашидовнинг «Бўрондан кучли», Уйғуннинг «Ҳуррият», И. Раҳимнинг «Ҳилола» асарлари бевосита ҳаёт ҳодисалари ичида туғилди, 50-йилларда қишлоқда содир бўлган муҳим социал ўзгаришлар ғоят сезиларли ва ҳаққонийлик билан акс эттирилди. Уларда раҳбарлик принципи, раҳбар ходимнинг маънавий, сиёсий қиёфаси масаласи асарларнинг бош муаммоси даражасига олиб чиқилди, Қаландаров, Қодиров сингари ўзбошимча «ҳокими мутлақ»ларга қарама-қарши турган Санда, Ойқиз, Ҳуррият сингари коллективчилик руҳи билан суғорилган юксак маданиятли, билимдон раҳбар ходимлар образи яратилди.

Н. Сафаров пахта терим машинаси ҳаётга эндигина йўлланма олаётган бир пайтда машҳур механизатор Турсуной Охунова ҳақида ҳужжатли қисса ёзиб, турсунойчилар ҳаракатини қувватлаб чиқди, турсунойчилик ҳаракати йўлидаги тўсқинларни кескин танқид остига олди. Бу қисса ўзининг ижтимоий қиммати жиҳатидан ўша даврдаги қишлоқ прозасининг энг яхши намуналари

билан бир қаторда туради. 60-йиллар давомида «Син-чалак» билан «Бўрондан кучли»га тақлидан ёзилган бир қатор асарлар майдонга келди, табиийки, улар адабиётимиз ривожига сезиларли из қолдирмади.

П. Қодировнинг «Қора кўзлар» романи адабиётимизда маълум ҳодиса бўлди. Ёзувчи 60-йиллар бошларидаги қишлоқ ҳаётини кенг тасвир этади, партиямиз Марказий Комитетининг 1964 йил Октябрь пленумида танқид қилинган волюнтаризм, субъективизм деб ном олган ҳодисаларнинг тоғ қишлоқларидаги салбий оқибатларини ҳаққоний кўрсатади.

ҚПСС XXIV съездида Л. И. Брежневнинг қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирила бошлаганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан Олмаотадаги тантанада сўзлаган нутқида сўнгги йилларда социалистик қишлоқларимизда юз берган туб ўзгаришлар, қишлоқ хўжалигининг ҳозирги аҳволи, перспективаси ва проблемалари кенг таҳлил этиб берилди.

Мамлакатимиз социализмнинг юксак ривожланган босқичига кўтарилиши, фан-техника революцияси туфайли қишлоқларда, қишлоқ кишисининг онгида ғоят муҳим, янги жараёнлар юз бераётир.

Хўш, шу жараёнлар бугунги кун ўзбек адабиётида қай тариқа ифода этилаётир, ҳозирги «қишлоқ прозаси»нинг ўзига хос томонлари нималардан иборат?

Аввало шуни айтиш керакки, адабиётимизда ҳозирги қишлоқ ҳаёти яхлит олганда очилмаган қўриқ бўлиб турибди. Октябрь пленумидан кейинги улкан ўзгаришларни ифода этиб берадиган кенг кўламли юксак бадий полотнолар ҳозирча пайдо бўлгани йўқ.

Тўғри, ҳозирги қишлоқ ҳақида жуда кўп публицистик мақола, очерклар, ҳикоялар, қиссалар яратилляпти, уларда бир қатор янги тенденциялар кўриняпти, бироқ улар ҳозирча улкан қўриққа қилинган адабий разведкалар холос, бу разведкалар кетидан улкан бадий кашфиётлар майдонга келса ажаб эмас.

Мавжуд разведкалар бугунги қишлоқ ҳаётидаги бир муҳим ҳақиқатни алоҳида таъкидлаётир — фан-техника мўъжизалари қишлоқларга ғоят тезкорлик билан кириб бораётир, қишлоқ кишисининг меҳнати тобора индустриал ва ақлий меҳнат тусини олаётир, эрта кўклам ташвишларидан тортиб то кеч кузги йиғим-теримгача кўпгина оғир ишлар техника орқали адо этиляпти, ҳозирги колхозчи бундан 20 ёки 30 йил бурунги деҳқонлардан фарқ қилади. Авваллари омов солишу кетмон уришни билган ҳар бир кимса деҳқон саналаверар эди, эндиликда деҳқон деган шарафли номни олиш учун кўп нарсa талаб этилаётир — у тупроқ илмидан, маълум маънода кимёдан ва техникадан хабардор бўлиши керак, қишлоқ хўжалигидаги энг оддий касбларни бошқариш учун ҳам юксак малака, катта билм талаб этиляпти. -

Яқин-яқинларда бизнинг асарларимизда янги агротехника йўлига ғов бўладиган, терим машиналарининг пахтазорга киришига тиш-тирноғи билан қарши турадиган консерватор ходимлар образи учраб турар эди, кейинги пайтларда бу тур образлар айтарли кўринмай қолди; зотан ҳаётнинг ўзида ҳозир техниканинг, янги агротехниканинг афзаллигини тан олмайдиган, тушунмайдиган ходим кам топилади, ҳозирги «қишлоқ прозаси»да биз айни Қаландаров, Қодиров, Дадавой акалар типидagi қоғоқ, бюрократ, консерватив раисларни деярли учратмаймиз, чунки ҳаётнинг ўзида ҳозир худди шу тарздаги эл-юрт кўзи олдида мана мен, деб турадиган ошкора бюрократ ва консерватив раҳбар ходимлар йўқ ҳисоб. «Энди, ҳозир ошкора, қўпол сўз ва сансалорчи ходим бемалол ишлай олмайди,— дейди Л. И. Брежнев 1974 йил 14 июнда сайловчилар олдида сўзлаган нутқида.— Аммо бюрократнинг жамиятимизда кун кўриши қийинлашган сари, у шароитга шу қадар устомонлик билан мослашиб олиб, янги қиёфага кираверади. Моҳият эса эскилигича қолаверади — ишнинг моҳияти формага

қурбон қилнаверади. Маҳкамачилик ва маҳаллийчилик манфаатларини кўзлаб давлат, жамият, одамларнинг манфаатлари пастга урилаверади».

Қисқаси, ҳаётнинг ўзида илғор кучлар билан салбий кучлар орасидаги зиддият ва курашларнинг кўриниши ўзгариб борапти, бу ҳол ижодкорлардан ҳаёт ҳодисаларига, ҳаётний зиддиятларга янги томондан ёндашишни тақозо этаётир. Ҳаётний зиддиятларнинг янги кўринишларини бадний кашф этиш осон эмас, у ёзувчидан ўткиринигоҳ, катта ижодий жасорат талаб этади.

Асқад Мухторнинг «Чинор» романида қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ янги ижтимоий конфликтларни қидириб топиш, ижобий ва салбий кучлар курашининг янги қирраларини кашф этиш соҳасидаги изланишлари диққатга сазовор. Тоғ билан чўлни туташтирувчи янги районга райком секретари бўлиб келган Ориф ғоят хилма-хил ғовларга дуч келади. Ориф партиямизнинг Октябрь пленумидан кейинги изчиллик билан ўтказа бошлаган сиёсати, ғоялари билан қуроолланган янги типдаги раҳбар ходим; унда инсоний хислатларнинг барчаси мужассам; у ҳам фидокор ошиқ, ниҳоятда дилкаш, олижаноб, мард одам, айти пайтда мурасасиз принципиал раҳбар; у табиатан гўзаллик шайдоси, унинг қалби шоирона туйғулар билан лиммо-лим, айти пайтда унда мулоҳазакорлик, интеллектуал билим жуда юксак.

Худди Саида, Ойқиз сингари Ориф ҳам қоядай улкан куч билан олишади ва пировардида унинг қаршилигини синдиради, худди «Синчалак»да бўлгани каби Ориф ҳам умуман салбий кучларни яксон қилиш учун эмас, балки ундаги ижобий фазилатларни рўёбга чиқариш учун салбий иллатларга қарши курашади. Қаландаров ва Қодировдан фарқли ўлароқ «Чинор»даги ижобий қаҳрамон Ориф қаршисида турган салбий тип Мария юксак мансаб, катта билим, маданият эгаси, Мариядаги консервативлик жуда нозик формада, асосан туйғулар сферасида кўринади, ёзувчи бутун нафратини ҳиссиётлик-

ка, расмийатчиликка қарши қаратади, унга қарши кураш
ғоят мушкул эканини уқтириб боради. Шуниси диққат-
га сазоворки, ёзувчи ҳар иккала қарама-қарши персо-
наждаги хусусиятларни бир ёқлама талқин этишдан қо-
чади, ҳар иккала қутбнинг ҳам ўз ички зиддиятларини,
улардаги хислатларнинг ҳам манфий, ҳам мусбат то-
монларини очиб беришга интилади: чунончи, Орифнинг
хатти-ҳаракатлари, ортиқча ҳиссиётга берилиб кетиш
барчага бирдек маъқул тушавермайди, ёзувчининг ўзи
ҳам қаҳрамондаги баъзи сентиментал кайфиятларни
адолатли танқид қилиб ўтади; ёки Мариядаги ижти-
мой манфаатини деб ўзлигидан кечишни бутунлай
қоралаб бўлмайди.

Ориф билан Мария олишуви орқали ёзувчи ҳозирги
замон раҳбар ходими ҳақидаги идеалларимизни илгари
суради — раҳбар учун катта иқтисодий-сиёсий билим,
юксак маданият, тадбиркорликдан ташқари нозик дид,
беғубор қалб, самимият зарур, деган ғояни зўр бериб
ўтказади. Кейинги пайтларда ишчи ҳаётидан олиб ёзил-
ган бир қатор драматик асарлар устида бўлиб ўтган
мунозаралар пайтида раҳбар ходимдаги ишбилармон-
ликни ҳиссиётга, кўнгилчанлик ва олижанобликка қара-
ма-қарши қўйиш ҳоллари сезилди, фан-техника рево-
люцияси шароитида «олижаноб ҳиссиётчан ходим»нинг
даври ўтди, энди замон «ишбилармон ходим»ники, деган
гаплар ҳам айтилди. Назаримда, А. Мухтор романида
илгари сурилган фикр — адолатли фикр; социализм-
нинг ҳозирги босқичи, илмий прогресс шароитида ходим
учун ишбилармонлик билан баробар ҳис эта билиши,
коммунистик эътиқод ҳам зарур фазилатдир. Ориф сий-
мосида ишбилармонлик, интеллектуаллик билан самимий-
лик, ҳиссиёт туташиб кетган, худди шу фазилат
билан у китобхон ҳурмати қозонади, ўзига ҳавас уйғо-
тади.

Қишлоқдаги янги жараёнларнинг баъзи томонлари
Шукур Холмирзаев ҳикояларида ҳам ўзига хос тарзда

зухур этилмоқда. Очиги, Ш. Холмирзаев асарларида «Чинор»даги каби кенг кўламли образлар йўқ ҳисоб, бироқ унинг персонажлари ниҳоятда ҳаётийлиги, табиийлиги, миллий, ҳатто маҳаллий колорити билан ажиб бир жозоба касб этади. А. Мухтор услуби бир оз романтик жило билан йўғрилган, ёзувчи ҳодисаларни, қаҳрамонларни олисроқдан туриб кузатади, бир оз кўтариброқ тасвир этади; Ш. Холмирзаев эса ҳодиса ва персонажларни ичдан туриб ёритади, тасвирда ҳаёт картиналарини айнан гавдалантириш, «бепардоз» кўрсатиш йўлидан боради. Ш. Холмирзаев қаламга олган макон ўзича бир тароватга эга, аммо у алоҳида олам эмас, бу макондаги ҳодисалар мингларча нозик торлар орқали улкан юрт воқеалари билан, бутун мамлакатда социалистик қишлоқ кишилари ҳаётида рўй бераётган жараёнлар билан туташиб кетган.

Ш. Холмирзаев янги типдаги раҳбар ходим образини яратиб устида кўп тер тўкяпти. «Милтиқ отилди», «Сирли милиционер», «Тикан орасидаги одам», «Биз кеч қолиб юрамиз» ҳикоялари худди шу мақсадни кўзлаб ёзилган. Ш. Холмирзаев ҳикояларидаги ҳодисалар кўпинча оддий, кундалик ҳаёт, меҳнат, меҳнат икир-чикирлари тарзида бошланади, бироқ оддийгина бошланган ҳодиса тобора кескинлашиб, ўткир драматик коллизияларга айланиб кетади.

«Тикан орасидаги одам» ҳикоясида икки типдаги раҳбар ходим образига дуч келамиз — бири ишдан олинган агроном Амирқул, иккинчиси янги ходим Мирҳайдар. Икки «рақиб» иш юзасидан бир кеча бирга бўлиб қолишади, шунчаки у ёқ-бу ёқдан суҳбатлашиб тонг оттиришади, улар орасидаги мулоқот катта фалокат билан якунланади. Шу кечадаги суҳбатда бу икки шахс бутунлай икки олам эканлиги маълум бўлади. Амирқул ниҳоятда содда, айни пайтда ўта муғамбир қишлоқ мешчани. Кечаги агроном бугун оддий қоровул, бироқ бу ҳол уни асло ташвишга солмайди, кўзидаги уйқуни тарк эт-

майди, у мансабдорлик пайтида бир умрга етадиганини ғамлаб олган, унинг учун мол-жонни тинч бўлса бўлгани, энди оламни сув олиб кетса ҳам иши йўқ; у янги агрономнинг куюнчақлигидан, эл-юрт ишига фидойилигидан кулади, ҳамроҳига юрагини очиб дейди:

«Ука, сенга бир гап айтайми, қулоқ сол. Бу, давлатнинг хазинаси камаймас экан. Ҳа, кейин билиб оласан. Ҳозир ўзингни меҳнаткаш қилиб кўрсатяпсан. Давлат... совхоз манфаатини кўзлайман, деяпсан. Бекор гап! Вақтинчалик гаплар бу. Кўрганмиз, кечирганмиз... Яқинда уйланинг, ҳали ош-нон дейдиган боланг йўқ! Хотиннинг ҳам содда ўзингга ўхшаб. Ҳали уям қилиқ чиқаради. Топиб келинг, дейди. Эшитяпсанми? Шундай. Хотин зотининг ман дегани ҳам латтапараст бўлади, иним!.. Кейин-кейин ўзинг ҳам нима учун ишлаётганингни ўйлаб қоласан. Ана шунда эсинг киради. Кўрамиз ҳали!

...Сеннинг қоровулликка чиқиб, уйқудан қолиб, милтиқ ушлаб ўтиришинг ҳам бир соддалик. Агрономга ярашмайди бу!»

Кўпчилик асарлардаги интригалардан фарқ қилароқ, «Тикан орасидаги одам»даги салбий қаҳрамон мансаб юзасидан янги ходимга рақиб эмас, янги ходим Мирҳайдар ҳам авваллари ҳеч қачон Амирқул билан тўқнаш келгани йўқ. Бироқ улар идеал, эътиқод жиҳатидан бир-бировига ашаддий рақиб. Тунги учрашувда иккови ҳам юрагини очади. Мирҳайдар Амирқулнинг бутун борлигидан воқиф бўлади, ундан, унинг «ҳаёт фалсафаси»дан жирканади, лекин барибир унга одам деб қарайди, ишониб қўлига милтиқ тутади. Маънавий тубан, бемаслак, бедард, беҳис одамдан яхшилик кутиш бефойда. Мирҳайдар Амирқулга ишониб охири унинг ўқиға учади, бу бемаслак, дўсти нодон, ғафлат бандаси билмай Мирҳайдарни отиб қўяди.

Бу ҳикоя кўп нарса ҳақида ўйлашга ундайди, баъзан биз ҳаётда бемаслак, бебурд, маънавий тубан одамлар билан бирга яшаймиз, ишлаймиз, нафас оламиз, улар-

нинг кирдикорларини яхши биламиз, биламизу барибир мурсага борамиз, бундай кимсалар ниҳоятда хавфли эканлигига етарли эътибор бермаймиз.

«Биз кеч қолиб юрамиз» ҳикоясида райком секретари Алпомиш укаси Бердиёрни кескин танқид қилади:

«Шарманда қилиб юрган экансан-ку мени! Акангни номи билан иш кўришни сен тирмизакка ким ўргатди? Нимага заготконторанинг машинасини раис минмайди-ю, сен миначан? Қаердан чиққан қилиқ бу!.. Нимага ичачан, а? Нима ғаминг бор! Боланг оч қолдими? Хотининг ташлаб кетдими? Аканг ўлдими? Нимага ичачан? Нима беради сенга ичкилик?.. Ичиб олиб ҳамма нарсани унутганинг келадими? Ишнинг, топшириқнинг, оиланинг, а? Ўрганиб қолдингми? Бундан кўра бир чилвирни олиб, ўзингни осмайсанми! Ҳар ҳолда одамлар, номусли экан, дейди. Ўзим ҳам сезиб юрар эдим-а! Лекин сен, қоранг ўчкур, муғамбирлик қилар эдинг... Йўқ, сени бу аҳволда қолдирмайман. Сен акангни билмабсан! Менга ука керак эмас, ор-номус керак! Ўн минг одамга бош қилиб қўйибди мени партия, биласанми шуни?! Мен сени ибрат бўлсин учун эшакка чаппа миндираман ҳали...»

Шу гапнинг ўзидаёқ икки хил характер, улар орасидаги интрига тарихи, тафсилоти маълум бўлиб турибди; ҳикоя давомида гўё ҳамма нарса ўз изига тушиб кетгандай туюлади: ака гапидан чуқур таъсирланган ука тамомила ўзгариб кетади, ичкилик билан абадий хайрлашади, ҳалол меҳнат қучоғига отилади, ёзувчи йигитнинг меҳнат жараёнидаги ҳолат, кайфият ва хатти-ҳаракатларини, уддабурон ходим эканлигини жуда нафис ва батафсил тасвир этади. Худди илк тўқнашув ифодасида бўлгани каби, кейинги воқеалар динамикасини ҳам автор асосан нутқ характеристикаси орқали беради.

Бердиёрнинг яйловда қайсар аёл билан иш битириш картинасини эслайлик:

«Биз қайтиб кетмаймиз,— деди Бердиёр ва ваъз қила кетди:— Гап шундаки, момо, хўш... давлат бу йил

жун планини катта берган. Хўп, деб туринг... Менга қаранг, бир тўшанча опчиқинг-э. Йўқ, йўқ, уйга кирмаймиз... Шундай қилинг!.. Ҳу, раҳмат... Қаттиқ ҳам опчиқасизми? Майли... Бирйўла чалоп қила қолинг... Раҳмат, энди ўтиринг, момо!.. Гап шундаки, ўзингиз тушунадиган хотинсиз, планимиз катта! Лекин сапхоз ўз моли билан узолмайди... Тўхтанг-да! Бизда индивидуалний план деганиям бор-да. Бу планни тушунасизми? Сабр қилинг! Бу дегани — аҳолидан ортиқча жуни борми, тухуми борми, териси борми — сотиб олинг, дегани... Биламан, биламан, кампир! Менга қаранг, кампир, шу жунни мана шунга ўхшаган кигиз қиласиз! Кигиздан нима фойда! Ги-лам олсангиз-чи? Ҳам арзон, ҳам чиройли... Хўп, бир қоп сотинг, майли, қолганини тўқим қилсангиз ҳам ўзингизга! Э, энажон-э! Барака топинг, энабой! Шониёз, тур, ошнам!.. Ана бу ишдан кейин юз грамм ичсанг ҳам арзир эди... Лекин энди, йўқ, йўқ, йўқ!.. Нархи ўша-ўша, а? Ё кўпайтириб берайми? Майли! Ана ҳозир фактура тузамиз, хўш... Мана бу ерга қўл қўйинг! Э, чизиб қўйинг-да, билмайсизми!.. Шундай! Юсуфбойга биздан салом айтинг... Кампир, агар яна сотиладиган жун чиқиб қолса, илтимос-да, биздан бўлакка сотманг, хўпми? Нима бўлсаям, ҳаммамиз бир уруғнинг одами! Ҳе, ўзимнинг Қўнғиротимдан! Балли!»

Қаранг, бу парча ўзича бир мустақил ҳикоя. Унда икки хил характер мавжуд, воқеанинг ички динамикаси — тугуни, ривож ва ечими бор; характерлар тўқнашади, тортишади, олишади, бири иккинчисига ўз таъсирини ўтказади, ўжар аёл устомон ходим олдида таслим бўлади, ходим давлат манфаатини деб аёл қалбига йўл топади, давлат сиёсатини унинг онгига олиб киради...

Буларнинг барчаси биргина персонаж нутқи орқали ифода этилади; гарчи ёзувчи иккинчи персонажга сўз бермаса ҳам, хатти-ҳаракатларини изоҳлаб ўтирмаса ҳам, тасвир оҳангига, текстда қўйилган кўп нуқталарга қараб унинг гап-сўзларини, дилини, хатти-ҳаракатлари-

ни — барчасини барала ўқиб олаверамиз; айни пайтда Бердиёр онгидаги ўзгаришларни ҳам ҳис этиб турамиз.

Ҳикоянинг финал қисми хийла кескин. Ҳикоя давомида Бердиёр хатти-ҳаракатларини, ака таъсирида бошқа одам бўлиб қолганлигини кўриб қувонамиз; аммо гишт аллақачон қолипдан кўчган, муросасизликни, қариндош-уруғчиликни тан олмайдиган ака-укани ишдан бўшатириб юборган, ака ҳукмидан беҳабар ука ҳалол меҳнат билан банд, охири шафқатсиз ҳукмдан хабар топган ука ларза ичида қолади. Қаҳрамонлар руҳиятидаги кескин ҳолат китобхон кўнглига ҳам кўчиб ўтади.

Ҳозирги «қишлоқ прозаси»да фан-техника революциясининг оқибатлари масаласи, илмий прогресс, юсак цивилизация шаронтида она табиатни, инсондаги табиий хислатларни асраш-авайлаш муаммоси тобора кенг ишланяпти.

Худди ўша гўзал табиатга чексиз меҳр-муҳаббат туйғуси билан сугорилган юртимизнинг жозибадор, романтик манзаралари билан ўқувчини, хусусан, ёшларни таништириш ниятида ёзилган қатор асарларни ўқидик. П. Қодировнинг «Бобосига тортган неvara», «Аму чангалида», Ш. Холмирзаевнинг «Зов остида адашув», У. Ҳошимовнинг сафар хотиралари бир қарашда шунчаки табиат манзаралари билан таништирувдек туюлади; эҳтимол, уларда гўзал табиат манзаралари тасвири, айтиқлик, А. Мухторнинг «Чинор», С. Аҳмаднинг «Жимжитлик», С. Зуннунованинг «Осмондан тушган қиз» асарларидаги каби жиддий социал проблемалар билан қўшиб олиб борилганда яна ҳам соз бўлар эди, аммо ҳозирги ҳолда ҳам уларда замон руҳини ҳис этиш мумкин, она табиат билан таништиришнинг, хусусан, она табиат қучоғидан узоқроқда турган ёшлар кўнглида табиатга нисбатан меҳр туйғусини уйғотишнинг ўзи зарурий иш.

Ҳозирги прозамизда қишлоқ проблемаларини шаҳар ҳаёти муаммолари билан ёки, аксинча, шаҳарликлар ҳаётини тасвирини қишлоқ кишилари тақдири билан бирга

қўшиб талқин этишдан иборат характерли бир тенденция кўзга ташланыпти. Бутунаси шаҳарликлар, ишчи ёки зиёли ҳаётидан ҳикоя қилувчи Мирмуҳсиннинг «Умид», У. Умарбековнинг «Одам бўлиш қийин», У. Ҳошимовнинг «Баҳор қайтмайди», У. Назаровнинг «Гирдоб» каби асарларида воқеалар, персонажлар қисмати қандайдир тарзда ҳозирги қишлоқ муаммолари билан уланади. П. Қодировнинг «Эрк», О. Ёқубовнинг «Қанот жуфт бўлади», С. Анорбоевнинг «Умр» қиссаларида, Ш. Холмирзаев, У. Назаров, У. Усмонов, С. Нурувнинг қатор ҳикояларида шаҳар ва қишлоқ ҳаёти муаммолари, ақлий ва жисмоний меҳнат кишилари қисмати параллел равишда ифода этилади.

Фан-техника революцияси қишлоқ кишилари онгида ҳам, шаҳар аҳолиси, зиёлилар руҳиятида ҳам чуқур из қолдирмоқда. Оммавий равишда маданиятга, цивилизация қучоғига, фан-техника оламига интенсив равишда интилиш реал факт бўлиб қолди. Ҳозирги кунда баъзан шаҳарнинг шовқин-суронидан, қаватлардаги тигиз ҳаёдан нолийдиган, қишлоқдаги, соф табиат қучоғидаги «тинч», «осойишта» ҳаётни қўмсаб оҳ чекадиган кишиларни тез-тез учратиб турамыз. Шуниси қизиқки, ўшандай одамни ўзи қўмсаган «осойишта ҳаёт» қучоғига олиб бориб қўйсангиз, у ерга асло сиғмайди, икки-уч кун ичида зерикиб, яна шовқин-суронли тигиз ҳаётни қўмсаб, жуфтакни ростлаб қолади... Баъзи бир шаҳарлик зиёли замондошларимиз руҳиятида учрайдиган шу кайфият, ҳолат У. Назаровнинг «Одамнинг тафти» ҳикоясида яхши ифодаланган.

Цивилизация сқибати бўлса керак, урушдан кейин, айниқса сўнгги йиллар давомида жуда кўп қишлоқ аҳолиси шаҳар кишисига, кўплаб оддий деҳқон фарзанди шаҳарлик зиёлига айланди. П. Қодиров, О. Ёқубов, Ш. Холмирзаев, О. Мухторов, С. Нурув каби ёзувчиларнинг қисса ва ҳикояларида шу хил кишиларнинг ҳаёти, руҳияти жуда ёрқин ва бетакрор тарзда ёритилипти.

Бу тур асарларда бевосита ҳаёт ҳақиқати ва ҳаётини материал моҳиятига мос тушадиган ўзига хос усул қўлланилган: авторлар кўпинча қишлоқ ҳаёти муаммоларини шаҳарлик ёки қишлоқдан чиқиб шаҳарлик бўлиб қолган зиёли нигоҳи орқали, цивилизация проблемаларини эса оддий меҳнаткаш қишлоқ кишиси тасаввури орқали берадилар. Табиийки, четдан келган одамга, яъни қишлоқ кишисига шаҳар ҳаётидаги, шаҳарлик зиёлига эса қишлоқдаги ўзгаришлар, янгиликлар, қолаверса, зиддиятлар яққолроқ, бўртиброқ кўринади. Чунончи, «Умр»даги Чўлпонойларнинг оддий ҳаёт тарзи Тўлаган чолга ғайритабиий туюлади ёки зиёли Саттор кўз олдида оддий, камсуқум, меҳнаткаш қишлоқ қизларининг кўрки саналган Ойшахоннинг ожиз томонлари ниҳоятда бўртиб, кескинлашиб кетади.

Шу тур асарлардан бири — С. Нуровнинг «Беда ҳиди» ҳикояси устида батафсилроқ тўхтаб ўтишни истар эдим.

«Беда ҳиди» жанрининг бизда нисбатан сустроқ тараққий этган кайфият — ҳикоя хилидан. Асар қаҳрамони Нусратбек билан колхоз раиси орасида бир вақтлар бўлиб ўтган келишмовчиликлар ҳақидаги хотирани, шунингдек, Аҳмад бригадир билан меҳмон ўртасида кайфчиликда юз берган «ғиди-биди»ларни мустасно қилганда ҳикояда жиддий конфликт—олишув, тўқнашув йўқдек. Нусратбекникига қишлоқдаги қариндошлари, шаҳардаги ҳамкасабалари меҳмон бўлиб келишади, одатдаги оддий меҳмондорчилик, суҳбат, сўнгра хайр-маъзур. Бор-йўқ воқеа гўё шундан иборатдек. Авторнинг ютуғи шундаки, у сиртдан силлиққина кечган мана шу ҳодиса замирида теран маъно кўради; ёзувчи ҳодисанинг ички, пинҳоний драмасини очишга интилади; бунда у одамларнинг маиший ҳаёт тарзини, кайфиятини, руҳиятини кўрсатиш йўлидан боради; кўрсатганда ҳам автор бамисоли телемухбирдай ҳам суратини, ҳам гап-сўзларини холис туриб лентага туширгандай бўлади. Персонажлар суратига қараб, кайфияти билан танишиб, гап-

сўзларини эшитиб, биз ҳозирги шаҳар ҳамда қишлоқ ҳаётидаги жуда муҳим жараёнлардан огоҳ бўламиз, жиддий ҳаётий муаммоларга дуч келамиз; меҳмонлар меҳмондорчиликдан кўнгли тўлиб уй-уйларига тарқалишади, ичиқора одамдан ранжиган Аҳмад бригадир ҳам охири гиналарни унутиб йўлга отланади; бош қаҳрамон — собиқ агроном Нусрат эса ўзини қийнаган жумбоқларга жавоб топади, ўз ўрни зиёлиабнат бачкана кимсалар орасида эмас, қайноқ ҳаёт қўйнида эканлигини тўла англаб етади; ёзувчининг «макри» шундаки, «персонажлар иши»ни ҳал эгади-ю, панада туриб китобхон кўнглига ғулгула солиб қўяди, ҳикоядаги пинҳоний драмаларнинг давоми энди сезгир ўқувчи руҳиятида кечади.

Дарҳақиқат, меҳмондорчиликда юз берган можароларни ҳал этиш мумкинун суҳбатда тилга олинган персонажлар руҳияти, кайфияти билан боғлиқ муаммоларни бир ҳамла билан бир ёқлик қилиш ниҳоятда мушкул. Улар бир чеккаси жамият умумий тараққиёти диалектикаси, цивилизация, фан-техника революцияси билан алоқадор муаммолардир; замоннинг тезкор суръати туфайли кечагина соф табиат қўйнида яшаган одамларнинг бугунги кунда юксак цивилизация қучоғига кўчиши, фан-техника оламига кириб бориши туфайли туғилаётган драмалардир; киши онгининг ижтимоий тараққиётдан бир оз орқада юришидан туғиладиган зиддиятлардир; қолаверса булар кишиларимизнинг ҳаётга актив муносабатидан келиб чиқадиган проблемалардир; совет кишиси ҳеч қачон табиатнинг қули бўлиб қололмайди, айни пайтда фан-техниканинг стихияли ривожига бефарқ қаролмайди, у партиянинг маданий тараққиёт, илмий прогрессни оқилона изга солиш ҳақидаги кўрсатмасини дастуриламал деб билади...

Шунинг учун ҳам биз «Беда ҳиди» персонажларига қўшилиб шаҳар ҳаёти қулайликларидан, қишлоқдаги ўзгаришлардан астойдил қувонамиз, айни пайтда қават-

лардаги табиатдан узоқроқ сиқик ҳаётнинг, индустриал ва ақлий меҳнатнинг, шаҳар маданияти тақозо этаётган удум-одатларнинг баъзи жумбоқлари устида фикрга толамиз; қишлоқ болаларининг ўқиши, тарбияси, қишлоқ хўжалигидаги кимёвий дорилардан фойдаланишнинг манфий томонлари ҳақида ўйлаб кетамиз...

С. Нуров қишлоқда туғилиб, ўша ерда вояга етган, бир неча йилдирки, пойтахтда ўқишни тугатиб, шу ерда яшамоқда; бинобарин у ҳам қишлоқ, ҳам шаҳар ҳаётини яхши билади, ҳам қишлоқ, ҳам шаҳар кишилари руҳиятини нозик ҳис этади; бу хислат «Беда ҳиди»да жуда яққол намоён бўлган. Ҳикоядаги меҳмон хола, қиз, Аҳмад бригадир хатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари, руҳияти, табиати нақадар аниқ, бетакрор, жонли ифода этилган! Шаҳарлик меҳмонлар, хусусан, маст, ичиқора йигитнинг қиёфаси нақадар табиий чиққан! Айниқса ҳикоянавис худди ўша ўзи каби қишлоқдан чиққан зиёли йигитнинг ўй ва кечинмаларини, шунингдек, келин портретини жуда самимий тасвирлайди.

Танқидчи И. Фафуров «Насримизнинг бугунги тенденциялари» мақоласида («Ўзбекистон маданияти», 1974 йил, 26 февраль) «Беда ҳиди» ҳақида фикр юритиб, шу хил ҳикояларнинг қаҳрамонлари... «характерларида айтайлик, Турғун Пўлатнинг Ўринбойида бўлган курашчан ёмонликка қарши мурасасиз бир қон кўпириб ётмайди. Улар ёмонликни курашиб эмас, индамай енгадилар ёки ёмонлик қаршисида ҳушдан кетадилар»,— деб ёзади.

Бир қатор ҳикоялар қаҳрамонлари сингари «Беда ҳиди»даги шоиртабиат йигит Нусратбекнинг «ёмонликни индамай енгиши»да, менимча, муҳим маъно бор; Нусратбекни осонгина курашчан қаҳрамонга айлантириш мумкин эди, айтайлик, Нусратбек меҳмондорчиликка келган ичиқора кимсалар билан олишиб-тортишиб, уларни ер билан яксон қилиб ташласин, улар устидан ғолиб чиқсин, хўш, бу билан аҳвол ўзгарармикан! Мабодо шундай қилинганда ёзувчи айтмоқчи бўлган асосий гап, ифода

этмоқчи бўлган муҳим ҳаёт ҳақиқати, эҳтимол, эътибордан четда қолармиди...

Биз баъзан қаҳрамондан фаоллик, курашчанлик талаб этамизу айни ўша асар, ўша ситуация, ўша характер шу хусусиятни кўтарадими ёки йўқми, ёзувчи ифода этмоқчи бўлган ғояга, ҳаёт ҳақиқатига мос тушадими ёки йўқми, бу томонини етарли ҳисобга олмаймиз.

Таниқли танқидчи ва ёзувчи М. Слуцкис «Ҳикоя нима билан тирик?» сарлавҳали мақоласида, ҳозирги ҳикоячиликдаги аҳволни кучли характерлар яратиш орқали яхшилаш мумкин, деган фикрга эътироз билдириб, қаҳрамонга бунақа сифатларни ёпиштириш йўли билан ҳеч нарсага эришиб бўлмаслигини айтади. Дарҳақиқат, ижобий қаҳрамон кучли, курашчан бўлса-ю, қони кўпириб турса-ю, бу хислатлар муҳим маъно, катта ҳаёт ҳақиқати ифодасига йўналтирилмаса, ёзувчи айтмоқчи, бу хислатлар нулга тенг бўлиб қолади. «Бир нарса аниқ,— дейди адиб,— ёш авлод олдида кўп ҳодисаларга, жумладан, адабиётдаги инсон концепциясига ўзининг аниқ-равшан қарашини шакллантириш вазифаси турибди. Модомки, ижтимоий қимматга молик, чуқур ҳис этилган концепция йўқ экан, яхши ҳикоя ҳам бўлмайди». (Литературное обозрение, 1974, № 5, стр. 8.)

Менинг назаримда, «Беда ҳиди»да, унинг қаҳрамони талқинида худди шу хусусият, ижтимоий қимматга молик, нозик ҳис этилган концепция бор, қаҳрамоннинг ёмонликни индамай енгишида ҳам муҳим маъно бор; ахир аввал айтиб ўтилганидек, ҳикояда қаламга олинган муаммоларни бир ҳамла билан ёки якка қаҳрамонни курашга солиш билан бир ёқлик қилиш ниҳоятда мушкул. Бу ҳикоя жиддий ҳаётни жумбоқларга эътиборни жалб этиши, китобхонни фаолликка, фикрлашга ундаши билан қимматли. Ёзувчининг ҳикоядан, қаҳрамон талқинидан кузатган муддаоси ҳам шу.

«Ижтимоий қимматга молик чуқур ҳис этилган концепция»да, ҳаёт ҳодисаларига янги томондан ёндашиш.

да, қаҳрамон характери, тақдири орқали эстетик фикр айтишда гап кўп. Бир қарашда актуал, аҳамиятли ва ҳаётий бўлиб кўринган қаҳрамон ва унинг хатти-ҳаракатлари ҳам мабодо ёзувчининг ўзига хос концепцияси, жиддий фикри билан йўғрилган бўлмаса таъсири бўлмайди, ўқувчини ҳаяжонга солмайди. Ёш ёзувчи Ҳабибуллонинг «Ҳаёлимда дилоромим», «Ишқ», «Ғунча» ҳикояларини ўқиганда, улардаги персонажлар бевосита қайноқ ҳаёт ичидан олинганлигини кўриб хурсанд бўламиз, ёш автор қишлоқ ёшларининг севгиси ва меҳнатини жонли, ҳаётий тасвир этади, бироқ ёзувчининг шу севги, шу меҳнат тасвири, қаҳрамонлар тақдири орқали китобхонга айтмоқчи бўлган гапи анчайин адабиётда аллақачон айтилган бир гап бўлиб чиқади, авторнинг ҳали ҳаёт, одамлар, қишлоқ муаммолари ҳақида чуқур ҳис этилган, шаклланган, ўз концепцияси бўлмагани учун гўё очилган қўриқдан юргандек туюлади, унинг ҳикояларида 50-йилларнинг бошларида кенг шуҳрат қозонган «Шоҳи сўзана», «Олтин кўл» каби асарларнинг руҳи, таъсири шундоқ сезилиб туради; бу ҳикоялар бундан ўн беш-йигирма йил бурун пайдо бўлганда, эҳтимол, муҳим ҳодиса саналармиди.

Кўриниб турибдики, ҳозирги қишлоқ ҳаётидаги жараёнларни бадий таҳлил этиш ва ифодалашда маълум уринишлар бўляпти, аммо бу қўриқни бутунаси, кенг кўлами билан кашф этиш галдаги вазифа бўлиб қоляпти.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, қишлоқ ҳаётини яхши биладиган ва шу темада яхши асарлар яратиб келган Н. Сафаров, Ш. Рашидов, Саид Аҳмад, И. Раҳим, И. Шамшаров, П. Қодиров, О. Ёқубов сингари тажрибали адибларимиз кейинги ўн йил давомида асосан тарихий ёки яқин ўтмиш мавзuidaги йирик асарлар устида ишладилар.

Бу асарларнинг аксарияти социалистик қишлоғимиз тарихининг муҳим этапларини ёритишга бағишланган.

И. Шамшаровнинг «Чироқ» романи марказида зиё-

...ларда юз берган муҳим ҳодисаларни, адабиёт
мизда, хусусан, прозада деярли очилмаган қўриқ бўл
келаётган ер-сув ислоҳоти воқеаларини кенг тасвир эт
ди. Саид Аҳмад «Уфқ» эпопеясининг икки китобида Улу
Ватан уруши ва урушдан кейинги қишлоқ ҳаётининг кен
манзарасини гавдалантириб берди, ўша оғир йилларда
кишилариимизнинг чўллардаги меҳнат шижоатини катта
эҳтирос билан мадҳ этди. Яқиндагина эълон этилган,
«Уфқ» трилогиясига биринчи китоб бўлиб кирган «Қирқ
беш кун» романида эса ўттиз беш йилдан бери адабиёт
да очилмай ётган улкан қўриққа қўл урди, ёзувчи Катта
Фарғона канали қурилиши ҳақида мароқ билан ҳикоя
қилиб берди, бу роман ўзбек деҳқонининг меҳнатдаги
мислсиз қаҳрамонлиги шарафига қўйилган муносиб
обидадир.

Шароф Рашидовнинг тубдан қайта ишланган «Ғолиб-
лар» асари адабиётимизда муҳим ҳодиса бўлди, «Ғолиб-
лар», аввало, халқнинг уруш йилларидаги букилмас иро-
дасини, урушдан ғолиб чиққан халқнинг ифтихор туйғуси-
ни, чўлқуварларнинг меҳнат энтузиазмини шарафловчи
асар сифатида қадрлидир. Р. Файзийнинг қайта ишлан-
ган «Чўлга баҳор келди» романи ҳам чўлқуварлар ба-
дий солномасида муносиб ўрин тутadi.

Қишлоқ ҳаётининг яқин ўтмиши ҳақида яна бир яхши
асар пайдо бўлди. Сўз Турғун Пўлатнинг «Ичкуёв» қис-
саси устида боряпти. Қисса автори «Қора кўзлар» рома-
нида акс этган даврга қайта мурожаат этади, синчков
қаламкаш ўша давр ҳаётининг бир қатор янги томонла-
рини очишга эришади.

Автор давр муаммоларига ҳам ёзувчи-журналист,
ҳам мутахассис-экономист кўзи билан қарайди: асарда
хусусан бош қаҳрамон Ўринбойнинг яқин ўтмишига ба-
ғишланган бобларда чинакам очеркка хос хусусият бал-
қиб турибди, унда руҳий, маънавий процесслар, харак-

терлар тасвири эмас, хўжалик муносабатлари таҳлили, кўтарилган проблемаларнинг бадний, иқтисодий-илмий анализи устун; ёзувчи очеркчи-тадқиқотчи, мутахассис-экономист сифатида ўша йиллари кенг тарқалган, волюнтаризм ва субъективизм деб ном олган ҳодисанинг қишлоқ хўжалигидаги кўнгилсиз оқибатларини тагтомири билан очиб кўрсатади.

Курорт ҳаёти ифодасига ўтганда тасвир бошқача тус олади, қаҳрамон бир қадар «дунё ташвишлари»ни, журналистлик, экономистлик касбини унутиб, лирик кайфиятлар оламига кўчади, тасвирда ҳам лиро-романтик оҳанг жўш уради. Лекин барибир, қаҳрамон ҳаёли ўрни-ўрни билан қишлоқ ҳаётига кўчиб туради; ёзувчи қаҳрамон кайфиятлари, қишлоқ ва шаҳар ҳаётининг қиёслари орқали давримизнинг муҳим маънавий, маданий, ахлоқий проблемаларини кўтаради...

1974

НАФОСАТ ТУЙҒУСИ

Тошкент Давлат университети ўзбек адабиёти кафедрасининг яхши бир тажрибаси бор. Китобхонлар фикрини ўрганиш ниятида ҳар йилнинг бошида ўтган адабий йил якуни бўйича студентлар орасида анкеталар тарқатилади. 1974 йил бошида ана шундай анкета саволларига олинган жавобларнинг деярли барчасида 1973 йилнинг энг яхши асарлари қаторида «Ғолиблар» романи ҳам қайд этилади. Айниқса М. исмли китобхон жавобидаги бир мулоҳаза мени қизиқтириб қолди. У «Ғолиблар» романининг қатор фазилатлари ҳақида гапириб келиб: «Асарни ўқиб чиққач, димоғимда бодом гулининг ҳиди қолди», — деб ёзибди. Бошқа жавобларда ҳам шунга яқин фикрлар ифода этилган, асарни ўқишда диллар чароғон бўлгани, кўнгиллар шодликка тўлгани, нафосат туйғуси жўш ургани айтилган.

Китобхон кўнгилга шодлик, нафосат туйғуси олиб кириш бадий асарнинг сеҳрли, бебаҳо фазилатларидан. Ҳўш, «Ғолиблар»даги мана шу сеҳр сирлари нимада экан?

Асарда дилни мафтун этувчи, кўнгилга нафис ғулғула солувчи ёрқин бир деталь — атрофга хушбўй ҳид таратиб димоғларни яйратувчи қоя бағрида, чақиртошлар орасида қулф уриб гуллаган бир туп бодом дарахти тасвири бор. У нафосат, ҳаёт сурурининг рамзи сифатида хотирга мустаҳкам ўрнашиб қолади. Ёзувчи бу деталга қайта-қайта мурожаат этади, асар бош қаҳрамони Ойқиз ҳаётидаги энг нафис, ҳаяжонли руҳий дақиқалар ана

шу гулга бурканган бодом остида юз беради; дилида нини урган севги гунчаси шу бодом ёнида япроқ ёзади, унинг севги ҳижрониға ҳам, висолиға ҳам, «севги муҳри» саналмиш илк бўсаға ҳам шу дилрабо бодом гуллари гувоҳ...

Рассом Қ. Башаров китобга ғоят жозибадор суратлар чизган, лекин исгадир шу мафтункор деталь унинг эътиборидан четда қолган; мен китоб муқовасининг қаеридадир шу рамзий образ ифодасини кўришни жуда-жуда истардим...

Роман воқеалари юз берадиган майдон гўёки бир бўстон. Романининг илк сатрлариёқ китобхонни гўзаллик оламига бошлайди, бамисоли саҳна пардаси очилади-ю, кўзимиз чарақлаган қуёшга, тоғлардаги қуёш жилваларига, нур билан товланган чўққилар устида парвоз қилиб юрган бургутларга, сўнгра нур билан ясениб, тенги йўқ чирой касб этган қадрдон тоғ қишлоғи Олтинсойга тушади. Қуёш нури билан ҳамма ёқ ҳаракатга келади, узоқ-узоқларда бургутлар иккита, учта, гоҳ гола бўлишиб парвоз қилаётганини, бургутларнинг кумуш қанотлари товланиб — гоҳ ёниб, гоҳ ўчишини, гоҳида эса қоп-қора нуқтага айланиб қолишини, пастда эса майсалар юзини ўпиб ётган қировлар бир зумда кўм-кўк, қип-қизил, бинафша ранг бўлиб чақнашини, саҳар салқинида мудраган чучмомалар, долалар, турли-туман чечаклар ўзларига зеб бериб табассум қилишини, эндигина гулга кирган наъматак эса шабнам сувларида ювиниб, келинчак мисоли ясениб ўзига зеб беришини — табнатдаги бу нозик, нафис жараёнларнинг барчасини баралла кўриб тураминиз, бутун борлиғимиз билан ҳис этаминиз.

Хуллас, ўша илк тасвирдаги нурлар жилоси, табнат жилваси, бургут парвози китобхонда аллақандай нафис ва кўтаринки кайфият уйғотади, шу туйғу бутун асарни ўқиш давомида сақланади.

Она табиатнинг гўзал манзаралари асар давомида кўп бор тилга олинади, бу мафтункор манзаралар ҳар

гал ўқувчига ўзгача завқ-шавқ бахш этади. Бироқ китобхон дилнинг асир этган сеҳрли кучининг асл манбаи бошқа ерда — шу гўзал бўстон қўйнида нафас олаётган одамларнинг қалбида.

Бояги гўзал манзара фониди, тоғ чўққилари қуёш нури билан ярақлаб кетган пайтда, тоғ қиёфаси бир зумдаёқ ўзгариб, ажиб манзара касб этган, яшнаб кетган пайтда доволон устида от минган қиз пайдо бўлади. Китобхон дарҳол уни таниб олади: «Бўрондан кучли» романида учратган, шунингдек, йиғирма йилча бурун «Ғолиблар» қиссаси орқали адабиёт оламига кириб келган ўша машҳур Ойқиз...

Ойқиз ҳозир раҳбар ходим, кечагина қишлоқ Совети раислигига сайланган, у катта ишлар, курашлар, улкан жасорат сари эндиғина қадам қўймоқда. Қиз катта сафар олдида гўё босиб ўтилган йўлни сарҳисоб қилиб олади, ўша доволон тепасида туриб бир дам хаёлот денгизига ғарқ бўлади, ўтмиш лавҳалари бирин-кетин кўз олдидан ўтади, шу тариқа Ойқизнинг аввал бизга таниш бўлмаган янги қиссаси бошланади. Романининг деярли учдан бир қисмини ташкил этувчи бу бобларда бош қаҳрамон маънавий бисоти манбаларидан огоҳ бўламан.

Ойқиз табиатан романтик, хаёлга, гўзалликка ниҳоятда ташна бир қалб эгаси, у хаёл суришни, дадил орзулар қанотида парвоз қилишни яхши кўради; сеҳрли табиат қучоғига, чўққиларга талпинади, жасоратга интилиш, матонат ва шижоат унинг болалик қониди бор. Қиз болалик хотираларини эслаганда, аввало, романтик манзара — хатарли доволон устида бургут билан учрашув воқеаси ёдига тушади; ўша кезлардаёқ у қўрқинч нима эканлигини билмас эди, онанинг ўғитлари қизнинг дилида йиртқич ва мағрур қушларга, баланд тоғлар ва кўм-кўк водийларга бўлган қизиқишини сўндириш у ёқда турсин, баттар кучайтирар, у хавфли деб аталган ишларга ўзини урар, бу йўлдан уни ҳеч ким қайтаролмас эди. Қизалоқ ёлғиз ўзи бургутлар маскани сари бори туриб аранг бир

ўлимдан қолади. Бироқ бу хатар ҳам унинг дилидаги шижоатга путур етказа олмайди. Қиз қанчалик шижоаткор бўлмасин, аини пайтда унинг қалби ниҳоятда майин-мулойим, раҳм-шафқат туйғуси билан лиммо-лим. Яна ўша болалик хотираларини — унинг тоғ бағрида капалак билан ўйнашув лавҳасини, қадрдон Пират бўрилар томонидан чавақлаб ташлаганда дод солиб овози борича ҳўнграб йиғлаганини эсласак, бунга ишонч ҳосил қиламиз.

Бирин-кетин болаликнинг шўх-шаддодликлари ҳам ортда қолади, Ойқиз катта ҳаёт остонасига қадам қўя бошлайди. Худди ўша кезлари она юрт бошига оғир мусибат тушади, уруш бошланади, ўн беш ёшли Ойқиз бирдан улғайиб, катталардек мулоҳаза қила бошлайди; энди унинг ташвиши ва машғулоти ҳам кўпаяди, ҳам ўқиш, ҳам баҳоли қудрат юртга кўмаклашиш керак. Олис тоғ қишлоғига етиб келаётган уруш мусибатлари туфайли Ойқизнинг беғубор қалбига ҳам ларзалар тушади. У изтироб ичида Олимжонни жангга кузатади, илк севги ҳижрони азоблари уни эзади. Ҳаёт-мамот жанги кетаётган, катта-кичик — барча Ватан тақдири ҳақида ўйлаётган ўша кезлари ўз жигари — тоғаси қаллоблик йўлига ўтганини, колхоз ғалласи ўғриси бўлиб чиққанини кўриб ўзини қўярга жой тополмайди. Холис хизмат — у келтирган қорахат туфайли ҳамқишлоқ дугонаси чеккан фарёддан тўлғаниб почтальонлик касбини давом эттиришга юраги дов бермайди. Хусусан, қадрдон акаси ҳалокати ҳақидаги шум хабар Ойқизни ададсиз руҳий қийноқлар гирдобига тортади.

«Ғолиблар»га ёзилган тақризларда қайд этилганидек, ёзувчи уруш туфайли қаҳрамонлар бошига тушган мусибат изтиробларини зўр маҳорат билан ифода этган; акасидан қорахат олинган пайтда Ойқизнинг чийиллаган овози фақат Умурзоқ отанигина эмас, бизнинг ҳам қулоғимизни тешиб юборгандай бўлади, гўё ота кураги ўртасига ташланган бир сиқим чўғ бизнинг ҳам елкамиз-

ни куйдиради; она фарёдини эшитишга бизда ҳам тоқат қолмайди... Олтинсойга қадрдон бўлиб қолган Елена Горишеванинг аччиқ қисмати — уруш туфайли ҳамма нарсасидан жудо бўлиб, вабога учраган азиз фарзандини кимсасиз чўлда қора ер бағрига бериб, бир ҳафта ичида сочлари пағадай оқарган ҳолда қишлоққа етиб келиши тарихи ғоят қисқа бўлса-да, қалбларни титратади. Горишеванинг тақдири беихтиёр «Раксананинг кўз ёшлари»ни эсга солади.

Ёзувчи санъатининг кучи шундаки, асарда одамлар табиати ва қалбидаги ўша мусаллаб ва изтиробларни енгиллашга қодир бўлган куч, а ва матонат катта меҳр-муҳаббат, кучли акс эттирилган; Умурзоқ ота умрининг удҳиш мотам кунини қора ҳошияли пуш эсдан чиқармайди, аммо шу аламларин ит ғами ҳақида ўйлайди, ўша оғир совға-саломини жангчи эди; ғам-мусибат Холм-иамдан олиб кетади, бу-ли билан дунёга кулиб боқади, му... муҳаббат наф етказиш учун тиришади; Горишева бошида шунча ғам-аламлари туриб қишлоқ аҳли ташвишларига шерик тутинади. Бизнинг Ойқиз бўлса меҳнат ва шижоат билан ташвишларни дадил енгади; характеридаги ўша романтик кайфият, она табиатга шайдолик, табиат билан мустаҳкам алоқадорлик бунда унга қўл келади. Автор ёзади:

«Баъзида фронтдан келаётган нохуш хабарлар дилига ғам-алам солса ҳам узоққа бормас, ўрнини севинч-қувонч босиб кетарди. Унга ҳамроҳ бўлган сирли булбул доимо Ойқизни кузатиб юрар, ёнидан жилмас, қандай иш қилмасин, қандай жойга бормасин — ҳамма ерда булбулнинг ширин куйлари ҳамиша қулоғи остида жаранглаб турарди. Дарс тайёрлаш учун ўтирганда ҳам, ҳовлида ойнисига қарашганда ҳам, самоварга олов ташлаб, сут келтириб ўчоққа ўт ёққанда ҳам, дастурхон ёзганда

ҳам ўша булбулнинг оромбахш овози билан маст бўлиб юрарди. Айниқса йигим-терим палласида, хирмонда молотилка олдида қош ва киприклари чангга ботиб ишлаётганида ҳам ана шу ширин куйдан кўзлари ўтдай чақнарди».

Ойқизни ҳаётга, гўзалликка ташна, романтик қалб эгаси дедик; мана шу ҳиссиёт унга сўнмас куч бағишлайди. Унинг кўзига ҳаёт бутун зиддиятлари, мураккабликлари билан гўзал кўринади; унда ҳаётга ташналик шу қадар зўрки, шу ҳаёт бағрида яшаб туриб ўзини қандайдир ҳаёлот дунёсида ҳис қилади. Бир суҳбатда Олимжонга дейди:

«Мен ҳар донм ўзимни ўзим чимдиб олгим ва шундай қилиб тушимми ёки ўнгимми эканлигини текширгим келади... мен уйғониб кетишдан қўрқаман, ҳамиша ажойиб туш кўраману бирданига уйғониб кетишдан, тушимдан асар ҳам қолмаслигидан қўрқаман».

Ойқизнинг бахти шундаки, унинг кўрганлари, қилганлари ҳаммаси реал ҳақиқат. У реал ҳаётнинг романтик табиатли реал қаҳрамонидир. Икки оёғи билан она заминда мустаҳкам турувчи, ҳаётга, гўзалликка ташна, кўнгли дадил орзулар билан тўла, романтик парвозларга шай кишиларгина қаҳрамонона ишларни бажо келтиришга қодирдир.

Ойқиз ўтмиши билан танишгач, биз ана шундай хулосага келамиз, шу тариқа Ойқизни эндиликда жуда катта ишлар қила олишга қодир сезамиз. Дарҳақиқат, Ойқиз улкан ташаббусга қўл уради, босмачилар томонидан топталган, унутилган булокни кашф этади, булоқ кўзини очиш, қўриқ, бўз ерларни ўзлаштириш учун халқни курашга бошлайди. Олимжон, Жўрабоев, Смирнов сафида туриб шу қудратли халқ курашига бош-қош бўлади; шу азиз дўстлари, меҳнаткаш халқ мададида Қодировдек кучлар қаршилигини енгади, табиат стихиялари билан олишувда ғолиб чиқади. Тўғри, у баъзан адашади, ўз билгича иш тутиб, қурилишни хавф остида

қолдиради. Бироқ қизнинг бу қилмиши ғараздан холи, шунинг учун ҳам китобхон уни осонгина кечиради, яна ўша азиз одамлар мададга келади, улар кўмагида хатарнинг олди олинади.

Шу тариқа романда уруш даври машаққатлари, одамлар қалбидаги сўнмас ирода, матонат, урушдан кейинги тинч қурилиш йилларининг кўтаринки руҳи, совет кишиларининг меҳнат-шижоати, бунёдкорлик фаолияти ҳаққоний ифодасини топган. Алоҳида шахслар қисмати-ни ҳикоя қилиш, қалбини очиб бериш бобида ҳам халқнинг оммавий ҳаракатини кўрсатиш, бошқачароқ қилиб айтганда, коллектив образини яратишда ҳам ёзувчи бирдек маҳорат кўрсатади.

Асарда ўзбек халқининг янгича ҳаёт тарзи, сахий қалби, ўзга халқларга чексиз ҳурмати, улар билан ҳамкору ҳамдardлиги катта самимият билан қаламга олинган.

Очиғини айтиш керак, кейинги йилларда ҳаётни, инсоний муносабатларни мураккаблиги билан кўрсатиш шиори остида адабиётда баъзи бир ёқламаликлар ҳам содир бўлди. Айрим қаламкашларимиз ота билан бола, эр билан хотин, ошиқ билан маъшуқа ораларидаги чигал муносабатлар тасвирига ортиқча банд бўлиб кетганлиги сабабли ҳаётдаги нурли ҳодисалар, оиладаги, ота-она билан фарзанд, эр билан хотин орасидаги илиқ муносабатлар, ибрат бўладиган пок севги мулоқотлари бир оз эътибордан четда қола бошлади. «Ғолиблар» халқнинг энг гўзал оилавий удумларини ардоқловчи, соф севгини улуғловчи асар сифатида ҳам ибратли, Умурзоқ ота оиласидаги самимиятга, Ойқиз билан Олимжон севгисига ҳар кимнинг ҳам ҳаваси келади.

Бугина эмас, ёзувчи халқ ҳаёти икир-чикирларини, «ёз ойларида, жазирама иссиқ тепадан уриб турганда усти ёпилган, атрофига қайрағоч ва пайванд тут ўтқазилган супада нонушта қилиш, овқатланиш ёки ғир-ғир шабада эсиб турганда ёнбошлаб ётиш, ухлаб ҳордиқ чиқариш»нинг гаштини, вағиллаб турган самоварни ўртага

қўйиб чой ичиш, жўралар билан ошхўрлик қилишнинг шавқ-завқини, одамлар орасидаги аския, ҳазил-мутойибалар сурурини ҳам жуда чиройли тасвир этади.

«Ғолиблар»нинг повесть варианты ёзувчининг илк йирик асари эди. Бунинг устига повестда 50- йиллар адабиётига хос бўлган баъзи камчиликлар мавжуд эди. Кейинчалик адиб «Ғолиблар»нинг мантиқий давоми бўлмиш «Бўрондан кучли» романини яратди. Роман фақат ёзувчининг ижодида эмас, умуман, совет адабиётида муҳим ҳодиса бўлди. Агар биз «Бўрондан кучли»га яхлит бир асарнинг иккинчи китоби деб қарайдиган бўлсак, унинг олдида биринчи китоб бир оз ғариброқ кўриниб қолади. Ёзувчи шуларни ҳам ҳисобга олиб асарни тубдан қайта ишлади. Ниҳоят, ҳар жиҳатдан «Бўрондан кучли»га тенг келадиган етук бир роман майдонга келди.

Романнинг бир жойида шундай гап бор: «Чиройли сўз киши қалбига ўт ёқади, энг яхши ҳис-туйғулар уйғотади, жасоратга чорлайди». «Ғолиблар»нинг китобхонлар томонидан илиқ қарши олинishi бу фикрни тўла тасдиқлайди.

1974

ТИРИК ҚУШИҚДАЙ

Ўтган кунлар, воқеалар асло такрорланмайди, улар инсон хотирида, қилинган ишлардагина қолади. Афсуски, инсон умрининг, хотира кучининг ҳам чеки бор, энг ҳаяжонли хотиралар ҳам бора-бора ёддан кўтарилади, адо этилган ишлар ҳосиласи қолса-да, жараёни унутилади... Инсониятнинг улуғ бахти шундаки, унинг қўлида хотираларни абадийлаштирадиган, жараёнларни қайта гавдалантирадиган сеҳрли қурол бор. Бу — санъат ва адабиёт. Сўз санъатининг забардаст тури — реалистик роман жанри бу борада беқиёс имкониятларга эга. Саид Аҳмаднинг «Қирқ беш кун» асарини ўқиганда, роман жанрининг сеҳрли, мўъжизакор кучига яна бир бор тан берасан киши.

Бу роман бундан роппа-роса ўттиз беш йил бурун бўлиб ўтган аломат бир ҳодиса — тарихда мисли кўрилмаган улкан халқ қурилиши, билак кучи билан қирқ беш кун ичида қуриб битказилган Катта Фарғона канали бунёдкорлари ҳақида ҳикоя қилади.

Неча йилдирки, Катта канал Фарғона водийсига обиҳаёт таратади, минглаб гектар ҳосилдор ерларнинг, миллионлаб водийликларнинг ташналигини қондиради. Шу канал бўйида яшаб туриб, унинг қурилиш тарихидан беҳабар кишилар ҳам топилади. Хусусан, каналдан кейин туғилганлар уни етарли тасаввур этолмайди.

Яқинда Қонибодомда бўлганимда бир сотувчи қиз қўлида «Шарқ юлдузи»ни кўриб қолдим. У харидорларга

ҳам эътибор бермай, журнал саҳифаларидан кўз узмас эди. Билсам, «Қирқ беш кун»нинг сўнгги саҳифаларини ўқиётган экан. Қиз қандайдир руҳий мамнуният билан журнални ёпди. Ундан роман ҳақидаги фикрини сўрадим. Хийла гапдон чиқиб қолди.

— Узумини еяверибмизу боғини суриштирмабмиз,— дея жавоб қилди у.— Шундоқ каналнинг ёнгинасида турамиз. Канал тарихи ҳақида унча-мунча эшитган эдим у бунчалик эканлигини билмасдим. Романни ўқиб, канал қурилишини худди ўз кўзим билан кўргандай бўлдим, халқ жасоратига тан бердим; халқ ҳаракати сурони худди тирик қўшиқдай қулоғимда жаранглаб турибди...

Романнинг асосий пафоси оддий китобхонга етиб борганлигини, уни қаттиқ ҳаяжонга солганлигини кўриб қувониб кетдим.

Дарҳақиқат, «Қирқ беш кун»нинг бош қаҳрамонни канал қурган халқ; ёзувчи халқнинг қудратли ҳаракатини, меҳнат шижоатини, канал қурилишининг кенг манзарасини жонли, ҳаяжонли тасвир этади. Гарчи асарда қурилишнинг кичик бир участкасидаги ҳодисалар қаламга олинса-да, икки юз етмиш километрга чўзилган трассадаги қирқ беш кунлик жўшқин ҳаётни барала ҳис этиб турасиз. Ёзувчи бунга хилма-хил йўллар билан эришади; ўрнини топиб аниқ ҳужжатларни, рақамларни келтиради, ҳужжатли киноленталарни ишга солади, давлат арбоблари, ёзувчи — санъаткорлар, журналистлар иштироки, сўзлари — барчаси жам бўлиб қурилиш ҳақидаги тасаввурни кенгайтиради.

Кимдир: «Катта Фарғона канали қурилиши социализмнинг халқ онгидаги тантанасини намоён этиувчи бир кўрик бўлди», деган эди. Романда тасвир этилган қурилиш манзарасига назар ташланг: эркак-аёл, ёш-қари бутун вужуди билан ўзини меҳнатга уради, бу улкан халқ ҳашарида қатнашиш улар учун катта байрам, зўр тантана. Коллектив иши, манфаати учун улар жонини, жаҳонини беришга ҳам тайёр...

Шуниси характерлики, халқ ҳаракати меҳнати кенг ифода этилган бу асарда ишлаб чиқариш характеридаги конфликти, можаролар деярли йўқ. Эҳтимол, аслида бундай ҳодисалар юз бергандир, канал қурилишининг бевосита иштирокчиси бўлмиш ёзувчимизга улар аёндыр, автор уларни атайин четлаб ўтгандир. Асарда Усмон отанинг адибларга айтган шундай бир сўзи бор: «Кўряписизлар-ку, халқ қандай ишлар қиляпти. Халқимиз ажойиб. Уларга малол келадиган гапларни ёзмаслик керак». Эҳтимол адиб ўша маслаҳатга амал қилгандир...

Гарчи меҳнат билан боғлиқ можаролар бўлмаса-да, халқ ҳаракати тасвири ўзига хос ички драматизм билан йўғрилган. Оммадаги битмас-туганмас куч-ғайрат, шижоат; оддий деҳқонга, жисмоний меҳнат кишисига хос орият, ғурур, ўзаро социалистик мусобақа, одамлар билан табиат орасидаги шиддатли олишувлар, кундузги меҳнат машаққатлари, тунги базмлар, курашлар, тантаналар — барчаси меҳнат тасвирига кучли динамика бахш этади.

Канал қурилиши асосан қўл кучи билан адо этилган. Ёзувчи шу ҳақиқатга таяниб жисмоний меҳнат сурурини, жисмоний куч-қувват, заковат поэзиясини очишга айрича аҳамият беради, халқ орасидан чиққан паҳлавонлар образининг бутун бир галереясини яратади, ҳатто навқирон баҳодир Азизхонни асарнинг марказий қаҳрамони даражасига кўтаради. Оддий меҳнат аҳли удумларини, орият, ғурури тантилигини ўзларида жуда ёрқин гавдалантирган бу образлар романдаги миллий бўёқларни хийла қуюқлаштиради.

Асардаги ёрқин миллий руҳ чуқур интернационал мазмунга эга, ўша миллий либосда кўринган ғайрат-шижоат, ғурур, ифтихор замирида аслида социализм, бутун юрт манфаати ётибди. Канал қурилиши ҳаракати мамлакатимиздаги ҳодисалар билан, ўша кезлари Ватан бўйлаб авж олган стахановчилик ҳаракатлари билан боғлиқ ҳолда талқин этилади. Романининг интернационал

пафосини оширадиган яна қатор факторлар мавжуд — аввало, партия ва давлат раҳбарлари бу ишга бош-қош бўлади, уни уюштиради, халқ кайфиятини суриштириб, халқ ҳаракатига далда, мадад бериб туради. Асарда қардош халқ вакиллари, айниқса халқ орасида Сув тўра деб донг қозонган рус инженери Белявский, ҳазилкаш, дилкаш, оғзидан «Гулойим» қўшиғи тушмайдиган уйғур йигити Рўзи охун, азамат қирғиз ота-боболар образлари ғоят жозибадор, ёқимтой чиққан.

Сўнгги йиллар ўзбек романчилигида характерли бир тенденция кўзга ташланыпти — тарихий ва оддий роман жанрлари орасидаги тафовут йўқолиб борапти, социализм қурилишининг турли босқичлари ҳақида ҳикоя қилувчи йирик асарларга тобора аниқ ҳужжатлар, тарихий воқеалар, ҳаётда бор шахслар кўплаб кириб келяпти. Шу хусусиятни «Қирқ беш кун» романида ҳам кўриш мумкин. Асардаги қурилиш билан боғлиқ ҳодисалар, географик муҳит, жойлар айнан берилган. Жуда кўп персонажлар ҳаётда бор шахслар, авторнинг айтишича, ҳатто Азизхон, Эш полвон, Лутфиниса, Белявский сингари «тўқима образлар»нинг ҳам ҳаётда аниқ прототиплари мавжуд экан. Гарчи эпизодик тарзда бўлса-да, У. Юсупов, Й. Охунбобоев, Б. Усмонхўжаев, Т. Мирзаев каби раҳбар ходимларнинг, П. Павленко, Эйзенштейн, Ҳ. Носирова, Тамарахоним, Юсуф қизиқ, Ойбек, Ғ. Ғулом, Ҳ. Олимжон каби адабиёт, санъат ва маданият арбобларининг, Дўнан полвон типидagi меҳнат баҳодирларининг ўша улкан ишлардаги иштирокини барала ҳис эта оламиз. Ёзувчи бу тарихий шахсларнинг инсоний қиёфасини, табиатини очиб берадиган ёрқин деталларни топа билган. Романдаги аниқ шахслар, айниқса ёзувчиларга оид тасвирларни ўзига хос хотира — эсдалик деб аташ мумкин.

Усмон Юсупов образи, менимча, ёзувчининг жиддий ютуғи. Маълумки, Катта Фарғона канали ҳозирги кунда ана шу машҳур партия ва давлат арбоби номи билан юритилади. Бу тасодифий эмас. Усмон ота шу улкан

қурилишнинг бошида турган эди. Ёзувчи романда ота образига муносиб ўрин берган. Отадаги раҳбарлик маҳорати — сафарбарлик, дилкашлик хислатлари дуруст очилган. Китобхон уни хилма-хил вазият ва ҳолатларда кўради: Сталин билан телефон орқали гаплашганда у жуда жиддий, олим ва мутахассислар билан мунозарада хийла кескин, санъаткорлар даврасида доно маслаҳатгўй, матбуот конференциясида катта билимдон, улкан қурилишнинг ипидан-игнасиғача хабардор раҳбар; катта йиғинларда оташин сўзи билан халқ қалбига ўт ёқишга қодир нотик, оддий одамларнинг қувончига ҳам, ташвишига ҳам шерик тутинадиган — кези келганда ҳазил-мутойибани, аския ва қочириқларни жойига қўядиган дилкаш, самимий шахс...

Адиб совет адабиётининг бой тажрибасига таяниб оммавий картиналарни чизишда катта маҳорат кўрсатган, трассадаги оммавий меҳнат, дарёга сепоя ташлашдаги коллектив жасорати, аёллар бригадасидаги ҳангома лавҳалари зўр реалистик куч билан гавдалантирилган; ёзувчи қаламига хос жўшқин лирика ва қувноқ юмор оммавий картиналар тасвирига ўзига хос жозиба бахш этган.

Романда «Халқ ҳаракати янги қаҳрамонлар яратади» деган ибора кўп марта тилга олинади; гўё бу гап асардаги марказий фигура — Азизхон образи орқали тасдиqlанади. Ёзувчининг катта ютуғи шундаки, асарда халқ ҳаракати жараёни алоҳида шахс Азизхон характери ва тақдири тасвири билан туташиб, чатишиб кетган. Шўх-шаддод, паҳлавон йигит Азизхоннинг қўйилиб «одам бўлиш» тарихининг ўзи, бир оз дағал, ёниқ, аммо ниҳоятда самимий, нурли ва фожий севги саргузаштларининг, висол лаззатларию ҳижрон аламларининг ўзи алоҳида бир дoston; бироқ бу улкан қисмат, севги дostonи тарихини ўша қудратли халқ ҳаракатидан айри ҳолда тасвир ва тасаввур этиш мумкин эмас.

Саид Аҳмаднинг аввалги асарларида, чунончи, чўл-

қуварлар ҳақидаги ҳикояларида жисмоний баркамол баҳодирлар образи учрар эди; Азизхон талқинида ўша тажрибанинг излари сезилиб турибди; бу ерда жисмоний заковат характернинг етакчи хислатига айланади, Азизхон ўзбек паҳлавонларининг типик вакили даражасига кўтарилади, барча баҳодирларга хос тенгсиз қудрат, ирода, ғурур, бир оз кибр-ҳаво, ўжарлик айни пайтда тантлики ва мардлик унда ҳам бор. Буларнинг барчаси Азизхонда такрорланмас, ўзига хос тарзда намоён бўлади, бошқа полвонлар, айниқса Эш полвон билан мулоқотда, қиёсда Азизхоннинг ўзлиги мана мен, деб туради.

Ёзувчининг кўпгина ҳикояларида, «Уфқ» трилогиясининг аввалги икки китобида юмор билан жило берилган қаҳрамонона характерларни кўп учратамиз. Бу усул Азизхон талқинида жуда-жуда қўл келган. Автор бу образи билан қувноқ, ҳаётбахш, ижобий юморнинг кучқудратини яна бир бор намоёниш этган.

Асарда қаҳрамоннинг қисқа бир муддат — қирқ беш кун ичидаги ҳаёти акс этган, шу қирқ беш кун унинг бутун борлигини алғов-далғов қилиб юборади; кечагина кўча чангитиб, ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини олиб, куч-қувватини қаерга қўйишни билмай, юрт кўзидан четда, майда, оддий ишлар билан шуғулланиб юрган бола қудратли халқ ҳаракатига — канал қурилишига келади-ю, меҳнат қаҳрамонига айланади, халқ назарига тушади, партия, давлат арбоблари эътиборини ўзига тортади; илк бор у ўзининг ҳаётдаги ўрни, эл-юрт, ота-она олдидagi бурчи ҳақида ўйлай бошлайди, энди у ўз қилмишлари ҳақида ўзига ҳисоб берадиган бўлиб қолади; шу қирқ беш кун ичида унинг шахсий ҳаётида бутун умрга татиғулик ҳодисалар бўлиб ўтади; ихтиёрсиз ниҳоқ қурбони бўлаётган севгилисини ҳалокатдан қутқаради, унинг васлига эришади, севги васлининг тотли дاملарини туяди, севгилисидан жудо бўлиб, ададсиз қийноқлар ичида қолади, шу муддат ичида бошқа бир гўзал аёлнинг илтижою илтифотларига дуч келади...

Ёзувчи олдида қаҳрамон ҳаёти, табиаи ва руҳиятида қисқа бир муддат ичида юз берган бу хил кескин ўзгаришларни китобхонга ишонарли қилиб етказишдек мушкул вазифа турар эди. Бу мураккаб ижодий вазифа асосан муваффақиятли ҳал этилган. Адиб қатор контрастли ҳолатларни — бирин-кетин ўрин алмашиб турган гоҳ қувончли, гоҳ ташвишли, гоҳ осойишта, гоҳ кескин драматик, гоҳ кулгили, гоҳ қаҳрамонона дамларни моҳирона ифода этган; айниқса бахтли дақиқа кетидан келган мудҳиш ҳодиса — Лутфинисани тантанали кечада ака томонидан ҳалок этилиш воқеаси китобхонни ларзага солади.

Бошқа қатор персонажлар — ота-она, Эш полвон, Нормат, Акбарали, Вазиралар билан муносабатда Азизхон образининг яна янги қирралари кўринади. Ота-онанинг шўх-шаддод ўғил ҳақидаги ташвишлари, Азизхон билан Эш полвон орасидаги гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона тортишувлар ва пировардида ҳар иккала полвоннинг тантилиги туфайли можаронинг бартараф этилиши; аламзада Норматнинг қора ниятидан қайтиши, Азизхон қасдида юрган хунхўр, ғурур, ор-номус, шуҳрат қурбони қотил Акбаралининг охирида ўз-ўзини чавақлаб ташлаши — буларнинг барчаси марказий қаҳрамоннинг шахсий ҳаёти билан боғлиқ сюжет йўналишини тўлдиради, кенгайтиради, айти пайтда бу персонажларнинг ҳар бири бетакрор табиаи билан таниш, жонли сиймо тарзида китобхон хотирида мустаҳкам ўрнашиб қолади.

Романнинг кам-кўстларига келганда шуларни айтиш мумкин:

Азизхоннинг таъриф-тавсифида бир қадар такрорийлик ва ўта муболағадорлик бор; ёзувчи Азизхоннинг болалик кечмишига онд фактларни гоҳ ўз баёни, гоҳ қаҳрамон назари, гоҳ ота-она нигоҳи, гоҳ муҳбир мақоласи орқали бир неча бор ифода этади.

Вазирага муносабатда автор Азизхоннинг илк севгисига садоқатини таъкидламоқчи. Бундай ўринларда та-

бийликка кўра атайинлик устунлик қилиб турибди. Устига-устак қаҳрамон оғир кўргиликлар гирдобини ичида турганда Вазиранинг шаҳвоний ҳирс билан Азизхон те-варацида гирдиқапалак бўлиши асар охиридаги жиддий руҳни хийла енгиллаштириб қўйган. Ёзувчи Вазирани фидойи маъшуқа деб талқин этади, Вазира Азизхон кўйида онласини ташлаб кетади. Бироқ амалда бу аёл фидойи маъшуқа эмас, шунчаки енгилтак, шаҳвоний ҳирс қурбони бўлиб кўринади. Асарда анча кенг ўрин олган бу аёлнинг онлавий қисмати яхши очилмаган, не-не йиғитларга қиё боқмаган бу «фаришта» аёл нима са-бабдан ожиз-нотавон бир эрга чиқади, буниси номаъ-лумлигича қолган.

Етим ўсган, болаликда кўп жабр-ситамлар кўрган Лутфинисанинг қалбидаги жараёнлар, аламлар, орзу-ин-тиллишлар керагича очилмагандай туюлади.

Романда бир қатор ноаниқ деталлар, зиддиятли ўринлар ҳам учрайди. Масалан, бир ўринда автор Иноят оқсоқол эшагини сартарошхона олдидаги толга боғлаб қўйгани ҳақида ёзади, сал нари бориб шу саҳифанинг ўзида бирдан ўша эшак ёнғоққа боғланиб қолади; ро-манинг II бўлимида Акбарали ўзини сувга отгани ай-тилади, III бўлимга ўтиб Азизхон Акбаралини «азот кўтариб дарё тўлқинига улоқтирди», дейилади.

«Қирқ беш кун» романи «Уфқ» трилогиясига биринчи китоб тарзида ёзилган. Бу китобни «Уфқ» билан туташ-тирадиган қатор персонажлар, сюжет чизиқлари бор. «Уфқ»да кенг ўрин тутган Турсунбой, Иноят оқсоқол характерининг илдиzlари бу романда анча кенг очилади. Икромжон, Умматали, Тўланбой, Тоға каби персонаж-ларнинг ибтидоси, меҳнат фронтидаги — канал қурили-шидаги иштироки кўрсатилади; «Уфқ»да шунчаки тилга олинган, жангдан қаҳрамон бўлиб қайтгани айтилган Азизхон бу ерда марказий қаҳрамонга айланади...

Трилогия устидаги иш иккинчи китобдан бошланиб биринчи китоб билан якунланади, автор бу асар устида

ўн беш йил меҳнат қилди. Узоқ муддатли мана шу ўзига хос ижодий меҳнат туфайли трилогиянинг турли китоб ва қисмларида баъзи таҳрирталаб ўринлар ҳам чиқиб қолди. Адиб трилогияни яхлит ҳолда нашрга тайёрлашда буни ҳисобга олар, деган умиддамиз.

«Қирқ беш кун»ни дадил адабиётимизда муҳим ҳодиса деб аташ мумкин, ёзувчи унда республикамиз тарихининг ёрқин бир саҳифасини муносиб ифода этиб берди; автор қалами остида халқнинг мислсиз қаҳрамонлиги, меҳнат шижоати тирик қўшиқдай қайта жонланди.

«Қирқ беш кун» билан ниҳоясига етган «Уфқ» трилогияси яхлит ҳолда катта прозамизнинг бугунги камолотини кўз-кўз қилувчи асарлардан биридир.

1974

МАНГУ ХАЗИНА

Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романи жаҳон илмий жамоатчилиги буюк ўзбек олими Абу Райҳон Берунийнинг минг йиллик тўйини нишонлашга ҳозирлик кўраётган бир пайтда китобхонлар қўлига етиб борди. Маълум бўлишича, Беруний 150 га яқин асар яратган, шулардан атиги бешдан бир қисми бизнинг кунларимизгача етиб келган. Бу ҳол кишини ҳам афсуслантиради, ҳам ҳайратга солади. Ахир маърифат дурдоналари тўлиқ сақланиб қолганда инсониятнинг илм хазинаси яна ҳам мукамалроқ бўлмасмиди! Бироқ феодал истибдоди, ислом фанатизми, жаҳолат ҳукм сурган даврлардан, ададсиз қонли урушлар, босқинлар, қирғинлар, ёнғинлардан омон қолиб, улардан бир улуши бўлса-да, шу кунларгача етиб келиши мислсиз бир ҳодиса!

Биз маданий бойликлар ижодкорлари ҳақида кўп гапирамиз шу бойликларни асраб-авайлаб авлодлардан авлодларга, асрлардан асрларга олиб ўтган кишилар ҳақида кам гапирамиз. Инсоният даҳосининг буюк қомуסי саналмиш битикларни асраб қолишда ўзларини «фақиру ҳақир» санаган камтарин хаттотларнинг улкан хизматини, китоб ишқида ёнган, бошларига қилич келганда ҳам китоб асраш, уни тарғиб ва ташвиқ қилиш аҳдидан қайтмаган фидойиларнинг жасоратини унутишга ҳақимиз йўқ! Фақат Беруний мероси эмас, қадимда ўтган барча буюк алломалар яратган асарларнинг тақдири худди ўша «фақиру ҳақир»ларнинг, китоб шайдолари ва

фидойи шогирдларнинг хизмат ҳамда жасоратларига боғлиқдир. Гомер, Софокл, Ибн Сино, Фирдавсий, Навоий, Шекспирлар ана шуларнинг хизмат ва жасорати туфайли тирик қолган. Қисқаси, инсоният фақат яратиш билангина чекланмайди, айни пайтда у ҳамиша асраш-авайлаш ишқин билан яшайди.

«Улуғбек хазинаси» романини ўқиганда шу ҳақиқат ёдга тушади, шу муқаддас ҳақиқат туйғуси бутун борлигинингизни чулғаб олади. Демак, бу роман катта умуминсоний мавзуга бағишланган, унда кўпчиликни ҳаяжонга соладиган масала кўтарилган.

Роман конкрет тарихий ҳақиқат асосида ёзилган. Буюк аллома Улуғбек хазинаси — у йиққан, яратган жамики китобларнинг, тилларда дoston бўлиб қолган машҳур кутубхонанинг тақдири муаммоси кўпдан бери илмий жамоатчиликни қизиқтириб келади. Ёдда бўлса керак, бир неча йил бурун «Правда Востока» газетаси шу хусусда баҳс очган, бу баҳс ҳатто улкан тадқиқотчи Ираклий Андроников эътиборини ўзига тортган эди. Бу баҳсда илгари сурилган, хусусан, И. Андроников мақоласида ўртага қўйилган фикр ва мулоҳазалар кўплар қатори ёзувчи О. Ёқубовда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Шу пайтга қадар «замонавий ёзувчи» бўлиб танилган, доимо замонавий темада қалам тебратиб келган адибимиз энди хаёлан олис тарих саҳифаларини «сайр этиш»га тушди, кўлгина тарихий ҳужжатларни, Улуғбек ҳаёти ва даврига оид манбаларни ўрганиб чиқди, Улуғбек тўплаган, яратган улкан маънавий хазинанинг тақдирига алоқадор фактларни қидирди. Ёзувчи, аввало, Улуғбек кутубхонасининг қисматидан баҳс этувчи бир саргузашт қисса яратмоқчи бўлган эди, бундай қисса битилди ҳам, аммо авторнинг ундан кўнгли тўлмади, ижодий иш давом этди. Хаёлда чарх урган фикрлар, гавдаланган образлар кенгайиб, тўлишиб, жиддий йирик асар шаклига кира бошлади, ниҳоят, «Улуғбек хазинаси» номи билан аталган роман майдонга келди.

Маълумки, Улугбек ҳақида бир қанча бадний асарлар бор, улар орасида М. Шайхзоданинг «Мирзо Улугбек» трагедияси асосида ажралиб туради. Улугбекнинг сўз очган ҳар бир қаламдан бу ажойиб трагедиянинг чиқиб ўтиши мумкин эмас. О. Ёқубов ҳам М. Шайхзода тажрибаларидан баҳраманл бўлган. Роман билан трагедия орасида талай умумийликлар мавжуд. Чунки, роман ҳам худди трагедия қаон Улугбек ҳаётининг сўнгги даврини ҳикоя қилишдан бошланади, трагедиянинг кўпгина тарихий фактлар романда ҳам тилга олинади, бир қанча тарихий шахслар бу ерда ҳам янгироқ этиди-лар. Шу билан баробар «Улугбек хазинаси» фактлар, тарихий шахсларнинг бадний талқини, ўзининг услубий, ғоявий-бадний йўналишни жиҳатидан «Мирзо Улугбек» трагедиясидан кескин фарқ қилади.

Аввал айтилганидек, Улугбек маънавий хазинасининг тақдири масаласи романинг асосий ғоявий мундарижасини ташкил этади. Қитоб — хазина рамзний образ сифатида бутун асарни тутиб туради, романдаги барча воқеалар, кураш ва олишувлар шу муқаддас хазина теварагида кетади, образлар характери шу хазинага муносабатда очилади.

Мирзо Улугбек султонлик тахтидан кетяпти. Шу оғир, фожий дақиқаларда у жуда кўп нарсалар тўғрисида ўйлайди, мураккаб руҳий ҳолатни бошдан кечиради. Аввало — у шоҳ, темирқозда, тож-тахт тақдири учун жавобгар шахс, нима қилиб бўлса-да, у ҳокимиятни қўлда сақлаб қолиш учун тиришади; аммо у риёкор, жоҳил рақиблар қуршовида, ўз ўғли улар қўлида қўғирчоқ, тож-тахт деб отага қарши бош кўтарган. Бу ҳол буюк алломани ададсиз қийноқлар гирдобига тортади. Улугбекда инсоний гурур жуда кучли. Шоҳлик қони жўш уриб, тож-тахт ҳимояси учун ўғлига қарши жангга отланар экан, номус туйғуси уни қийноққа солади, эл-юрт, келгуси авлодлар олдида бундай нобакор ишга қўл ургани учун ор қилади, ёмон ном қолдиришдан қўрқади. Мирзо Улуг-

бек — олижаноб одам, у муносиб меросхўр топилса, тож-тахтни яхшиликча топширишга ҳам тайёр; бироқ аждодида бундай кимса йўқ. Абдуллатиф риёкор, яна бир ўғли Абдулазиз мажруҳ, калтабин шахс. Ота тож-тахтни уларга ишониб топширолмайди; Улуғбекни ҳаммадан ҳам Мовароуннаҳрга қирқ йил раҳнамолик қилиб орттирган асосий бойлиги — мадрасалари-ю, расадхонаси нодир хазинаси — тўплаган кутубхонаю яратган асарлари — барчасининг зеру забар бўлиш хавфи ташвишга солади...

Тож-тахт бебақо, тафаккур эса безавол, мангу деган ҳикмат бор. Шу ҳикмат романда чиройли, бетакрор бадний ифодасини топган. Улуғбекнинг фожияси шундаки, у эгалик қилган моддий мерос — тож-тахтнинг истиқболи забун, ворислари нобакор, ўз ўғлидан тортиб қўл остидаги барча мансабдорлари, ишонган тоғлари хиёнаткор бўлиб чиқадилар. Бу алломанинг бахти шундаки, у тўплаган, яратган маънавий мерос — нодир китобларнинг муносиб ворислари, ишонган, садоқатли, жонкуяр шогирдлари бор. Энг қийин дақиқаларда ана шу ворислар Улуғбек ташвишига шерик, дардига малҳам бўладилар. Улуғбек меросини кўз қорачиғидай асраш, авайлашга сўз берадилар.

Улуғбек тахтдан тушади, ҳокимият тепасига жоҳил фанатик қаллоблар қўлида қўғирчоқ бўлмиш Абдуллатиф келади, қора кучларнинг даври даврони, маърифат аҳлининг эса қора кунлари бошланади. Романнинг иккинчи қисми ана шу мудҳиш кунлар тасвири ва таҳлилига бағишланган. Ёзувчининг маҳорати айниқса шу қисмда яхши намоён бўлган.

Бир томонда Абдуллатиф бошлиқ қора гуруҳлар — уларнинг маънавий раҳнамоси Хўжа Аҳрор, шайх Низомиддин Хомуш, Салоҳиддин заргар, амир Жондор, айгоқчи Қашқир... Иккинчи томонда Али Қушчи бошлиқ маърифат фидойилари... Улуғбек хазинасини ўша даҳшатли кунларда қора гуруҳлар назаридан, таҳдид ва надоматидан ҳимоя этиш учун кетган шиддатли, хатарли

курашда кенг халқ оммаси вакиллари — мадраса талабаси ёш шогирд Мирам Чалабийдан тортиб халқ орасидан чиққан шоир Қарноқийгача, оддий темирчи Уста Темур Самарқандийдан тортиб маърифатли аёл Хуршида бонугача — барча иштирок этади. Бу билан ёзувчи муҳим ғояни — Улуғбек маънавий мероси халқ мулки эканлигини таъкидлаган.

Уша оғир синов пайтида маслакдош шогирдлар орасида ҳам сараланиш юз беради, чунончи, мавлоно Муҳиддиндек олим мудҳиш воқеалар олдида довдираб, ўз устозидан юз ўгиради, фанга, эътиқодига хиёнат қилади.

Булар асарда шунчаки баён этилган эмас, балки муносиб бадний ифодасини топган. Автор бу романда тарихий жанрнинг яхши анъаналарини давом эттирган, уларга янгича сайқал берган.

Бизда тарихий жанрнинг икки кўриниши мавжуд. Бир тур асарларда тарихий фактларга изчил риоя этилади, тарихий шахслар биографияси айнан ўзидек берилади; тарихий ҳодисаларни бадний гаудалантириш ёзувчининг асосий муддаосига айланади; иккинчи тур асарларда эса, тарихий фактлар, шахслар асос қилиб олинади-ю, фантазия, бадний тўқимага эрк берилади, тарихий фактларнинг изчил ифодаси тарихий шахсларнинг батафсил биографияси эмас, балки шу фактлар баҳонасида маълум ижтимоий-ахлоқий проблемаларни кўтариш, тарихий факт орқали «гап айтиш» биринчи ўринга чиқади. «Улуғбек хазинаси» романи кейинги турга мансуб.

Улуғбекнинг сўнгги жанглари, мағлубияти, ҳалокати, Абдуллатифнинг тахтга келиши, ўлими каби воқеалар романда тарихий ҳужжатлар асосида чин берилган. Бироқ Улуғбек, Абдуллатиф, Хўжа Аҳрор каби тарихий шахслар, шунингдек, асарда кенг ўрин олган Али Қушчи ҳаёти ва фаолиятини тўла ёритишни ёзувчи ўз олдига мақсад қилиб қўйгани йўқ. Шунингдек, Улуғбекнинг тахтдан кетиш, Абдуллатифнинг тахтда туриш даврида-

ги барча тарихий воқеалар батафсил ёритилган эмас. Ёзувчининг асосий муддаоси, Улуғбек маънавий хазинасининг тақдирини кўрсатиш бўлганидан автор тарихий фактларни қаламга олганда шу бош муддаодан келиб чиқиб иш кўради, керакли ўринларнигина ҳикоя қилади. Ҳали илмий жиҳатдан асосланмаган тахминий ҳодисалар — Улуғбек кутубхонасини асраш, уни тоғ оралигидаги ғорга яшириш воқеалари, бу ишга шогирди ва олим Али Қушчининг бош-қош бўлиши факти романнинг етакчи сюжет йўналиши даражасига кўтарилади.

Агар биринчи тур асарлар талабидан келиб чиқиб ёндашилладиган бўлса, «Улуғбек хазинаси»дан жуда кўп камчиликлар топиш мумкин, бироқ тарихий жанрнинг иккинчи тури мавжудлиги назарда тутиладиган бўлса, Одил Ёқубов тутган йўл ўзини тўла оқлайди.

Жанр ва танланган ҳаётий материал тақозосига кўра, асар сюжети саргузаштли — детектив тус олади, хазинани ғорга жойлаштириш, Али Қушчининг зиндондан қутқариш воқеалари, Қарноқий билан Хуршида бонунинг севги тарихи сирли — сەҳрли тарзда қизқарли ҳикоя қилинади.

«Улуғбек хазинаси»нинг тасвир ритмикаси, қатор тарихий асарлардан фарқли ўлароқ, хийла тезкор, шиддатли. Асарда ўткир драматик картиналар, характер ва ғояларнинг ошқора тўқнашуви асосига қурилган ёрқин лавҳалар кўп. Ғарб романчилигида ва киносидаги тасвирларни эслатадиган, айни пайтда ниҳоятда миллий, Шарққа хос кўринишга эга бўлган от чопишлар, от устидаги жанг ва олишувлар романда кўп учрайди, отлар дупури, чавандозлар ҳайқириги барала қулоққа эшитилиб туради. Қарноқийнинг даштлик қароқчилар билан солишуви, Хуршида бонунинг қутқариш учун отлиқ олғирларга ташланиши, Абдуллатифнинг чопқин пайтидаги ҳалокати каби шиддатли, ҳаяжонли лавҳалар маҳорат билан чизилган.

Кейинги пайтларда айрим адабиётшунослар, «кон-

фликт
лишди
барча
харак
ли аса
рилмо
лар э
ётида
«У
тик б
ракте
колл
Абдул
қийно
ли хо
чи то
занф
алоҳи
дин б
юзма
дин
даги
такро
шувл
дий р
Рос
лар,
боғла
келат
Е
ган.
қала
ўша
келга
асар
Айри

нинг икки тури» ҳақида кўп гапирадиган бўлиб қо-
бундай баҳслар баъзан догматик тус олаётир;
сарлар сунъий равишда икки гуруҳга ажратилиб,
ерлар аро тўқнашув асосига қурилган конфликт-
ларга эскича, анъанавий, деган ёрлиқ ёпишти-
да, ички руҳий коллизия тасвиридан иборат асар-
«янгича», «новаторлик» — бу йўл ўзбек адаби-
бутунлай «янги тенденция» деб эълон этилмоқда.
ўзбек хазинаси» бундай «башорат»ларни, догма-
сларни пучга чиқарувчи асар сифатида ҳам ха-
ти. Бир томондан, романда биз талай кучли руҳий
иялар тасвирини ўқиймиз. Улуғбек изтироблари,
аатифнинг ота ўлиmidан кейинги васваса-ю, руҳий
лари, хусусан, боғдаги сўнгги кечадаги даҳшат-
атини бутун қалбимиз билан ҳис этамиз. Иккин-
ондан, ёзувчи сўнгги йиллар прозасида нисбатан
иқаётган характерлар аро тўқнашувлар тасвирига
аа эътибор беради. Улуғбекнинг шайх Низомид-
лан илмий мусоҳабаси, ўғли Абдуллатиф билан
ёз тўқнашуви, Али Қушчи билан мавлоно Муҳид-
расидаги даҳанаки жанглар, айниқса зиндон-
ртишувлар, олимнинг Абдуллатиф билан такрор-
тўқнашувлари — булар шунчаки олишув, торти-
бўлмай, бир-бирига зид характерларнинг, ашад-
қибларнинг, турли хил ғояларнинг тўқнашувидир.
ан-композицион жиҳатдан пухта ишланган. Воқеа-
рактарлар изчил, бир-бири билан мантиқан пухта
ган, бир воқеа кетидан иккинчиси табийий оқиб
ради.

вчи асар тили, услуби устида катта меҳнат қил-
амиша замонавий темада қалам тебратиб юрган
кашнинг олис тарихий давр ҳақида асар ёзиши,
авр руҳига мос услуб топиши осон эмас эди. Кези
да шуни ҳам айтиш керакки, тарихий мавзудаги
арда кўпинча икки хил камчиликка дуч келамиз.
авторлар тилда, услубда давр руҳини бераман

деб архаизмга мойиллик кўрсатадилар, замонавий тилдан узоқлашиб кетадилар, иккинчи гуруҳ ижодкорлар эса ҳозирги кунга яқин келаман деб тарихийликни, давр руҳини, колоритини бера билмайдилар. О. Ёқубов, А. Қодирий, Ойбек, М. Шайхзода анъаналарини давом эттириб ўрта йўлни топишга муваффақ бўлган. Бир томондан, автор ҳозирги адабий тил нормаларига, бойликлари таянган, ҳозирги китобхон учун мос бир тилда сўзлай билган; иккинчи томондан, тилда давр колоритини меъёри билан сақлаган; шуниси характерлики, асар тил жиҳатдан ҳозирги сўзлашувга яқин бўлса-да, унда бирорта ҳам бугунги муомалада кўп учрайдиган интернационал сўз йўқ, шундай қилинганда колорит бузилган бўлар эди. Роман тилининг луғат таркибини асосан XV асрда кенг муомалада бўлган ва ҳозирги кунда ҳам қўлланиладиган сўзлар ташкил этади.

Очиғини айтиш керак, шаҳар, сарой, мадраса, маърифат кошоналари тасвирида бўёқлар бир оз камбағал, тасвир шаҳардан ташқарига кўчиши билан бўёқлар камалакдек товланади; жаннатмисол боғ-роғларни, кўкатлар билан бурканган қир-адирларни, тоғу горларни, сўфитўрғайлар чуғурлаб турган кўм-кўк самони, ойдин кечаларни тилга олганда ёзувчи шоир бўлиб кетади.

Адиб характерлар портретини, ҳолати, хатти-ҳаракатини очадиган пухта, чиройли ифодалар, тарихий муҳит инъикосига мос деталлар топади, лекин муваффақиятли чиққан ибораларни баъзан такрор-такрор қўллайверади. «Танобай ҳона», «учлик тақия», «заңжисифат саройбон» деган ибораларга кўп марта дуч келамиз, «теран», «симобий» сингари сифат ва сифатдошларни ўринли-ўринсиз ишлатаверади. Жумладан, «симобий қалқон», «симобий шамшир», «симобий салла», «теран бир андуҳ», «теран бир ўйчанлик», «теран бир маҳзунлик», «теран бир лоқайдлик», «теран бир сукунат», «теран бир мунг»... ва ҳоказо.

Роман ёзувчининг характер яратиш маҳорати ошганлигини тасдиқлаб турибди. Аламлар ўтида қовурилаётган Улуғбек сиймоси, талвасаю ваҳималар гирдобига тушиб қолган Абдуллатифнинг аянчли қиёфаси, икки ўт орасида қолиб, телба ҳолга тушган мавлоно Муҳиддиннинг фожий ҳолати, кўп ситам-жафолар тортиб хонавайрон бўлган Салоҳиддин заргарнинг муштдек жуссаси, ниҳоят, ҳаётнинг турли сўқмоқларидан ўтиб катта йўлга тушиб олган, бутун вужудидан куч-ғайрат, шижоат ёғилиб турган Қарноқийнинг нурли чехраси, Хуршида бонунинг зебо қомати хотирамизда ўрнашиб қолади.

Шунга қарамай бу хусусда авторга айтадиган айрим эътирозларимиз бор. Ёзувчи Улуғбек характерини хилма-хил томондан очишга интилади, айниқса унинг оддий инсоний хусусиятларини алоҳида бўрттириб кўрсатади; бу ҳол айрим ўринларда бир ёқламаликка олиб борган, олимдаги улуғворлик, донишмандлик, мутафаккирлик, теурийзодаларга хос шижоат, хирароқ чиқиб қолган.

Худди шунингдек, асардаги, хусусан, романнинг иккинчи қисмидаги етакчи персонажлардан ҳисобланган Ади Қушчи олижаноб ишларни адо этади, ёзувчи уни меҳр-муҳаббат билан қаламга олади, унинг бир-икки ўринда ташқи қиёфасини ҳам тасвир этиб ўтади. Лекин шунга қарамай, бу одамнинг қиёфасини китобхон аниқ равшан кўз олдига келтиришга қийналади. Мавлоно Муҳиддин, Абдуллатиф билан қиёс қилинганда бу нараса аниқ сезилиб қолади. Ёзувчи Қарноқийни шоир деб таништиради, аммо унинг шоирлик хусусиятларини етарли тасаввур этолмаймиз.

Бу хил камчиликлардан қатъий назар, «Улуғбек хазиnasi» ёзувчининг, қолаверса, ҳозирги ўзбек прозасининг жиддий ютуғи. Маънавий бойликларни асраш-авайлаш, улуғлаш, ҳар қандай жаҳолатга, қаллобликка, хиёнатга нафрат, садоқат ва фидойиликка муҳаббат туйғуси билан тўлиб-тошган бу асар катта маърифий, тарбиявий қимматга моликдир.

ҲАМ САРГУЗАШТ, ҲАМ ТАҲЛИЛ

Танқидчи Норбой Худойберганов «Ёз ёмғири»га ёзган тақризида бу қиссани «ўзбек адабиётидаги детектив саргузашт жанрининг илк қалдирғочи», деб баҳолайди («Ўзбекистон маданияти», 1973 йил, 12 май).

Кейинроқ С. Мамажонов билан М. Султонова «Эътиқод ва жиноят» сарлавҳали мақолада: «Ўзбек адабиётида ҳам детектив элементи бўлган асарлар бор, лекин соф детектив асар «Ёз ёмғири» қиссаси билан бошланди», деб ёзадилар («Ёш ленинчи», 1974 йил, 4 январь).

Бундай баҳоларга қўшилиш қийин. Тўғри, ўзбек адабиётида детектив саргузашт асарлар бошқа реалистик проза жанрларига нисбатан ёш, бармоқ билан санарли даражада оз. Бироқ мазкур жанрнинг илк қалдирғочлари 30-йиллардаёқ кўринган, А. Қодирийнинг «Шубҳа», Ш. Ризонинг «Қор ёғди, излар босилди» каби ҳикоя ва қиссалари бу борадаги изланишлардан далолат берар эди. Урушдан кейинги, хусусан, 60-йиллар ўзбек прозасида бу жанрга эътибор бирмунча кучайди. «Шоҳида эмас, баргида» қиссаси теварагида қизғин ва кескин баҳс бўлди, Саид Аҳмаднинг «Суд», А. Ҳакимовнинг «Илон издан» асарлари майдонга келди, О. Ёқубовнинг «Ота издан», «Ларза», «Бир фелъетон қиссаси», «Излайман» асарлари ҳам детектив жанрга яқин туради. «Шарқ юлдузи» журнали ёзувчилар майлини бу жанрга тортиш ниятида «Қарс ўн икки қўлдан», «Олтин ўра» номли коллектив саргузашт қиссалар эълон этди. Яқингинада

босилиб чиққан О. Ҳусановнинг «Тоғда ўсган бола», Х. Тўхтабоевнинг «Сариқ девни қувиб», «Сариқ девнинг ўлими» қиссалари ҳам худди шу детектив саргузашт жанрига мансуб.

Маълумки, сир, жумбоқ детектив жанрнинг муҳим хусусиятларидан бири. Ҳатто детектив ғоят кенг тарқалган инглиз ва Америка адабиётларида бу жанрни «сирлар адабиёти», деб ҳам аташар экан. Детектив асарларда кўпинча бирор сирли ҳодиса ёки мавҳум жиноий иш содир бўлади, сўнг уни қидириш, сўроқлаш бошланади, сир ҳадеганда очилавермайди, олдинда хилма-хил тўғаноқлар кўндаланг бўлади, автор ёки авторнинг изқувар қаҳрамони сирли ҳодиса изини қидиришда давом этади; ниҳоят асар охирига бориб сир фош бўлади ёки сирли жиноят изи очилади...

Детектив — саргузашт жанр устида ишлайдиган автор олдида ҳамиша иккита хавф кўндаланг туради. Айрим авторлар сирли — сеҳрли фабула кетидан қувиб, асарни шунчаки олди-қочди воқеалар тизмасидан иборат этиб қўядилар, уларда детектив фабула орқали бирор ҳаётий проблемани кўтариш, давр руҳини ўзида ифода этувчи умумлашма характерлар кашф этиш йўқ; худди шундай асарлар туфайли детектив «ёмонотлиқ» бўлиб қолган, ҳозирга қадар давом этиб келаётган «детектив жиддий адабиётга кирадими ёки йўқми», деган баҳсларнинг туғилишига сабаб бўлган. Бунинг устига детектив жанрга баҳо беришда қатор назарий чалкашликлар ҳам мавжуд. Масалан, 1967 йили ўзбек тилида нашр этилган «Адабиётшунослик терминлар луғати»да детектив «буржуа-саргузашт адабиётининг бир тури» деб эълон этилди. «Бу адабиёт, — дейилади ўша луғатда, — айғоқчиларнинг мураккаб саргузаштларини ҳикоя қилувчи романлар, повестлар ва ҳоказолардан иборатдир...

Бизнинг давримизда буржуа детектив адабиётининг мазмуни қотиллар, талон-торож қилувчилар ва қароқчилар — гангстерларни куйлашдан иборат».

«Луғат» авторлари детектив жанрнинг жаҳон прогрессив адабиётидаги ўрни хусусида узуқ-юлуқ фикрлар билдирадilar, совет адабиёти ҳамда санъатидаги ўрни ва роли эса тамомила уларнинг эътиборидан четда қолади. Бу хил қарашлар ҳам детектив жанр тараққиётига салбий таъсир кўрсатди.

Детектив жанр ривождаги иккинчи хил қийинчилик шундан иборатки, баъзи авторлар саргузашт асар яратмоқчи бўладилар, масала ва характерлар таҳлили билан бўлиб кетиб тасвири ўта жиддийлаштириб юборадилар, саргузашт асарнинг ўзида саргузашт детективлик белгиси занфлашиб қолади, сюжет ўзининг сирли-сеҳрли, бинобарин қизиқарлилик хусусиятини йўқотади.

Рус реалистлари, айниқса Л. Толстой билан Ф. Достоевский детектив жанр тараққиётида янги этап яратдилар, улар жанр олдида турган хатарларни муваффақият билан бартараф этдилар, детективлик хусусиятларини тўла сақлаган ҳолда уни муҳим социал масалалар, улкан характерлар таҳлиliga бўйсундирдилар; шу тариқа детективни чиндан ҳам катта, жиддий адабиётнинг таркибий қисмига, тенг ҳуқуқли аъзоси даражасига кўтардилар. «Тирилиш», «Жиноят ва жазо», «Ака-ука Карамазовлар» ана шундай асарлардир.

Совет ёзувчиларининг энг яхши детектив саргузашт асарларида классикларнинг шу анъанаси давом эттирилмоқда. Улмас Умарбековнинг «Ёз ёмғири» қиссаси шу анъананинг бугунги ўзбек насридаги ёрқин бир кўринишидир.

У. Умарбеков авваллари ҳам саргузаштли сюжетлар яратиш устида машқ қилиб кўрган, жумладан, «Қарс ўн икки қўлдан» коллектив қиссани яратишда иштирок этган эди. Унинг «Қимнинг ташвиши йўқ», «Уруш фарзанди», айниқса «Жўра қишлоқ» асарлари сюжет характери жиҳатидан детектив жанрни эслатади. Бу тажрибалар «Ёз ёмғири»да ёзувчига қўл келган.

«Ёз ёмғири» шу жанрга хос типик сюжет асосига ҳу-

рилган; сирли жиноят юз беради, Мунисхон деган зиёли аёл номаълум кимсалар томонидан, номаълум сабабларга кўра ўлдирилган; одатдагидек сирли ҳодиса изини қидириш, сўроқлаш бошланади, хилма-хил тўсиқларга дуч келинади, охири сир фош бўлади...

Сирдан қараганда шаблон, схематик туюлган мана шу саргузашт баҳонасида ёзувчи бугунги ўзбек зиёлилари ҳаётининг кўп томонларини ҳаққоний акс эттиришга, ҳаммани қизиқтираётган бир талай оилавий-ахлоқий, ижтимоий-маънавий масалаларни кўтаришга муваффақ бўлади. Қиссада давр руҳи уфуриб турибди, ҳозирги зиёлиларнинг турмуш тарзи, кийиниши, кўринишидан тортиб, ўй, манфаат ва интилишларигача; оилавий ахлоқоти, уй-рўзғор тартиблари, ота-бола, қайнана-келин муносабатларидан тортиб тўй-аза каби урф-одатлар, уларнинг манфий ва мусбат томонларигача — барчаси ниҳоятда аниқ, ҳаётий берилган.

Қиссада сирли тасодиф изини қидириш бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган икки йўналиш бўйлаб боради. Биринчи йўналиш бошида капитан Собир Алиев туради; у асарда ҳақиқий маънодаги изқувар родини бажаради, ўз касби кори, вазифасига кўра жиноят изини юридик жиҳатдан тадқиқ этишга киришади. Изқувар Алиев хатти-ҳаракатлари, унинг жонбозлик, топқирлик, тадбиркорлик билан олиб борган фаолияти асар сюжетидаги саргузаштлик, сирли-сехрлилик фазилатини оширади. Асардаги иккинчи, менимча, асосий йўналиш бошида эса марҳуманинг эри Раҳим Саидов туради. Ёзувчи бу образ орқали фожиянинг маънавий-ахлоқий заминини, психологик асосини таҳлилдан ўтказди.

Юз берган ҳодиса ҳаммадан ҳам Раҳим Саидовни қаттиқ ларзага солади. Аввало у Мунисхон ҳақида ўз билганларини—илк учрашув, танишувдан тортиб то сўнгги кечагача бўлган ҳодисаларни хаёлдан ўтказди. Мазкур хотиралар силсиласи орқали, аввало, Мунисхон табиатининг кўп қирраларини билиб оламиз, қолаверса,

Раҳим Сандовнинг руҳий драмасини кўриб турамиз, табиатидаги кучли ва ожиз жиҳатлар билан танишамиз.

Дастлабки характеристикадаёқ маълум бўлишича, Мунисхонда чуқур зиддиятлар бор. У кўринишида ниҳоятда маданий, фариштадек гўзал, бироқ табиатан енгилтак, бир оз тантқи. Қиз биринчи учрашувдаёқ хусн-жамоли, ширин гап-сўзлари, духобадек юмшоқ кулгиси билан Раҳим Сандов кўнглига гўлгула солади, шу танишувдаёқ қиздаги зиддият ошкор бўлади, машинаси бузилиб қолган жиянини ярим йўлда ёлғиз қолдириб, нотаниш эркак билан йўлга тушади, ҳаш-паш дегунча у билан апоқ-чапоқ бўлиб кетади, бегона эркакнинг кўкрагига бош қўйиб ухлайди...

Муҳаббатнинг кўзи кўр, дейдилар. Шофёр йиғит кўриб, нафратланиб турган Мунисхоннинг «айинишлари» Раҳимжонга кўринмайди, кўринса ҳам фазилатдек туюлади. Ҳатто йиғит бу учрашувни узоқ вақт бахтим деб юради, Мунисхондан энг ширин эсдалик тарзида шу учрашув хотираси қолади.

Айрим танқидчилар характерга хос хусусиятларни асар бошидаёқ маълум этиб қўйишни жиддий нуқсон деб биладилар. Адабий тажриба шуни кўрсатадики, бу ҳол ҳар доим ҳам нуқсон бўлавермас экан. Ҳамма гап ёзувчининг маҳоратига боғлиқ. «Ёз ёмғири»да мазкур усул ўзини оқлаган. Мунисхон характеридаги илк бор қайд этилган зиддиятлар тобора чуқурлашиб, кенгайиб боради, у ҳатто тўйгача ҳам ўзини тугтолмайди, тўйдан кейин эса асл қиёфасини янада дангалроқ ошкор этади: келинлик бурчини адо этишдан бўйин товлайди, ҳовлидаги мушук, ит каби жониворлардан тортиб ўз эригача — ҳаммага заҳрини тўкаверади, қайнанаси билан асло чиқишмайди, охири рўзгорини бошқа қилиб олади, бироқ ўз рўзғорида ҳам тинч-тотувлик йўқ, ҳар кун янги бир жанжал кашф этиб туради, мол-дунё, либосу безак деб эрига кун бермайди, бир ерда қўним ишламайди, аёллик бурчини тан олмайди, она бўлишни

истамайди, эрини эр ўрнида кўрмайди, кўнгли нимаики номаъқулчиликни истаса, уни қилишдан тап тортмайди.

Қисқаси, бу аёл хозирги кунда учраб турадиган ўз эрки, ҳуқуқини яхши биладиган, тайёр ошга ҳозиру назир, фақат яшаб қолишни, давр-даврон суришни ўйлайдиган, аммо эл-юрт, оила олдидаги бурчи, вазифасини тан олмайдиган «замонавий», «маданиятли», «дипломли» мешчан тоифасидан. Сўнгги йилларда бу тоифа образлар бизда ҳам, шунингдек, қардошларимиз адабиётида ҳам кўп яратилди. Бунинг учун А. Қаҳҳорнинг «Нурли чўққилар», Уйғуннинг «Парвона», Мирмуҳсиннинг «Умид», О. Ёқубовнинг «Қанот жуфт бўлади», Ш. Холмирзаевнинг «Баҳор ўтди» каби асарларидаги қатор персонажларни эслаш kifоя. «Замонавий» мешчанлар образи «Ёз ёмғири» авторининг бошқа асарларида ҳам учрайди.

Ў. Умарбеков олдинги асарларида кўпроқ масъулиятсизлик, мешчанлик кайфиятига мубтало бўлган кимсаларнинг ўзгалар тақдирига кўрсатган салбий таъсирини таҳлил этиш билан банд бўлар эди: чуңоччи, «Севгим, севгилим»даги Воҳид ишончли одамга ишончсизлик билдириб, севгилиси Ойпопукнинг ўлимига сабаб бўлади, «Уруш фарзанди» қиссасида онанинг рақиб—фашист олдида таслим бўлиши туфайли ундан туғилган фарзанд бир умр изтироблар, аламлар гирдобида қолади, «Одам бўлиш қийин» қаҳрамони Абдулла ўз ҳузурҳаловати—бахтини деб севгилиси Гулчеҳра фожиясига йўл очади. «Оқар сувлар» драмасида ҳам шунга яқин ҳодиса юз беради...

«Ёз ёмғири»да ҳам қисман ўшандай талқин бор; Муниҳоннинг ножўя хатти-ҳаракатлари туфайли, аввало, ўз турмуш ўртоғи, ота-онаси, қолаверса, қайната ва қайнанаси, дугоналари кўнглига ташвиш, ғубор тушади. Бироқ аввалги асарларидан фарқли ўлароқ, бу ерда масъулиятсизликнинг энг оғир кўргилигини гуноҳкорнинг ўзи татийди. Мешчанлик кайфияти гулдай аёлни кўп ўтмай хазон қилади, у кўз олдимизда тубанлашиб,

майдалашиб боради, самимиятни бутунлай бой беради, мунофиқлик йўлига ўтади, сухсурдай эри туриб, жирканч кимса Анатолий Назарович билан мулоқотда бўлади, билиб-билмай ўз қўли билан ўзига чоҳ қазийди ва охири шу чоҳга тушиб ҳалокатга учрайди. Масъулиятсизлик қандай кўринишда содир бўлмасин, жазосиз қолиши мумкин эмас — Мунисхоннинг сеҳрли саргузашти, аччиқ қисмати тасвири ва таҳлилидан чиқадиган ибратли гап, сабоқ шу!

Хўш, қаҳрамондаги номақбул хусусиятларнинг илдизи қаерда? Қайси манбалардан озиқ олиб аёлдаги бадбин кайфиятлар япроқ ёзди? Нималар ва кимлар аёлни шу кўйларга солди? Ёзувчи асарда бундай табиий саволларга жавоб ахтаради. Афсуски, ёзувчи берган жавоблардан китобхон тўла қаноат ҳосил этолмайди, автор келтирган асосларнинг ҳаммаси ҳам ҳаётий, оригинал ва қиёмига етказиб таҳлил этилган деб бўлмайди.

Биринчи асос: Мунисхон оилада якка фарзанд, ота-онасининг тилаб-тилаб топган бахти, кўз қораси: шу сабаб қиз эрка ўсган, хусусан, она уни еру кўкка ишонмай, қўлини совуқ сувга урдирмай, эркалатиб ўстирган, барча айбларини яширган, мақтовни дўндирган. Унинг учун қизидан бошқа ҳамма ёмон, хунук, аҳмоқ; дунёдаги одамга берилган жамини яхши фазилатлар гўё қизидagina мужассамлашган... Якка фарзанд, эрка фарзанд қабиллидаги важ-тақал ўқувчини маълум даражада ишонтирса ҳам унда китобийлик излари борлиги, хусусан, «Уфқ» таъсири аниқ сезилиб турибди.

Иккинчи асос: Мунисхон кимларгадир тақлид қилади, кимлардандир ўрнак олади, кимлардир унинг енгил хатти-ҳаракатларини рағбатлантиради, қандайдир маслакдошлари таъсирида Анатолий Назарович каби манфур кимсаларнинг ўргимчак тўрига тушади. Фира-шира кўзга ташланувчи мана шу гаплар қаҳрамонни ҳалокатга тортган асосий омиллардан экани шубҳасиз. Танқидчиликда таъкидланганидек, энг асосий нарсa қаҳрамон-

ни қуршаган атроф муҳит деярли бадий таҳлилдан четда қолган.

Учинчи асос — эрининг лоқайдлиги. Раҳим Саидов — маданиятли зиёли, онлада хотинига тўла эрк бериб қўйган. У — йирик олим, муҳим ижодий ишлар билан банд; илм, ижод билан бўлиб кетиб, қисман онлавий-шахсий ҳаётини, эрлик бурчини унутган, хотинини ўз ҳолига ташлаб қўйган. У Мунисхоннинг кўп ножўя хатти-ҳаракатларини билди, билди-ю, мурасага боради, хотини жанжал кўтарганда ҳамиша паст келади. Ўз қизини яхши биладиган ота куёви Раҳим Саидов билан биринчи бор танишгандаёқ бош чайқаб қолади. Автор ёзади: «Куёв бир кўришдаёқ унга ёқиб қолди. «Ўзимга ўхшаган экан, юмшоқ, кўнгилчан», хаёлидан ўтказди у ва айни вақтда унга ачинди ҳам. Қизига бундай йигит эмас, ўжар, қаттиққўл, унинг ўзига ўхшаб, тутган ерини кесадиган одам эр бўлиши керак эди. Шунда Мунис популдек бўлиб юриши мумкин эди. Бундай йигитнинг эса у бошига миниб олиши турган гап эди». Ота ҳақ бўлиб чиқади, Мунис онлада ўзи хон, кўланкаси майдон бўлиб олади. Раҳим Саидов лоқайдлиги, юмшоқ ва кўнгилчанлиги, талабчанлик ҳиссининг етишмаслиги туфайли билиб-билмай Мунисхоннинг тубанлашувига маълум даражада йўл очиб беради.

Раҳим Саидов характерининг «Умид», «Қанот жуфт бўлади» қаҳрамонлари Умил ва Акрамлар билан баъзи ўхшаш томонлари бор, айни пайтда улардан кескин ажралиб турадиган нозик, бетакрор, ўзигагина хос хусусиятлари мавжуд. Умид ва Акрамлардан фарқли ўлароқ, энг қалтис дамларда ҳам Раҳим Саидов кескин ҳаракат қилмайди, ҳамиша ўз табиатига содиқ — босиқ ва самимийлигича қолади; табиатидаги юмшоқлик, бир томондан, унинг ожизлигини билдирса, иккинчи томондан, йигитга қандайдир фазилат — самимият, илиқлик ва ёқимтойлик бахш этади. Юз берган фожида Раҳим-жоннинг ҳам айби бўлса-да, китобхон уни бутунлай қо-

ралагиси келмайдн, балки шундай олижаноб, кўнгилчан, юмшоқ, босиқ йигит қадрига етмаган енгилтак, кўрмамак аёлдан нафратланади.

Асар давомида қаҳрамон қалби ва характерида кескин жараён кетади; фожиадан кейин қаҳрамон хийла активлашади, капитан Алиев билан ёнма-ён ўзи ҳам иқувар бўлиб, сирли тасодиф изини қидиришга киришади: у Мунис билан ўтган кунларини, хотираларини эслаб, Муниснинг аввал ўзи сезмаган ёки сезса ҳам эътибор бермаган хислатлари, қилмишлари билан танишиб, хилма-хил руҳий кайфиятларга тушади, кўнглида зиддиятли ўйлар кечади; гоҳ ачинади, аламлар, изтироблар ўтида қовурилади, гоҳ ўзини айблайди, ўзидан нафратланади, гоҳ маҳмадона, молпараст қайнанани бош айбдор деб билади, ундан жирканади: Муниснинг ўзи учун қоронғи сирли ҳаёти ошкор бўлгач, ор-номус туйғуси жўш уриб, йигитлик шаънини оёқ ости қилгани учун марҳумадан ғазабланади... Раҳим Сандов ҳолати мудроқ босган одамнинг бирдан сергакланишини эслатади, драматик ҳодиса жараёнида қаҳрамон фақат яқин кишини эмас, ўзини ҳам яхши англаб олади.

Шуниси муҳимки, энг қийин дамларда қаҳрамон ёлғиз ўз ёнига қовурилиб қолиб кетмайди, давлат органи ходимлари, ёр-дўстлари уни суяйди, кўнглига далда беради, ота ва қайната, ҳатто келиндан кўнгли қолган она, Мунисхонни охиригача оппоғим деб юрган ая ҳам Раҳимжон ёнида бўлади. Шулар туфайли аламзада, ғамгузор, аммо олижаноб бу йигитнинг яна катта ҳаёт, жўшқин меҳнат ва ижод қучоғига қайтади, деб умид қиласиз, унинг юрагини кемираётган ғам ўткинчи эканига, ҳали замон ундан фориг бўлишига ишонасиз, бу одамни улкан бахтга, порлоқ оилавий ва ижодий истиқболга лойиқ кўрасиз, ана шундай эзгу туйғулар билан китобни ёпасиз.

Шу билан гапни тугатиб қўя қолиш мумкин эди, бироқ асарнинг жанр хусусиятига, бадииятига алоқадор

баъзи гаплар, мулоҳазалар борки, уларни айтмай ўтиш инсофдан эмас.

Қиссанинг тасвир темпи сокин, осойишта, ёзувчи энг кескин драматик онларда ҳам тасвир ритмикасини деярли ўзгартирмайди, қисса поэтиказини таъмин этувчи ҳиссий оҳангдорликни бузмайди. Бу йўл бир жиҳатдан яхши, аммо детектив саргузашт жанри ҳар доим ҳам бунақа сокинликни ёқтиравермайди; «Ёз ёмғири» тасвиридаги ўта осойишталик саргузаштнинг ички тезкор суръатини бир оз жиловлаб турибди.

Қисса жанри табиатининг ўзига хослиги оқибати бўлса керак, «Ёз ёмғири»даги Раҳимжон билан боғлиқ, унинг иштироки ва нигоҳи орқали ифода этилган ҳодисалар нисбатан мукаммал, бадийи пишиқ чиққан; бироқ капитан Алнев билан боғлиқ саргузаштлар эса чалароқ ва қуруқроқ берилган, ҳодисаларни психологик жиҳатдан асослаш анча заиф; изқувар қаҳрамоннинг ўзи ҳам индивидуал характер сифатида мана мен деб турмайди.

Қиссадаги асосий салбий фигуралардан бири Анатолий Назарович образи тасвири қиёмега етмай қолгани, Мунисхоннинг сўнгги жасорати мантиқан пухта асосланмагани хусусидаги танқидчилар айтган мулоҳазаларда жон бор.

«Ёз ёмғири»ни ўқиганда бу хил камчиликлар эмас, аввало, асарнинг фазилатлари кўз олдингизга келади, бу фазилатлар эса ҳаммани қувонтиради. Энг муҳими, «Ёз ёмғири»нинг муваффақиятли чиққан саҳифалари детектив-саргузашт жанрининг имкониятлари кенг эканлигини, ҳозирги куннинг муҳим ижтимоий-ахлоқий масалаларини кўтаришга, тўлақонли мураккаб характерлар яратишга, бинобарин, жиддий адабиётга хос бадийи тадқиқ ва таҳлиллар олиб боришга қодир эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

ЎЗИГА ХОСЛИК СИРЛАРИ

«Ҳаёт абадий» тўпламига Шукур Холмирзаевнинг ҳозирга қадар яратган аксар ҳикоялари жамланган. Бинобарин, тўплам ёзувчининг ҳикоячиликдаги изланишлари, тажрибалари, ижодий қиёфаси ҳақида маълум тасаввур ҳосил этиш, улар устида жиддийроқ баҳс юритиш имконини беради.

«Ҳаёт абадий»ни варақлаганда туғиладиган илк таассурот шуки, ундаги ҳикоялар қандайдир ўзига хос тароватга эга, гарчи улар ўзбек ҳикоячилиги миллий анъаналари билан мустаҳкам алоқадор бўлмаса-да, нимаси биландир А. Қодирий, Ғ. Ғулом, А. Қаҳҳор, Саид Аҳмад, Мирмуҳсин, Ҳ. Ғулом, С. Зуннунова сингари таниқли ҳикоянависларимиз, У. Назаров, У. Ҳошимов, У. Умарбеков каби тенгдошлари асарларидан барала ажралиб туради. Айтайлик, услуб ва ифодада Саид Аҳмадни Ғ. Ғулом ва А. Қаҳҳор билан, С. Зуннуновани С. Аҳмад билан, У. Ҳошимовни У. Умарбеков билан яқинлаштирадиган талай хусусиятлар мавжуд; Ш. Холмирзаев ҳикоялари эса ҳеч кимникига ўхшамайди.

Хўш, бу ўзига хослик сирлари нимадан иборат?

Ш. Холмирзаев ҳикоялари, аввало, миллий-маҳаллий колорити билан ажралиб туради. Маҳаллий колоритда гап кўп. Рязань колорити С. Есенин, Смоленск руҳи А. Твардовский шеърларига, Дон нафаси М. Шолохов романларига, Олтой манзаралари В. Шукшин асарлари-

га наҳадар самимият, ҳаётӣйлик, аниқлик, ўзига хос жи-
ло бахш этганлиги ҳаммага аён. Ўзбек адибларидан
Ҳамза, А. Қодирий, Ғ. Ғулом, Ойбек, А. Қаҳҳор асарлари
Тошкент ва Фарғона колорити бўёқлари билан жилолан-
ган, бухоролик ўзбекларнинг турмуши тарзи С. Айний
қисса ва романларига ўзгача ранг бахшида этган, Мир-
темир шеърлари қозоғистонлик ўзбекларнинг ҳаёти тар-
зи руҳи билан суғорилган... Шу анъана Саид Аҳмад,
Мирмуҳсин, О. Ёқубов, О. Мухтор, О. Матжон, Н. Ами-
нов, С. Нуоров каби турли бўғинга мансуб ёзувчилар
ижодида изчил давом этапти.

Ш. Холмирзаев ана шу тажрибаларга таяниб ҳали
очилмаган бир қўриққа қўл урди, адабиётга Сурхон
колоритини — ўзи туғилиб-ўсган Бойсун тоғларининг
манзараларини, сурхондарёликлар ҳаётини, удумларини,
бетакрор сўзлаш тарзини — диалектини олиб кирди.

Ш. Холмирзаев ҳикояларидаги воқеалар аксари Сур-
хон қишлоқларида — Бойсун тоғлари орасида бўлиб
ўтади, автор шаҳар ва шаҳарликлар ҳаёти ҳақида ёзган-
да ҳам воқеаларнинг бир учи қандайдир йўллар билан
ўша Сурхон воҳасига бориб уланади, унинг шаҳарлик—
зиёли персонажлари ҳам аслида Сурхон кишини бўлиб
чиқади, марказда яшаса, ишласа ҳам сурхондарёлик-
ларга хос хислатларини сақлаб қолади.

Ёзувчининг ўзи туғилиб-ўсган юртга, унинг табнати-
га ва одамларига меҳри жуда зўр, у она юртнинг тарихини,
ҳозирги кунини, ҳамюртларининг кайфияти, одатлари,
удумлари, қилиқлари — барча-барчасини ипидан-игна-
сигача яхши билади, нозик ҳис этади. Унинг ҳикоя-
лари, шунингдек, «Шарқ юлдузи»да эълон этган «Қади-
мий Бақтрия тупроғида» очерки билан танишган китоб-
хон бунга тўла ишонч ҳосил қилади.

«Ҳаёт абадий»ни ўқиб, сўнг Сурхон воҳасига, Бойсун
тоғларига сайр этган ҳар бир киши ундаги манзара,
бўёқ ва оҳангларнинг бирортаси ҳам «тўқиб чиқарилма-
ган»лигини, балки уларнинг барчаси ўша реал «ҳаёт

қучоғидан олинган»лигини, персонажларнинг кийиниши, кўриниши, юриш-туриши, сўзлаш тарзи айнан «натурадан кўчирилган»лигини барала сезади.

«Ислом туғилган уй эски, вассалари қорайиб кетган, битта кенг деразаси эллик қадам наридаги қишлоқнинг дарахтларга бурканган томонига очилар эди. Уйнинг устида Бойсунтоғнинг мусаффо осмони осилиб турар, унинг орқа томонида тўлқинсимон сарғиш адирлар тоғ тарафга эмгаклаб кетган, адирлар ортида эса чақиртошли қирлар ва улар орқасида мол подаларига ўхшаб арчазор қоплаган тоғ кўринар эди. Тоғнинг осмонга қадалган ўрқачларида парқу булутлар сузиб юрар, улар тоғ билан зангори осмонни бир-бирига қўшиб турганга ўхшар эди».

Нақадар аниқ, тиниқ ва бетакрор манзара! Китобни варақлаганда бу хил лавҳаларга кўп марта дуч келасиз, фақат Бойсунтоғдагина бўлиши мумкин бўлган ёмғир шивалаганда қовжироқ ўт-ўланлардан, дарахтлардан анқиган тахир ёзги ҳидни, қишда булдуриқ қоплаган толларни, оппоқ қорга бурканган тоғларнинг уйқусираб кўринишини, эгри-бугри сўқмоқларни, ўша сўқмоқларни қоплаган худди тушдагидек оқ туманни, арчаларнинг яшил, тиниқ япроқчаларидан тарқалган хушбўй таъмни, ой тўлган кечасининг сеҳрли жилвасини, какликлар хонишини, укки сайраши ва ҳоказоларни мароқ билан кузатасиз. Ёзувчи сизни неча бор ўша тоғ кишиларининг хонадонига олиб киради, уй-рўзгор тартиблари, қилиқ-одатлари билан таништиради.

«Милиционер уйга кирди. Уй қоронғи бўлиб, ичкари хонада ёняпган лампочка бунисини ёрита олмас, хонадан анор, қатиқ ва рутубат ҳиди анқир эди.

Ўртада танча турар, деворга дўмбира илинган, бурчакка ўрин солиб қўйилган, тўрида бир тахмон юк, ерга кигиз тўшалган эди.

— Утиринг, бобо! Сандал ҳам совиб қоғон! Ут қилайми? Совқотган кўринасиз?

Милиционер унинг қийшайиб турган гавдаси, чўлоқ оёғига қараб:

— Керак эмас, ўтиринг!— деди.

— Хўш-хўш,— уй эгаси ўтирган еридан яна ирғиб турди.— Чой қўяй, у-бу опкелай!

— Керак эмас! Ўтиринг. Отингиз нима?

— Отим Хушвақт!— мезбон чўккалади.

— Шамоллайсиз, устингизга бир нима ташлаб олинг!

— Э, шамоллаб ёш боламизми! Қатиқ опкелай бўлмасам!— мезбон дастурхон ёзди, қўш нон келтирди, косада қатиқ қўйди.— Қани, олинг!»

Айни шундай хонадонни, хона ичидаги тартиботни, ўшандай мулозамат ва дастурхонни Бойсунтоғдагина учратасиз.

Расул Ҳамзатов яхши бир гап айтган:

«Бир хил шоирлар фақат фактларнигина тасвирлашади. Бошқа бир тоифа шоирлар фактларга эътибор бермай, тўғридан-тўғри умумлашмаларни ёзиб қўя қолишади. Чинакам шоир бу иккала тушунчани уйғунлаштириб юбормоғи керак. Айрим шоирларнинг «Умумжаҳон шеърний тўпламлари»дан кўра Есениннинг Рязани, Твардовскийнинг Смоленск ўлкаси Россия ҳақида менга кўпроқ маълумот берган. Бутун бир халқ тўғрисидаги умумий мисраларга нисбатан юртдошларимнинг ўз овули ҳақидаги шеърлари халқнинг туйғу ва иштишлари тўғрисида менга кўпроқ нарсани ҳикоя қилади. Негаки, бугунги кунда ҳар бир овул, ҳар бир қишлоқ ўз тақдири билан бутун социалистик мамлакатга, бутун дунёга чамбарчас боғлангандир».

Ш. Холмирзаевнинг энг яхши ҳикояларида ҳам шу фазилат мавжуд. Бойсунтоғ қучоғида юз берган ҳодисалар сизга кўп нарсга ҳақида маълумот беради, улар катта ҳаёт ҳақиқати билан туташиб кетади, ўша воҳа одамларининг ўзаро муносабатлари ифодаси орқали ёзувчи кенг жамоатчиликни қизиқтираётган, ҳаяжонга солаётган масалаларни, авторнинг ўз ибораси билан айтганда,

«асримиз проблемалари»ни кўтаради, уларга маълум муносабат билдиришга интилади. Инсон ва табиат, инсон ва замон, инсондаги табиий хислатларни асраш, авайлаш, чин одамийликни улуғлаш, инсоннинг табиат, жажият ва замон олдидаги бурчи, масъулиятини қадрлаш Ш. Холмирзаев ҳикояларининг асосий гоявий мундарижасини шулар ташкил этади.

Ёзувчи, бир томондан, она табиат кўркини кўз-кўз қилиш, иккинчидан, шу табиат шайдоилари, фидойиларини мадҳ этиш, учинчидан, она табиат қучоғидан узоқлашиб қолган кимсалар табиатидаги ожизликларни таъкидлаш, таҳлил этиш ва ниҳоят, шу она табиат неъматларидан баҳраманд бўла туриб, унга йиртқичларча муомалада бўлган кўрнамакларни кескин фош этиш йўли билан табиат ҳақидаги фалсафасини илгари суради.

Ёзувчи талқинида табиатга яқин турган, табиат гўзаллигини қалбига жо этган, унга меҳр қўйган, унинг учун курашган одам ниҳоятда азиз, муҳтарам.

«Бойчечак очилди», «Ой ёруғида» ҳикояларида инсон ва табиат муносабатларининг фалсафий томонлари бадий таҳлил этилади.

«Бойчечак очилди» ҳикоясининг қаҳрамони машҳур филолог олим ижоддан, ҳаётдан кўнгли совиб, илҳоми сўниб қолган. Автор ёзади:

«Домла ижодини синдирган йирик омил нимадан иборат эди? Бу, аввало, лирикани эскирди, деб эълон қилинган баъзи ўткинчи мулоҳазалар эди».

Домла илҳомини сўндирган бошқа яна бир омил бор, ёзувчи таъбирича, бу омил «у қадар катта эмас, лекин уни инсон ҳаётида кичик деб ҳам бўлмайдн». Бу ҳам асримиз зиддиятларидан, фаннинг мисли кўрилмаган тараққиётдан келиб чиққан бир ҳодиса. Гап шундаки, Домла узоқ вақт цивилизация маконида — катта шаҳарда истиқомат қилиб, она табиатдан бир оз узоқлашиб қолган, табиатдан йироқлашув ундаги гўзаллик туйғусини сусайтирган; гўзаллик туйғусининг инқироzi эса табиий

равишда бу одамдаги ғайрат-шижоатни, яшаш ва ишлашга бўлган ҳавас ва меҳрни, ижодий илҳомни сўндириб юборган. Домла шу орада туғилган қишлоғига келадиган, она табиат бағрида гўё аслига қайтгандай бўлади, қор қўйнида қулф урган нозикниҳол бойчечак, ундан таралган ўта нозик, унутилаёзган бир ҳид унинг қалбини жунбишга келтиради, қалбда жўш урган гўзаллик туйғуси уни ҳаётга, ижодга, курашга ундайди.

Мана, Домланинг ўша топдаги ҳолатидан бир лавҳа: «Домла қуёшга қаради-ю, худди уни биринчи марта кўраётгандай бўлди, бу офтоб ўзига азалдан таниш, жуда қадрдон офтоб эканига иқдор бўлди.

Шунда бирдан унинг хаёлига гувиллаб, аллақачон ҳаёт рад этган табиатга қарашлар — қуёшга ҳам оддий бир сайёра деб қараш, оламда унинг шу нурлари мисол даҳшатли зарралар кезиб юргани хусусидаги ваҳималар қўйилиб келди...

Домла бир дақиқа ўзини анчадан бери ҳаётнинг гўзаллиги учун курашмаётган кишидек, аллақандай кўзбўямачи — жиноятчидек ҳис этди ва бир замонлар ёзиб қўйган рисоалари, поэтик таҳлиллари ўз қимматини ҳамон йўқотмаганига, уларнинг виждонан ёзилганигина сабаб эмас, улар инсонлар яшашига ёрдам бериши, инсонларнинг яна ҳам гўзалроқ яшашлари учун ўта қимматли эканлигини ўйлаб қолди».

Қаранг, ёзувчи табиат, санъат ва санъат ҳақидаги фан орасида қандайдир мантиқий уйғунлик кўраётир, уларга инсондаги гўзаллик туйғусини тарбиялашда муҳим омил деб қараётир; ёзувчи цивилизация ютуқларини асло инкор этмоқчи эмас, табиий туйғуларни инсоннинг интеллектуал бойликларига қарама-қарши қўяётгани йўқ; фақат у табиатга соф рационалистик нуқтаи назардан қарашга қарши, инсон боласининг ҳам цивилизация неъматларидан, ҳам табиат гўзалликларидан бирдек баҳраманд бўлишига тарафдор!

«Ой ёруғида» асарида «Бойчечак очилди» ҳикояси-

даги фалсафа давом эттирилади, чуқурлаштирилади, табиат — инсон — цивилизация муносабатларининг янги қирралари очилади. Бу ҳикояни ўқиб, ундаги табиатдан узоқлашиб қолган йиғит қисмати ва ҳолати билан танишиб, яна бир ҳақиқатни кашф этгандай бўламиз: табиатдан узоқлашиш, табиий туйғулардан маҳрум бўлиб қолиш кишининг ақл-заковатига ҳам таъсир кўрсатар экан! Ҳикоя персонажи знёли йиғит Самар фақат беҳис, безавқ, жисмоний нотава, омадсиз бир кимсагина эмас, айти пайтда у интеллектуал жиҳатдан чекланган шахс...

Ш. Холмирзаев ҳикояларида замонамизга хос яна бир характерли тенденция ифодасини кўрамиз; унинг кўпчиликл қаҳрамонлари табиат қучоғида яшаб туриб илм-фанга, цивилизация қучоғига талпинадилар, ҳар жиҳатдан замонга муносиб бўлишга интиладилар. «Жарга учган одам» ҳикояси қаҳрамони табиат шайдоси Ислом: «...ўн синф маълумотим бор. Ҳозирги даврда бу ғирт саводсизлик», дейди ва ўзини ўқишга, фан оламига уради. Табиатга шайдолик билан табиат, дунё ҳақидаги билимдонлигининг қўшилиши туфайли бу одам илғор замондошимиз даражасига кўтарилади; «Ой ёруғида», «Кулган билан кулдирган», «Тикан орасидаги одам» каби ҳикоялардаги ижобий персонажлар мана шу икки жиҳатни ўзларида мужассам этган ёки шунга интиладиган шахслардир. Мабодо шу мутаносиблик қандайдир шаклда бузилса, кўнгилсизлик учун йўл очилади, қаҳрамон ё кулгили, ёки фожий аҳволга тушиб қолади.

«Кекса ғижжакчи», «Ўзбекнинг соддаси» ҳикоялари, персонажлари ниҳоятда самимий, дилкаш, беғубор, беминнат кишилар, улар ўзларининг содда фалсафаси, заҳматкашлиги билан кишида илиқ меҳр, ҳавас уйғотади; айти пайтда ёзувчи ҳам, китобхон ҳам содда қариянинг таваккалчиликдан иборат фалсафаси билан танишиб, қалтис ҳаракатларини кўриб, кекса ғижжакчининг эскича машқларини эшитиб, беминнат ўйинларини томоша

қилиб беозоргинна кулиб қўяди. Ҳар иккала ҳикоя персонажларидаги комик ҳолатлар заминини шундаки, улар маълум даражада замондан орқада қолган шахслардир.

«Кекса ғижжакчи», «Ўзбекнинг соддаси» персонажлари ҳаётдан орқада қолган бўлсалар-да, зарарли кимсалар эмас, қария ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмайди, кекса ғижжакчи эса санъаткорликка даъво қилмайди, аллақачон санъат соҳасидаги ишини йиғиштириб, бошқа касбга — новвойликка ўтиб кетган, аммо санъатдан сира кўнгил узолмайди, кези келганда ўша эски санъати билан одамларнинг кунига ярайди... Шунинг учун ҳам улардаги кулги — беозор кулги. «Кулган билан кулдирган», «Тикан орасидаги одам», «Аҳад мирзо йиғлади», «Кечаги кун — кеча» ҳикояларида эса бошқача манзарага дуч келамиз. Ёзувчи уларда ҳаётдан орқада қолган қолоқ кимсаларнинг фожиасини хийла кескин фош этади. Уларда салбий персонажлар ўз қилиқлари, хатти-ҳаракатлари билан ўзларини ҳам, ўзгаларни ҳам ноқулай аҳволга солиб қўядилар, ўзгаларга, жамиятга зарар етказадилар. Шунинг учун ҳам улар қаҳр билан қаламга олинган, кескин фош этилган.

Шукур Холмирзаев ҳикоялари услуби, ифода усуллари, тасвир оҳанги, ритмикаси билан ҳам эътиборни тортади. У А. Пушкин, А. Чехов, А. Қаҳҳор каби устозлар изидан бориб ихчамликка, картиналарнинг аниқ ва лўнда бўлишига, ҳамма нарсани ҳаракатда кўрсатишга интилади.

«Тонг отди. Фани ака боши оғриб уйғонди. Кийим-бошини алмаштириб, сойга ўтди. Сувга тушди. Қайтди. Булоқ бошида тўхтади. Яқиндаги дард-аламларини эслади. Хомушланди. Ниҳоят... ўзини бахтиёр сезиб, балки умрида биринчи марта тўла бахтиёр сезиб, новвойхонага қайтди».

«Кекса ғижжакчи» ҳикоясидан олинган бу парчада персонажнинг тунги базмдан кейинги ҳолати кўрсатилаётир. Қаранг, шу кичик парчада персонажнинг қан-

чадан-қанча ҳаракати, шу ҳаракатлар жараёнидаги хилма-хил ҳолати, руҳияти, руҳиятидаги ўзгаришлар ўз ифодасини топган! Тўпلامда бу хил ўринлар кўп.

Ёзувчининг тасвир оҳанги хийла босиқ, бир қадар монотонли. Бу ҳол кишида бир оз эътироз ҳам туғдиради. Автор ҳаётидаги хилма-хил ҳолатларни, лавҳаларни қаламга олади-ю, ҳамма ҳолларда — драматик ёки фожий моментларда ҳам, кулгили ёки қаҳр уйғотадиган ўринларда ҳам, лирик ёки ўта шодлик дақиқаларида ҳам — ҳамма ерда деярли бир хил оҳангда сўзлайди. Унинг асарларидаги қаҳрамонона характерлар ҳам, фожий, сатирик ёки юмористик моҳиятга молик персонажлар ҳам — барчаси айтарли бир хил бўёқда чизилади. Ёзувчи ўзининг қалб тўлқинларини мумкин қадар пинҳон тутати.

Шуниси характерлики, тўпلامда ҳодиса, характерлар четдан туриб ҳолис — объектив акс эттирилган ҳикоялар билан бир қаторда бошқа турдаги асарлар ҳам учрайди; уларда ёзувчи «ҳикоячи персонаж» сифатида воқеаларга аралашади, баҳо беради. Автор «Ҳикоя ҳақида» сарлавҳали мақоласида: «Ҳикояда ёзувчи, кези келганда, қаҳрамонларга муносабатини бекитмаса ҳам бўлаверади», деб ёзган эди («Шарқ юлдузи», 1971, № 1, 221-бет). Ёзувчи кейинги пайтларда шундай усулга тобора мойилроқ бўлиб бораётир.

Воқеаларга фаол аралашув, қаҳрамонларга ошкора муносабат бошқа ҳикоянависларда, масалан, Саид Аҳмадда ҳам бор. Бироқ Саид Аҳмад новеллаларидаги «ҳикоячи персонаж» лирик кайфиятли, шоиртабиат шахс, унинг аралашуви ҳодисанинг эстетик моҳиятини очишга, лирик, драматик ёки комик таъсирчанлигини оширишга хизмат этади... Шукур Холмирзаев ҳикояларида эса ўзгача, ундаги «ҳикоячи персонаж» фалсафага мойилроқ, зиёли — олимтабиат шахс, у ҳодисага кўпроқ аналитик жиҳатдан баҳо беришга интилади. «Ҳаёт абадий», «Бойчечак очилди», «Ёсуман» худди шундай «аралашув» туфайли «аналитик ҳикоя»нинг дуруст намуналари дара-

жасига кўтарилган. Аммо бу йўлнинг хавфли томони ҳам бор. Айрим ўринларда бу хил аралашув бадийликка путур етказиб қўяётир, ҳикояни мақола, оддий илмий асар, нари борганда очерк томон тортиб кетаётир. Чунончи, «Ора йўл»ни эслайлик, унда яхши кузатишлар, фикр-мулоҳазалар бор, бироқ у ҳикоядан кўра илмий мақолага яқинроқ туради, асар жанр жиҳатидан ора йўлда қолгандай туюлади.

Умуман, Ш. Холмирзаев ҳикояларида ихчамликка, сиқикликка, босиқликка, аналитик таҳлилга интилиш қисман маҳаллий колоритга, қолаверса, ўз услубига ўта маҳлиё бўлиб кетиш оқибати ўлароқ тасвир бирмунча қуруқроқ чиқаётир. Бу хилдаги услуб бошқа ёзувчиларда ҳам учрайди. Уларни баҳолашда хилма-хил қарашлар мавжуд, баъзилар уни «бадийлик традициясидан чекиниш», деб баҳолайдилар, бошқалар эса унга «замонавий стил», «интеллектуал жиҳатдан юксак ҳозирги китобхонга мос услуб», деб қарайдилар. Ёзувчи Г. Бакланов «Литературная газета»даги суҳбатида шундай фикрни ўртага ташлайди: «Биласизми, ҳозир кишилар бир-бирлари билан, айтайлик, бундан йигирма беш йил бурунгига қараганда бир оз бошқачароқ гаплашади. Фикр алмашув хийла тезлашиб кетди».

Адиб сўз санъати ҳамиша китобхон тажрибасига, дид ва савиясига таянажаги ҳақида тўхталиб, сўнгга шундай дейди:

«...Менимча, сифатлаш, ўхшатиш ва ҳоказоларсиз ҳамма нарсани кўрсатиш ва айтишга қодир проза идеал проза саналади...

...Мен энг сербўёқ тасвирларга қараганда китобхонни кучлироқ тўлқинлантирадиган, кулдирадиган, йиғлатадиган ва чўчитадиған, ҳаяжонга соладиган бепардоз тасвир тарафдориман» («Литературная газета», 1974, № 32).

Менимча, Шукур Холмирзаев ўзи танлаб олган тасвир услуби ва усулини ана шундай даражага етказиши учун унга яна кўп сайқал бериши, катта меҳнат қилиши керак.

1974

ТАРИХНИ БАРАҚЛАБ, САНЪАТНИ УЛУҒЛАБ

XV аср — ўзбек халқи тарихининг ғоят мураккаб, зиддиятли даври. Бу асрга келиб, бир томондан, марказлашган феодал давлатни сақлаб қолиш учун қизғин кураш кетади, иккинчи томондан, унинг инқирози бошланади, тож-тахтни деб ота билан бола, ака билан ука орасида қонли олишувлар авжига чиқади; бир томондан, маданият, фан, санъат, адабиёт гуллаб-яшнайти, бошқа томондан, фан, санъат аҳли сиқувга олинади; илғор тафаккур билан ислом мутаассиблиги, эркин фикр билан қолоқ тушунчалар орасидаги зиддият кескинлашади.

XV аср драмалари ўша давр тарихчилари, сўз санъаткорлари асарларидаёқ ўз ифодасини топа бошлаган эди, кейинги асрларда ҳам бу давр ҳодисалари кўплаб мутафаккирларнинг эътиборини тортади. Бироқ фақат бизнинг замонимизга келиб XV аср чинакам илмий баҳосини ола бошлади, социалистик реализм методига асосланган совет адиблари ўша давр халқ тарихининг ҳаққоний, реалистик манзарасини гавдалантиришга муваффақ бўлдилар. Ойбекнинг «Навой» романи, Уйғун билан И. Султоннинг «Алишер Навой» драмаси, С. Бородиннинг «Самарқанд осмонидаги юлдузлар» эпоеяси, М. Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек трагедияси», О. Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» асари, Навой ва Улуғбек ҳақидаги кинофильмлар яхлит ҳолда ўн бешинчи асрнинг бадий тарихини ташкил этади. Шулар сафига Мирмуҳсиннинг «Меъмор»¹ асари қўшилди.

Мирмуҳсиннинг кўпчилик асарлари замондошларимиз

¹ «Шарқ юлдузи», 1974 й., 9—11- сонлар.

ҳақида, бироқ у қўнган бери тарихий. Унинг *Ташкил* ҳам қалам теоретик келати, унинг қонинин *Сир* каби насн материал асосида яратган «Широк» *Ташкил*, *Ташкил* бир ҳақидаги баъза насн таъқиқчиларни *Ташкил* *Ташкил* ни олган, халқимизнинг ниқилобдан бурунги *Ташкил* баҳс этувчи «Оқ мрамор», «Чўри», «Ташкил *Ташкил*» каби ҳикоя ва қиссалари «Мемор»нинг *Ташкил* қўл келди.

Романининг ёзилган сабабон хусусини *Бизнинг ширини* дейди:

«Қадимги меъморлар санъати кўндин мени кўндин
риб келарди. Қошнингизлик, қўлолчилик касби менин
мерос бўлиб, индишларга нақш солиш ишига боғлиқ
ошқоллигим, халқ усталарига ҳурмат ва эътиқодим
ҳақида асар ёзиш ниятини туғдирди. Лекин ўз-ўзим
аёнки, бу эзгу ниятнинг амалга ошириш учун кўп
омиллар кифоя қилмас эди. Ўтмиш меъморлари
ва ҳамон кишиларнинг ҳайратга солиб турган обиделари
бевосита кўриш билан бирга, уларга алоқадар
тарихий манбаларнинг ҳам қўл билан ўрганишта
келди».

Шу тариқа XV аср ҳақида ўзига хос роман яратилган.

«Меъмор»нинг мавжуд тарихий-бадний асарлар билан ҳам муштарак, ҳам фарқли томонлари бор. Ўзбек тарихий драма ва романларига хос муҳим бир хусусият шуки, уларнинг кўпчилигида ўтмиш зулмати ичидagi нурлар кўрсатилади. Ўз даврининг билимдон, заковатли адиблари бош қаҳрамон қилиб олинади, ўша нағор, маърифатпарвар шахсларнинг, ижтимоий мавқеадan ҳаттоки назар, халқ билан алоқаси, тарихий прогрессда тутган ўрни ва роли, мураккаб тақдир масаласи авторларнинг диққат марказида туради. «Ўтган кунлар»даги адиб Юсуфбек ҳамда Отабек, «Меҳробдан чад»даги мирзо Аквар, «Навойи» ва «Алишер Навоий» асарларидаги адиб Навоий, «Мирзо Улугбек» билан «Улугбек ҳазинаси»даги олим Улугбек образларида шу хусусиятни кўрамоқ

«Меъмор»нинг бош қаҳрамони асрининг илғор зиёлиси, «фаҳр билан тилга олинадиган» заковатли кишиси, автор уни «Жаъфар Табризий, «малик ул-калом» Лутфий, устод Қавом, мавлоно Шарафиддин Али Яздийлар... қаторида» турадиган шахс сифатида таърифлайди.

Аввалги асарларда қаҳрамонлар ё исёнкор арбоб, ё мутафаккир шоир, ё маърифатпарвар олим мунажжим бўлса, бу асарда ўз номи билан меъмор. Тарихда айнан меъмор Нажмиддин Бухорий деган шахс ўтгани маълум эмас, аммо XV асрда ўнлаб машҳур меъморлар бўлгани аниқ. Ёзувчи Нажмиддин Бухорий тимсолида ўша тарихий шахсларнинг хислатларини, юксак заковатини, орзуинтилишларини, қисматини кўрсатмоқчи бўлган.

Меъморчилик ўз табиатига кўра ҳам ақлий, ҳам жисмоний меҳнатни ўзида бирлаштиради. «Меъмор»да меҳнаткашлар ҳаёти кенг ўрин олган, меҳнатни улуғлаш етакчи мотивлардан бирига айланган.

Айни пайтда меъморчилик — санъат, бинобарин у хилма-хил ғоялар, дидлар, синфий манфаатлар тўқнашадиган улкан майдон. «Меъмор» қаҳрамони характерини ёзувчи ана шу курашлар жабҳасида очишга, унинг ҳаётидаги бутун зиддиятларни асрининг улкан ғоявий курашлари билан туташ ҳолда талқин этишга тиришади.

Меъмор ўз даврининг кўпчилик улуғ кишилари каби исломнинг қатор қолоқ ақидаларига қарши чиққан ҳуруфий гуруҳига мансуб шахс, унинг ота-боболари сарбадорларга алоқадор кишилар бўлган. Меъмор — ноёб талант эгаси. Ҳукмдорлар ундан фойдаланиб қолмоқ, унинг ноёб таланти орқали ўз шон-шавкатларини оширмоқ истайдилар, дарҳақиқат, Меъморнинг бутун умри салтанат ҳузурида, унинг хизматида ўтади. Меъмор ўз санъати, меҳнати фақат ҳукмдорлар учун эмас, эл-юрт манфаати учун ҳам хизмат қилишидан маълум даражада таскин топади. Меъмор хизмат юзасидан ҳукмдорлар билан маълум мулоқотда бўлса-да,

ғоявий жиҳатдан уларга ашаддий рақиб. Асарнинг асосий конфликтни мана шу зиддият асосига қурилган.

Роман ҳуруфийлар томонидан Шоҳруҳга уюштирилган суиқасд ҳамда ҳуруфийларга қарши авж олган шафқатсиз таъқиб — репрессия тасвиридан бошланади. Ҳуруфийларга алоқадор бўлгани учун Меъмор ўғли Низомиддин ҳам ҳибсга олинади; Меъмор ўғлини қутқариш учун кўп ҳаракат қилади, бироқ санъаткорнинг илтижоларини рад этиб, Низомиддиннинг тож-тахт шуҳрати йўлидаги хизматини, унутиб, уни қатл этадилар. Бу билан чекланмай, Меъмор қаттиқ таъқиб остига олинади, шаҳардан бадарға этилади, ғаламислар кетидан жосус қўйиб уни йўқотиб юбормоқчи бўладилар, унинг табаррук номини бадном қилиш учун туҳмат, бўҳтонлар тарқатадилар...

Ёзувчи ҳукмдорлар билан Меъмор орасидаги зиддиятни ҳам бевосита, ҳам билвосита — жосус Қораилон, ғаламис Аҳмад Чалабий сингари воситачи персонажлар орқали ифода этишга интилади. Очиги, бош зиддиятнинг бевосита тасвири асарда оз ўрин олган бўлса-да, изчил реалистик тарзда таъсирчан берилган, билвосита кўриниши эса бир оз шартли, детектив саргузашт тусини олган; ёзувчи бутун асар давомида Қораилон билан Аҳмад Чалабийни ошкора қоралаш, сўкиш, масхаралаш билан банд бўлган. Бу икки салбий персонажнинг деярли бир хилда қора бўёқ билан таъриф-тавсиф этилиши уларнинг таъсир кучини қисман сусайтирган, индивидуал қиёфасини хиралаштириб қўйган. Ҳаттоки асарда кўп тилга олинган, ададсиз жиноий ишларга қўл урган Қораилонни жонли одам тарзида кўз олдимишга келтиролмаймиз.

Меъмор ҳуруфийлар тўдасига дахлдор одам бўлса-да, мумкин қадар ўзини «холис» тутишга тиришади. Бу, бир жиҳатдан, ўзини оқлайди, мислсиз таъқиблар авж олган бир даврда саройга яқин турган одамнинг ғоявий маслагини сир тутиши табиий. Бироқ бу «холис»лик таъқиблар тазйиқи сусайгандан кейин ҳам бирдек давом

этаверади. Бунинг устига ҳуруфийлар идеологиясининг санъат, жумладан, меъморчилик ривожини, ундаги йўналишлар билан боғлиқ томонлари ҳам бор эдики, бундай масалалар ёзувчи эътиборидан четда қолган, ўша давр ғоявий оқимлари орасидаги курашнинг бевосита санъатдаги, меъморчиликдаги кўринишлари ҳам қаламга олинганда, асарнинг қиммати ортган бўларди.

Роман конфликтининг ўзига хос томони шундаки, асар можаронинг энг кескин онларидан бошланиб у секин-аста бартараф бўла боради, асосий можаро энди ечилай деб турганда, янги бир можаро бошланади, янги можаро ҳам аслида бош можаронинг ё давоми, инерцияси ёки янги бир кўриниши бўлиб чиқади; романнинг иккинчи қисмидаги Меъмор билан Қарши беги орасидаги муносабат — бекнинг Меъморни хуш қабул қилиши, ишга солиши, иш битгач, совуқ муносабати; учинчи қисмдаги Улуғбек билан учрашув, Абусанд билан тўқнашув воқеалари ҳам Шоҳруҳдан бошланган рақобатнинг бошқачароқ кўринишларидир. Шоҳруҳ — Меъмор орасидаги зиддиятнинг ўзгича бир роман учун кифоя қилар эди, бу билан чекланмай, автор Меъморни бошқа ҳукмдорлар ҳузурига ҳам етаклаган экан, бунда қисман бошқа мақсадлари ҳам назарда тутган; дарҳақиқат, галдаги можаролар бош қаҳрамон характерининг баъзи жиҳатларини тўлароқ намоён этишга хизмат этган. Чунончи, бек билан бўлган можарода Меъмордаги халққа яқинлик бўртиб кўринади, бекнинг мунофиқлиги Меъморни ортиқча ташвишга солмайди, чунки чўлда у қурган сардобадан ҳукмдорлар эмас, аввало, оддий меҳнат аҳли манфаатдор, Меъмор бу билан фахрланади; Меъмор Улуғбекни энг адолатпарвар, маърифатпарвар шоҳ деб билади, бироқ шу адолатпарвар мирзога ҳам у кек сақлайди; Меъмор ўғли Низомиддин хусусида Улуғбекка арзнома юборган, лекин арзи жавобсиз қолган, Улуғбек фармойиши билан Самарқанддан ғайридинларга қарши уюштирилган қатли омда Меъморнинг энг яқин киши-

си — моҳир уста Жўржий ўлдириб юборилган. «Меъмор ва мунажжим» бобида мана шу мураккаб, зиддиятли ҳодисаларнинг илдишлари очилади.

Романдаги бош қаҳрамон билан боғлиқ бир қатор ёрқин лавҳаларни эслатиб ўтишни истардим. Меъморнинг ўғли ҳибсга олингандан, айниқса қатл қилингани маълум бўлгандан кейинги оғир руҳий ҳолати таъсирчан ифода этилган; унинг Ҳиротдан бадарға бўлиш олдиди шаҳар билан, ўзи қурган кошоналар билан видолашув онлари ғоят ҳаяжонли чиққан; икки-уч ўринда санъат кишининг ижод психологияси яхши очилган; бадний ижод ғоят сирли-сеҳрли жараён, ижодий фикр осойишта лирик дақиқаларда ҳам, баъзан даҳшатли драматик онларда ҳам туғилавериши мумкин. Саҳрода Халач бўрони туриб жамики тирик жонни ўз комига тортишга чоғланаётган бир пайт. Барча йўловчиларда жон қайғуси-ю, Меъморда ижод туйғуси, бўрондаги қум гирватлари унинг кўзига бўлғуси кошоналарнинг миноралари, учиб бораётган сариқ қум — девору-равоқларнинг ўзгинаси бўлиб кўринади...

Мирмуҳсин Абдулла Қодирий тажрибалари изидан бориб, бош қаҳрамонлар тақдири, тарихий воқеалар тасвири билан ёндош ҳолда оддий халқ ҳаётининг этнография икир-чикирлари — маншати, касби кори, тўй-базмлари, маъракаю маросимлари ифодасига ҳам кенг ўрин беради. Ҳиротдаги равоч сайли, сардоба қурилишидаги халқ ҳашари, қурилиш шарафига уюштирилган базм-зиёфат, базмдаги халқ бахшиларининг нағмаю куйлари, меъморчилик меҳнатига оид маълумотлар, Меъморнинг шогирдларни синовдан ўтказиш усули ва ҳоказолар қизиқиш билан ўқилади.

«Ўмид», «Дегрез ўғли» романларидан маълумки, Мирмуҳсин эпизодик персонажлар яратишга хийла моҳир. Шу хислатни «Меъмор»да ҳам кўрамиз. Ундаги грузин уста Жўржий, сахий қалб эгаси — оддий саҳро одами Чўли бобо, тажанг, девоғасифат «бичилган қул»

Тожи қиёфаси, «малик ул-калом» Лутфий портрети китобхон хотирида узоқ вақт сақланиб қолади.

Романдаги етакчи персонажлар орасида Бадиа алоҳида ажралиб туради. Бу персонаж талқинида ёзувчи халқ романтик дostonлари анъаналари йўлидан боради: «Меҳробдан чаён»даги Раъно, «Навой»даги Дилдор, «Номаълум киши»даги Турғуной, «Улуғбек хазинаси»даги Хуршида бону образларини ёдга туширувчи бу персонажда негадир инсоний жозиба етишмайроқ турибди. Эҳтимол, ёзувчи унинг жасурлигини таъкидлайман деб аёллик нафосатини етарли очиб беролмаганмикин... Ёки ўта романтик бўёқлар туфайли ундаги реал инсоний қиёфа хиралашиб қолганмикин...

Бу хил кам-кўстлардан қатъий назар, Мирмуҳсиннинг «Меъмор» романи XVаср тарихи, у даврдаги маданият, санъат, халқ ҳаёти ҳақида маълум тасаввур беради, ўша оғир замонларда қаттиқ сиқувларга қарамай ажойиб обидалар яратган санъат аҳлига, меъморлар жасоратига, оддий халқ меҳнати ва заковатига кўнглимизда ҳурмат уйғотади.

1974

МУНДАРИЖА

Насриџиз анъаналари	3
Конфликт ҳусусидаги баҳсларга доир	87
Қўнгилдаги гаплар	104
Очилган ва очилмаган қўриқлар	141
Нафосат туйғуси	162
Тирик қўшиқдай	170
Мангу ҳазина	179
Ҳам саргузашт, ҳам таҳлил	188
Ўзига хослик сирлари	198
Тарихни варақлаб, санъатни улуғлаб	208

На узбекском языке

УМАРАЛИ НАРМАТОВ

ТРАДИЦИИ УЗБЕКСКОЙ ПРОЗЫ

(Сборник статей)

Редактор *Б. Норбоев*
Рисунки *В. Куликов*
Рисунки редактор *Я. Жирков*
Техн. редактор *Э. Саидов*
Корректор *М. Қудратова*

ИБ № 426

Босмахонага берилди 2/VII-77 й. Босинга рухсат этилди 28/II-78 й. Формати 70×108^{1/2}. Босма л. 6,75. Шаргли босма л. 9,45. Нашир. л. 9,62. Тиражи 5000. Р. 12358. Фафур Фулом номдаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, Навоий кучаси, 30. Шартнома № 114—77 г.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат комитетининг Т. П. П. О. „Матбуот“ полиграфкомбинатида тайёрланган матрицадан 1-босмахонада № 1 қоғозга босилди. Тошкент, Хамза кучаси, 21. 1978 йил. Заказ № 451. Баҳоси 65 т.